

2007 № 1-4

Р 566 / 2007 / 1-4

ТАФАККУР




ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

50

ТАФАККУР 1/2007



BESH PANJAGA MENGZAMANG



“Абадият қонуни” (Нодар Думбадзе) романи қаҳрамонларидан бирининг бундай гапи бор: “Инсоннинг юраги унинг танасидан юз баробар оғирроқ... Шу даражада оғирки, уни бир киши кўтаролмайди... Бинобарин, биз — одамлар, токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз, бир-биримизнинг юрагимизга мадад бўлишга ҳаракат қилишимиз керак. Токи ўлим ҳаётда бизни ёлғизлик балосига гирифтор қилиб қўймасин...”

Ижтимоий адолат, ижтимоий ҳимоя, ҳамжиҳатлик, биродарлик каби тушунчалар фақат социалистик тузумга тегишли гаплар деб ўйлаш хатодир. Қонун кучи устувор бўлган, иқтисодиёти бозор муносабатларига мосланган кўпгина мамлакатларда ижтимоий адолат тамойили, ижтимоий муҳофаза тизимлари жамиятни барқарор этувчи инсонпарвар сиёсат сифатида ўзини оқлаб келаётгани маълум. Албатта, бозор муносабатларининг хос қонун-қоидалари бор, жумладан, ишлаган — тишлайди, кўпроқ меҳнат қилган — кўпроқ топади. Бир қарашда бу ҳол чинакам адолатдан. Аммо бандаси майиб-мажруҳ туғилган бўлса-чи? Кексайиб, бир пиёла сув узатадиган кимсага зор қолган бўлса-чи? Ёки ўзини ҳарчанд ўтга-чўкка урмасин, бир этак боласини едирмоқ-ичирмоққа қурби етмаётган камхарж бўлса-чи?.. Шарқона, айниқса, муслимий таомилга кўра, бундай вазиятда қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалла-кўй беминнат ёрдамга келади. Инсонпарварлик тамойилини танлаган жамият мадад қўлини чўзади.

Аслида, Оллоҳ таоло олдида бани банда тенг, баробар. Барча ўзига яраша ризқ-рўз билан дунёга келади. Эҳтимолки, Яратган эгам йўқнинг насибасини ҳам борга қўшиб бергандир — уни синаб кўрмоқ, инсоний имтиҳондан ўтказмоқ учун... Беш панжа баробар эмас-ку, ҳар ким қисматига ёзилганини кўраверсинда, дегувчилар ҳам топилади. Уларга жавобимиз бундай. Аввало, инсоф юзасидан, бутун бошли одамни, сизу бизга ўхшаган тирик жонни анчайин бармоққа қиёслаш норово. Қолаверса, ўша бармоқлардан қайбирини тишланган, тана — жамият бирдай азият чекади. Демак, “ўзини билган” жамият — ялакатмағз, ҳамжиҳат бўлмоғи, биродарлик чашмасидан бирдай баҳраманд яшамоғи лозим. Зеро, дейлик, бош бармоқ жимжилоқдан қарздор этиб яралган...

Ўтган йилларимизнинг шиорларини бир-бир эсланг: Оила йили, Қарияларни кадрлаш йили, меҳр-мурувват, ҳомийлар... Мана, энди — Ижтимоий ҳимоя йили! Жамият сиёсатида ана шундай изчиллик, уйғунлик бўлмаса, ишонч-этиқод тўғрисида гапириш ортиқчадир.

Биз — одамлар, токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз керак...

Икром Аҳмад





Ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. “Ижтимоий” деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор.

Ислом КАРИМОВ



*Моли дунё ҳаммадан қолди,
сендин ҳам қолур,
Яхшидир дунёнг эмас, қолса
жаҳонда яхшилик.*

Жалолиддин РУМИЙ





TAFAKKUR



Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳририят:

Дамин ЖУМАҚУЛ
(масъул котиб)
Холли НОРБОЙ
(бўлим мудир)
Шоҳ САНАМ
(бўлим мудир)
Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудир)
Наргиза УСМОНОВА
(саҳифаловчи)
Журналини безашда Жавлон
УМАРБЕКОВ асарлари ва
Машраб НУРИНБОЕВ олган
суратлардан фойдаланилди.

Жамоат кенгаши:

Дилором АЛИМОВА
Абдулла АЪЗАМ
Муҳсин АШУРОВ
Хуршид ДАВРОН
Нуриддин ЗАЙНИЕВ
Баҳодир ЗОКИР
Нажмиддин КОМИЛ
Султонмурод ОЛИМ
Хайридин СУЛТОН
Нурислому ТҲЛИЕВ
Абдурахим ЭРКАЕВ
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ
Муртазо ҚАРШИБОЙ
Фарҳод ҲАМРОЕВ
Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 120-рақам билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй



133-10-68
139-05-19

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, 700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2006 йил 25 декабрь куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 8 босма тобак, 3127-бўжуртма. Нашр адади 3000 нуска.

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Кенгашнинг қўш қаноти.....6

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

✓Гулсара ШЕРМАТОВА. Тараққийпарвар ғоялар — маънавий асос.....12

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

✓Олим ТОШБОЕВ. Келажак қайғуси ёхуд глобаллашув жараёни.....16

РОСТЛИК — ХАЛОСЛИК

Иброҳим ҲАҚҚУЛ. "Илмни ким воситаи жоҳ этар...".....20

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Абдулла ШЕР. Ой нуриддек енгил бўлсин юкингиз.....34

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Мўъжизалар олами. Жавлон УМАРБЕКОВ асарлари.....40



Қўл бағридаги ўтов

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Фозил ИСКАНДАР. Қўшюррак. Ҳикоя.....44

SAHI FALARIDA

саҳифаларида

НАВОИЙ СОҒИНЧИ

Султонмурод ОЛИМ. Навобахшлик.....68

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Умарали НОРМАТОВ, Насимхон РАҲМОН.
Тил тақдири — миллат тақдири.....70

СИРЛИ САРҲАДЛАР

Чори НАСРИДДИНОВ. Даҳолик
сирлари.....74

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Гулноза РЎЗМАТОВА. Фрейдизм:
онг ва онгсизлик муаммоси.....82

ХАЗИНА

Ҳақиқат садоси. *Дзенлар*.....88



Николай Рерих. "Будда роҳиби"

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Фарҳод ҲАМРОЕВ. Узоқлашаётган тоғ....92

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ. Мен нега
китоб ўқийман?.....98



Чори НАСРИДДИНОВ

ТАЛКИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Исмоил САИФНАЗАРОВ. Энг улуг
қадрият.....108

Азиз МИРЗАЕВ. Миллий хавфсизлик-
нинг муҳим омили.....110

Эркин УМАРОВ. Янгиликлар манбаи.....113

Баҳром ЖЎРАЕВ. Профессional
парламент ва жамият.....114

Лаълихон МУҲАММАДЖОНОВА. Кенг
қамровли ҳаракат.....115

Дағар РАСУЛОВ. Экологик маданият
шартлари.....117

Анвар ОМОНТУРДИЕВ. Нутқдаги
таъбирлар.....119

Расулҷон ЮСУПОВ. Ҳақиқатни
англатган изланиш.....120

Зухра СОБИРОВА. Тақдир сийлови...122

Ботир АЛИҚУЛОВ. Насафийнинг
халқчил мероси.....123

Абдурашид МИРЗААҲМЕДОВ. Комил-
лик йўлидаги кураш.....124

Аҳмад АБДУЛЛАЕВ. Ботиний ганим.....125

Журналнинг англизча мухтасар
мазмуни.....127



МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ




**KENGASHNING
QO'SH QANOTI**

Истиқлол йилларида юртимизда маънавий-маърифий ишлар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланди. Бугун мустақилликка эришганимизга ўн беш йилдан ошаётган бўлса, ўтган давр мобайнида бу масала ҳеч қачон эътибордан четда қолгани йўқ.

Ватанимиз истиқлолининг ўн беш йиллиги арафасида Президент Ислам Каримов асарларининг 14-жилди босмадан чиқди. Агар ана шу 14 жилдлик асарларнинг ҳар бири синчиклаб варақлаб кўрадиган бўлсак, деярли ҳар бир нутқ ёки маърузада халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий тарбияси билан боғлиқ масалалар тилга олинганига, бу борадаги сиёсат изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ёки юртбошимиз томонидан кейинги бир-икки йилда имзоланган қарорлар, фармон ва фармойишларни оладиган бўлсак, уларнинг кўпи қайсидир жиҳатдан маънавият масалалари билан узвий боғлиқ эканини кўрамиз. Бу бежиз эмас. Чунки дунёдаги турли сиёсий кучлар ўртасида манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бу-



гунги даврда маънавият соҳасидаги ёндашувларни мутасил янгилаб, такомиллаштириб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу соҳадаги илмий-амалий, тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари асосида кучайтиришда Президенти-миз томонидан ўтган йил 25 августда имзоланган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарорнинг аҳамияти айниқса беқиёсдир.

Қарорда аввало маънавий-маърифий ишларни теран таҳлил этиш, уларни танқидий баҳолаш, бу борадаги аҳволни тубдан яхшилаш масаласи ўта долзарб вазифа қилиб қўйилган. Ана шу зарурат асосида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши таркибига жиддий ташкилий-амалий ўзгартишлар киритилган.

Қарорга биноан, Маънавият ва маърифат кенгаши тизимида янги бир тузилма — Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил қилинди. Албатта, айрим юртоқларимизда, нима сабабдан айнан шундай марказ тузилди, деган савол туғилиши мумкин. Бундай марказни тузишдан мақсад аввало маънавият ва маърифат соҳасида олиб борилаётган ишларнинг мустаҳкам замонавий илмий-назарий асосга эга бўлишига эришишдан иборат. Ахборот ва мафкура соҳасидаги курашлар кун сайин шиддатли тус олаётган ҳозирги мураккаб даврда маънавий-маърифий ишларнинг ана шундай мустаҳкам асосга эга эмаслиги кўп ҳолларда ташкил этилаётган тадбирларнинг етарли даражада самара бермаслиги, юзаки ва кўр-кўрона ўтишига сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки, жамоатчилик ўртасида тарғиб этиладиган фикр ёки ғоянинг илмий негизи пухта ва мустаҳкам ишлаб чиқилмас экан, қуруқ ваъзхонлик, саёз қарашлар, сийқа талқинлар, мафкуравий таъсирчанлик ва узокни кўзлаган стратегиядан холи тадбирлар билан бугунги ахборот замонида ҳеч кимнинг эътиборини тортиб бўлмайди.

Ана шундай камчиликларга барҳам бериш, маънавий-маърифий ишларни аниқ ғоявий мақсад, илмий-амалий услублар асосида амалга оширишда бугун фаолият бошлаётган янги марказ муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қарорга мувофиқ, шу кунга қадар Республика “Маънавият ва маърифат” маркази сифатида фаолият юритиб келган ташкилотнинг номи Республика Маънавият тарғибот маркази деб ўзгартирилди, унинг фаолият йўналиши асо-

сан маънавий-маърифий тарғибот ишларидан иборат қилиб белгиланди. Маънавий-маърифий жабҳада илмий-амалий соҳа билан тарғибот-ташвиқот ишларининг алоҳида йўналишларга ажратилиши ва шу асосда ҳар қайси марказнинг фаолият майдони аниқ белгилаб берилгани бу борадаги умумий тадбирларнинг узвий ва самарали бўлишини таъминлайди.

Қисқача айтганда, энди Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази бамисоли Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг қўш қаноти сифатида яқин ҳамкорликда иш олиб боради.

Яна бир муҳим ўзгариш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари лавозими жорий этилгани бўлди. Маълумки, шу вақтга қадар жойларда маънавий-маърифий ишларни ташкилий-амалий жиҳатдан мувофиқлаштириш масаласида оқсоқлик сезилаётган эди. Янги таъсис этилган ёрдамчилар лавозими ана шу бўшлиқни тўлдириш, яъни жойларда маънавий-маърифий соҳада олиб бориладиган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, мазкур лавозимнинг жорий этилиши биринчи раҳбарлар ва ҳокимият идораларининг маънавият масалалари билан бевосита шуғулланиши, жамоатчиликни бу жараёнга кенг жалб қилиш, маънавий-маърифий ишларни муайян ҳудуднинг умумий ривожланиш жараёнлари билан уйғун ҳолда олиб боришда қулайлик яратади.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Маънавият ва маърифат кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари эса Кенгашнинг ҳудудий бўлимлари раҳбари сифатида фаолият олиб борадиган бўлди.

2006 йил 9 сентябрда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ана шу Қарорда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Бош вазир, Кенгаш раиси Шавкат Мирзиёев бошқарган ушбу йиғинда Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Кенгаш раиси ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, маънавий жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Мажлисда Президентимиз томонидан имзоланган “Миллий гоյ тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарорнинг аҳамияти, унда белгилаб берилган мақсадларни амалга ошириш борасида ҳудудлар ва тармоқлар, маънавият ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда юртимизда маънавият иши давлат миқёсидаги масалага айланиб бораётгани эътироф этилган ҳолда, бу борадаги аҳвол батафсил таҳлил қилинди. Маънавият деганда, маънавий-маърифий ишларни олиб бориш деганда, кўпчилик фақат бугунги ислохотларни шунчаки мақташ, бўлаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг туб моҳиятига етиб бормасдан, давлатимиз сиёсатини тўлиқ англамасдан, нукул воқеа ва янгиликларнинг ўзини қайд этишдан нарига ўтолмаётгани афсус билан гапирилди.

Маънавият иши — ўта нозик масала экани, уни замон талаблари даражасида ташкил этиш учун чуқур билимга, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга, таъсирчан, самарали тарғибот усулларига эга бўлиш кераклиги таъкидланди.

Маълумки, бугунги ҳаётимизда бирон бир соҳани маънавият жабҳасидаги сиёсатнинг умумий ўзагидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки маънавият инсонни, жамиятни ҳаракатга келтирадиган, озиклантириб турадиган куч-қудрат манбаидир. Маънавиятни йўқотсак — ҳамма нарсани йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак — ҳамма соҳанинг юксалишига замин яратган бўламиз.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда маънавиятимизга нисбатан бўлаётган тажовузларнинг хатарли моҳияти ҳақида юртбошимиз ўзининг нутқ ва маърузаларида қайта-қайта огоҳ этмоқда. Бундай хавф-хатарлар дунёдаги ялпи глобаллашув жараёнлари таъсирида, ахборот оламидаги турли янгиликлар билан ниқобланган ҳолда жамият ҳаётига шу қадар шиддат билан кириб келмоқдаки, уларнинг зарарли ва кўпинча тузатиб бўлмас оқибатини фақат кенг фикрлайдиган, ўзининг кимлиги, қандай зотларнинг фарзанди эканини теран англайдиган юксак маънавиятли одамларгина тушуниши мумкин.

Бундай кучлар ёшларимизни сўз ва фикр эркинлиги, инсон ва жамият эркинлиги, озодлик ва демократияни олға силжитиш, деган ниқоблар остида чалғитишга, руҳий-психологик таъсирнинг энг замонавий усул-услугларини

қўллаган ҳолда, уларнинг мурғак онгига ўз мафқурасини сингдиришга, минг йиллик азалий ва муқаддас қадриятларимиздан Фарб қадриятларини устун қўйишга уринади. Албатта, бу қадриятлар тарихи, мазмун-моҳияти ҳеч қачон холис шарҳланмайди, акеинча, уларнинг маъноси ва фалсафаси маълум ғаразли мақсадларга мослаб, сохталаштириб жорий этишга ҳаракат қилинади.

Ҳозирги кунда Фарб дунёсида эркинликни ниқоб қилиб олган айрим кимсалар нафақат бизнинг миллий анъаналаримиз, балки барча халқлар учун қадрли бўлган инсонийлик ақидаларига тўғри келмайдиган турли бузғунчиликларни оммавий ахборот воситалари орқали очикдан очик кенг тарғиб этмоқда. Президентимиз 2005 йил Янги йил арафасида “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида бир гуруҳ ёшлар билан учрашганида шундай тажовузлар ҳақида фикр юритиб, англиялик қўшиқчи Элтон Жоннинг бир хил жинс вакилларининг никоҳдан ўтиб, оила қуришини эркинлик намунаси сифатида бутун дунёга тарғиб қилаётганини мисол келтирган эди. Бундай одамларнинг ёшлар орасида минг-минглаб мухлиси борлиги ва уларнинг бу каби жирканч қилиқлари ана шу ёшлар онгини заҳарламасдан қолмаслигини, агар инсоннинг қалби ва онги заҳарланса, кейин уни аввалги соғлом ҳолатига қайтариш осон кечмаслигини куйиниб таъкидлаган эди.

Албатта, ҳаё ва ибo, уят-андиша каби тушунчаларни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқнинг фарзандлари сифатида биз бундай ҳолатларга қаршимиз. Лекин орадан беш-ўн йил вақт ўтганидан кейин ўрнимизга келадиган ёш авлод маънавиятимизга қарши қаратилган хавф-хатарларни, ахборот хуружларини бугунгидек яқдиллик билан қатъий рад эта оладими? Уларнинг ана шундай тажовузларга қарши тура билишига бирон бир кафолат, ҳаётий асос борми? Келгусида ўз фикри ва эътиқодида собит, маслагидан чалғимайдиган инсонларнинг сони камаймайдими?

Дарвоқе, жамият ахлоқи хусусида гап кетганда, америкалик Петрик Бьюкенскнинг “Фарбнинг ҳалокати” деб номланган китобини эслаб ўтиш ўринлидир. Бир вақтлар АҚШ президентлари Никсон ва Рейганнинг маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилган, 1992 йилги президент сайловида республикачилар партиясидан номзод сифатида қатнашган ушбу таниқли сиёсатчи ўз асарида Фарб дунёси, жумладан, АҚШни таназзул ва ҳалокатга элтувчи хавф-хатар сифатида энг аввало маънавий айнишни кўрсатади. Америка жамия-

тида “Янги кадриятлар” деб ном олган бундай ҳаёт тарзи оқибатида ота-оналарнинг обрў-эътибори, оила, мактаб, черковнинг роли, яъни Американи буюк давлат қилган таълимчиларга пуғур етаётгани китобда зўр таассуф ва хавотир билан таъкидланади. Шунинг учун ҳам бу каби хатарларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар маънавият соҳасидаги бирламчи вазифага айланиши зарур.

Йиғилишда ана шундай ғоятда муҳим ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этиш, миллий маънавиятимизни замон талаблари асосида юксалтириш учун, аввало, Президентимиз шу соҳада қатъият билан амалга ошираётган изчил сиёсатнинг маъно-мазмунини пухта англаб олиш лозимлигига эътибор қаратилди. Бу сиёсатни асосий қўлланма ва дастуриламал қилиб, бор куч-ғайратимиз, билим ва салоҳиятимизни олдимизда турган шу вазифаларни бажаришга сафарбар этишимиз кераклиги таъкидланди.

Кенгаш мажлисида ташкилий масала ҳам кўрилди. Педагогика фанлари доктори Муҳаммаджон Куронов Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бошлиғи, шоир Минҳожиддин Мирзо эса Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари этиб сайланди.

Шу тариқа мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш йўлида яна бир салмоқли қадам қўйилди.



TARAQQIYPARVAR G'UYALAR — MA'NAVIY ASOS

Иқтисодий, сиёсий ва энг аввало, ҳуқуқий макон тегишлича босқичма-босқич таъминлаб борилмас экан, инсоннинг барча ҳуқуқлари — давлат ишларини юритишда қатнашиши, эътиқод эркинлиги, йиғилишлар, уюшмалар эркинлиги ва шу каби ҳуқуқлар ҳавода муаллақ бўлиб қолаверади.

Ислом КАРИМОВ

Ҳозирги иқтисодий ва маънавий ислохотларни амалга ошириш жараёнида юртдошларимизда демократик тафаккур тарзини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни илмий асосда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, маданий юксалиш ва миллий тараққиёт кўп жиҳатдан жамиятнинг турли табақалари, ижтимоий гуруҳларнинг демократик тафаккури қай даражада ривожлангани билан белгиланади. Модомики, жамиятдаги барча ўзгаришларнинг ижодкори инсон экан, унинг дунёқарashi, ўй-фикрлари мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларига таъсир кўрсатади, янгиланишларнинг асосий омили ва мезони сифатида намоён бўлади.

Маълумки, тафаккур — инсон маънавий дунёсининг ифодаси. Агар шахс маънавиятини яхлит тизим сифатида тасаввур қиладиган бўлсак, тафаккур тарзи унинг ҳал қилувчи унсури ҳисобланади. Шахснинг тафаккур тарзи унинг нафақат ички кечинмалари маданий ва ахлоқий даражасини, балки турли ижтимоий му-

носабатлар доирасидаги хатти-ҳаракатлари савиясини ҳам кўрсатади.

Анъанавий фалсафа методологияси тарафдорлари тафаккурни ижтимоий воқелик инъикоси сифатида таърифлаб, унинг ўз-ўзини янгилаш ва ҳаракатга келтириб бориш хусусиятини, воқеликка фаол таъсир ўтказиш имкониятларини тўлиқ таҳлил қилишмаган. Одатда ҳар бир халқ вакилида ажодлар тафаккур тарзининг генетик ахборот узатиш воситалари орқали миллат сифатидаги ўзига хослигини белгилаб, ўзлигини англашга ҳисса қўшиб келаётган асл хусусиятлар бўлади. Шу маънода, ҳар бир шахснинг тафаккур тарзида у мансуб бўлган миллатнинг тафаккур тарзи, шу билан бирга, миллатлараро муносабатларда ахборот алмашиш жараёнларида ҳам қабул қилинган маълум даражадаги бошқача тафаккур тарзи аломатлари ўз аксини топади. Мамлакатимизни модернизациялаш, жамиятимиздаги ижтимоий муносабатларни эркинлаштириш жараёнлари изчил давом этаётган ҳозирги даврда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёни авваламбор дунёқараш-

ни ўзгартиришга қаратилганини англаб олиш керак. Бунда янгилик куртаклари аънанавий тафаккур тарзимизда ҳам мавжуд эканини, янги демократик гоёларни уларга пайванд қилишимиз ижобий самара беришини унутмаслигимиз жоиз.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда демократик онг ва тафаккур билан боғлиқ гоёларнинг шаклланиш жараёни узоқ тарихга эга. Бой маданий меросимиз тимсолида бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шунинг ўзиёқ “Шарқ давлатлари, айниқса, кўп асрлар аънанавий ислом қарашлари асосида яшаган халқларнинг тафаккур тарзига демократик гоёлар мутлақо ёт” деган европоцентриқ қарашларнинг мутлақо нотўғри эканини исботлайди. Қолаверса, ўтмишда тафаккур тарзи ижтимоий онгнинг синкретик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ривожлангани учун ижтимоий муҳит, жумладан, демократик тафаккур ҳам сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний гоёларнинг ўзаро уйғунлиги асосида намоён бўлган.

Масалан, зардуштийлик таълимоти, хусусан, “Авесто”да (милоддан аввалги VII — VI асрлар) демократик дунёқарашга хос баъзи тамойиллар инсон ҳаёти ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштириб борадиган ахлоқий мезон ва қонун-қоидаларни белгилаб берган. Умуман, юртимизда қадимдан ривожланиб келган демократик гоё ва қарашларнинг, халқ оғзаки ижоди ҳамда ёзма адабиётдаги кўринишларини таҳлил қилиш демократик тамойиллар асрлар давомида мазмунан ва шаклан бойиб келганини кўрсатади. Ижтимоий онг шаклларида демократик тафаккур азалдан нисбий (ўз даврига хос) ва умуминсоний жиҳатларни уйғунлаштирган ҳолда ифодаланган. Демократик ва унга зид гоёларнинг ижтимоий онг шаклларидаги кўринишлари демократик тафаккурнинг ёвуз гоё ва тажовузкор мафкураларнинг ўзаро кураш муҳитида, ёвузлик ва эзгулик курашида аксини топиб келган.

Ҳозирги вақтда юртимизда демократик тафаккурни ривожлантириш жараёни халқимизнинг асрлар давомида такомиллашиб келган ана шундай қадриятлари ҳамда илғор умумбашарий қадриятлар

асосида амалга оширилмоқда.

Инсоннинг миллий маданият муҳитида ўзини эркин ҳис қилиши турлича бўлгани каби, умуминсоний қадриятларни идрок этиш ва ўзлаштиришга мойиллиги ҳам турличадир. Бу жиҳатни демократик тафаккурни ривожлантириш жараёнида ҳисобга олиш зарур. Шахс маънавий дунёсининг индивидуал ривожланиш тарихи, у ўзлаштирган қадриятлар тизимининг умуминсоний қадриятларга мослиги демократик тафаккурга ижобий таъсир кўрсатади.

Қадриятларнинг индивидуал, миллий, ижтимоий жиҳатдан хилма-хиллигининг глобаллашув шароитида янги стандарт ва стереотиплар билан уйғунлашуви, имконият ва эҳтиёжлар билан тўқнашуви натижасида янги ижтимоий ва индивидуал психологик ҳолат пайдо бўлади. Буни ўзига хос маргинал ҳолат деб баҳолаш мумкин.

Ҳар бир шахс ва жамиятнинг қарамлик ҳолатидан чиқиб кетишга, вазиятни барқарорлаштиришга интилиши — табиий қонуният. Шундай экан, глобаллашув даврида ахлоқий, маданий қадриятлар тизимини сақлаб қолган ҳолда, цивилизациялашган бозор муносабатларига ўтиш энг долзарб муаммо сифатида кун тартибига чиқади. Миллий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш демократик қадриятларни ўзлаштиришга хизмат қилади. Бунда миллий стандарт ва андозаларга асосланган хусусиятларни сунъий равишда сақлаб қолишга интилиш эмас, уларнинг ижобий жиҳатларини саралаб, умуминсоний моҳиятга эга бўлган демократик қадриятлар тизимига сингдириш жараёнининг муваффақиятли кечиши ҳар бир шахс ҳамда миллиятни маргинал ҳолатдан халос этадиган муҳим замин, восита вазифасини бажаради.



Демократик тамойиллар яратадиган қадриятлар инсон табиатига мос, ривожланиш босқичларига монандлиги туфайли демократик тафаккур тарзининг юксалишига кўмаклашади. Фақат ҳар бир шахс ўз ижтимоийлашуви жараёнида уларнинг афзалликларини чуқур ҳис этиши, онгли равишда уларни ўз қадриятлари тизимига қўшиб, демократик қадриятлар берадиган имкониятлардан фойдаланиш учун фаоллик кўрсатиши зарур. Ана шу “ички механизм” ҳаракатга келган тақдирдагина демократик тамойилларга амал қилиш кўникмалари эски кўникмаларни мағлубиятга учратади, уларни ижтимоий ва индивидуал онг доирасидан сиқиб чиқаради.

Глобаллашув шароитида жамиятни демократлаштириш жараёнлари шахс эркинликларига ҳам катта таъсир кўрсатади. Янги ахборот воситалари, ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар инфратузилмаси фаолияти шахс эркинликларининг ташқи чегараларини кенгайтиради, шу билан бирга, жамиятни модернизациялаш имкониятларини оширади. Албатта, бу жараёнлар ошқора ёки кўзга очиқ ташланмайдиган кураш, вужудга келаётган зиддиятларни энгиш натижасида рўёбга чиқади.

Зиддиятларни ҳал қилиш жараёни вазиятни ўз эҳтиёжларига қараб ўзгартириш, шахс ва гуруҳларнинг бирлашишига сабаб бўлади. Шу тариқа шахс эркинликлари чегараси кенгайиб боради. Барча фуқаролар шундай ҳаракат қилса, жамиятда инсон эркинлигини таъминлаш учун кураш кўникмаси шаклланади. Бу борада, эркинликлар ахлоқий, маданий мулоқот меъёрлари билан чекланиши муҳим аҳамият касб этади. Объектив моҳиятга эга ва шахс фаоллиги билан боғлиқ субъектив жараёнларнинг уйғунликдаги таъсири жамиятни руҳий соғломлаштиришга беқиёс хизмат қилади. Натижада ижтимоий лоқайдлик, боқимандалик, тушкунлик, келажакка ишончсизлик аломатлари йўқола боради.

Инсоннинг фаоллиги натижасида янги қадриятлар вужудга келади. Миллий қадриятлар шахсга нисбатан объектив воқелик вазифасини ўтайди. Улар-

ни индивидуаллаштириш муайян фаоллик, ҳаракат, интилиш каби психологик жараёнлар орқали кечади.

Ижтимоий психология ва шахс психологияси фанлари хулосаларидан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш мумкинки, ҳар қандай янгилик мутлақ янги бўлган тақдирда шахс тафаккурида тасаввур уйғота олмайди. Тасаввурсиз предмет эса инсон томонидан қабул қилиниб, унинг қадриятлари тизимига киритилмайди. Шундай экан, биз албатта “пайвандлаш” услубидан фойдаланишимиз керак. Бу борада баъзи Фарб олимларининг “демократик тафаккур тарзи фақат Фарб халқлари тафаккур тарзига хос” деган европоцентриқ қарашларини кескин рад қилишимиз лозим ва бунга тарихий, маданий ва мантиқий исботларимиз бисёр.

Марказий Осиё халқларининг ўтмишига назар ташлар эканмиз, маънавий мероснинг рационал асосида шахс-шахс, шахс-гуруҳ, шахс-давлат муносабатларининг моҳияти, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий адолат тамойили мавжудлигига амин бўламиз. Шу билан бирга, тарихий ижтимоий-иқтисодий муҳит, эҳтиёжлар, мотив ва мақсадлар маҳсули бўлган урф-одатлар, ақидалар жамиятимизни янгилашга гоҳ тўсқинлик қилиши мумкинлигини ҳам асло унутмаслик даркор. Айниқса, диний экстремистик руҳдаги ақидапарастлик кўринишлари кенг тарқалишининг олдини олиш — энг долзарб масала.

Маънавий ақидапарастликнинг ижтимоий, маданий ҳаётдаги турли кўринишларига асос бўлаётган ғояларнинг инсон тафаккур тарзига салбий таъсирига фақат демократик ғоялар, эркин тафаккур ривожига тўсиқ бўла олади. Шунинг учун ҳам бу мураккаб жараёнлар файласуф, маданиятшунос ва руҳшунос олимлар томонидан атрофлича илмий таҳлил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳозирги ўтиш даврининг ўзига хос объектив ва субъектив қийинчиликлари, диний экстремизм хуружларига сабаб бўлаётган салбий омилларни тизимли ва кенга миқёсда таҳлил қилиш ижобий самара бериши шубҳасиз.

Хар бир шахснинг эътиқод эркинлигини тан олувчи соғлом маънавий ақидаларга оқилона муносабатда бўлиш, диндан сиёсий манфаат йўлида фойдаланишга интилаётган гуруҳларнинг террорчилик ҳаракатлари миллат ва шахс манфаатларига, демократик тафаккур тарзига моҳиятан зид эканини илмий асосда ишботлаб, бузғунчи ғояларга қарши кенг кўламда тарғибот ишларини олиб бориш эндиликда мафкуравий курашнинг муҳим талабига айланмоқда.

Инсон онги учун кураш кетаётган мураккаб шароитда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган, мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган ватанпарвар инсонни тарбиялаш ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

Демократия тушунчаси, моҳият эътиборига кўра, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг юксак қадрият сифатида эътироф этишга асосланади. Шу боис биз дунёвий, эркин фуқаролик жамияти барпо қилишга интилар эканмиз, маънавий меросимизнинг демократик қадриятларга монанд жиҳатларидан самарали фойдаланишимиз керак. Бундай қараш маълум жиҳатдан синфий ёндашув концепциясини эслатиши мумкин. Лекин ҳозирги даврда асосий мақсад, вазифа — қадриятларни жамиятнинг бирон бир ҳукмрон синфи манфаатлари асосида баҳолаш эмас, балки уларнинг умуминсоний моҳияти ва тамойилларини янги демократик жамият барпо этиш амалиётига моҳирона татбиқ қилишдан иборат.

Бугунги кунда маънавий меросимизнинг моҳиятини субъектив равишда талқин этиб, демократик тафаккур шаклланишига тўсқинлик қилаётган омилларни ғносеологик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бу борада собиқ мустабид тузум тафаккури ва диний экстремизм ғояларининг ўзаро муносабати ва тафовутларини, демократик тафаккур тарзининг шаклланишига зид жиҳатларни ёритиш зарур. Демократик ғояларнинг индивидуал воқелик доирасида ҳам, жамият ҳаётида ҳам кенг тарқалиши, миллий турмуш тарзимизни белгилайдиган қадриятларга айланишига

хар бир шахс ўз ҳиссасини қўшишга қодир бўлиши керак. Бу йўлда фаоллик, ўз фикрини далиллар асосида ҳимоялаш, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, айниқса, муҳим. Чунки иродаси заиф шахсларда эски ҳолатни мутлақлаштириш, кечаги қолипларда қолишга мойиллик натижасида янгиликларга маълум даражада қаршилиқ кўрсатиш кайфияти кучлироқ бўлади. Бу ҳолатда кўникмалар тусини олиб, барқарорлаша борган қадриятлар тизими га мослашган тафаккур тарзи ҳукм суради. Натижада шахслараро муносабатларда ошкора ва пинҳона қарама-қаршилиқлар авж олган муҳит вужудга келади. Барқарорлашган қадриятлар тизими моҳиятан янги қадриятларга зид бўлса, анъанавий салбий ақидаларга итбаткорлик кўникмалари шахсда замонавий тафаккурни шакллантириш жараёнига тўсқинлик қилади.

Ҳозирги даврда мафкуравий кураш ўта мураккаблашиб, алоҳида давлатлар чегараларидан чиқиб, энг долзарб умуминсоний муаммолардан бирига айланмоқда. Унинг шакллари, усул ва воситалари ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Бундай вазиятда турли таҳдид ва таъсирларга фақат халқнинг онгини мустаҳкам эгаллаган кучли ғоя, демократик тафаккур асосида доимо хушёр ва огоҳ бўлиб қарши туриш мумкин. Айниқса, ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш тамойилига амал қилган ҳолда, маънавий-мафкуравий ишларни узлуксиз амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Бугун бир ҳақиқат тобора яққол аёнлашмоқда: жамиятни эркинлаштириш ва янгилаш жараёнида экстремистик, диний ақидапарастлик руҳидаги ғоялар эмас, балки демократик тамойилларга ҳамоҳанг бўлган халқимизнинг юксак маънавий-ахлоқий қадриятлари, ижтимоий-психологик кўникмалари, миллатимизнинг ҳаёт фалсафасида, маданий меросимиз, халқ тажрибаси ва менталитетида ифодаланган инсонпарвар, тароққийпарвар ғоялар мустаҳкам маънавий асос бўлиб хизмат қилади.



KELAJAK QAYG'USI YOXUD

GLOBALLASHUV JARAYONI

Жамиятнинг бутунлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминловчи асосий омиллардан бири, шубҳасиз, миллий ахлоқдир. Бинобарин, ўзаро руҳий яқинлик ҳам ахлоқий муштараклик ҳосиласи ҳисобланади. Аслида миллий анъана ва қадриятлар негизида ҳам ахлоқ ўз тажассумини топган. Ҳозирги даврда глобаллашувнинг инсоният тараққиёт босқичида тамоман янги саҳифа очганини инкор этмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, у бутун дунё миқёсида миллий анъана ва қадриятларнинг кушандаси сифатида ўз хусусиятларини намоён этмоқда. Бир қарашда глобаллашув иқтисодий жабҳагагина тегишли ҳодисадай туюлса-да, халқаро майдондаги сиёсий-иқтисодий инқирозлар табиий равишда муайян ҳудуддаги аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётига жиддий салбий таъсир ўтказаяётгани, пировардида, маиший-ахлоқий тутумларга путур етиб, халқона ибора билан айтганда, кўзи очлик бошланаётгани ҳаётнинг ҳеч

бир соҳаси глобаллашув исканжасидан четда қолмаётганини кўрсатади.

Модомики, бозор сиёсати товар-пул муомаласидан ташқари инсоний муносабатларни ҳам қамраб олар экан, глобаллашув таъсирида ўз мавқеини йўқотадиган миллий бозорда миллатга хос кўпгина сифатлар — миллий ахлоқ, миллий турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатларига ҳам дарз кетиши кундай равшан. Бу жараёнда истеъмолчи ўзга маданиятлар тарғиботчисига айланиб бораётганини ҳатто ҳис қилмаслиги мумкинлиги гоё ачинарлидир. Ҳолбуки, умуминсоний хусусиятга эга бўлган глобаллашувга Овруро олимларининг аксарияти иқтисодий ҳодиса сифатида қарамоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, глобаллашув жараёнларини сунъий тезлаштириб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётган, бошқа ҳудуд ва минтақаларга ўз сиёсати ва мафқурасини, товар ҳамда иқтисодий механизмларини тиқиштиришга уринаётган кучлар бисёр.

Бироқ глобаллашув умумсайёравий ҳодиса бўлгани боис уни муқаррар инқироз сифатида қабул қилмаслик керак. Чунки бугун дунёнинг глобал муаммолари фақат бозор мезонлари билан баҳоланаётгани йўқ. Халқаро миқёсда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, турли миллий-этник можаролар негизда маданиятлар мурасасизлиги ётибди десак, хато қилмаган бўламиз. “Фикримча, шаклланаётган дунёда на мафкура, на иқтисодиёт можароларнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Инсониятни ажратиб турган чегаралар, ихтилофларнинг энг муҳим манбалари маданият билан белгиланади”, деб ёзади Самуэл Хантингтон “Цивилизациялар тўқнашувими?” асарида. С. Хантингтоннинг фикрича, синфий ва мафкуравий тўқнашувларда “Сен кимнинг томонидасан?” деган савол асосий бўлиб, бунда инсон ким томонда бўлишни ўзи танлаши, шунингдек, ўз қарорини бир неча бора ўзгартириши мумкин эди. Маданиятлар тўқнашувида эса савол “Сен кимсан?” тарзида қўйилади.

Шу ўринда “Технократия ҳукмронлик қилаётган шароитда маданиятлар ўртасидаги зиддият қандай қилиб бирламчи бўлиши мумкин”, деган гумон кўнгилга келиши тайин. Лекин шунини хаёлдан фаромуш қилмаслик керакки, технократия ҳар қанча тараққий этмасин, барибир уни илгарилама ҳаракатга келтирувчи куч маданият ҳисобланади. Биз маданият деганда урф-одатлар ва маросимлар тизиминигина тушунишга кўникиб қолганмиз. Ҳолбуки, мазкур тушунча моҳиятан жуда кенгдир. Йўқса, “Толибонлар” томонидан Бомбейдаги Будда ҳайкали — умуминсоний маданият гавҳарининг портлатилгани жаҳон афкор оммасида кучли нафрат уйғотмаган бўларди. Сиртдан қаралганда, буддавий қадриятларнинг бизга алоқаси йўқдай. Аммо бу каби маданий мерос намуналари юртимизда ҳам бисёр экани, биргина Сурхондарё вилоятидаги Қоратепа, Фаёзтепа, Далварзинтепа каби манзилгоҳларда ҳам Будда ибодатхоналари қолдиқлари, буддавий маросимлар билан боғлиқ ашёларнинг кўплаб топилгани маданиятимиз тарихи қадимий ва теран эканидан далолатдир. Шундай экан, миллий ва маданий маҳдудликка берилиш истиқбо-

ли учун қайғурган миллатга ёт хусусиятдир.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард-оқибатда таназзулга юз тутарди”. Демак, жамият учун миллийликдан ўзга устувор манфаат йўқ. Бинобарин, тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир миллатга ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаш — бирламчи вазифа. Зеро, ахлоқий табиатни шакллантирувчи асосий устқурмалардандир. Маълумки, ахлоқнинг туб моҳиятида диний қадриятлар ётади. Лекин ана шу оддий ҳақиқат унутилган ўтган асрда, аниқроғи, собиқ совет империяси даврида коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси каби ҳаётийликдан йироқ даъватлар амалиётга сунъий равишда жорий этилди. Унинг тақдири қандай бўлгани эса барчага аён.

Кези келганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтишни лозим топдик. Назаримизда, ўтган давр хулосаларидан сабоқ чиқариб, ёшлар билан ишлашда диний-ахлоқий қадриятларга суяниш ижобий самара беради. Шу маънода ҳақли савол туғилади: демократиянинг ўзак-мағзида миллий, диний хусусиятлар катта ўрин тутишига шубҳа билан қаровчилар Фарб демократиясининг “мева”си бўлган ахлоқсизликни ёқлармикан? Шарқшунос Тимоти Уинтер “XXI асрда Ислом” асарида таассуф билан “Британия католикларининг одатда соғлом фикрловчи вакили кардинал Ҳюм ҳам яқинда ҳомофилия (эркак билан эркакнинг жинсий алоқаси) хусусида мурасали мулоҳазалар билдирди; тору таранг жинси шим ва чарм куртка кийиб олган англичан епископи ўзининг бошқа бир эркак билан алоқаси хусусида очиқчасига гапирди”, деб ёзади. Бу фикрни баён этишдан кўзланган мақсад шуки, ах-



лоқий ҳаётда мурасасозлик қилиш инсон табиатига нисбатан тажовуздир. "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги мухбири О.Иброҳимов "Дўстга "хотин", дугонага "эр" номли мақоласида Европарламент депутати бўлган немис аёли ўз дугонасига "уйлангани" ва бу "никоҳ" маросимини шаҳар бургомистри ўтказганини телеэкранда кўрганини баён этган. Ҳўш, айрим телеканаллар орқали кун-кунора намойиш этилаётган инсон табиатига, жамият ахлоқига мутлақо ёт бўлган бу каби ҳолатлар хусусидаги репортаж ва кўрсатувларга нисбатан бепарволик ўз навбатида бизнинг ёшларда аллақандай хайрихоҳликни шакллантирмаслигига кафолат борми? Ҳеч шубҳасиз, бундай кўрсатувлар томошабин онги ва руҳиятига салбий таъсир этади.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, глобаллашувнинг энг кечирилмас, таъбир жоиз бўлса, ёвуз мақсади миллий жамиятларнинг ахлоқий тамойилларига таҳдид солишда ўз аксини топган. Миллий ахлоққа тажовузнинг беозор, ҳатто "ёқимли" кўриниши — оммавий маданиятнинг сингдирилиши ҳисобланади. Оммавий маданиятнинг тарғиботи энг аввало, миллий ахлоқни заифлаштириб, жамиятнинг ғоявий тизимини издан чиқариши билан хатарлидир. Зотан, умумий дид-савиянинг шаклланиши, миллий-маданий илдиздан узоқлашув пировард натижада аросатдаги авлодни юзага келтиради. Қайд этиб ўтилган омиллар аслида "Очиқ жамият" аломатлари бўлиб, улардан бирданига қутилиш имконсиздир. Чунки дунёда "Очиқ жамият" ва унинг асослари кенг тарғиб қилинаётгани натижасида кўпчиликнинг тушови "Очиқ жамият" қозигига гоҳ ихтиёрӣ, гоҳ ихтиёрсиз равишда боғланаётган ҳозирги шароитда, айниқса, янги мустақил давлатлар учун миллий жамият барпо этиш осон юмуш эмас. Таъкидлаш жоизки, "Очиқ жамият" моҳият эътибори билан миллий ахлоқий тамойилларга асло мос келмайди. Умуман, бу назария тарафдорлари Генри Бергсон, Карл Поппер, Жорж Сорос ва бошқалар ўз қарашларини жамиятда шахсий манфаатларнинг устуворлиги ғояси билан изоҳласа-да, аслида мазкур концепция негизида Фарб фалсафасини ташкил этувчи манфаатпарастлик ётгани

якқол намён бўлади. Ваҳоланки, Шарқона ахлоқ қоидаларига биноан манфаатпарастлик иллат ҳисобланади.

Хитоцубаси университети профессори Нориюки Такаяма "Ўзбекистон ҳақида ўйлаганларим" сарлавҳали мақоласида "Ишончсизликка асосланган жамият файзсиз ва зерикарлидир, бу ҳамisha жамиятда тотувлик бўлишига монелик қилади. Бундай жамиятда ўзгаларга нисбатан оддий ишонч йўқолади, оқибатда уларнинг жамиятдаги умумий аҳволни тўғри илғаш ва англашлари қийин бўлади", дея айни ҳақиқатни ифода этган. Профессорнинг ушбу фикрлари шуниси билан аҳамиятлики, у мамлакатимизга бир неча мартаба келган ва жамиятимизда олиб борилган иқтисодий, ижтимоий, маънавий ислохотлар кўлами ва ривожига гувоҳ бўлган. Такаяма жаноблари ўзбек ва япон жамиятлари ўртасидаги ўхшаш жиҳатлар ҳамда тафовутларни иқтисодчи олим сифатида тадқиқ қилиб, мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон иқтисодиёт соҳасида америкача тараққиёт услубига эргашмагани ва ҳеч кимнигина ўхшамаган ўз йўлини танлаганини эътироф этади. Олим ибрат тариқасида "Японларда жамият билан ҳамнафас яшаш ва ўзи мансуб жамоага садоқат туйғуси кучлидир. Шубҳасиз, ҳаммининг манфаати бир хил бўлган жойда хиёнат содир бўлмаслиги яхши маълум", дея таъкидлаган. Бизнингча, бу фикр изоҳга муҳтож эмас.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг "Олабўжи" романидаги персонажлардан бири "табиатга уйғун яшаш қандай яхши!" дея хитоб қилади. Дарвоқе, инсон боласи табиатнинг бир бўлаги экан, зарра бутунга даҳл қила оладими? Шу маънода, Тимоти Уинтер ҳақли равишда таъкидлаганидек, бизнинг атрофимизда ва бизсиз жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёнларини тушуниш барчамиз учун бурч ҳисобланади. Ана шу бурчни адо этиш орқали маданий-ахлоқий глобаллашувнинг хатарли ва ҳалокатли кўринишларига нисбатан аниқ ҳамда қатъий муносабатни шакллантиришимиз керак. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, бундай муносабат қандай тизим ва воситалар орқали шаклланади? Бунга жавобан шунини айтиш лозимки, глобаллашув илмий ада-


биётларда таъкидланаётганидек, муқаррар жараён экан, унга қарши оёқ тираб туриш ёки сунъий тўсиқ ва чеклов қўйиш акс таъсир кўрсатиши мумкин. Қолаверса, Ғарб маданияти ва ахлоқи, шунингдек, “демократик” тамойилларини фақат танқид қилиш билан машғул бўлиш унга нисбатан қизиқишнинг ошишига олиб келиши тайин. Айниқса, оммавий ахборот воситалари глобаллашув жараёнининг байроқдори экан, очик дунё сари ташланаётган ҳар бир қадам мақсадли, тиллат ва жамият манфаатлари нуқтаи назаридан пухта ўйланган бўлиши шарт. Демак, ягона ва тўғри йўл — ёшларга ўзаро таққослаш, муқояса қилиш имкониятини бериш орқали уларда мустақил дунёқарашни шакллантириш лозим бўлади.

Заминимиз азалдан қадим цивилизация бешикларидан бири сифатида ажнабийларни ўзига оҳанрабодек тортиб келган. Айни вақтда хорижликларнинг бундай қизиқишлари замирида тамаддунизмнинг ичидан зил кетказиш йўллари излашдек риёкор мақсадлар ётганини ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Ахир, Марказий Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи маданияти, маиший ҳаёти, этнографияси ва жуғрофияси, адабиёти ва санъати билан шуғулланиб, катта-катта рисола ва китоблар ёзиб доврўф қозонган овруполик аксарият олим ва мутахассислар зиммасида илм-маърифатдан ташқари жосуслик масъулияти ҳам бўлганини унутиш мумкинми? Шу маънода халқимиз миллий тараққиётнинг янги даврига қадам қўйган ҳозирги замонда ҳам ўзбек маданияти ва тарихи, анъана ва қадриятлари билан қизиқаётганлар орасида турли мафкуравий мақсадларни кўзлаётганларнинг борлиги айни ҳақиқатдир.

Таъкидлаш ўринлики, Шарқнинг ўзига хос демократик институти саналмиш оиладаги соғлом маънавий-ахлоқий муҳит тилга олинаётган реал хавфга қарши энг мустаҳкам истеҳком вазифасини ўтайди. Абдурауф Фитрат “Оила” рисоласида авлодни тарбиялаш инсониятнинг хизмати эканини таъкидлаб, “Кимки бад-ахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади”, деб ёзган эди. Баркамол авлод тарбияси бугун долзарб масала си-

фатида кун тартибига қўйилаётган экан, мазкур муаммо моҳиятида ахлоқий баркамоллик таъкидланаётганини унутмаслигимиз зарур. Чунки турли ноқислигу иллатларга нисбатан парҳезкор одамгина жамият талабларига онгли муносабатда бўла олади ва миллий тараққиётга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Яна бир муҳим хулоса шундан иборатки, глобаллашув ва ахлоқ масаласида мушоҳада қилиш жараёнида маънавий-ғоявий иммунитетни кучли жамиятларгина глобаллашувнинг салбий жиҳатларидан ўзини ҳимоя қилиши мумкинлигини эътироф этиш лозим. Назаримизда, бу ўринда “иммунитет” деганда фикрий бирликни тушуниш керак. Қачонки, фикр эгалари жамиятда пешқадам бўлса, “фикр — бу пул” деган тушунча доимий қарор топса, бир сўз билан айтганда, фикрнинг моддийлашувига эришилса, жамиятнинг ривожини ва истиқболи ойдин бўлади. Дарҳақиқат, “фикрнинг моддийлашуви” деган қараш собиқ шўро даврида суяги қотган одамларга эриш туюлиши тайин, аммо бозор қонуниятига биноан энг қиммат “товар” — ФИКР ҳисобланади. Ўз даврида махсус хизматнинг локал алоқа воситаси бўлган Интернет бугунга келиб яхшигина молиявий манбага айлангани кўпчиликка яхши маълум. Юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгу шуурида юз бераётган янгиланиш, эврилишлар ҳосиласи ўларок, фикрнинг моддийлашуви тараққиётга гаров бўлиши сингари замонавий қадриятларнинг шаклланаётгани, илм-маърифатга муҳаббат ортаётгани “икки карра икки тўрт бўлади”, деган исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Зотан, тобора буқаламунлик касб қилиб бораётган дунёнинг турфа жилва-жимирларини идрок этиш, зарур пайтда тадбир қўллай олиш кўникмаси фақат тафаккур соҳибларигагина хосдир. Абдурауф Фитрат чуқур таассуф ва умид оҳангида эътироф этганидек, “Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир”. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, жисмимизни соғлом, ақлимизни бутун, ахлоқимизни юксак даражада сақлаш фақат ўзимизга боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимиз зиммасига алоҳида бурч ва масъулият юклайди. Демак, ҳамма гап уларни қандай адо этишда!



"ILMNI KIM VOSITAI JOH ETAR..."

Эссе

1

Шарқ — кунчиқар демак! Қарангки, бир замонлар илм ва маърифат куёши ҳам Шарқдан бош кўтариб, башарият тафаккурини мунаввар қилган.

Кўхна Шарқ мамлакатларида туғилиб ўсган кишига илму донишнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга ҳеч қачон алоҳида бир зарурат сезилмаган. Муқаддас динимиз бўлган ислом йўли — илм йўли, ирфон йўли; илм орқали дин ва иймон, тўғрилиқ ва поклик соҳиби бўлиш тариқидир. Куръони карим мусулмонлар-

*Қалбинг сен ила бўлмаса,
ақлинг ҳам сен билан эмас.*

Ибн АРАБИЙ

ни энг аввало нимага чорлайди? Илмга! Маърифатга!

Инсоннинг маърифат ила идрок этган ва билган ҳақиқати илмдир. Ақл ҳам илмдан қувват топади. Шу ўринда бир масалани ойдинроқ шарҳлаб ўтайлик. Баъзи суфий ва мутасаввифларнинг айтишича, илм фақат Оллоҳнинг сифати бўлиб, инсоннинг асл сифати — илмсизлик. Асмои хусна — Оллоҳнинг гўзал исмларидан бири Олимдир. Бу муборак номни зикр қилган кишининг кўнглида фавқулодда

бир кенглик пайдо бўлиб, ҳар турли нурлар порлайди, дейилган. Қуръонда эса "У Зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатади", дея марҳамат этилган. Демак, том маънодаги илм соҳиби ҳам, инсонга билим эшикларини очувчи ҳам, аввало, улуғ Яратувчидир. Буни билмаслик ва тан олмаслик жаҳолатни — илм, ғофилликни — олимлик демоқ билан баробар. Ҳазрат Пайғамбаримизнинг билимга алоҳида эътибор берганлари ва илму донишсиз дин ҳам, диндорлик ҳам бўлмаслигини кўп бора таъкидлашларининг асосий сабаби ана шунда.

Шарқ адабиётида илм-маърифат мавзуининг кенг ва изчил ёритилиши, давлат, жамият тараққиёти ва инсон камолотининг бевосита илм-фан билан боғланишини Қуръони карим, ҳадиси шарифдаги талаб ва даъватлардан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳусусда биз энди эмин-эркин баҳс юриштишимиз, илм-фан ришталари диндан узиб ташланган тақдирда қай аҳволга тушиши ва нималардан жудо бўлишини чўчимамай, яширмай айтишимиз мумкин. Илм-фанмизмининг янгилиниши, эркинлик муҳитида ривожланиши учун бу жуда фойдали. Рус адиби Д.Мережковский Октябрь тўнтаришидан сўнг "Динсиз "илм" — чала илм, дунёни у наинки фалокатдан асрай олади, балки унинг асосий сабаби бўлиши мумкин ва шундай бўлаётир ҳам" деганида кўп фожиаларни олдиндан ҳис қилган бўлса ажаб эмас.

2

Илм ва ғайриилм, билим ва ҳийла бири-бирига бутунлай зид: бири бор жойда бошқасига ўрин бўлмаслиги керак. Бироқ ҳеч қачон бундай бўлмаган. Сохта илм, худди сояга ўхшаб ҳақиқий илмга эргашиб, уни ҳатто таъқиб ҳам этган. Тарихий манбаларнинг дарак беришича, расулуллоҳ вафотидан кейин Пайғамбар нури одамлар нигоҳидан узоқлаша бошлагач, турлитуман қараш ва муҳолиф тушунчалар майдонга чиққан. Ҳар ким ўзича бир гуруҳ ту-

зишга киришган. Шахсий орзу, гаразли мақсадлар илмининг завқи ва лаззатини сусайтириб юборган, аҳли ҳақиқат яратган фикр муҳити ўзгариб, олимларнинг ғайрати самарасизлашган. Энг ёмони, илмдан манфаат, мартаба, обрў-эътибор йўлида фойдаланиш одатий ишга айлана бошлаган.

Энг ёмони, илмдан манфаат, мартаба, обрў-эътибор йўлида фойдаланиш одатий ишга айлана бошлаган.

"Фақат тасаввуф аҳлининг илмигина ўткинчи дунё манфаатлари ила қўлга киритилмас, ҳаво ва ҳавасдан қочилмагунча бу илмининг ҳақиқатига ҳам эришиб бўлмайди", дейди машҳур аллома Шаҳобиддин Сухравардий. Кўнгил, руҳ, ҳол ва кашф сингари илоҳий рукнларга асосланган ана шу илмга ҳам ўнинчи асрларга келиб худбинлик, қаллоблик аралаша бошлаган. Яна бир улкан олим — Абу Наср Саррож Тусийнинг "Асримиз охирларида яшаган баъзи олимлар, илк суфийларнинг сўз, ҳол ва важдларини бошқа бир тарзда безаб, ўзларига нисбат бериш орқали мавқе ва эътибор қозонишни кўзладилар" деган сўзларидан ҳам буни билса бўлади.

Илми ҳар ким ҳар хил англаб, ҳар хил таърифлайди. Оддий одамларнинг ишонч-қаноати бўйича, илм-фан ақл иши ва доноликдирки, ундан фақат фойда етади. Олим эса ирода ва эътиқоди мустаҳкам бир зот — ўзи тош чайнаса-да, элим, юртим деб ҳақиқатдан бошқасига ён бермайди. Чиндан ҳам шундайми? Муҳаммад Фузулий ёзади:

*Ҳар не тазвир айласа аҳли жаҳон айлар
қабул,
Магар аҳли илмдир асли фасоди
рўзгор.*



Яъни: олимлик даъвоси ила юрган ҳар қайси кимса нима деб алдаса, қандай хийлаю фириб қилса, аҳли жаҳон шуни қабул қилаверади. Чунки, турмушдаги фисқу фасод ва чиркинликларнинг пешвоси илм ахлидир.

Ниҳоятда ачиқ таъна! "Бировки қилса олимларга таъзим, қилур гўеки пайгамбарга таъзим" деган гапнинг тамоман акси. Хўш, Фузулийдек ориф бир шоир илм аҳли устидан нега бундай қатъий ҳукм чиқармоқда? Илмда ёлғон ва риё кўпайгани учун эмасми? Илмни қалқон, олимликни ниқоб қилиб олган бандалардан ҳар бало чиқади. Ибн Равандий деган бир "аллома" "Ад-далил" номли асаарида Куръонни ёмонлаб, тавҳид ҳақидаги ишончнинг ботиллигини исботламоқчи бўлган. Унинг иккинчи бир китобида эса ислом асослари ва Муҳаммад пайгамбар аёвсиз танқид қилинган экан. Қизиғи шундаки, у ўзича илмни улуғлаб, гўеки ақл тили билан динни ҳам, пайгамбарларни ҳам инкор қилган. Бундай маккор билагонлар орасида пайгамбарлик, ҳаттоки тангриликни даъво қилганлар ҳам бўлган. Улар қандай муқаддас қадриятларга хиёнат қилмаган дейсиз! Ҳақиқий олимларнинг номини булғаб, тупроққа қориштирган ҳам ўшалар. Демак, "магар аҳли илмдир асли фасоди рўзгор"нинг касофати биз ўйлагандан кўра таҳликалироқ.

Қадимда Солиҳ бин Абдулқуддус деган бир файласуф ва адиб яшаб ўтган. У ўз даврининг бадгумон олим ва шоирлари, калом илми вакилларини тўплаб, Басрада бир жамоа ташкил қилган. Қунлардан бирида бошқа маслакдаги бир олим Абдулқуддусни жуда қайғули ҳолатда кўриб, сабабини сўраганда, у "Ҳеч нимадан қайғурмайман. Лекин ўғлим ўзим ёзган "Шубҳалар китоби"ни ўқигани сабабли вафот этмадимикан, деб куйиб-ёнаман", деган экан. Ўша китоб ҳақидаги бошқа бир саволга эса Абдулқуддус "Мен ёзган бу китобни ким ўқиса, бор-йўқ ҳамма нарсадан, ҳатто ўзининг

мавжудлигидан ҳам шубҳага тушади", деб жавоб қайтарган. Оллоҳдан кўрқмаган олимнинг ўзи ҳам, сўзи ва илми ҳам ваҳима бўлишига бу бир даҳшатли далилдир. Бунинг акси бўлганда-чи?

Олис замонларда озод ва обод бир юртга душман бостириб кирибди. Қирғинбарот жанглardan сўнг юрт ганим қўлига ўтибди. Лекин элнинг эрксевар ўғлонлари келгиндиларга қарши курашни давом эттираверибди. Албатта, босқинчилар ҳукмдори осойишталик ўрнатиш учун маҳаллий қавм билан тез келишиб олибди. Сўнг бирин-кетин шоир, адиб ва олимларни ўзига оғдира бошлабди. Аммо бир алломани гапга ҳеч кўндирилмабди ва уни ҳибсга олдирибди. Анча таҳқиру қийноқлардан сўнг банди яна султоннинг ҳузурига келтирилибди. Боз аввалги таклиф, талаб ва таҳдидлар такрорланибди. "Йўқ, — дебди шўрлик олим, — мен ватанимга, халқимнинг эрки, аждодларимнинг руҳига хиёнат қилмайман... Мен ёлгонни — рост, зулмни — адолат деб айтолмайман". Хуллас, қайсар олимни тириклайин ўтда ёқишга фармойиш берилибди. Бироқ золим шоҳ аввал унинг уйига ўт қўйдирибди. Кейин алломанинг кўз ўнгида хотини ва фарзандларини гулханга ташлатибди. Навбат унинг ўзига келганда шоҳ "Мана, ҳозир ўзинг ҳам кулга айланасан... Хўш, ниманг қолади бу дунёда?" деб сўрабди. "Сен жоҳил ва ожизсан, — дея олов сари мардона одимлай бошлабди аллома. — Мени ҳеч нарсадан маҳрум эта олганинг йўқ. Ҳаммаси ўзим билан бирга!"

Аслида дунёда шу қадар жасур, шу даражада матонатли олимлар бўлганми? Нубувват ва маърифат сир-асроридан огоҳ киши бу саволга "Албатта, бўлганда" деб жавоб бериши шубҳасиз.

Алишер Навоийнинг ёзишича, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом "анбиёнинг ҳотами (пайгамбарларнинг сўнггиси) эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди, ҳар ойинким ноқислар такмилига умматининг комил ва олим-

ларини маъмур эттики, бурунги анбиё ўрнига аҳдо қилгайлар ва йўлдин чиқонларга йўл кўргузгайлар..." Шундан эътиборан олимлар пайғамбарларнинг ворислари, улар бошлаган йўлнинг содиқ давомчилари деб қаралган. Олим ва уламо зиммасига юксак масъулият юкланган. Буни оқлаш, олимлик матлаби ва мақомига муносиб бир тарзда яшамоққа эса кўпчилик бардош беролмаган. Шунинг учун "олимлар — пайғамбарларнинг вориси", "олимга ҳурмат — пайғамбарларга ҳурмат" деган фикрларга ишончсизлик кучайган. Бу эса "Олим номига ким муносиб? Чин олимнинг бурчи ва вазифаси нима?" деган саволларга аниқлик киритишни талаб этган. Шамсиддин Нақшбандийнинг "Мифтоҳул-қулуб" асарида бундай фикрларни ўқиймиз: "Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир" деган ҳадиси шарифни ёлғонга чиқармоқчи бўлурсен. Бу ҳадиси шариф зоҳир олимлари ҳақида айтилган эмас... Зеро, улар маънонинг ҳақиқатидан воқиф бўлолмайдилар. Асл олим улдурки, илмал-яқин (далил исбот талаб қилмайдиган, шак-шубҳадан холи илм) сирри унинг ҳолига айлансин..."

Алишер Навоий парҳезкорлик, тўғрилик ва огохликни олимликнинг илк шарти сифатида таъкидлаб бундай дейди:

*Хар не айтур бўлса Худову Расулдин,
Андин сўнг ўлса мужтаҳиду авлиё сўзи.
Андин киши неким эшитур ва ёки
ўрганур бўлса,
Худо сўзи, йўқ эса Мустафо сўзи.*

Маъқулот, яъни ақлий илм вакилларининг аҳволи ва имконини англаш осон: илоҳий сўз ва моҳият сирларини мушоҳада қилишга улар эҳтиёж сезмаган. Маълумки, зоҳир илми — дарс илмидир. Дарс эса ўқиб-ўрганиш орқали таҳсил этилади. Ботин илми — нафс илми, яъни нафсни билиш, ҳақиқатни нафс орқали тадқиқ қилиш "усули" билан ўрганилади. Шу боисдан орифлар китобий фикр-му-

лоҳазаларга унчалик ҳам эътибор бермаган. Зоҳир илми соҳиблари эса моддий ашё ва мантиқий далиллар мезонига мос келмайдиган нарсаларга ишонмаган. Шунинг учун уларнинг фикр-қараши, ишонч ва эътиқоди диндан ҳам, нубувват маслагидан ҳам йироқ бўлган. Бундай олимлар Оллоҳ ва пайғамбарлар тўғрисида нимани хоҳласа, шуни айтган, нимани ўйласа, шуни ёзган. Аммо илм оламидаги баъзи ёлғон ва сохтакорликлар олдида буларники ҳеч нарсага арзимамай қолган.

XIX асрда бир олим Яманда яҳудийларнинг кўҳна хаттотлик санъати асосида Тавротни терига кўчиради ва уни ушбу муқаддас китобнинг энг қадимий нусхаси деб эълон қилади. Бу хабар кўпларни ҳаяжонга солади. Газеталар у ҳақда ҳар кун батафсил ахборот бериб боради. Инглизлар бу "ноёб ёдгорлик"ни сотиб олмақчи бўлганда найранг фош этилади.

Бир олмон олими гўё Талмуднинг "бошқа мазҳабларга мансуб эски нусхаси"ни топиб, ўзича уни ўрганади ва махсус китоб ёзади. Амалда бу ҳам ғирт қаллоблик ўйини бўлган. Инжил тўғрисида ёзилган асарлар орасида ҳам ёлғон-яшиқ гаплар билан тўлиб-тошганлари оз эмас.

Шўро ҳокимияти даврида марксча-ленинча таълимот билан "қуролланган" баъзи олимлар Куръони каримнинг илдизига болта уришни кўзлаб қалин-қалин китобларни нашр эттирди. Энди улар на қўлга, на эсга олинади. Нега? Мақсад бузук, маслак ғаразли бўлган. Яхши ҳамки, тарихнинг тили йўқ. Бўлмаса, маълум бир пайтларгача тарих деб қабул қилинган асарларнинг аксарияти уйдирма маълумотлар билан тўлалиги, кўпгина манба ва ҳужжатларнинг сохталигини аллақачон фош этарди.

Атоқли олимларимиздан бирининг мақоласида қуйидагиларни ўқиймиз: "Ф.Энгельс 1853 йил 6 июнда К.Марксга ёзган хатида ўрта аср Шарқ прозаси ҳақида ўз фикрини баён қилиб, "Персид-

ская проза убийственна” деб ёзади. “На-пример, “Равзат ус-сафо” благородного Мирхонда, излагающий персидский героической эпос образным, но совершенно бессодержательным языком... Об одном короле... он пишет: “Он ударил в барабан отставки палочкой уходя от дел”... О другом короле Мирхонд пишет: “Он кусал себе ногти ужаса зубами отчаяния, пока из пальцев стыда не брызнула кровь убитого сознания”. Бу ҳаққоний фикрлар фақат форс прозасига эмас, балки Шарқ прозасига, шу жумладан, ўзбек адабиёти тарихи материалларига, биринчи навбатда, йирик асарларга тўла тааллуқлидир...”

Аввало, Ф.Энгельснинг фикрлари “ҳаққоний фикрлар” эмас. Унинг сўзларидан форс тилини билмагани, демакки, форс насрининг асосий хусусият ва фазилатларини идрок этолмагани яққол сезилиб турибди. Иккинчидан, Мирхонднинг ифода услуби юқорида келтирилган русча таржимадаги каби мураккаб ва сунъий эмас. Учунчидан, “дохий шундоқ деган экан” деб Энгельснинг гапларини нафақат форс, балки бутун Шарқ, жумладан, ўзбек насрига нисбатан ҳам “тўла тааллуқли” дея ҳукм чиқариш — аяброқ айтганда, хушомаддир.

Аҳмад Ясавий бир ҳикматида “Охирзамон олимлари бўлур золим”, дейди. Бу мисрада “золим” биз тушунадиган мазмунда қўлланмаган. “Золим” сўзининг тасаввуфий маъноси — бирор бир нарсани ўз ўрнидан бошқа ва унга мувофиқ бўлмаган бир ерга қўйиш; ҳақиқатни — ёлгон, ёлгонни ҳақиқат дея сўзлашдан ҳазар қилмаслик демак. Шу маънода илм-фан ва бадий ижоддаги золимлик кечирилмас золимликдир. Шўро мафкураси олимни ҳам, ижодкорни ҳам худди шундай ишда фаол бўлмоққа рағбатлантирган эди.

3

Илм ва китоб — қарийб эгизак тушунча. Қанча кўп ўқилса, илм шунча чуқурлашади. Аммо ҳаммиша ва ҳаммада ҳам шундай бўлавермайди. Китоб ўқиш ва китоб-

га муносабатни жўн фаҳмлайдиган кимсалар гоҳо зўр олим деганда “иқтибос қироллари”ни назарда тутати. Бировларнинг фикр-мулоҳазасини қўштирноққа олиб, қўштирноқдан чиқариш билан илм-фан олдинга силжимаслигини уларга тушунтириб бўлмайди.

Шуни яхши билмоқ зарурки, китоб ўқишнинг ўзи бир мақсад ё гоё бўлмайди. Мутолаани дунёқарашнинг ўсиши, теранлашуви ва мустақил фикр тажрибасидан ажратиб қараш хато. Кўп ва изчил ўқишдан пайдо бўлган билим онгданми, кўнгил ё руҳданми, албатта ўз жойини топтоғи, зехнда дунёга доир мустақил фикр ва тушунчани ҳосил қилмоғи шарт.

Бизда китоб ўқиш тажрибаси тўғрисида кам гапирилган ва кам ёзилган. Фарбда эса бунинг тескараси. Фарблик олимлардан бири ёзади: “Мен болаликдан бошлаб китоб ўқишга шўнғидим, лекин мушоҳада талаби ва йўлларини билиб ўқидим. Бу ишда ҳофизам ва ақлим менга буюк ёрдамчи ва хазинабон бўлди... Ҳақиқатни назарий ўлароқ, назарияни эса ҳақиқат ила тадқиқ, таҳқиқ этганим учун назарий илмлар билан миямни тўлдирмадим”.

Бу жумлаларда эътирофга лойиқ икки жиҳат бор: бири — мушоҳада, иккинчиси — назарий илм масаласи.

Француз файласуфи К.А.Гельвеций (1715-1771) фикрича, “Дастлабки умумий ҳақиқатларни фақат мушоҳада очиши мумкин — улар эса илмнинг калити ва принципи”. Мушоҳадага таяниш, мушоҳада имкониятларидан ҳассослик ила фойдаланиш илмда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ижтимоий фан вакиллари орасида мушоҳада талаби ва йўлларини билиб тадқиқотлар яратган олимларимиз, таасуфки, кўп эмас. Бунга айрим рус олимлари илгари сурган, “Фанда ҳиссиётга ўрин йўқ, чунки илм-фаннинг мақсади ҳам, предмети ҳам тушунча ва назария” деган ақидага кўр-кўрона амал қилиш ҳам сабаб бўлган. Ахир, Абдулла Ориповнинг

машхур шеърида тимсоли яратилган — бошида "алжабр усули уюм ва уюм" бўлса ҳам, қалбини бой берган, демакки, ҳаёт руҳи, меҳр-муҳаббат, гам, азоб ва армондан маҳрум "жонли темир"лар қандай пайдо бўлди? Умуман, туйғулари ўлган, "дунёю одамлар тақдири зарра" қадар ҳам ташвишга солмайдиган олимнинг кашфу каромати нимага арзийди? Бу ҳақда ҳам ҳали ўйлаш керак.

Энди назарий илм масаласига келсак, гарчи "Қуруқ сўзнинг ўзидан доим назария яратар олим" ёки "Назария — қуруқ оғочдир..." (Гёте) каби фикрлар айтилган бўлса ҳамки, назарийчиликни бутунлай инкор қилиб бўлмайди. Лекин назариябозликни гоҳо илмий даққиқлик, қуруқ таъриф тавсифдан фарқлаб бўлмаслигидан ҳам кўз юммаслик зарур. Қуруқ назария кўпинча илмдан бутунлай совиш, бундан-да ёмони, инсонни китоб куртига айлантириш билан ниҳоя топади.

Покистоннинг буюк файласуф шоири Муҳаммад Иқболнинг "Паёми Машриқ" китобида бир шеър бор, номи: "Китоб курти". Унда ифодаланишича, бир кеча шоир кутубхонасида китоб курти парвонага "Ибн Сино асарларига жойлашиб олдим. Форобий кўлэзмаларига кўз тикишдан толиқмадим. Бироқ тириклик ҳикматин англай билмадим. Кўк ўша-ўша қоронғи, офтоб эса ҳеч кўринмайди", дебди. Шунда парвона унга "Ҳаёт ҳикмати ва завқини китобдан тополмайсан. Сен тириклик дунёсига чиқ. Нур ва ҳарорат, қанот ва парвоз — буларнинг бари ҳаёт бағридадир", деган экан. Ҳақиқатан ҳам, китобдаги нарсани ҳаётдан топиш мумкин. Ҳаётдаги кўп нарсаларни, айниқса, тириклик руҳи, жонли ҳаёт файзини эса китобдан топиб бўлмайди.

Маънан ожиз, руҳан нотавон кимсалар борки, ҳеч танаффуссиз китоб ўқийди. Ўқиганни мушоҳададан ўтказолмай, улардан керакли хулоса чиқаролмай ўқишни давом эттираверади. Илм ва маълумот миясида чошланиб кетади. Аммо уларни тасниф айлаб, муҳимдан номуҳими-

ни, кераклидан кераксизини ажратолмайди. Хоҳ олим, хоҳ ижодкор ёки оддий ўқувчи бўлсин, китоб ҳар кишининг маслаги, идеалидаги муайян бир бўшлиқни тўлдирадиган қиймати баланд бир воситадир. Китоб ҳаёт сари курашга илҳомлантириши, идеал соҳибларининг тафаккурида янги ва нурли уфқларни очишда ёрдамчи бўлмоғи керак.

Яна бир фикр. Дунёда китобдан яқин дўст, беғараз мусоҳиб ва малолсиз йўлдошни топиш қийин. Китобхонлик — тафаккур меҳнати ва маънавий ўсишнинг бош шартларидан бири. Китоб ўқимаган миллатнинг аҳволига ҳар қанча ачинса, ҳар қанча куйинса арзийди. Бироқ фақат китобга суяниб, фақат китоб таъсирида жоҳилни — фозил, золимни — одил, ёвузни — оқилга айлантириб бўлмайди.

"Ўсмирлигимда моддий танқислик мен билан ҳамма нарсани баҳам кўрадиган дўст каби эди. Лекин мен сотиб олмоқчи бўлган китобларнинг нархи баланд эди... Кўп, жуда кўп ўқирдим. Ишим тугаши билан қолган вақтимни узлуксиз ўқиш ва тадқиқ қилишга бағишлардим...". Бу гапларни ўқиган кишининг кўз ўнгида фақир ва заҳматкаш бир толиби илм қиёфаси гавдаланади. Ҳолбуки, уни башарият бошига бало-қазо ёғдирган бир мустабид — Гитлер битиб қолдирган.

Демак, Қосими Анворнинг "Юз хона тўла китобинг бўлса ҳам, сени олий мақсадга етказолмайди. Энг яхши кутубхона — кўнгил кутубхонасидир", деган гапи айни ҳақиқатдир:

*Сад хона пур аз китоб судат накунад,
Он беҳ, ки кутубхона дар сина бувад.*

4

Менинг илм-фан ва олимлар тўғрисидаги тасаввурим Тошкентга келгунимга қадар мутлақо бошқача эди. Йиллар ўтгани сайин ҳаёл ва ҳаёт, тасаввур ва ҳақиқатнинг ўртасидаги фарқ еру осмон

қадар катта эканини; илм номи, олимлик унвони ила амалга ошириладиган ишлар орасида на шахс, на миллат манфатига бир чақалик фойдаси тегмайдиган "тадқиқот"лар ҳам қанчалик кўплигини билдим. Баъзида битта ҳақиқий олим — улкан тадқиқотчи атрофида фикр-қарашлари беҳад тор ўнлаб майда, тасодифий кимсалар ғимирлаб юришига ишонч ҳосил қилдим. Уларнинг бирлари "илми ғийбат ва фитна"га мохир бўлса, яна бошқалари "илми хусумат" пешвоси. Айримлари ўлгудай ланж ва латтачайнар бўлса, баъзилари беҳад қув ва маккордир.

Беихтиёр улуг немис шоири Гёте "Фауст" достонидаги қуйидаги сатрлар орқали дохиёна фикр-хулосани айтганига тан бермасдан иложингиз қолмайди:

*Илму маърифатдан ўзгарди олам,
Олам — янги, демак, янги шайтон ҳам.*

Билағонликда шайтонни лол қолдириб, ҳийла ва риёкорликда иблисга ҳам дарс бера оладиган "аҳли илм"нинг ишларидан воқиф бўлгач, масаланинг тарихи билан янада чуқурроқ қизиқдим ва Фаустнинг мана бу сўзларига ҳам тан бердим:

*Ишон, инсондаги дониш ва ҳикмат
Бемаъни кибрнинг белгиси фақат.*

Оташнафас рус шоири Ю.Лермонтов эса ҳасрат билан "Ақлимизни сўрди самарасиз фан" деган эди. Дарҳақиқат, самарасиз фан миллатнинг ақли ва идрокига аёвсиз таъсир ўтказади. Шарқ мутасаввифлари буни ҳаммадан кўра яхши англаган, шу боис одамнинг табиий тафаккур тарзига зид ва зарарли бўлган илмни рад этган. Масалан, улардан бири "Олим кўпайса, фазилатли одамлар сони камаяди", деган. Ҳақиқатан ҳам, бўлар-бўлмас нималарни ўқиб-ўрганиш, чала-чулпа билганини қоғозга тушириш билан инсоннинг фазилатига фази-

лат қўшилиб қолмайди. Аксинча, олимлик иддаосига берилиб, ўзи билмаган ва сезмаган ҳолда, бор-йўқ фазилатидан ҳам ажралади. Мирзо Бедилнинг мана бу рубоийси худди шу ҳақда:

*Сад ҳайф, ки мулло ба жадал моил шуд,
Пиндошт, ки олим шудам, жоҳил шуд.
Яъни то лофи дониш омад ба миён,
Авқоти ҳузурӣ маънавий ботил шуд.*

Яъни: юз ҳайфки, мулло жаҳду жадал, яъни шошқалоқликка берилди. Ўзича олим бўлдим деб ўйлади, лекин жоҳил бўлди. Илму дониш лофи агар орага кирса, маънавий ҳузур ботилликка дўнади.

Дарвоқе, одатда олим деганда, фикрлаб толмайдиган, маънавий-руҳий файзи ва фикр-мушоҳадасининг ўткирлиги билан кўпчиликка таъсир ўтказа оладиган Шахс кўз олдимизда намоён бўлади. Олимнинг фикрий изланишлари, азоб-азияти, боринги, иккиланиш ва адашувлари ҳам кимларгадир ибрат бўлмоғи лозим. Илм — ҳақиқат нури. Ҳақиқатсиз — илм, илмсиз — ҳақиқат йўқ. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Арасту "Афлотун менинг дўстим, лекин ҳақиқатнинг қадр-қиммати ундан устунроқ", дегандир.

"Мен уни биламан, буни биламан" дейишдан кўра, "Мен нимани билмайман?" деган масала устида бош қотириш олимга кўпроқ фойдали. Чунки ҳар қандай алломанинг билгани — билмаганига нисбатан уммон олдидаги жилғадай бир гап.

"Ақлнинг энг сўнги қадами, — дейди Имом Розий, — тўхтаб қолиш ва олимларнинг кўп ғайрати хатолик ёки адашишдир. Умр мобайнида қилинган шунча ишларимиздан қоладигани бир нарса: "деди" ва "дедилар" каби сўзлардир". Етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида илм-фанда қанча хатолик, қанча адашишлар бўлди! Олимлик деганда, қанчадан-қанча киши илмий даража ёки унвонларни қўлга киритишни кўзлаб, миллат дарди ва юрт манфаатларини эсдан чиқа-

риб, куч-қувватини “деди” “дедилар”га сарфлаб умр ўтказди. Ҳаммаси бўлди. Ҳаммаси ўтди. Аммо бўлганни ҳам, ўтганни ҳам унутмаслик керак. Токи йўл қўйилган хато ва адашувлар яна давом этмасин.

5

Етмишинчи ва саксонинчи йилларнинг ўрталаригача мунаққид ва адабиётшунослардан қайси бири ёзувчи ёки шоирлар ҳақида нима дейди ва қандай ёзади — адабиётга қизиққан деярли ҳар бир киши буни яхши биларди. Айниса, амалдор ижодкорлар — ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари, нашриёт директорлари, газета ва журналлар муҳаррирлари ёхуд янада баландроқ мартабадаги қаламкашларнинг асарларини мақташ мусобақага айланиб қолган эди. Мақталадиган шеър, дoston, қисса ва романлар юрак қони ила яратиладиган чинакам адабиёт ва санъат намуналарига асло алоқаси йўқ нарсалар бўлса ҳамки, тўғриси айтишга қодир, журъатли олим ниҳоятда сийрак эди. Энг малакали танқидчи ёки адабиётшунос ҳам ўз ҳаддини яхши ҳис этар, китоб чиқариш, мавқе эгаллаш, мукофот ва унвонга эришмоқ истагига зид ҳар қандай уринишдан ўзини тиярди. Адабий танқиддаги маддоҳлик ва тилёғламалик айб ҳам, уят ҳам саналмайдиган даражага етган эди. Бир қатор ижодкорларнинг “сайланма” ва кўптомликлари китоб дўконларида терилиб ётар, улардан баъзиларига ўқувчи қайрилиб ҳам қарамас эди. Бу ҳодисанинг сабаблари адабиёт ленинча партиявийлик, синфийлик кишанлари исканжасида экани билан боғлиқ эди. Айнан “ленинча усул ва йўл-йўриқлар” адабиётни ижод эркидан, шижоатдан жудо этиб, сиёсат малайига айлантирган эди. “Ленинча ақл-заковат” ғайриилм жараёнига кенг йўл очганини ҳеч қачон яширмаслик керак. Бу ҳозир ва келажакда сабоқ чиқаришда ғоят муҳим.

6

Абдулла Қаҳҳорнинг “Янги ер” (“Шоҳи сўзана”) пьесасидаги Мавлон атрофидагиларга “фақат ўз кўмочига кул тортадиган” кимсага ўхшаб кўринади. Шунда уни ўртага олишади:

“Дехқонбой. ...Биз фақат битта бригада, ҳатто колхоз тўғрисида эмас, бутун мамлакат тўғрисида ўйлашимиз керак. Мамлакатда коммунизм қураётимиз.

Мавлон. Мен ўз бригадамни ҳаммадан аввал коммунизмга олиб чиқсам нима дейсан?

Кўзиев (файласуфона). Йўқ, Мавлон ака, битта миҳ билан иморат солиб бўлмайд.

Мавлон. Миҳ? Ким миҳ?

Дехқонбой. Мен миҳ, сиз миҳ...

Ҳафиза. Мен ҳам миҳ.

Салтанат. Мен ҳам миҳ.

Кўзиев. Ҳаммамиз ҳам миҳ. Сиз каттароқ миҳ...”

Беихтиёр, “Одам қани? Одамнинг эрку ихтиёри қаёқларда қолиб кетди?” дегингиз келади. Буни бугун айтиш мумкин, аммо у замонларда айтиб бўлмас эди. Ҳатто, унча-мунча олим ёки манаман деган ижодкор ҳам ўзини жамият иморатининг ўртача бир “миҳ”и дейишни хаёлига келтиролмасди. Бас, шундай экан, қайси олим, қайси аллома халқни ошкора ўзлигини англашга чорлай оларди, дейсиз!

Бир ривоят эшитганман. Ўзлик ҳақида суҳбат қилиш учун икки номдор олим мадрасага таклиф этилибди. Улар узундан-узоқ гапирибди. Суҳбат охирлагач, “Савол борми?” деб сўраганларида ҳеч кимдан садо чиқмабди. “Мулоҳаза-чи?” — яна ҳеч ким чурқ этмабди. Хуллас, ҳалиги икки олимни иззат-икром ила кузатиб қўйибдилар. Мадрасадан бирмунча йироқлашгач, улардан бири иккинчисига “Тақсиржон, менга соддагина қилиб...” дебди. У эса “Қаранг, мен ҳам сиздан худди шуни сўрамоқчи бўлиб турувдим-а!” деган экан.

Ўзлик хусусида китобий фикр-мулоҳазаларни тўтидай такрорлаш — бошқа, уни бутун борлигини ҳис этиб мушоҳада қилиш — бутунлай бошқа нарса.

Фикр-савияси авомниқидан фарқланмайдиган олимлар ўтмишда "уламои русум", "уламои зоҳир", "уламои салотин" деб аталган. Чунки авом нимага қизиқса, улар ҳам шунга қизиққан. Авом нимани мақбул кўриб, нима учун жонини жабборга берса, улар ҳам шундан нарига ўтолмаган. Уларнинг ўқиб-ўрганган, бошқаларнинг тажрибасидан ўзлаштиргани касбий илм бўлган. Дунёнинг зоҳири ва зоҳирий ҳақиқатларига ёпишиб, олий моҳиятни англаш закосидан маҳрум бўлган олимларнинг ёзган асарлари кашфий илм арбобларини мутлақо қизиқтирмаган. Чунки булар ўз фаолиятида завқ, ҳол, илҳомга таянган, шахсият зиёси, қалб оҳанги, ҳақиқат изтироби акс этмаган асарларга қосибчилик намунаси деб қараган.

Кашф ва илҳоми баланд шоирлар эса Ўзни билиш туйғусидан бенасиб бўлган зотлар илмини кераксиз билим ҳисоблаган:

*Дермиш, ҳақим билмаган нарса
қолмади,
Дунёни билди, бечора — ўзлигини
билмади.*

Мавлоно Румий ҳам шу ҳақда тўхталиб айтганларки: "Фалсафачи — коинот илмини ихота этган, илмдан муаззам бир бойлик жамлаганлардан биридир... У ҳар нарсанинг баҳосини билади. Аммо ўзининг қийматини билмайди. Ҳолбуки, илмнинг руҳи, маърифат жавҳари ва ҳақиқатнинг асли — инсоннинг ўз қийматини, нимадан ва нима учун яратилганини, Оллоҳга муносабати, бу оламдаги ўрнини... билишдир".

Энг тўғриси ҳам шу: олим жаҳонни билиш ёки ҳар турли мураккаб муаммоларни ҳал қилишга шўнғиса-ю, ўзининг кимлиги, бу ёруғ дунёга нима учун келгани, унга қондош-жондош эл нима билан

нафас олаётганини ўйламаса, ўйлаб — қийналмаса, қийналиб — тўлғонмаса, бундай олимликнинг кимга кераги бор?!

"Мутафаккир ва санъаткор нажотга етиши ёки тасалли топмоғи учун одамлар билан бирга изтироб чекиши керак..." дейди Лев Толстой. Илм ва ижоднинг асосий қонунияти, боқий ҳақиқатларидан бири ҳам ана шу. Ўзини англашга уринган одам ўзини англаш билан чекланиб қолмайди: у руҳан ва маънан аввал халққа қараб, сўнг Ҳаққа томон сафар қилади. Шунинг учун илм-маърифат тамалини аждодларимиз Ўзликни билмоқдан иборат деб билган. Ўзини таниган олим албатта она тилининг тақдирига куйинади. Халқининг тарихини пухта ўрганади. Миллий адабиётга мансуб ҳар бир истеъдодли ижодкорнинг асарларини синчиклаб ўқийди. Шон-шухратга эмас, жафокаш элининг руҳидан ажралиб қолмасликка интилади. Шу боисдан ҳам у олим. Шу сабабдан ҳам бошқалар билмагани у билади, ўзгалар журъат қилолмаган ҳақиқатни чўчимай айта олади. Ҳақли савол туғилади: бизда шундай олимлар борми? Гапнинг рости, ҳозирги вақтда улкан шахсият эгаси бўлган олимга қараганда, илм-фаннинг бирор бир соҳасини биладиган мутахассислар кўпроқ. Уларнинг орасида, афсуски, она тилида гапиролмайдиганлар ҳам, миллий урф-одат ва қадриятлар билан қизиқмайдиганлар ҳам, тарих ва адабиётимизга қалбан яқинлик сезмайдиганлар ҳам бор. Тўғри, бундай "маданийлашув" тамойили илм-фанда истиқлолга эришилгунга қадар устун эди. Лекин бундай ҳолатнинг илдизлари Ўзлик пойдеворининг нурашига бориб тақалади десак, кўп жиҳатдан тўғри бўлади.

7

Хўш, Ўзлик дегани нима ўзи? Мукамал равишда уни билиш мумкинми? Мумкин бўлса, қандай йўллар билан билиш мумкин?

Турли дин, дунёқараш, ҳар хил мазҳаб ва таълимот вакиллари ўзларича асрлар давомида бу саволларга жавоб излаган. Табиийки, жавоблар гоҳо бир-бирига ўхшаса, гоҳо умуман ўхшамаган, баъзида ҳақиқатга уйғун келса, баъзан ундан жуда йироқ бўлган. Нақл этилишича, Сўфиён Саврий суфийликнинг сарварларидан бири — Робиа Адавийа ҳузурда "Во ҳузноҳ!" дея оҳ чеккандай бўлибди. Шунда Робиа унга дебди: "Ёлғон сўзлама! Агар сен ғам ва маҳзунликни билсанг эди, "Во ҳузноҳ!" дейишдан тийилган бўлардинг. Билгил: менинг ғамим ғамгинлигимдан эмас, балки ғамгин бўлмаганим учундир..."

Сўфиён Саврий беҳад машаққатли ва қийин ишни зиммасига олган. Бу — нафсни таниш. Уни поклаш. Шу жараёнда асл моҳият, яъни Ўзликни билиш. Лекин нафс осонлик билан таслим бўладиган нарса эмас. Уни мағлуб айлаш учун юзлаб, балки минглаб ҳайвоний ва шайтоний майллар — инсоннинг вужудий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳирс ва майллардан халос бўлмоқ зарур. Саврий эса нафс "сайри"да ҳали бу мақомга кўтарилмаган эди. Ўткинчи дунё лаззати, кундалик турмуш шодликлари унинг нафсидан ҳали ҳақ талашарди. Робиа буни аниқ билгани боис унга "Ёлғон сўзлама..." дея танбеҳ берган.

Суфий ва мутасаввифларнинг Ўзни таниш тажрибаси, мана, ўн асрдан ошибдики, эскирмасдан, наинки Шарқ, балки сўнги асрларда Ғарб оламида ҳам кучли қизиқиш уйғотиб келмоқда. Бир нарсага ишончимиз комил: агар совет давлати тасаввуф ва тасаввуф адабиётини ўрганишни таъқиқламаганида, бизни тарихий хотирамиздан жудо қилиш, маънавиятдан бегоналаштиришда кўп нарсага эришолмас эди. Ва инсон фарзандининг ожизлиги, мўрт ва мутелиги билан боғлиқ хусусият ва сифатлар кучкуват, матонат, курашчанлик, голиблик гарови сифатида талқин қилинмаган бўларди. Албатта, инсоний тушунчалар

борасидаги бундай тескаричиликни барча олим ва санъаткорлар қўллаб-қувватлаган деб бўлмайди. Аммо бундай мафкурага қарши турган, қарши фикр айтганларнинг аксарияти шафқатсиз равишда қатагон этилган, баъзилари чет элларга қочиб жон сақлаган.

Кавказлик олим Г.Гуржиев шулардан бири эди. Инсон психологияси ва ўзлик "қатлам"ларини текширишда у асосан тасаввуф таълимоти тажрибаларига таянади. Янги давр ва замон одамларининг онги, аҳвол-руҳиясидаги ўзгариш, аниқроғи, бузилишларни сезгирлик ила кузатган Гуржиев ниҳоятда кескин хулосаларни илгари суради. Унинг фикрича, "Одам бу — машина. Машинадан эса механик ҳаракатдан бўлак ҳеч нарса кутиб бўлмайди. Машиналарни ҳам, одамларни ҳам ташқи таъсир ҳаракатга солади ва ишлатади". Инсондаги Ақл, Рух, Фикр салоҳияти, Эркинлик туйғуси қаёқда қолади? Бу саволга жавоб бундай: "Одам-машинанинг барча иши, уриниши, сўзи, фикри, ҳиссиёти, ишончи, майли, қилиқ ва одатлари ташқи таъсир, зоҳирий таассуротлар ҳосиласидир". Модомики, инсон истак ва орзуи, ғам ва армонларини юзага чиқариш имконидан маҳрум қилинган экан, ҳақгўйлик, ростлик, шижоат каби туйғуларга тегишли гаплар ривоятга айланиб қолмайдими? Ёлғон ва алдовга қарши туриш-чи?

Гуржиев яна таъкидлайдики, "Одам боласи бир-бирини алдаётганида ҳам, ҳақиқатни айтмоқчи бўлганида ҳам ёлғончилик қилади. Ўзини ва ўзгаларни тинимсиз алдайди. Шунинг учун ҳеч ким, ҳеч қачон ўзини ҳам, бошқани ҳам англай олмайди". Демак, ўзимизни ва бошқаларни англаш чораси, умуман, унча мураккаб эмас экан: ёлғон ва алдовдан воз кечиш зарур, вассалом!

Лекин бунда истакнинг ўзигина кифоя эмас. Ҳақиқатни сўзламоқ учун, ҳақиқат нима, ёлғон нима — буни, энг аввало, теран мушоҳада қилмоқ лозим. Бунинг учун тарбия, таълим ва тажриба зарур. Бун-

га ким ташаббускор ва намуна бўлмоғи керак? Албатта, олим, ижодкор ва миллий шуури сўлиб-сўнмаган зиёли. Афсуски, XX асрнинг ўттизинчи йилларидан сўнг бундай олиму ёзувчи ва зиёли кундан-кунга камайиб, сийраклашиб борган эди.

Одам шахсий ҳаётида жуда кўп нарсаларга, масалан, ўзининг тасаввурига, қолоқлик ва нодонлигига, кўркув, таҳлика, ҳаттоки изтиробига боғланиб яшайди. Нималаргадир боғланиш, ўзини уларга тенглаштириш инсон ботинидаги кўпдан-кўп кераксиз "мен"ларнинг мавжудлигини рағбатлантириб боради.

Давр, замон, жамият, сиёсат қаршида турланиб-тусланмайдиган мустақил ва кучли "Мен"га етишиш эса бағоят мушкул. Чунки нафсга, манфаатга тегишли ҳар бир фикр, ҳар қайси кайфият, ҳар қандай майл ва таассуротда "Мен" деган овоз бор. Улардан ҳар бири ўзича "Мен" дейди...

Хуллас, инсон қалбида бутун бир "Мен"-нинг шаклланиши учун гоҳ манфаат, гоҳ хирсу ҳавас, кўпинча эса нафсу ҳаво "аскари" бўлган юзлаб "мен"ларни ўлдирмоқ зарур. "Ўлмасдан бурун ўлинг!" ҳадисидан кўзда тутилган асосий мақсад айнан ана шу. Тасаввуфда бу ҳол иккинчи маънавий тугилиш сифатида талқин қилинган. Аслида, ҳақиқий олимлик ва ижодкорлик ҳам ана шу тугилишдан бошланади.

Йигирманчи асрнинг аввалларида баъзи рус файласуфлари давр шафқатсизликлари ва ёвузликлари учун илм-фанни айбдор қилиб кўрсатмоқчи бўлган. Бу тўғри қараш эмас, албатта. Ўзингиз ўйланг, инсон жонига қасд қилинганда, жиноятни қотил қолиб, қуролга тўнкаб бўладими? Бинобарин, илм оламидаги сохтакорлик, бетайинлик ва саёзликларга ҳам илм-фан эмас, инсоннинг ўзи айбдор. Менимча, XIX асрдаги бир файласуфнинг "Бизнинг давримиз илмий даражаларга эмас, Шахсга муҳтож" деган сўзлари бугун ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Гап ўз-ўзидан ҳозирги вақтда олимликнинг асосий шартига айланиб қолган диссертация масаласига бориб тақалаётир. Диссертация ёзиб муҳокамадан ўтказиш, уни ҳимоя қилиб, номзодлик ва докторлик дипломини қўлга киритиш жараёнида галати уриниш ва интилишлар учрайди. Бирор аспирант ёки тадқиқотчи диссертация ёзишга киришди дейлик. Албатта, аввал мавзун аниқлаб, илмий раҳбар белгиланади. Қобилият, билим, дид ва савия эътибори билан диссертантлар бир-бирига ўхшамаганидек, илмий раҳбарлар ҳам баъзан бир-биридан буткул фарқ қилади. Айрим ёшлар бор: табиатан илм-фанга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аммо кўллаб-қувватловчилари зўр. Шунинг учун саъй-ҳаракати бирор ерда тўхтаб қолмайди. Таниш-билишчилик, илтимос имтиёзларидан хабарсиз киши, ўйлайманки, илм-фаннинг тақдирига тўғри баҳо беролмайди. Ҳозирги кунда аҳли илмдан деярли ҳеч ким иккинчисига ёмон кўрингиси, ҳақ гапни айтиб, ташвиш орттиргиси келмайди. Акс ҳолда яроқсиз диссертациялар Олий аттестация комиссияси — ОАКка етиб бормасдан оқ холис таҳлил ва танқид ила бемалол тўхтатилиши мумкин. Аксарият ҳолда бундай бўлмайди. Нега? Биринчидан, илмий раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифасини виждонан бажармайди. Бажармайдигина эмас, гоҳо буни истамайди ҳам. Чунки мавқе-мартаба, обрў-эътибори баланд олимга биров "пишагини пишт" деб кўрсин — тавбасига таянтирмаса, айтганини қилдирмаса қўймайди. Бундай воқеа-ҳодисани бир эмас, кўп бора кўрганман, бир неча марта бунга ишонч ҳосил қилганман.

Атоқли олим Бегали Қосимов Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида эксперт раиси бўлганида бирга ишлаганмиз. Раҳматли Бегали ака ҳақиқий илмдан сохта илми, диссертациябозликдан чинакам тад-

қикотни яхши фарқлар, илм-фан манфаати ва кадр-қиммати мардона ҳимоя қила оларди. Фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига даъвогар, бироқ ОАК низомида белгиланган талабларга жавоб беролмайдиган диссертацияларнинг йўлини тўшишдан ҳам у чўчимасди.

Эсимда, ўшанда Алишер Навоий ижодиётига бағишланган яроқсиз бир иш кўпчилик овоз билан қайтариладиган бўлди. Уни мен ҳам ўқиб, кўзларимга ишонолмай қолган эдим. Унда найранг-бозлик билан сохтакорлик, саёз фикр-мулоҳазалар ва кўчирмакашлик шу қадар кўшилиб-қоришиб кетган эдики, бунақа "кашфиёт"ни тасаввурга сиғдириб бўлмасди. Бироқ ҳар қандай жонсиз қоғоз ортида жонли одам ва унинг тақдири туради. Қолаверса, расмий тақризчиларнинг фикри, диссертация ҳимоя қилинган илмий кенгаш хулосасини ҳам эътиборга олиш керак. Боз устига, раисимиз диссертант билан бир жойда ишлар эди. Шуларни обдон ўйлаб, Бегали Қосимов тадқиқотчини экспертлар кенгашига суҳбатга чақириш таклифини ўртага ташлади. Бу фикрни ҳамма маъқуллади. Навбатдаги йиғилишга диссертант келди. Лекин унинг танқидий фикр ва саволларга берган жавоблари кўпчиликни қаноатлантирмади.

Машмашаю "торта-торт" ана шундан сўнг бошланди. Диссертация тўғрисида ОАК раҳбариятига махсус бир тақриз ёзиб берилди. Масаланинг моҳиятини тўғри англаган ўша даврдаги раис ҳам, ўринбосар ва илмий котиб ҳам экспертлар кенгаши қарорини охиригача қўллаб қувватлади. Дарвоқе, шу орада марҳум академик Иззат Султон бошчилигида Тил ва адабиёт институтидан ҳам бир неча вакил киритилган муваққат экспертлар кенгаши тузилди. Шунда ҳам аввалги хулосага айтарли ҳеч эътироз билдирилмади. Аммо Иззат Султон домла бағрикенглик қилибми ёки бошқа сабабданми, бунини аниқ айтолмайман, ҳар қалай,

муроса йўлини танлаб, ишни қайта кўриб чиқиш, унинг хато ва нуқсонларини имкон қадар тузатиш учун диссертантга олти ой муҳлат беришни таклиф қилди. Биров — у, биров — бу деган бўлса-да, шу таклиф хулосага айланди. Қарангки, орадан бир ой ҳам ўтмай, ОАКнинг ҳайъат мажлисида ҳалиги иш тасдиқланди. Яъни, тузукроқ бир мақола чиқариб илм аҳлига, айниқса, навоийшуносларга манзур этолмаган, ёзган нарсасининг ҳар саҳифасида фирромлик, кўзбўямачилик, талқин ночорлиги манаман деб турган кишига филология фанлари доктори илмий даражаси берилди. Нега ва нима учун? Шунинг учунки, диссертантнинг илмий раҳбари катта амалдор, суянса суянгудек, мақтанса мақтангудек қўллаб-қўлтиқловчилари бисёр эди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: Бегали ака диссертациянинг асосий камчиликларини таҳлил қилиб берар экан, жаноб академиклардан бири уни шунақа жеркиб, ўзича бир нималар деб валдирадики, ОАК раиси чидаб туролмади ва ўрнидан туриб, "Фалончи ака, сиз биохимиксиз, билмаган соҳангизга нимага аралашасиз?" деди ва бу — ҳақ гап эди.

Ўша воқеадан буён бир неча йил ўтди. Мақола ё китоб чиқаришни қўятурайлик, келажакка бировлар зўр умид ила қараган ўша фан доктори, ўзини гоҳ у кўчага, гоҳ бу кўчага уриб, охири ишлаб юрган олий ўқув юртига ҳам қўл силтаб кетди. Орадан кўп ўтмай, шунга яқин яна бир воқеа такрорланди. Ўшанда Бегали Қосимов "Бас, эксперт бўлишинг маънисини қолмади, кетамиз..." деган эди. ОАК раисининг ўринбосари ишни давом эттиришга уни зўрға кўндирганига ўзим гувоҳман.

Бу гаплар билан ОАКда ишлайдиганларнинг ҳаммаси адолат учун курашади, бўш ёки яроқсиз тадқиқотлар билан ҳеч ким муроса қилмайди, демоқчи эмасман. ОАКнинг ҳам ўзига яраша муаммолари, бартараф қилиниши зарур бўлган камчиликлари бор. Аммо ҳимоя кенгашла-

рининг иш сифатини яхшилаш учун, аввало, илмий тадқиқот институтларидаги бўлимлар масъулиятни зиммасига олмас экан, илм-фанда туб ўзгаришга эришиш душвор. Чунки диссертация билан диссертантнинг савияси ўзаро мувофиқ келмайдиган тадқиқотлар сони, афсуски, ортиб бораётир. Шўро замонида амал ва мансаб соҳибларининг "ҳар эҳтимолга қарши" диссертация ёқлаб, номзодлик ва докторлик дипломини сандиққа ташлаб қўйишни кўзлаши ҳеч кимни ажаблантирмасди. Бунга чек қўйилдими? Кошки эди!..

9

Сир эмас, кўп ижодкорларимизда "илм тили — жонсиз, якранг бир тил, олимлик услуби зерикарли, сўник бир услуб" деган қараш бор. Шунинг учун улардан баъзилари тил, тарих, фалсафа ва адабиётга доир илмий асарларни иштиёқ ила ўқимайди. Инсоф билан айтганда, мажбуран ёки мажбурият юзасидан ўқиш — руҳ севмайдиган, кўнгилни яйратмайдиган уриниш. Афсуски, буни ҳисобга олган ҳолда қалам тебратадиган олимларнинг сони, худди илгари бўлгани каби, бугун ҳам кўп эмас. Аксарият олим тушуниш қийин, бошни оғритадиган даражада мужмал тилда ёзади. Бу тилнинг сўз бойлиги асосан бир ҳовуч атама, мақоладан мақолага, китобдан китобга кўчиб юрадиган пажмурда иборалардан иборат бўлади. Бундай тил ҳақида биринчилардан бўлиб танқидий фикр билдирган ижодкор Абдулла Қаҳҳор эди: "Бу тилда ҳеч ким гапирмайди, зотан, гапириш мумкин ҳам эмас, фақат ёзиб ўқиб бериш мумкин... Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафан кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага тортади".

Неча ўнлаб диссертация ва монографиялар борки, улар бадиий ижод сирларини ёритиш ва китобхонни адабиётга яқинлаштиришга ёрдам беради, деб ўйлаш ғирт соддалик. Унда диссертация

ва монографиялар сони нима сабабдан кўпайиб бормоқда? Шу ўринда Шарқнинг буюк мутасаввиф шоири Фаридиддин Атторнинг сатрларини эслаш мақсадга мувофиқ:

*Кимки беишқ илму дониш истагай,
Илми бирлан молу давлат излагай.*

Яқин ўтмишимизда ҳар юз олим ва олиманинг тахминан ярмидан ортиғи мавқе, мартаба ва манфаат заруратидан ўзини илмга урган. Улар асосий куч-ғайратини тадқиқотчилик, фанда бирор янгилик яратишга эмас, молу давлат йиғиш, амал эгаллаш, мансаб талашувларига бағишлаган. Бундан фақат илм-фан зиён чекканми? Агар шундай бўлганда, яъни зиён ва йўқотишлар миқёси илм-фан билангина чекланганда, эҳтимол ҳазрат Навоий бундай байтни ёзмасми эди:

*Илми ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.*

"Жоҳ" сўзининг луғавий маъноси — мансаб, амал, олий даража, мартаба. Мутафаккир бобомиз огоҳлантириб айтганларки, кимда-ким илм ва олимликни мансаб, амал, бойлик жамлаш воситасига айлантурса, наинки ўзини, балки халқни ҳам гумроҳ этади. Илмдан бир восита сифатида фойдаланиш, олимнинг ўз иқтидори ва обрўйини бозорга солиш ва сотиш фожиаси тўғрисида бундан ортиқ, бундан ёрқинроқ нима дейиш мумкин? Модомики, илму дониш халқ, миллат тақдири билан вобаста экан, Навоий бобомиз айтмоқчи, олимликка даъвогар ҳеч бир одам "гавҳарни имтиҳон учун тошқа урмағай..." Афсуски, синов ва имтиҳон осон кечаётгани йўқ.

Баъзи йигит-қизлар бўлади: бир амаллаб аспирантурага киради ёки илмий тадқиқот институтларига ўрнашиб олади. Аспирантми, тадқиқотчими — барибир, судралиб юраверади. Орадан

олти-етти, ҳатто ўн йилдан ортиқ вақт ўтади, чиқарса — икки ё уч мақола чиқаради, бўлмаса — шу ҳам йўқ. Лекин ўзгандан ўзини кам кўрмайди, биров бир нима деса, “оғиркарвон”ликни оқлайдиган гап ҳам топиб беради. Жанжалкашлик, шаллақилик “қуроли” билан ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлади. Илм учун бунақа кимсалар заҳмат чекмайди, фан номзоди ёки доктори бўлганида ҳам бор ё йўқлиги билинмайди. Шу “номаълумлик”дан улар манфаатдор, шу найрангбозликдан роҳатланиб юришади. “Жойни бўшат!” дейилган куниёқ ёза-ёз, гавго бошланади.

“Илми тарк айлаган” бир биродарим билан икки йил аввал учрашиб, гурунглашиб қолдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Аҳвол ёмон эмас, ишдан ҳам нолимайман. Унча катта ойлик олмасам-да, рўзғорга етказиш мумкин, — деди у.

— Докторлик нима бўлди?

— Докторликни йиғиштирдим. Ҳозир доктор ё профессор бўлдингиз нимаю бўлмадингиз нима? Фойдаси йўқ. Мен бошқа бир йўлни танладим. Яширмайман — ҳар йил битта, гайрат етса, иккита номзодлик диссертацияси ёзиб бераман.

— Қўйсангиз-чи!

— Ёлғони йўқ. Пулини оламан — ёзаман.

— Қанчага ёзасиз?

— Буниси сир. Лекин ишхонанинг йиллик маошидан анча зиёд, албатта.

— Биров ёзган диссертацияни бўлим муҳокамасидан ўтказиш мумкиндир. Лекин уни илмий кенгаш ва ОАК муҳокамасидан қандай ўтказасиз?

— Э, одамани топсангиз, ўтаверади...

— Ахир, бу...

— Гапингизни тушундим. Бозор иқтисодиёти шароити ғалати экан, жўра. Билсангиз, илмда ҳам “бозор” очилган. Бировлар пул бериб роман, қисса, сценарий, ҳатто хотира китоби ёздирса, бошқа бировлар номзодлик ёки докторлик диссертацияси ёздирди. Пулингиз,

суянчигингиз бўлса, китоб чиқариш, диссертация ҳимоя қилиш — нима бўпти! Ҳозирги вақтда ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, фақат диссертация ёзиш билан шуғулланадиганлар тоифаси пайдо бўлганини биласизми? Расмона ширкат дейсиз — ҳаммаси йўлга қўйилган. Лекин мен уларни айбололмайман. Тирикчиликнинг айби йўқ.

— Гапларингизга қўшилиш қийин, биродар...

— Қўшилмасангиз, қўшилмасиз, аммо “диссертация ширкатлари”ни тўхтатиб бўлмаслигини эсдан чиқарманг.

Ҳақиқатан ҳам, шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди. Шу маънода, юқоридаги каби гапларни асоссиз дейиш қийин. Кимлардир илмдан ному обрў, манфаат, мартаба учун фойдаланишга интилаётгани рост. Бировлар учун бошқа бир кишилар диссертация ёзаётгани ҳам кўпчиликка сир эмас. Лекин, буларга умумий ҳодиса ўлароқ қараш инсофдан бўлмайди.

Чунки олимлик, илм ҳақидаги собит қарашлар ҳеч қачон ўзгармаган, бугун ҳам ўзгаргани йўқ. Ҳақиқий олим бугун ҳам ҳаётнинг ҳар қандай синов ва машаққатларига чидаб, танлаган йўлидан оғишмайдиган фидойи Шахс. Бордию олимнинг моддий ҳаётида бирон бир муаммо пайдо бўлса, ҳеч шубҳасиз, уни ҳал этишнинг йўли топилади. Аммо олимнинг маънавиятида биронта ишқал бўлса, уни ҳеч ким тузатолмайди. Чин ва сохта олимлар ҳақида гап кетганда бу ҳақиқатни доимо ёдда тутиш лозим. Айниқса, бугунги кескин рақобат шароитида, юксак тафаккур замонида олимнинг фидойилик ва ватанпарварлик фазилятлари ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Дунё миқёсидаги ақл-заковат мусобақасида муносиб иштирок этмоқ учун бизга фақат ана шундай фазилятли олимлар керак.

Оу нуридек уенгил бо'лсин уакингиз

* * *

Туриб бўлмас: сирпанчиқ, тойгоқ
Ўткинчи бахт, шуҳрату шонлар.
Бироқ доим яшайди уйгоқ
Қонимдаги буюк кушонлар.

Мен кушонлар салтанатида
Гоҳ бахшиман, гоҳо мирзаман.
Гоҳ лашкарнинг сўл қанотида
Сермагайман қилич бир замон.

Гоҳ ёзаман эгилиб тарих,
Ўлтиради улуг хон тахтада.
Замонларнинг юкин, водариг,
Кўтаради битта хонтахта.

Қаддим менинг ёйга айланар,
Пайкон бўлиб учар сўзларим.
Мангуликка лаҳза бойланар,
Юлдуз бўлиб чақнар кўзларим.

Мен кираман минг йиллар аввал
Туғилган Бахт қиёфасига —
Хира кунлар беролмас халал
Қалбимдаги зиё фаслига.

ЭВРИЛИШ

Ёқутхонга

Ойга боқиб ўлтирамиз икковлон,
Икки қалбда титраб турар бир армон:
Қайда қолди Ёшлик деган гулмакон?
Ул маконнинг соғинчига йўқ даво!

Ҳамма нарса унда гўзал, тин-тиниқ,
Унда бари бус-бутундир, йўқ синиқ,
Бунда эса ҳукмрондир хўрсиниқ,
Хўрсинишига арзирмикан бу дунё?!

Бу хўрсиниқ, эҳтимолки, ойгадир?!
Ой хўрсиниб, юмалайди қайгадир;
Саломимиз энди бизнинг найгадир,
Шўх рубоблар, сизга бўлсин алвидо!

Ҳар кун осмон биздан узоқ-узоқдир,
Ер қаттиг-у, оёғимиз юмишқдир,
Дарё — умр икки қуруқ қирғоқдир,
Хўшлашмасдан қолиб кетди ул дарё!..

Аммо бизни бирдан қучар ажиб ҳис,
Нидо келар: “Биринг йигит, биринг қиз,
Ой нуридек енгил бўлсин юкинғиз, —
Икки дунё бир қадамлик муддао!”

Бизни чорлаб юксак тоғлар сурури,
Қўлимиздан етаклайди ой нури...
Олисдаги йилқиларнинг уюри
Бир кишинашга ёш дунёни қилар жо!

* * *

Фурубда товланиб оловранг хаёл,
Юракда чақнайди кул босган чўғлар.
Дарахтлар учида чарчаган шамол
Билинар-билинмас тебраниб ухлар.

Борлиқни тутади турли товушлар,
 Маърашлар, сайрашлар, қўшиқ, қийқириқ.
 Шукрона айтади инида қушлар:
 Сунбула оқшоми баҳордек илиқ.

Сал ўтмай юлдузлар кўрина бошлар,
 Осмон ҳам ўзгартар оқиш тусини.
 Кундузи офтобда исиган тошлар
 Юмишқ ой нурига тутар юзини.

Сени мафтун этар бу нур, илиқлик,
 Шовқинлар пасайиб, аста тинади.
 Коинот аталган улуг тиниқлик
 Нур билан илашиб қалбга инади.

* * *

Ташқарида қарсиллаган қиш,
 Учқун сочар гоҳ-гоҳ мўрилар.
 Кўзи ёниб излайди емиш
 Овлоқдаги кулранг бўрилар.
 Танча узра “ўнинчи” чироқ,
 Жанг боради чироқ нурида:
 Йиқилади Кўкалдош-қалмоқ
 Алпомишининг зарби-зўридан.
 Танча узра Тарих парчаси:
 Қалқиб кетиб қулайди туглар.
 (Хуррак отиб ухлар акаси,
 Ука ухлар, сингил ҳам ухлар.)
 Танча узра ёнар лолалар,
 Юлдузларга эртак сўйлар гул...
 Бўлмасайди шундай болалар,
 Дунё ухлаб қоларди буткул.

* * *

Сой юзида, боқсанг, дафъатан
 Ярқ этгандек бўлади чақмоқ:

Кумуш балиқ ним сакраи билан
Бахиш этади ёруғ бир титроқ.

Бунда харсанг оралаб шошар
Балиқларнинг мобий дунёси.
Қулоқ тутсанг, сайрайди тошлар,
Қандай гўзал тошлар навоси!

Сувилон ҳам гўзалдир бунда, —
Тонг қолдирар инжа буралиш.
Ишонасан бор деб очунда
Инсон учун қайта яралиш.

Сени мафтун этади бу сой,
Бу тоғлардан сирғалган виқор.
Бу гўзаллик, бу мангу чирой
Муҳаббатдек, билсанг, бетакрор.

* * *

Тани қизғиш, барглари тажанг
Шилдираган гўзапоялар
Таратади кулранг бир оҳанг
Қорга ташлаб қисқа соялар.

Чошгоҳда ҳам бўшашимас аёз,
Январь артган қуёш чарақлар,
Исмим атаб "...ху-ув-в!" деган овоз
Қортепага тегиб ярақлар...

Менга оппоқ, оқ ҳикоялар
Сўйлаб турар ҳануз ўша Вақт, —
Қорда қолган гўзапоялар,
Оппоқ дала, чексиз оппоқ бахт...

* * *

Ўзгача гашти бор тунги кўчанинг:
Бир хилда қорайиб кўринар ранглар.



*Жарангдор пошнаю бўғиқ ўкчанинг
Овози ва лекин ажралиб янграр.*

*Кундузги шов-шув ва одатий сўздан
Ўуштакни яхшироқ англар йироқлар.
Юксак юлдузларни тўсади кўздан
Бош эгиб ёнубчи пастак чироқлар.*

*Гоҳ ёпиқ дераза тирқишларидан
Қиз ҳиди, гул ҳиди чиқади сизиб.
Баҳорнинг бу бебош қилмишларидан
Туннинг ҳам бадани кетади қизиб.*

*Онда-сонда ўтган машина шошар,
Чироғи кўзингни қамаштиради.
Сўнг яна сукутдан юрагинг тошар,
Қадрдон кўчанг ҳам адаштиради.*

*Лекин адашсанг ҳам манзиминг тайин:
Биласан, бир дарча сенга мунтазир.
Бу баҳор, бу олам нақадар майин,
Сен эса бу тунда тож кийган асир!*

* * *

*Мени тунда уйготган товуш,
Яна сенга нима керак, айт?
Остонамни лой қилган ковуш,
Бор, кетақол, ёмғирларга қайт.*

*Дунё хомуш, тун ҳам фаромуш,
Мен гулханда ёниб бўлган чўғ.
Остонамни лой қилган ковуш,
Энди сенга айтар гапим йўқ.*

*Хотиранинг йиртиқ баридан
Босиб турма, кетақол, ковуш;
Мени сочинг томчиларидан
Оққан сувга чўктирма, ковуш.*

ФАЛСАҒА

Ҳазил аралаш

Эҳтимолки, мен бўлиб буюк,
Қолдирмасман тарихда излар.
Лекин мени тинглайди суюб
Файласуфлар ва гўзал қизлар.

Мен қушлардан ёдгор чуғурни
Фасллардан териб олгайман.
Ва фалсафа деган шуурни
Ошиқона шеърга солгайман.

Мутлақлик деб билмайман, аммо,
На зоҳирни ва на ботинни, —
Мен безовта қилмайман асло
Ё Арасту, ё Афлотунни.

Мана соҳил, яйраб ётибмиз:
Ёр тилладек қумда порлайди.
Ва вужуди қумга солган из
Фалсафага мени чорлайди:

“Қара, — дейман, — дарё ҳам рассом, —
Мавж сувратин шағалга чизар”.
Ёрим эса, нетайин, авом,
Менга қулиб кўзини қисар.

“Юрак икки, — демиш Ғаззолий, —
Ҳам ботиний, ҳам зоҳир юрак”...
Ёр лабида титрайди холи:
“Сиз — учинчи, энг соҳир юрак!”

Мен тортай деб ёр диққатини
Фалсафанинг хазинасига,
Ўз ботиний муҳаббатимни
Зухр этаман ёр сийнасига.

“Ботин теран, — дейман жўш уриб, —
Зоҳир билан қиёсланда!..”
Фалсафамдан кетади эриб
Бағримдаги саводсиз банда.





60

МОЎЖАЗАЛАР ОЛАМИ

Ўзбек тасвирий санъатининг забардаст вакили Жавлон Умарбеков ижоди том маънода мўжизалар оламидир. Ўтган асрнинг 60-70 йилларидаги изланишлар нафақат рассом ижодига, балки миллий санъатимиз тараққиётида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Миллий ва жаҳон тасвирий санъати тажрибасининг ажиб уйғунлиги мусаввир ижодининг етакчи йўналиши ҳисобланади. Унинг ҳар бир асари оригинал услуб ва ечими билан ажралиб туради.

Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жавлон Умарбеков ижодининг муҳим жиҳати — юртимиз манзаралари ва миллий қаҳрамонлар талқинидаги ўзига хосликда. Бўёқларда акс этган гўзалликдан ҳайратга тушган машҳур шоиримиз Абдулла Орипов бир шеърида рассомга “Она Ўзбекистоннинг тасвирини чизиб беринг!” дея хитоб қилган эди. Бу лутфни улкан санъаткор маҳорати ва меҳнатига билдирилган самимий эътироф деб тушуниш мумкин. Дарҳақиқат, рассом асарлари ранглар воситасида яралган мўжизалардир. Улар киши қалбини гўзал ҳисларга чулғаштириб, баробарида инсон руҳини комиллик ва эзгулик сари чорлайди.





1

1. Чойхўрлар
2. Бухоро. Қовун бозори
3. Олтин Бухоро




3





4



5




6



7

4. Бола кўтарган мадонна
5. Зарғалдоқ шафтолилар
6. Она ва бола
7. Сувга кетаётган киз
8. Лаган ўйини
9. Кўза кўтарган одамлар



8



9



QO'SHYURAK

Ҳикоя


Низом КОМИЛ таржимаси

— Ке қўй, Зинахоним, “нима буюрасиз?” деб бошимни қотирма. Уни опке, буни опке демайман. Қанақа ширин таом, қанақа зўр ичимлик бўлса, опкелавер. Жўраларим билан би-ир битимиз тўкилсин. Тезлаштир!

Нима демоқчи эдим-а? Ҳа! Адгурнинг юраги иккита деган гапни ўйлаб топган одамни учратсам, ўлай агар, онасини учқўрғондан кўрсатаман! Миш-миш тарқатгани билан хотини ўғил туғиб берармиди! Лекин уни барибир топаман, чунки кимлигини кўнглим сезиб турибди. Биз томонларда ҳам шунақа галамис одамлар учраб туради.

— Қизик-да, — дейишади ўртоқларим, — олтита ўқ еб тирик юрибсан, тагин ўқлардан биттаси юрагингни тешиб ўтган. Демак, юрагинг иккита-да, Адгурбек, шунини дўстларингдан яшириб нима қиласан?

— Хой, мусулмонлар, — дейман мен жиғибийрон бўлиб, — юрагим битта! Агар ҳадеб гапираверсаларинг, шунисиям тарс ёрилади. Ахир, ҳаммамиз дўстмиз, бирга



Аслан абхаз миллатига мансуб Фозил Искандар рус адабиётининг дунёга машҳур намояндаларидан ҳисобланади. Илк ижодини шеърятдан бошлаб, “Дурагай таканинг шухрати” деган кувноқ қиссаси билан донг таратган эди. “Инсон манзили”, “Мақтаб вальси ёхуд Номус кучи”, “Чегемлик Сандро”, “Шоир” сингари йирик асарлари, унча-мунча романга бергусиз ҳикоялари кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган.

ўсганмиз, неччи йилдан бери туз-намакмиз, нахотки шу бемаъни афсонага ишониб юрсанглар?

Тўғри, олгита ўқ еб тирик юрибман, сабаби — жони қаттиқ уруғданман. Бу — бир. Иккинчидан, юрагимдан ўтган ўқ юрак қисилган, таранглашган пайтида ўтган, деярли тегмаган, бир четини ялаб кетган, холос. Ҳозирги тиббиёт фани буни аниқлаган: юз йилда бир марта шунақаси ҳам бўлиб тураркан. Ўқ юз йилда бир марта таранглашган юракдан ўтаркан, тушуныпсизларми, қисилиб турган юракдан! Шунда одам ўлмай қоларкан. Бу энди... бир сўмлик лоторейга “Волга” ютишдай гап.

Лекин буни ҳаммага тушунтириш осонми? Қахвахонадан одам оёғи узилмайди. Уларнинг бирортаси барибир ана шу ахмоқона саволни беради-да:

— Адгурбек, юрагинг иккита эмиш, шу гап ростми?

Тирик юрганим учун ўзимни оқлагунча она сутим оғзимга келади шунақа пайтларда. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — бир куни атайлаб кушхонага бордим. Биздан узоқ эмас, Маякда. Номи чиққан қассобимиз Мисроп амаки ўша ерда ишлайди. Ёши саксонни қоралаб қолган, аммо-лекин бизга ўхшаган ёшлардан ўнтасини бир чўқишда қочиради, нимагаки ҳар куни эрталаб иссиққина қонни пиёлага лиммо-лим қилиб симиรวолади.

Бориб дардимни айтдим, худди отам билан гаплашаётгандай, шунақа-шунақа... безор бўп кетдим, дедим.

— Мардона иш тутганингдан хабарим бор, мулла Адгур, — деди у бамайлихотир. — Отангдай одамдан бошқача ўғил дунёга келиши мумкин эмас эди. Ойингни ҳам яхши биламан. Минг қилганда ҳам ўзимизнинг эшерлик аёл-да. Дуркун, оёқ-қўли чакқон, ака-укалари ҳали ҳам ўша ерда яшайди, девдай-девдай йигитлар. Энди анови масалага келсак, қассоб сифатида шуни айтишим мумкинки, умрим бино бўлиб қўшалок юрак у ёқда турсин, хатто қўшалок талокқа ҳам дуч келмаганман. Тўғри, минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йили ошқозони иккита қора буқани бир марта кўрганим рост.

— Мисроп амаки, — дедим мен, — минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилда сиз кўрган ошқозони иккита қора буқанинг менинг ҳозирги аҳволимга нима алоқаси бор? Ўша минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилдаги ошқозони бир жуфт қора буқа бошқа нарсадан дарак берган, яъни бир йил ўтиб ўттиз еттинчи йил келадию Сталин ҳаммани ямламай ютади, дегани бу. Гап мана шунда.

— Мен буни сезганман, — деди Мисроп амаки, — буқанинг курагига қараб очилган фол ҳам шунга ишора қилган. Лекин ўшанда миқ этмаганман — замон чатоқ эди. Қисқаси, жигарим Адгурбек,

тўрт оёқли жониворлар устидан бор бисотимни ўртага қўйиб ҳукм чиқаришим мумкин: ўзинг биласан, қассоб халқида мол-бисотдан қахатчилик йўқ. Аммо икки оёқлилар тўғрисида бир нима деёлмайман. Бу масалада сенга бирорта яхшироқ дўхтир ёки Бериянинг қассоблари ёрдам бериши мумкин. Ана, хиёбонларда мункиллаб бўлса ҳам сайр қилиб юришипти, отнинг калласидай нафақа олишади. Хохласанг, битта-иккитасини кўрсатиб қўяман. Лекин бирортасиям айбини бўйнига олмайди-да.

Мана энди, биродари азизлар, гарчи бу нарса хозир расман тавсия этилмаса ҳам, нима сабабдан Берия жаллодларини бот-бот эслаб туришимни фахмлагандирсизлар. Мендай одам-а! Сиёсий жиҳатдан етук бармен! Ахир, бу муттаҳамлар гўзал Абхазиямиз бошига озмунча кулфат ёғдиришдими! Биз буни минг йилдан кейин ҳам унутмаймиз.

Ўттиз еттинчи йилда амаким Адзюбжа кишлоқ фуқаролар кенгашининг раиси экан. Бир куни шаҳардан одам келиб, колхозчиларни маъруза эшитишга тўплашни буюрган. Амаким колхоз раиси билан бирга икки юзтача одамни клубга йикқан. Хайриятки, кўпчилик келмаган. Ҳалиги одам халқаро вазият тўғрисида гапириб бўлганидан кейин, томдан тараша тушгандай:

— Колхозлаштириш сиёсати хато бўлган. Сизлар шунга қарши бош кўтаришингиз керак, биз сизларни қурол билан қўллаб-қувватлаймиз, — деган.

Кўряпсизларми қанақа иғво бошлаганини! Шунисига шукрки, бу вақтга келиб дехқонлар оқ-қорани ажратадиган бўлиб қолишган экан, нотикнинг гапига “хўп” ҳам дейишмайди, “йўқ” ҳам дейишмайди. Жимгина тарқалишади. Хангома ана шундан кейин бошлади. Икки кечада мажлисда қатнашганларнинг ҳаммасини — колхоз раиси билан фуқаролар кенгаши раисини ҳам ҳибсга олишади. Гўё булар колхоз тузумига қарши қуролли қўзғолон кўтаришга уринишганмиш.

Сўроқ варақаларига қўл қўймагани учун уриб амакимнинг бир кўзини кўр қилишади. Аммо у бунга ачинмайди. Ҳамқишлоқларини мажлисга судраб борганига ич-этини ейди, холос. Лекин амаким бунақа бўлишини туш кўриптимми? Шуниси қизиқки, “мажлисингга тупурдим” деганларга тегмайдилар. Фақат йиғинга келганларни қамайдилар. Ҳаммаси ўн йил-ўн йилга кесилади, бирортасиям Сибирдан қайтиб келмайди. Лекин амаким қайтади. Айтдим-ку, жони қаттиқ уруғданмиз, деб. Аммо кўзи...

Майли, умри узоқ бўлсин, бу ёғи йигирманчи съезд яқинлашяпти. У вақтларда амаким биз билан бирга яшарди. Ота ўрнида ота эди, чунки дадам уруш тугаганидан сўнг орадан икки йил ўтар-

ўтмас қазо қилган. Мана, йигирманчи съезд ҳам бўлиб ўтди. Ўша кунлари Ачандарадан кенжа амакимнинг ўғли келиб қолди, ўзи ўқитувчи.

— Амаки, — деди у икки кафтини бир-бирига ишкалаб, — бизнинг давримиз келди. Кўзингизни чиқазган ўша терговчини менга рўпара қилинг. “Ал қасосул-минал ҳақ” деган гап бор.

— Қўйсанг-чи, — дея қўл силтади амаким, — кизикқон йигитсан, сен битта кўзнинг ўзи билан тинчимайсан. Мен кўзимга эмас, ўзим мажлисга судраб борган анови шўрликларга ачинаман.

— Амаки, — деди амакиваччам хуноби ошиб, — сизда айб йўқ, тарих айбдор бунга. Лекин биз, жиянларингиз, сиз учун қасос олишимиз керак.

Амаким чурқ этмади, амакиваччам уйига қайтиб кетди. Унда мен ёш бола эдим. Хаш-паш дегунча йигирма иккинчи съезд ҳам етиб келди, умридан барака топсин! Бу вақтда армияда хизмат қилардим, дарров амакимга хат ёздим. “Амаки, — дедим хатимда, — яна бизнинг давримиз келди. Совет десантчиси, жанговар тайёргарлик аълочиси сифатида терговчингизни тергаб қўйишга тайёрман!”

Барибир амакимни кўндириб бўлмади. Сал ўтмай бу бевафо дунёни тарк этди у. Сибирда музлаб ўлган хамқишлоқларини кечаю кундуз ўйлайверганидан кейин нима ҳам бўларди? Балки уларнинг “Биз раисга нима ёмонлик қилувдик?” деган таъналари амакимни кабрида ҳам тинч қўймай, безовта қилаётгандир.

Мен буни унута оламанми? Водийдаги қишлоқки бор, бариси катафон қилинган эди. Энди бўлса, “Бериячиликни шунча чайнаганимиз етар! Аччиқичакдай чўзаверишнинг нима кераги бор?”, дейишади.

Гапни қаранг! Э, мен буни минг йилдан кейин ҳам унутмайман!

Майли, энди ўзимнинг дардимга қайтайлик. Тўғри, Мисроп амаки менга далда берди. Лекин барибир қулоғим тинчигани йўқ. Қахвахонага келганлар хануз ўша қўшюрак тўғрисида сўраб-суриштиришаверади. Москвага бориб, бирорта пихи қайрилган профессорни топсаму ундан “одамда иккита юрак бўлмайди” деган маълумотнома ёздириб келсаммикан? Баъзан шунақа бўладики, қахвахонага кирганларнинг айримлари жилпанглаб ёнимга келиб, қулоғини кўксимга босади — иккинчи юрагимнинг тепишини эшитмоқчи бўлади-да, занчалиш! Йўқ, бораман Москвага, маълумотномани опкелиб, бир нухасини мана шу деворга ёпиштириб қўяман! Ўқи, дейман, кўзми ё пўстакнинг йиртиғими, дейман халигидақа хирапашшаларга.

Шундоқ хаёллар билан юрган кезларим, аксига олиб, қахвахонага кекса бир одам кириб келди, ёнида хотини ҳам бор. Ўтириб, коньяк билан қахва буюришди. Қарчиғайнигоҳ йигитман-да: эрка-

ги кўзимга нукул профессорга ўхшаб кўринаверади. Чидаёлмадим:

— Маъзур тутасиз, — дедим ёнига бориб, — мабодо профессор-масмисиз? Ё қиёфангиз шунақами?

— Ха, профессорман, — деди у.

Хотини ҳам жилмайиб, эрининг гапини тасдиқлади.

— Кечирасиз-у, қайси соҳадан?

— Тиббиёт фанлари докториман.

— Тиббиёт фанлари профессори ҳамми?

— Ха. Нимаиди?

Дархол дийдиёни бошладим:

— Одамда иккита юрак бўладими?

— Шу чокқача учратганим йўқ, — деди у, — лекин ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

— Ие, бу қанақаси? — дедим таажжубланиб. — Тиббиёт фанлари докторисиз, шу фаннинг профессорисиз, нахотки, саволимга аниқ жавоб беролмасангиз?

— Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, дедим-ку!

— Шунинг учун ичади-да бу одам, — дея лукма ташлади хотини бир туки ўзгармай.

Ҳафсалам пир бўлди. Энди майли, бор гапни айтаман. Сизларга айтмасам — кимга айтаман, ҳарқалай, бир жойнинг одами-миз, оталаримиз улфат бўлган. Менга шунинг ўзи кифоя. Бегоналардан эшитмаганларинг маъкул, унақалар қўшиб-чатиб, бошқача етказди.

Бирор калимам ёлғон бўлса — тил тортмай ўлай! Ўшанда ҳам мана шу қахвахонада ишлардим. Бир шумқадам Арчандарада катта бувим қазо қилгани хабарини олиб келди, яъни ойимнинг онасининг опаси. Мен уни “катта буви” дердим.

Шу киши тўқсонга кириптию омонатини топширипти. Жуда куйиндим: беозор, мулойим кампир эди-да, болалигимда уларникига кўп борардим.

Табиатим ғалатироқ — кекса одам ўлса ачинаман. Ёшларга ҳам ачинаман-у, унчаликмас. Феълим шунақа-да. Миямга бир фикр ўрнашиб қолган — узоқ яшаган одам ёруғ дунёга ўрганиб, мазахўрак бўлиб қолади, ўлгиси келмайди. Ёш йигит эса ҳали ҳаётнинг нашъасини сурмаган, ўлимдан ҳам тап тортмайди. Ўзини ўтга-чўкка ураверади.

Десант кўшинларида хизмат қилиб юрганамда бир дўстим бўларди. Исми Виктор. Ўрис. Ака-укадай эдик. Гавдали бўлгани учун Буқа деб лақаб олган эди. Зўр йигит эди-да лекин. Қўрқув нима-лигини билмасди. Ҳар қандай қалтис вазиятда ҳам “Худо ҳофиз!” деб тураверарди.

Ўша дўстим халок бўлди, худо раҳматига олсин. Парашюти очилмай қолди. Мендан кейин олтинчи бўлиб сакраган эди. Бундок бошимни кўтарсам — тошдай учиб келяпти. Ёнимдан ўтаётганида “Худо хофиз, Адгурбек!” деганини эшитиб қолдим. Онамни, икки фарзандимни ўртага қўйиб онт ичаман — худди шундай деди! Шундок дедию зум ўтмай тош-метин заминга урилиб, чилпарчин бўлди.

Куйганимдан жинни бўлаёздим. Шунда “замполит” чакириб қолди:

— Адгурбек! Ҳукумат топшириғи бор. Кубага жўнатиш учун кўнгиллиларни йиғяпмиз. Борасанми?

— Бораман, албатта, — дедим ҳеч иккиланмай. — Энг яқин дўстимдан жудо бўлдим. Бу ердан энди бош олиб кетганим тузук.

Айни “Қариб танглиги” бошланган кезлар эди. Кубада қарийб икки ой турдик. Эсда қоладиган бирор нарсани кўрганим ҳам йўқ — бизни казармадан чиқазмас эди-да. Лекин сал ёзилдим, дўстим фожиасини бир оз унутгандай бўлдим. Мана, орадан шунча вақт ўтди, лекин дўстимнинг ҳалиги иборасини хануз унутолмайман: “Худо хофиз!” Шундай десам, дардим енгиллашгандай бўлади. Келинлар, дўстларим, энди Викторнинг хотираси учун ҳам биттадан отайлик... Ха қурғур, нима деятувдим? Ўтлаб кетдим-а...

Қискаси, Ачандарада катта бувим оламдан ўтипти. Иш тугашига ярим соат қолганда савдодан тушган пулни директорга топшириб, оиламиз бошига тушган мусибат сабабли барвақтроқ кетмоқчилигимни айтдим.

— Бемалол, — деди директор, — боравер. Лекин сен билан бир масалада гаплашиб олишим керак. Ке, бирпас ўтириб, қиттай-қиттай отайлик, кейин кетаверасан.

Ҳозир ичишга бало борми! Ачандарада катта бувим ўлиб ётган бўлса! Бутун оиламиз билан шошилиш чикишимиз керак-ку.

Лекин илож қанча? Биринчидан, директор. Иккинчидан, ёши анча катта. Қадахларга коньяк тўлдирди. Ичмадим, лабимни теккизиб кўявердим. Гапиряпти, эшитяпман. Нукул валдирайди. Уч йил олдин бўлиб ўтган гапларни кавлаштиради. Гўё ўшанда бир қариндошини хафа қилган эмишман. Биринчидан, мен буни аллақачон унутворганман. Иккинчидан, уч йил жим юриб, энди нима қиласан ўлган илоннинг бошини кўзгаб? Хуллас, чакагини зўрға ёпдим, узр сўраб, ўрнимдан турдим.

— Майли, оқ йўл, — деди у. — Бирпас ўтириб, мен ҳам уйга кетаман.

Ҳозиргидай эсимда, соат кечки ўн бирдан ошганда қахвахонадан чиқдим. Озгина юргандан кейин хиёбон ёнидан ўта бошладим. Атроф қоп-қоронғи. “Горсовет бўлмай ўл, — дедим ичимда. — Чирок ўрнатиб қўйсанг хотининг талоқ бўладими! Нукул мақтанишади:

“Фалон жойда ГЭС ишга тушди, писмадон жойда ГРЭС ишга тушди”. Шаҳарнинг эса ахволи бу!

...И-й-й! Анови стол ёнига ўтирганлар — ГДРлик немислар. Фақат шампан буюришади. Улар фақат бизнинг шампанни тан олади. Бошқа ҳеч нарсани тан олишмайди. Столга битта шампанни қўйволиб, эрталабгача ҳам ўтиришаверади.

Ўтган йили ГДРлик иккита немис билан танишиб қолганман. Иккаласиям ёш. Эр-хотин. Уйимиз ёнидан ўтаётиб, шамоллатиш учун хотиним дорга ёйиб қўйган айиқ терисига кўзлари тушиб қопти. Айиқни уч йил бурун Сухуми ГЭСи атрофидан отиб олган эдим. Халиги немиснинг хотини — улар ўрисчани чала-чулпа билишаркан — ҳовлига кириб, суриштира бошлапти: “Ниманинг териси бу?”

Қўшнилар уларни бизникига бошлаб киришди. Немасини айтасиз, айиғимнинг териси немис маржасига бениҳоя ёкиб кетипти-да.

— Марҳамат, — дедим мен, — одатимизга биноан шуни сизга совға қиламан.

Суюниб кетишди. Эри менга ҳадя этиш учун билагидаги тилла соатини еча бошлаган эди, ҳай-ҳайладим:

— Унақа қилманг. Модомики бизникига кирибсизлар, мен сизларни меҳмон қилишим керак.

Хотиним дастурхон тузай бошлади. Мен музлатгичдан столга учта шампан олиб қўйдим. Меҳмондорчилик қилдик. Дарвоқе, хотиним терини ҳадя этиб юборганимни эшитиб енгил тортди, лекин сир бой бермади.

— Бошимизга урамизми терини, — деди у. — Ўзига чанг тортади, тозалаб улгуролмайман... Яхшиси, палос оламиз.

Лўли-да хотиним, палос жинниси. Лекин мен меҳмонларга терини чин кўнгилдан совға қилдим.

Чақчақлашиб ўтирибмиз. Ичамиз, тамадди қиламиз, яна ичамиз. Меҳмонларнинг кайфи оша бошлади. Бир маҳал меҳмон хотин ўрнидан туриб келиб тиззамга ўтирволдию чўлпиллатиб ўпа кетди — ёкиб қолдим шекилли-да. Уларнинг одати шунақа экан, мен билмасам. Эри бепарво ўтирипти, хотиним эса — хангу манг. Бир томони, улар меҳмон — бир нарса деёлмайди. Иккинчи томондан, эрини чет эллик аёл ўпиб ётипти. Шўрлик тамом бўлди — на кўзини уза олади, на қўлидан бир иш келади! Кулавериб ичакларим узилаёзди.

— Нега қараб турибсан, — дедим охири, — ўп сенам эрини!

Хуллас, роса яйрадик. Меҳмонлар чулдираб қолишди. Қарасам, яна ичгилари бор, лекин столга бошқа шампан қўймадим. Товонларига қолмайин тағин, дедим-да — ГДР бўлгани билан, харқалай, хорижликлар.

Улар кўзгалишди. Ҳалиги терини яхшилаб ўрадим. Немис маржа нуқул “Германиядан нима жўнатайлик?” дейди. Хотиним қулоғимга абхозчалаб шивирлади:

— “Дрезден” қандилини сўранг. Ҳозир урф бўлган.

— Жим! — дедим мен. — Ҳеч нарса керак эмас.

Кўчага чикдик. Такси тутиб, уларни ўзлари яшаётган “Тбилиси” меҳмонхонасига эсон-омон элтиб қўйдим.

Анови немисларни кўриб, тагин гапдан чалғиб кетдим. И-й, ана! Айтдим-ку, улар фақат шампанни тан олади, деб. Официантка битта шампан қўйиб кетди. Бу ёғи — тонготар...

Хулласи калом, қахвахонадан чиқиб, қоронғи хиёбон ёқалаб кетяпман. Соат ўн бирдан ўн беш-йигирма дақиқалар ўтган. Шу пайт оркамдан қандайдир мошина қувиб етиб, таққа тўхтади. Унинг ичидан биров “Адгур, чик мошинага!” деб қичқирди.

Қарасам — оқ “Волга”, лекин кимникилигини билмайман. Эҳтимол, ўртоқларимдир, дам олиш учун дала-палага чиқиб кетишаётган бўлса, мени ҳам опкетмоқчи бўлишгандир. Оиламизда кўнгилсизлик, ҳозир боролмайман, эшитган кулоққа яхшимас, дейиш учун мошинага яқинлашдим. Қарасам — тамомотаниш одамлар. Оббо! Дарров фаҳмладим — иш чатоқ, жанжалнинг иси келяпти. Лекин мен ҳам анойи эмасман.

— Чик, — деди бир йигит орқа эшикни очиб.

— Нега чиқаман? Сизларни танимасам...

Шундай деб, олдинга юрдим — мошинанинг рақамига қарамоқчи эдим. Ол-ла! Йўк. Мошинада рақам йўк. Юрагим шув этиб кетди, аммо ўзимни йўкотмадим. Яшириб нима қиламан, ёнимда тўппонча бор. Тез-тез юриб йўлкага чиқволдим; йўлканинг нарёғи чақлакзор, чап беришга қулай.

Эшитиб турибман — оркамдан келишяпти. Ана, тўхташди. Уч йигит йўлкага чиқдию бараварига ўқ уза бошлади. Ўн қадам наридан етти-саккиз марта ўқ узилди, шулардан иккитаси кўкрагимнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқиб кетди.

“Ўлдим”, дедим. Қарасам, оёқда турибман, тез узоқлаша бошладим; теварак-атроф қоронғи, улар учта. Йўк, душман билан бу ерда жанг қилиб бўлмайди, муюлишда телефон будкаси бор, темирдан. Ўша ерда жон сақлашим мумкин, қолаверса, мелисахона ҳам яқин, ўқ овозини эшитиб, чошиб келишади.

Ҳалигилар йиқилмаганимни кўриб, анграйиб қолишди. Шундан фойдаланиб муюлишга қараб югурдим. Лекин улар яна эс-хушларини йиғиб олишди. “Тўхта! Тўхта!” дея бақирганча тагин ота бошлашди. Икки ўқ яна баданимни тешиб ўтди.

“Шошма, энағарлар, совет десантчиси отиш қанақа бўлишини

кўрсатиб кўяди сенларга!” дедим ичимда. Бу пайтда муюлишга ет-волган эдим, шартта тўппончани чиқардим. Қуролим борлигини кўриб, учаласи ҳам ерга ётволди. Телефон будкасини пана қилиб, душманни нишонга олмоқчи бўлсам... эвоҳ, қўлимни кўтаролмай-ман-да! Ўнг қўлим яраланган экан. Аламимдан йиғлаворай дедим.

Ана, баданимдан тўртта ўкни ўтказворган итэмган ғаламислар рўпарамда ётипти, қани энди, қуролимни ишлатолсам! Нима қилиш керак? Фанимларимни саросимага солиш учун асфальтга уч марта ўк узиб, яна қочишга тушдим. Иложим қанча? Ўз чамамда яна битта ўкка чидайман, у ёғига — ё раззоқ...

Қочганимни кўриб, яна қува бошлашди. Ўки тугади, деб ўйла-ган бўлишса керак-да. Қочяпман, қувиб келишяпти. Лекин менда олдингидай тезлик йўқ. Ҳазил гапми — тўртта ўк еганман. Улар яна бараварига панғиллатишди. Тағин битта ўк у ёғимдан кириб, бу ёғимдан чиқиб кетди.

Худога шукр, дейман ичимда, мелисахонагача оз қолди. Бинога яқинлашганимда ичкаридан олтитача мелиса югуриб чиқиб, отиш-мага қулоқ сола бошлади. Кўрган одам, қувноқ бир таронани тинг-лаяптими булар, дейиши аниқ эди. Ўқ овози чиққан томонга югу-риш қаёқда! Ана сизга совет мелисасининг ахволи...

Мени кўришлари билан шартта ушладилар-да, тўппончани торт-волиб, қўлимга кишан сола бошладилар.

— Нега қўлимга кишан соласизлар? — дея бакира бошладим. — Қочмайман. Анови муюлишда рақамсиз оқ “Волга” турипти. Ун-дан уч киши тушиб, мени ўлдирмоқчи бўлди!

Шу гапни айтиб бўлишим билан ҳалигилардан бири бурчакдан мўралаб қолди.

— Ана! Ана у! Ушланглар! — деб қичқирдим.

Қаёқда! Мелисалар — парвойи фалак. Бирдан мўралаган одам-нинг ўзи муюлишдан чиқиб, биз томонга қараб юра бошлади. Ҳай-ратдан бақа бўлиб қолдим, лекин барибир яна бақирдим:

— Мени машинага чақирган шу! Энг кўп ўк узган ҳам шу! Ушланглар!

Мелисалар қуршови баттар торайди, анови одам шошмасдан ёни-мизга келди-да, худди Кеннедининг қотилидай, чўнтагидан тўппон-чани чиқазиб, оғзини қўлтиғимга тиради.

— Овозингни ўчирасанми, йўқми! — шундай дейиши билан қар-силлаб ўк ҳам узилди.

Энг қизиғи, шу ўк танамда қолган экан, бошқалари у ёғимдан кириб, бу ёғимдан чиқиб кетган эди. Қотилимга ҳеч ким тегмади. Шунда бир сирни англагандай бўлдим. Ҳа-а-а! Сотилган экан бу-ларнинг бари!

...Узр, оғайнилар. Зинахоним, хў анови бурчакдаги стол ёнида ўтирган беш кишини кўряпсанми? Ўшаларга бешта шампан элтиб бер, бошлари оғриб турганга ўхшайди. Лекин ким жўнатганини айтма. Кеча кўпайтирворишган-да, хечқиси йўк... Ўзимизнинг йигитлар...

Ха, нимага келувдим? Эсимга тушди. Пайқадим — ҳаммаси сотиб олинган. Мендан бошқа одам бўлганда олдинроқ сезарди. Мен хозир пайқадим. Ишонувчанман-да!

Кейин мени навбатчи лейтенантнинг олдига олиб киришди. Қарасам, таниш йигит, қахвахонага минг марта кирган. Худо етқизди, дедим. Ишқилиб, буям сотилмаган бўлсин-да. Лекин ёнида бир майор ҳам турипти, кўзим тушгандаёқ турки ёкмаган эди. Лейтенантга бўлган воқеани кўшмай-чатмай гапириб бердим. Унинг мен томонга оғаётганини сезган майор орага суқилди:

— Ёлғон! — деб бақирди у. — Сен мелиса ходимларига қурол билан хужум қилгансан, бу қилмишинг учун жавоб берасан!

Ё парвардигор! Кишанли қўлларим билан ёқамни йиртдим — ҳамма ёғим билч-билч қон.

— Нима деяпсиз, ўртоқ майор? — дедим титраб-қакшаб. — Қурол билан хужум қилибман-у, бирорта ўким хеч кимга тегмапти-да, а? Ўзим олтига ўк едим-ку!

Майор асабийлаша бошлади, чунки лейтенант менга хайрихошлик билан қараб турарди.

— Найрангбозлик қилма бу ерда! — Майор шундай деб, юзимга тарсаки тортиб юборди. Вой иблис-эй! Қўзимга қон тўлди, чидаб туrolмадим: яроқсиз ўнг қўлимни чапи билан кўтариб туриб кишан билан бошига шундоқ туширдимки, майор гушпа ағдарилиб, хушидан кетди. Ўшанда мени нега ўлдириб қўйишмади — билмайман. Йўк, биламан — ўзи ўлади, дейишган. Эҳтимол, лейтенант халал бергандир — бир нарса дейишим қийин. Салдан кейин ўзимга келиб қарасам, мошинада кетяпман, қўлимда кишан йўк.

— Қаёққа олиб кетяпсизлар?

— Тинчланинг, — деди оқ халат кийган бир йигит. — “Тез ёрдам” бу, касалхонага олиб кетяпмиз.

Оқ “Волга”даги анови фирибгарларнинг совунига кир ювган одам оқ халатга ишонадими?

“Худо хофиз, Адгур, ҳаммаси сотилган, бу ёғига хушёр бўлиш керак!” деган гап ўтди кўнглимдан.

Ростдан ҳам касалхонага олиб келишди. Атрофимда дўхтирлар гирдиқапалак, ким сотилган, ким сотилмаган — қаёқдан биламан! Аммо, душман ортидаги ҳақиқий десантчилардай, катъий қарорга келдим: ўзимни беҳуш кўрсатиб кузатаман, кулоқ соламан, вазиятни ўрганаман.

Кўйинг-чи, рентген-ментген, аравачада у ёқдан-бу ёққа, гоҳ тепага, гоҳ пастга дегандай... Дўхтирлар ўлмаётганимга хайрон. Бири “Эргалабгача етмайди”, деса, бирови “Балки тузалиб кетар”, дейди.

Менинг миямда бошқа ўй: “Худо ҳофиз, энг муҳими — хушни йўқотмаслик...”

Дўхтирлар нима учун ўлмаётганимни муҳокама қила бошлашди. Шунда биринчи марта “қисилиш”, “таранглашиш” деган атама-ларни эшитдим.

“Ўқ юрак қисилган пайтда ўтган бўлиши керак” деган хулосага келишди улар.

Операция столига ётқизишди, дархол ўзимни хушига келган одамдай тутдим.

— Ўртоқ дўхтир, — дедим мўлтираб, — мен тўлиқ наркоз беришингизга рози эмасман.

— Ие, ие, — деди дўхтир, — ўзига кеп копти-ку. Мен умуман наркоз бермоқчи эмасман — ўқ юзада, шундоқ кесиб олиб ташлайвераман.

— Унда яхши, бошланг.

Қисқаси, ўқни олишди, кесилган жойни боғлаб, палатага жўна-тишди. Яна ўзимни хушдан кетгандай кўрсатдим. Сотилган дўхтирлар мени ўлади деб ўйлаётган бўлса, ўйлайверсин.

Олиб келиб, алоҳида палатага ётқизиб қўйишди. Ие, мен министр-манми, нега алоҳида палатага ётқизишади? Бунда бир гап бор. Уй-куга кетганимда бир бало қилишади. Гувоҳларсиз. Яна кўзимни юмиб олдим.

Беш дақиқалардан кейин ёшгина ҳамшира кириб келди. Қўлти-гимга ҳарорат ўлчагични тикмоқчи. Кўзни очишга тўғри келади.

— Яхши қиз, — дедим овозимга мулойим тус бериб, — яқинда-гина мана шу еримга тўппонча тикишган эди, балки етар?

— Э, шунақами, — деди ҳамшира, — бўлмаса, бу ёғингизга кўямиз.

— Йўқ, олдин ўзингизга қўйинг.

— Ие, нега энди? — Қиз астойдил хайрон бўлди. Ўзини маъсу-ма қилиб кўрсатмоқчи. Лекин менинг талабим ҳам тўғри-да: сотил-ганми, сотилмаганми — билмасам.

— Гап шундаки, яхши қиз, — дедим жиддий оҳангда, — ўлча-гич қўлтигимда портлаб кетса, уруғларим сизни тинч қўйишмай-ди, ярим умрингиз қамоқда ўтади!

— Нималар деяпсиз, ё тавба! Нега портлайди? Ҳозиргина кути-чамдан олдим.

— Алмаштириб қўйган бўлишлари мумкин...

— Бўпти, олдин ўзимга қўяман.

— Лекин билиб қўйинг, — дея огоҳлантирдим уни, — портлаб кетсангиз, мен жавобгар эмасман.

Хамшира ўлчагични қўлтиғига суқди, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик.

— Вой шўрлиг-эй, — деди у бир маҳал, — не қўйларга солишибди-я сизни? Жудаям гумонсирайдиган бўлиб кетибсиз.

— Секин айтасизми! Рақамсиз оқ “Волга” ёнингга келиб тўхта-са, ундан уч каллакесар отилиб чиқиб бараварига сенга ўқ уза бошласа, мелисадан паноҳ излаб ўша ёкка югурсанг-у, аранг уларнинг олдига етиб борганинда қотил бамайлихотир сенга яқинлашиб, қўлтиғинга тўшпонча тираса, яна “Овозингни ўчирасанми, йўқми!” деб туриб тепкини босса, мелисалар эса миқ этмаса, ўзларининг одами-да — мен гумонсирамай ким гумонсирасин!

Ўн беш дақиқа суҳбатлашдик. Мен атайин шошмаяпман. Модомики улар ўз ишларига панжа орасидан қарашга ўрганган экан, демак, портлатгичлари ҳам кечиқиб портлайди. Лекин қиздан хотиржам бўлдим. “Бор-йўғи хамшира бўлса, шуниям сотволадими!” дейишгандир-да.

Қиз хароратимни ўлчаб, ханг-манг бўлиб қолди: ўттиз олтию олти. Шунақа эканига шубҳам йўқ эди.

— Мана, энди ишондим, софдил, ҳалол қиз экансиз, — дедим унга. — Айтинг-чи, нега мени худди министрдай алоҳида палатага ётқизишди? Менга оддий палата ҳам бўлаверарди.

— Хамма палата банд, — деб жавоб берди хамшира. — Сигмаганлари йўлакда ётипти.

— Ҳа, баракалла. Аҳвол шунақа экан, менга бундай шарафнинг нима кераги бор? Оддий барменман. Горкомнинг инструктори ёки горторгнинг инспектори бўлганимда бошқа гап эди.

— Бу палатада бир касал ётувди, — деди қиз. — Икки соат олдин ўлди. Бошқа одами ётқизишга ҳали улгурганимиз йўқ.

— Ие, бу ерда ётганларнинг хаммаси ўладими?

— Йўқ, ахён-ахён.

Ахён-ахён эмиш! Барибир таъбим тирриқ бўлди.

— Илтимос, навбатчи дўхтирга айтинг, мени умумий палатага ўтказсин.

— Бўпти, айтаман, — деди хамшира, — лекин рухсат бермаслиги аниқ, ҳозир тунги соат уч — беморларни безовта қилиш мумкин эмас.

— Майли, бир сўраб кўринг.

Кейин уйим каердалигини тушунтириб, эрталаб биррав кириб хотинимни огоҳлантириб қўйишни илтимос қилдим. Тагин оёқни узатворсам, беҳабар қолишмасин.

— Сизга жин ҳам урмайди, — деди ҳамшира. — Жонингиз темирдан экан, шунча жароҳатдан кейин ҳам ҳароратингиз ўзгармаса-я! Сизни олиб келганда кўп дўхтирлар ўлади, дейишган эди.

— Сотилган оқ халатлиларнинг баъзилари ҳозир ҳам шу фикрда. Лекин сиз бор экансиз, улар ниятига етолмайди.

Қиз чиқиб кетди. Кўнглимни яна гулгула босди: агар навбатчи дўхтирни ҳам сотиб олишган бўлса, у мени умумий палатага ўтказишга рухсат бермайди. Ортиқча гувоҳнинг нима кераги бор?

Майли, худо хофиз. Бирдан раҳматли катта бувим эсимга тушиб кетди. Уйимдагилар мендан хабар топмагунча жанозага жўнашмайди. Марҳумани чиқаришга на ойим, на хотиним, на сингилларим бормаса — кип-қизил шармандалик. Урф-одатни оёқости қилган бўламиз. Катта бувим бизсиз ҳам кўмилади, албатта. Аммо қариндош-уруғ, эл-юрт олдида иснодга қоламиз.

Ҳамшира қайтиб келиб, рухсат бермади, деди. Билувдим. Энди ўзимни ҳеч кимдан шубҳаланмаётгандай тутаман.

— Ҳа, майли, яхши қиз. Фақат эрталаб бизникига кириб ўтиш ёдингиздан чиқмасин.

— Ташвишланманг, — деди ҳамшира. — Албатта кираман, айтаман. Ўзим ўша томонда тураман.

— Энди ухласам бўлади. Ухлади, денг. Шунақа денг.

— Яхши ётиб туринг. — Қиз шундай деб, чиқиб кетди.

Яхши ётиб туринг, эмиш. Ҳозир энг муҳими — ухлаб қолмаслик. Кейин нима бўлди, денг? Чамаси ярим соатлардан сўнг эшик аста очилиб, палатага оқ халат кийган бир одам кирди. Битта-битта босиб тепамга келди; тикилганча қараб турипти, турипти, турипти. Нафасим ичимга тушиб кетган. Лекин ўнг оёғим зарбага тайёр. Сал бежо ҳаракатни илғадимми, “қаратэ” кивораман. Қарабсизки, биринчи гуруҳ ногирони бўп турипти-да. Ҳар ҳолда десантчиман. Бизни ҳам у-бу нарсага ўргатишган.

Йўк, тегмади, дераза ёнига қўйилган стулга бориб ўтирди. Қотиброк ухласин деяпти-да. Кейин бемалол... уколми, порошокми... ўзлари билишади. Салдан кейин кўз қирини ташласам, бошини буриб, яна тикилиб қараяпти. Кейин бирдан ўрнидан турди-да, мен томон юра бошлади. Асабларим чидамади. Ўзимни ноҳос уйғониб кетган кишидай кўрсатиб:

— Тўхта! Ким келяпти?! — деб бақирдим.

— Ие, ёв-вош, ёв-вош, — дейди. Қизиқчи экан. — Секинрок, касалларни уйғотворасиз. Нафасингиз тўхтаб қолгандай туюлди, шунга...

— Нафасим тўхтагандан кейин ҳам бир кишига кучим етади! — дедим.

- Қалай, тузукмисиз?
 — Нукул уйқу босади, хайронман.
 — Ухланг, ухланг, — деди у, — қон кўп кетганда шунақа бўлади ўзи.

Кейин индамай чиқиб кетди. Ҳозир сира иложи йўқ, бемор вазиятни назорат қилиб туришти, дея кимгадир ҳисоб бермоқчидир-да.

Унга нима дейишган, билмайман, бир маҳал яна кириб келди, яна тикилиб турипти. Мен ҳам ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. У яна ҳалиги жойига бориб ўтириб, бошини дераза рафига қўйганча хуррак ота бошлади. Э-э, овора бўласан, менга бунақа нағманг ўтмайди. Фафлатда қолдирмоқчи-да. Эрталабгача эринмай хуррак отиб чиқди.

Саҳар пайти дераза орқасидан хотинимнинг овози эшитилди. Сапчиб турдим, оқ халатли “қотил” ҳам шартта туриб, йўлимни тўсди:

— Ётинг, дарров жойингизга ётинг!

Бир тегиб бурчакка учирвордим. Кейин деразани ланг очиб, хотинимга қичқирдим:

— Соппа-соғман! Бувимнинг маъракасига бораверинглар! Менинг номимдан ҳам қабрига бир сиқим тупроқ ташланглар! Қардалигимни ўртоқларимга айтиб қўйинглар! Қолганини кейин гаплашамиз!

Хотиним йиғлаб ётипти:

— Қидирмаган жойимиз қолмади. Ўликхоналарга ҳам бордик, мелисахоналарга кўнғироқ қилдик.

— Заб кўнғироқ қиладиган жойни топибсанлар! — дедим. — Йўлга чиқаверинглар, ўртоқларимга хабар бериш ёддан кўтарилмасин!

Ҳалиги киши ўзига келиб, мени дераза олдидан каравотга қараб тортқилай бошлади. Бу гал тархашлик қилмадим. Ўзим бориб ётдим.

— Қизик одам экансиз-ку, — дейди, — эрталабгача мижжи қоқмай тепангизда ўтирсам-у, мукофотига тепки есам! Бу қанақаси?

— Узр, — дедим мен, — кўз юмай хуррак отадиган одамни шу чокқача кўрмаганман-да.

Икки соатлардан кейин оғайниларим келишди. Бир кучоқ гул, хачапури, товуқ-повуқ, яна алламбалолар кўтариб келишипти, худди томоғимдан овқат ўтадигандай. Бош дўхтир билан даволовчи дўхтирни ҳам ийдиришипти. Энди кўнғлим тўқ — менга ҳеч ким тегмайди.

Эртасига яқин дўстларимдан бири гап топиб келди:

— Адгур, суриштирдим, тагига етдим. Сенга мелиса ходимларига қурол билан ҳужум қилган, деган айбни тиркаб, отишга ҳукм чиқаришни мўлжаллашяпти. Лекин сен кўркма — Мухусдан Москва-

гача барча дўстлар оёққа турғизилган. Энг олдин вақтдан ютиш керак, бунинг учун сен касалхонада иложи борича кўпроқ ётишинг лозим. Бу ердан сени қамоққа олиб кетишолмайди. Хаммага, ҳароратим жойида, деб валақлайверма. Шу бугундан бошлаб ахволинг оғирлашган. Даволовчи дўхтирингни қўлга олдим. Касалхонадан қирқ беш кунсиз чиқазмайди. У ёғини яна кўрамиз. Москвадаги ўртоқлар зўр адвокат ёллашди. Маҳаллийси тўғри келмайди — бари сотиб олинган.

Орадан кўп вақт ўтмай, дўстим касалхонага москвалик адвокатни бошлаб келди. Бўлган воқеани гапириб бердим.

— Парво қилманг, Адгурбек, — деди адвокат, — мелисангиз нима бўпти! Булардан каттароқларини ҳам пусурган бузоқдай қилиб қўйганман. Аммо қурол олиб юрганингиз учун бир ярим йилга кесиласиз.

— Шуни миллий анъанага айлантирворса бўлмасмикан?

— Йўқ, бўлмайди, — деди адвокат. — Нима бўладию нима бўлмайди — мижозларимга олдиндан айтиб қўяман, шунинг орқасидан нон ейман-да.

— Савдолашиб нима қиласан, — дея гапга қўшилди дўстим. — Отилиб кетгандан кўра бир ярим йил ётиб чиққанинг яхшимасми?

— Бошқа томони ҳам бор, — деди адвокат, — тартибни бузмасангиз, бир йил ўтирасиз, холос. Бундан ташқари, “Қариб танглиги” даврида Кубада хизмат қилганингиз, жанговар тайёргарлик аъло-чиси бўлганингиз ҳам бизнинг фойдамизга...

Вақт-соати етиб, касалхонадан чиқдим. Бир ҳафтадан кейин судим бўлиши керак. Олий суд билан алоқаси бор оғайним ҳовлиқиб кепколди.

— Иш чатоқ, Адгурбек, — дейди, — эртага кундузи соат иккида шошилиш суд мажлисини ўтказишмоқчи, сенга маҳаллий адвокат тайинлашмоқчи.

— Маҳаллий адвокат? Нега энди? Мен раддия бераман бунақа судга!

— Йўқ, — деди ўртоғим, — улар айнан шуни кутишяпти. Агар раддия билдирсанг, ўта хавфли жиноятчи сифатида ҳибсга олишадди. Дўстларингдан айириш учун. Бинобарин, бундай қилакўрма, зудлик билан москвалик адвокатни чақириш керак, шу бугун кечаси етиб келсин. Олдин Аэрофлотга қўнғироқ қил, Москвадан учадиган кечки рейсларни бекор қилишган, эшитишимча.

— Нима бало, улар Аэрофлотни ҳам сотиб олганми?

— Унақамасдир. Дам олиш мавсуми тугаган-да, йўловчилар оз, шу сабабли бекор қилган бўлишлари ҳам мумкин.

Аэрофлотга кўнғироқ қилдим. Рост, кечки рейслар тўхтатилган. Ха, майли, Адлер билан гаплашиб кўрай-чи.

— Парвозлар — жадвал бўйича. Самолёт кечаси келади Москвадан, — дейишди у ердагилар.

Хайрият-э! Москвага, адвокатга кўнғироқ қилдим. Буюртмани ўртоғим берди, гўшакни мен ушлаб турдим: телефон идорасида ишлайдиганлар ҳам сотилган-да.

— Яхши бўлди кўнғироқ қилганингиз, — деди адвокатим. — Хозирок учаман, Адлерда кутиб олинглар.

Эртасига ҳаммаёқнинг титиғини чиқаздик. Судья адвокатим шу ердалигини эшитиб типирчилаб қолди. Ишимни маҳаллий адвокатга ошириб бўлишган экан, ўқиётганмиш. Ўртоқларим айтишди. Адвокатлар идорасига кирсам, кўзойнак таққан бир ипириски бошини кўтармай ўкиб ўтирипти.

— Тур-э! — дедим. — Қорангни кўрмайин! Учта институтни тугатган москвалик машхур адвокат менинг ишим билан икки ойдан бери шуғулланыпти, сен сотволган дипломинг билан бир-икки соатда ниманинг фаҳмига етардинг!

Қисқаси, дўстларим билан бирга соат иккида бошланадиган судни кутяпмиз. Адвокатим бўлса шаҳар айланиб юрипти, нега бунақа қилади — хайронман. Оғайниларимдан бирининг мошинаси хизматда. Гох Олий судга, гох прокуратурага, гох горкомга боришади. Нимадир бўлаётганини сезаман-у, нималигини аниқ билмайман. Нахотки, фирибгарлар адвокатимни ҳам сотиб олишса? Суд бошланишига озгина қолганда, хартугул, пайдо бўп қолди.

— Адгурбек, ваъда — ваъда, — деди у, — сени кутқараман. Лекин биз уларни айблай олмаймиз, негаки орқаларида катта кучлар турипти. Химояни бошқа йўлга буришга тўғри келади. Ўқ узган одамларни сен танитайсан, укдингми? Бусиз ҳам судья сенга қарши, аммо мен уни дабдала қиламан.

Бундан чиқди, мелисаларнинг кўзи олдида “Овозингни ўчирасанми, йўқми!” деб туриб қўлтиғимнинг тагидан дарча очмоқчи бўлган одамни мен танимаслигим керак. Бу ёғи қандоқ бўлди? Жиноятчи жазосиз қолаверадими? Жаҳлим чиқди. Лекин ўртоқларим кўплашиб ҳовримдан туширишди. Начора! Адвокатим нима деган бўлса, судда ўша гапни гапиравердим.

Суд жараёнида мени отувга ҳукм қилмасликлари маълум бўлди, бироқ иблис судья, кайф ҳолда, безориларча қурол ишлатган деб, саккиз йилни мўлжаллаб турипти!

Хўш, халқ маслаҳатчилари кимлар денг: бир аёл билан бир эркак. Эркаги “Бесамар меҳнат” артелида ишлармиш, қулоғи га-

ранг. Аёл эса тикув фабрикасининг илгорларидан, икки оғиз ўриси чани бир-бирига қовуштиролмайти. Шаҳримизда ўтган суд мажлисларининг ҳаммасида шу тикув фабрикасининг ишчилари маслаҳатчи бўлган. Нимага айнан тикув фабрикасига ёпишиб олишган — билмайман. Ҳамма жойда бўлганидек, у ерда ҳам ўғирлик қилишади.

Бор умидим адвокатдан. Лекин бало экан! Аввало, тергов устидан кулди: ноҳолис ва саводсизларча олиб борилган, деди. Бунақа фирибгарлик ҳатто Техасда ҳам топилмасмиш. Маълум бўлишича, терговчи менинг генералларгагина ярашадиган тўппончамни жиноят ишидан олиб ташлаб, уни қандайдир амалдорга совға қилворипти. “Парабеллум”ни алмисокдан қолган аллақандай “Вальтер”га алмаштириб қўйипти. Мени танимайдиган одамлар олдида роса уялдим. Бунақа “Вальтер”ни бизда қишлоқ қоровули ҳам қўлига олмайти. Кейин гўё отишма жойидан топилган олтита бўш пистон ҳам намоёиш қилинди. Демак, менга олтита ўқ текканини инкор этишолмайти. Аммо гапнинг нишабини шунга опкелишдики, гўё мен олтита ўқ узганман, улар ҳам менга олтита ўқ узишган. Адвокатим роса кулги қилди:

— Бу ёғи қизик бўлди-ку, — деди у, — отишмами бу ёғи Пушкин билан Дантеснинг дуэлими?

Айбланувчи жиноятчиларни нишонга олмаган, мелисани чақириш мақсадида осмонга қаратиб отган, деган гапни ҳам қўшиб қўйди.

— Қани, ўзларинг айтинглар, — дея давом этди у, — яқин ўтмишда десантчи бўлган, жанговар тайёргарлик аълочиси ҳисобланган, “Кариб танглиги” вақтида ўз ихтиёри билан Кубага борган шундоқ йигит... кутурган безорилардан бирортасини ҳам нишонга ололмапти-да, а? Уларнинг шахсиятини холис тергов келгусида аниқласа керак...

Демак, гап химоянинг дастлабки режаси томон оғяпти.

— Мухтарам судьянинг сўзларига караганда, бизнинг десантчиларимиз отишни билмайти! Халқ тинчлигини қўриқлашга даъват этилган шонли армиямизга тухмат эмасми бу?!

Прокурор ўрнидан туриб, “Судьянинг гапларида тухмат йўқ, кавказча талаффузи сабабли москвалик ҳамкасбимизга шундай туюлган”, деди.

Адвокатим ўтирган жойидан жавоб қайтарди:

— Тухмат бор, буни қайд этиб қўйишни сўрайман!

Шундай қилиб, у ютиб чиқди. Айтгани бўлди. Мени бир ярим йилга кесдилар, бир йил ўтирдим.

Дранд турмасига олиб боришган эди. Қарасам, назоратчи — бир ўртоғимнинг амакиси.

— Адгурбек, ҳаммасидан хабарим бор, — деди у, — биламан, сенда айб йўк. Лекин қўлимдан нима келади, мен бир кичкина одамман...

— Раҳмат, Тенгиз амаки, — дедим, — ҳеч нарса керак эмас. Мендай одамга икки оғиз ширин сўз кифоя.

— Аммо бир масалада ёрдамим тегиши мумкин. Олдинга келадиганларга навбат ҳам, муддат ҳам йўк.

— Раҳмат, Тенгиз амаки, яхшилигингизни унутмайман.

Ана шундай гап-сўзлардан кейин мени камерага элиб қўйиб, ўзи изига қайтди.

У ёқ-бу ёққа аланглашга улгурмасимдан норғул бир йигит сўри-сидан кичкириб қолди:

— Салом, Туршак! Кўпдан бери кутаман-а сени, Туршак!

Қарасам — нотаниш.

— Оғайни, бировга ўхшатяпсан. Мени исмим Адгур.

Ёнидан ўтиб, жойимга бориб ўтирдим.

— Йўк, Туршаксан! — дейди шанғиллаб. — Ташқарида нима гаплар, Туршак?

Ё тавба! Ҳақорат қиялтим бу ё ростдан ҳам бировга ўхшатялтим? Ёнимда ўтирган одам энгашиб қулоғимга шивирлади:

— Эътибор берма — эси кирди-чикди. Ҳаммага ўзича ном қўйиб олган.

— Эси кирди-чикди бўлса, нега бу ерда ётипти, жиннихонага бормайдими?

— У — ҳам тентак, ҳам жинойтчи. Парво қилма, ҳаммага лақаб қўйган, дедим-ку.

Ўшанда туршак нималигини билмасдим.

— Туршак дегани нима ўзи? — деб сўрадим халиги одамдан.

— Ўрикқоқи. Ўрта Осиёда бўлади.

Вой хумпар-эй! Туршак эмишман. Озғинроқ бўлсам ҳам майли эди. Жиннилиги рост, шекилли. Ке, қўй, шунга ҳам сиқилиб ўтираманми? Олтита ўққа чидаган — Туршакка ҳам чидаман.

Шу алфозда ўн кундан бери яшаяпмиз. Камерада ёшгина, ним-жонроқ бир йигит ҳам бор. Темирйўл мелисасида ишлаган экан.

Қамалишининг тарихи бундай. Горький шахрига бир тоннача мандарин олиб кетаётган проводникларни қўлга туширипти. Мандаринни мусодара қипти, проводникларнинг устидан далолатнома ёзиб, уни Батумига, иш жойларига жўнатмоқчи бўпти. У ёш, тажрибасиз, проводниклар эса пихини ёрган одамлар.

— Бўлар иш бўлди, — дейишипти улар, — мандаринни мусодара қилдинг, етади. Акт ёзмай кўяқол. Фалончига икки минг сўм қолдириб кетамиз, шуни олиб, бошлиғинг билан “арра” қилинглар.

— Унақаси кетмайди, — дейди бу, — менга садақангиз керак эмас, акт ёзаман.

Ўзини бозорга соляпти, деб ўйлашипти улар. Лекин бу ҳалол-пок йигит экан, далолатномани ёзиб, жўнатворишти.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, халиги проводниклар яна пайдо бўлди-лишти, иккаласи ҳам фирт маст, мелиса йигитга ёпиша кетишипти:

— Сен ярамас, пулни олишга олиб, бу ёғини расво қипсан, судга берамиз сени!

Ростдан ҳам судга беришипти. Маълум бўлишича, проводниклар ўша гапни бошлиқнинг олдига кириб ҳам айтишган. У қўнган. Эртасига бошлиқ йигитни чақириб, далолатномани сўраган, йигит, жўнатвордим, деган. Бошлиқ индамаган. Шундан кейин маълум муддат ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича турган. Сир судда очилган. Бошлиқ проводникларнинг бошлиғига қўнғироқ қилиб, — улар ҳар доим бири-бирини қўллайдими-да, — ақтни йиртиб ташланг, деган. Проводниклар қолдирган пулни чўнтакка урган. Батумидаги халиги бошлиқ билан “арра” қилмоқчи бўлганми, йўқми — бу ёғи менга қоронғи.

Хуллас, у бошлиқ бу бошлиқдан ё ўз улушини ололмаган, ёки бўлмаса, нафси ҳақалак отиб, далолатномани проводникларга кўрсатган-да, улардан пул талаб қилган. Пулни олган ҳам. Проводникларга эса алам қилиб кетган.

Улар бу ёқда қолдирган пулларини қайтариб олиш учун келса — пул йўқ. Мелиса йигитнинг бошлиғи елкасини қисиб, бемаъни ходимим ақтни ўзбошимчалик билан жўнатворишти, деб тураверган. Кейин проводниклар судга берган.

Бошлиқ ишни бости-бости қилворса бўларди, албатта. Аксига олиб, ўшанда Шеварднадзе порахўрликка қарши кураш бошлаган кезлар экан. Суду прокурорларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетган-да ўшанда. Шунинг учун улар эски гуноҳларини хаспўш-лаш, ўзларини ҳалолу пок кўрсатиш мақсадида, қўлга тушганларни арзимаган гуноҳи учун ҳам узоқ муддатларга кесиб юбораверган.

Бошлиқни ҳам, йигитни ҳам хибсга олиб, уларга саккиз йилдан берилади. Ноинсоф бошлиқ, пулни ходимим билан “арра” қилганмиз, дейди. Озроқ муддатга қамайди, деб ўйлаган-да ҳароми. Мен бир нарсага ҳайронман. Олий маълумотли судьялар, прокурорлар пулни олган одам икки дунёда ҳам далолатномани жўнатмаслигини нахотки билмаса? Билади. Гап бошқа ёқда. Кўрқоқ олдин мушт кўтаради.

Мана, ўзимга ўхшаган бегуноҳ бир шўрлик, мелиса бўлишига қарамай, камерада ўтирипти. Анови тентак қачонлардир мелисада ишлагани учун шунга тирғалгани тирғалган. “Этик” деб лақаб қўйволган.

Йигитга ичим ачийди — бекордан-бекорга ўтирипти. Уйда ёшгина хотини, бир ёшли боласи қолган. Ҳалиги жиноятчи бўлса бунга кун бермайди. Жаҳлим чиқса ҳам чидайман. Мени олтига ўқ билан ўлдиришолмапти-ю, аммо асабларимни ишдан чиқазишипти.

Бир куни эрталаб, нимадан бошланганини ҳам сезмай қолибман, тентак маҳбус шўрлик болани бўғиб ётипти. Ҳар галгидай силкитиб-силкитиб қўйворади, деб ўйлабман-да. Қарасам — мелиса йигитнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетяпти.

— Ҳой, нима қияпсан! — дея бориб ажрата бошладим. — Қўйвор, ўлдириб қўясан-ку!

Тортаман-тортаман, қани ажратолсам! Хўкиздай бақувват экан. Роса уриндим — қўйвормайди. Йигитнинг юзи кўкариб кетган. Чидаялмайди. Кейин... ияги остига десантчасига мушт солдим.

Гушпа ағдарилди. Бориб сўримга ўтирдим. Ҳа, асабим ишдан чиққани рост. Тентак бўлса шу ётганча ётипти. Хавотирлана бошладим: ўлиб қолган бўлса-я! Худо кўрсатмасин — судьямга байрам бўпкетилади-ку. Йўқ, ўлмагандир. Қаттиқ нокаут, холос.

Тахминим тўғри чиқди — ўн беш минутлардан кейин аста бошини кўтариб, эмаклаганча сўрисига қараб кетди.

Шу ётганча кун бўйи турмади — тушлик ҳам қилмади, кечки овқатни ҳам емади. Девор томонга ўгирилганча қимир этмай ётаверди. Нафас олади, холос. Юрагимга яна фулғула тушди. Йиқилганда боши лат едимикан?

Уни “эси-қирди чиқди” деган одам тагин қулоғимга шивирлади:

— Санчагга хабар бериш керак.

— Шошмайлик, — дедим мен, — балки ўзига кепқолар.

Санчагга хабар қилиш хавфли. Агар тентак нима бўлганини гапириб берсаю душманларим буни эшитиб қолса, мени ўлдириш эвазига озодликни ваъда қилишади унга. Албатта, озодлик қаёқда, лекин тентак — тентак-да, ишонади.

Энди шунисидан кўрқа бошладим. Олдинроқ юз бериши мумкин бўлган бошқа хатар ҳам бор: ўзини гўлликка солиб ётган бўлса, кечаси туриб бошимга бир нарса билан тушириб қолиши мумкин. Яна, худди ҳув касалхонадагидай, тун бўйи ухламаслигим керак. Қанақа қисмат бу! Шундай бўлди — эрталабгача мижжа қоқмадим. Аҳён-аҳён бошимни кўтариб қараб қўяман — ётипти арслоннинг ўлигидай.

Фақат эрталаб ўрнидан турди. Аста мен томонга юра бошлади. Нима қилсам экан? Яккама-якка муштлашишдан қўрқмайман. Лекин ҳозир менга жанжалнинг кераги йўқ. Душманларим эшитиб қолишидан худо асрасин. Рўпарамга келиб, бошини эгди:

— Туршаквой, қаттиқ урдинг-да лекин.

— Ахир, сен ҳам уни ўлдириб қўйишингга сал қолди-ку. Билсанг, сени отилишдан асраб қолдим.

— Жинни экансан, Туршак (мен жинни эмишман!), мелисалар ўзингни аспаласопингга жўнатишига бир баҳя қопти-ку, бунинг ёнини олиб нима қиласан!

— Қизиқсан-а. Биз судья эмасмиз-ку, ахир. Сотилган фирибгарлар билан ҳалол одамларни фарқлай билиш керак. Бу мелиса ҳалоллиги учун саккиз йилни бўйнига илиб қўйишти, ўлганнинг устига тепгандай, сен уни бўғсанг...

Тентак ўйланиб қолди.

— Барибир қаттиқ урдинг, Туршак.

— Энди, оғайни, узр, — дедим, — асаб чатоқ, қизишиб кетибман.

Шундай қилиб, ярашволдик. Турмада фақат кучни тан олади, бошқа ҳеч нарсани тан олишмайди. Мўмин-қобилгина бўлиб юрдим. Ўша куни манови тентак урганим учун эмас, хафа бўлганидан тескари қараб ётган экан.

Вақт-соати келиб мени лагерга жўнатадиган бўлишди. Яна назоратчи Тенгиз амаки билан юзлашдим. Хайрлашаётганимда илтимосимни айтдим:

— Тенгиз амаки, камерада илгари мелисада ишлаган бир йигит ётипти. Менга ўхшаган жабрдийда. Анови эсини еган ўлдириб қўймаса деб қўрқаман. Уни бошқа камерага ўтказсангиз яхши бўларди-да.

— Бўпти, Адгурбек, — дея дарров рози бўлди назоратчи. — Шу бугуноқ ўтказаман. Хотиржам бўл. Бу бизнинг хатомиз...

Қолган муддатни лагерда ўтказдим. Ҳа, дарвоқе, озодликка чиққанымдан кейин ҳалиги мелисанинг оиласини қидириб топдим. Менга уларнинг шикоят аризасига СССР Прокуратурасидан келган жавобни кўрсатишди. Бош прокурор ёрдамчиларидан бири имзо чеккан. Ўша имзо миямга мухрланиб қолган. Жавоб бундай: “Грузияда жинойтчиликка қарши кураш компанияси давом этаётгани сабабли ишни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас. Имзо”. Мана, мамлакатдаги аҳвол, оғайнилар!

Бир одам ноҳақ жабрланди. Қонун бўйича, унга бир ёки икки йил беришлари, ҳатто шартли жазо тайинланиши ҳам мумкин эди. Вақтида хабар қилмагани учун. У мелиса ходими сифатида, фалончи-фалончилар менга пора бермоқчи бўляпти, деб керакли жойни

огоҳлантириши лозим эди. Тажрибасизлигидан шу ишни қилмаган. Хўш, энди додини кимга айтади: арши аълодаги Олло таологами?!

Хуллас, лагердаман. Хотинимдан хат келиб туради. Бир хатида, сенинг ўрнингда фалончи ишлаяпти, деб ёзипти. Ё алҳазар! Ахир, бу одам бир неча бор директоримнинг олдига келган, иккаласи роса пичирлашган эди-ку! Лекин мен қизиқмаганман. Бировларнинг ишига аралашиб одатим йўқ. Мана, энди ҳаммасига тушундим.

Ўшанда, жон талашиб ётганим учунми, директорим мени кўргани касалхонага бирор марта ҳам келмаганига аҳамият бермаган эканман. Одатимизга хилоф! Кейин бошқа нарса ёдимга тушди: ишдан ярим соат барвактроқ кетмоқчи бўлганимда уч йил олдинги гапни кўзгаб, мени ушлаб турди. Сотиб олинган анови мелисалар билан келишиб қўйган-да, қаёққа жўнатади! Балки улар хали оқ “Волга”-нинг рақамини ечиб улгурмагандир? Ишдан ҳар кунги вақтда кетишим керак!

Ҳамма гапни фаҳмладим-у, чидаб юрибман. Фақат иккита одамда аламим бор. Бири — жоним эвазига менинг ўрнимни бировга сотган директор, иккинчиси — “Овозингни ўчирасанми, йўкми!” деб қичқирган ва сўнги ўкни узган иймонсиз одам.

Бир дақиқа, оғайнилар... Зинахоним, хў анови стол, охиридан учинчи. Нима ичишяпти, кўрмаяпман. Секин бориб разм сол. Агар коньяк бўлса — битта арман коньяги, вино бўлса — тўрт шиша вино. Ўша навидан. Баъзи официанткалар одам оғзига олмайдиган винони элтиб беради. Сен унақа эмассан, биламан. Менинг пулимни қизғанма! Кераги йўқ! Дўстлар учун яшаймиз, меҳмон кутиш учун яшаймиз. Яна ниманинг илинжида яшаш мумкинлигини мен тасаввур ҳам қилолмайман...

Лекин иш пайтида, пештахта ёнида турганимда бир қултум ҳам ичмайман, бировга текинга гугурт ҳам бермайман. Одатим шунақа! Дам олганимда эса кайф-сафони киндигигача етказаман.

Баъзилар уй жиҳозларини ҳар йили алмаштиради. Хитойлар тўғри айтади: жир битган-да!

Бир куни қўшним “Юр, Адгурбек, уйимни бир кўриб қўй”, деб қолди. Кирдим. Энг катта хонанинг ўнг томони — ердан шифтгача китоб, чап томони ҳам ердан шифтгача китоб. Ўнгдаги китобларнинг муқоваси буткул қизил, чапдаги китобларнинг муқоваси буткул яшил.

— Ёпирай! — дедим ёқамни ушлаб. — Лениннинг Кремлдаги кабинетига кириб қолдимми?

— Йўқ, — дейди қўшним, — зал бу. Ҳозир мода шунақа.

— Хой, чулчут, — дедим жаҳлим чиқиб, — шунча китобни нима қиласан? Ўқимасанг, алифни калтак деёлмасанг!..

Хафа бўлди. Тўғри гап тукқанингга ёкмайди. Хотиним ҳам ўн йилдан бери қулоқ-миямни ёйди: жиҳозларни янгилайлик, жиҳозларни алмаштирайлик!

— Ўчир! — дейман ҳар гал. — Уч хонали уйинг борми? Бор. Болаларинг тўқми? Тўқ. Мактабга қатнаяптими? Қатнаяпти. Уйингга тўртта одам келса, олдига қўядиган нарсанг борми? Бор. Каравотинг тагида қошиқдай-қошиқдай беш-олтита пойабзалинг туриптими? Турипти. Отам урушда юрганида ойимнинг биттагина туфлиси бор эди. Устага берса, ишга калишда борарди. Мен буни унутармидим? Ҳеч қачон унутмайман. Мана энди товукмияннг билан ўйлаб кўр: ойим киму сен ким?

Йўқ, мен янгиликка қарши эмасман. Лекин меъёрида бўлсин-да. Бизда ҳам ҳамма нарса бор: газ плитаси дейсизми, ваннахона дейсизми... Тирикчиликка нима зарур бўлса, бор-да ишқилиб. Аммо дабдабанинг нима кераги бор? Кўз-кўз қилишнинг нима кераги бор? Кераги йўқ! Мен буни ҳазм қилолмайман. Майли, отамдан қолган жавон қандай турган бўлса, тураверсин. Отам замонида деворга осилган гилам осиеғлигича қолаверсин. Ош-нон сўраётгани йўқ-ку!

Бир танишим, исмини айтмайман, фалон пулга хотинига пўстин олиб беришти. Қалинлиги бир қарич. Хўш, йил-ўн икки ой офтоб чарақлаб турадиган юртимизда бунака пўстиннинг нима кераги бор? Март ойида ўша хотин пўстинини кийиб, дафн маросимида боришти. Кўз-кўз қилмоқчи бўлган-да! Иссиқдан димиқиб, ҳушидан кетишти. Қани, энди ўзларинг айтинглар: мотамсаролар бунга қарасинми, ўликками? Ана сизга мақтанчоқликнинг оқибати! Хитойларнинг гапида жон бор: жир битган, ёғ босган бизни!

Яна ўтлаб кетдим-а... Хулласи калом, камокдан чикдим, бир ҳафтача оғайниларим билан кайф-сафо қилиб юрдим, кейин улар билан бирга таксига ўтириб, мана шу қаҳвахонага келдик. Бир ўртоғимдан директорни чақириб чиқишни илтимос қилдим.

Директор истар-истамас ёнимизга келди.

— Табриклайман, — деди у, — худога шукр, қутулиб кепсан.

— Раҳмат, лекин сенда ишим бор.

— Қанақа иш?

— Таксига чиқ, — дедим эшикни очиб. — Черняв тоғига борамиз, ўша ерда гаплашамиз.

Ўзини орқага ташлаб бошлади.

— Менга қара, — дедим, — кўп жилпанглама! Бормасанг, нима қилишимни биласан-а?!

Тоққа етдик. Бир четга тортиб, бутун кирдикорларини айтиб бердим. Бўйнига олмайди. Энг қизиғи — кўзимга ҳам қарамайди.

— Сенга тегмайман, — дедим пировардида, — онанг бор, сингилларинг, болаларинг бор. Қора кийиб юришмасин. Уларда айб йўқ. Битта йўли шуки, менинг қоним эвазига ўрнимни эгаллаган анови одаминг билан бирга ариза ёзиб, ишдан бўшайсан! Мен баъзилар сингари қон тўкмасдан сенинг ўрнингни бошқа бировга сотаман. Жонингдан умидинг бўлса, шартим шу!

Хуллас, муаммони тинчгина ҳал қилдик. Директорни гумаштасига қўшиб қахвахонадан улоқтириб ташладим. Ўрнига дўстларимнинг тавсияси билан инсофли, бамаъни бир одамни олдик.

Мана, яна эски жойимда ишлаб юрибман. Сизларга ўхшаган йигитлар келади, қучоқлайди, табриклайди. Мен йўқлигимда қахвахонадан оёқ узиб кетишган экан.

Ҳаммаси жойида, лекин... анови “Овозингни ўчирасанми, йўқми!” деб қўлтиғимга ўқ узган одамни нима қилай?


Қийналаман, изтироб чекаман. Аммо начора? Шаҳар кичкина, йилига уч-тўрт марта бир-биримизга дуч келамиз. Мени кўрса, танимагандай, йўлнинг нариги бетига ўтиб кетади. Уялганимдан мен ҳам ўзимни шундай тутаман. Қанча чидаш мумкин? Оилам, болачақамни ўйлайман. Уни ўлдириб, хув ота-боболаримиз қилганидай, ўрмонга бош олиб кетолмайман-ку! Шунга куяман, лекин ёниб адо ҳам бўлмайман.

Йил сайин у фирибгарнинг унвони ошиб кетяпти. Катта лейтенант эди, ҳозир — майор. Ишончим қомилки, “Адгурнинг юраги иккита” деган гапни ўша тарқатган. Суиқасдни эплаёлмагани учун ўзини оқлаши керак-ку. Лекин менга қўшюрак деган мўъжизанинг кераги йўқ! Биттаю битта юрагим бор — ана шу зиркирайди фақат...

Ҳамқишлоқларини мажлисга судраб бориб, ажалга рўбарў қилгани юрагида армон бўлиб кетган амаким гўрида тинч ётганмикан? Кадрдоним Виктор барқ уриб турган ёшлигини, худди очилмаган парашютдай, қабрга олиб кетди. Душманам эса айшини суриб, унвонлар олиб ётипти.

Шунинг учун бўш вақтларимда яхши одамларга талпинаман, қайғуни унутиш илинжида дўстларим билан чакчақлашиб, кайф-сафо қиламан, таниш-билишларни икки-уч шиша ичимлик билан сийлаб тураман.

Нимасини айтай, биз туғилмасимизданок хомталаш бўлган бу дунёда яна қайта туғилишни орзу қилишга арзийдиган ҳеч нарсани кўрганим йўқ. Ўлат тарқалган заминни безаб турадиган бирдан-бир нарса — эркаклар ўртасидаги биродарлик, ана шунинг учун ичамиз! Бу оламда сотилмайдиган ва сотиб олинмайдиган нарса ҳам бўлиши керак-ку, ахир! Келинлар, ўша нарса учун қадах кўтарайлик!



NAVOBAHXSHLIK

Алишер Навоий ме-
роси — халқимизнинг XV асрга-
ча бўлган ақлий, руҳий, маънавий, ба-
дий бойлигини жамлаган туганмас бир
хазина. Ўзлигини англашга интилган ҳар бир
инсон бу улкан меросга доимо зарурат сезади,
ундан бебахралик эса маънан камбағалликдир.

Муҳтарам журналхон! Ана шу маънавий эҳти-
ёж туфайли “Навоий соғинчи” деган янги рукн
очишни ният қилдик. Зеро, бирон бир масалага
қизиқиб, “Қани, бу ҳақда Навоий ҳазратлари нима
деган экан?” деб ул зотнинг асарларини варақ-
ласангиз, албатта, керакли жавобни топасиз.

Мазкур рукнда улуғ мутафаккир ижоди их-
лосмандларининг ана шундай топилдиқ-
ларидан намуналар эълон қилиб бо-
ришни режалаштирдик.

*Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл!*

Бу байтда “навосиз” ва “навобахш” сўзи қандай маънони ифодаламоқ-
да? Нега шоир ўзини ёмон ҳисобляпти-ю, “сен” деганда кимга мурожаат
қияпти?

Таъкидлаш жоизки, байтни матндан “юлиб олиб” ўқиганда бу саволлар-
га жавоб топиш амримаҳол. Биринчи галда унинг қайси асардан, айнан
қайси боб ё фаслдан олинганини аниқлаш лозим. Шунда калаванинг учини
топиш мумкин бўлади.

Мазкур қўшмисра “Садди Искандарий” дostonининг 88-бобида келган.
Уни шоир туғишган укаси Дарवेशалибекка панд-насихат тарзида ёзган.

“Садди Искандарий” шоҳ ва ҳукмдорлик фалсафаси таҳлилига бағишлангани боис мазкур бобда шу масалага алоҳида эътибор берилган. Навоий насихатномасида укасига аввал Худо, сўнг пайғамбар, ундан кейин эса шоҳ амрини баҳо келтиришни уқтиради. Чунки Дарвешалибек Хусайн Бойқарога тобе ҳокимлардан бири эди. Подшоҳ буйруғини адо этиш зарурлигига ислом динида ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Тангри, пайғамбар ва шоҳга итоат этишни уқтирганидан сўнг шоир укасига ўта муҳим бир вазифани юклайди:

*Адолат била элни қил баҳраманд, —
Ки яхшига кетсун ямондин газанд.*

Бу байтдаги “яхши” ва “ямон” тушунчалари бекорга келтирилаётгани йўқ. Улар шоҳбайт учун асос вазифасини ўтайди:

*Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл!*

“Навосиз улус” деганда шоир “наво”ни “чора” маъносида қўллаган, яъни чорасиз халққа чора топиб бер, деган. Бу ўринда “бенаволик” бечоралик маъносида истифода этилган. Моҳиятан эса у — элнинг корига ярашга, унинг дардига малҳам бўлишга кучли бир даъват. “Навобахш”нинг айнан маъноси — “наво бағишловчи”.

Шоҳбайтнинг иккинчи мисрасини тушуниш мушкул эмас. Фақат энди “Навоий ёмон бўлса ҳам, сен яхши бўл” деган гапнинг маъзани чақиш керак, холос. Ука деганнинг сал нарсага ҳам дили оғриб қолиши осон. Шунинг учун Навоий “мен яхшиман, сен ҳам менга лойиқ бўл-да энди” деган гапни ишора билан айтган. Чунки Навоий ёмон эмаслиги ҳаммага ойдек аён. Шундай экан, Дарвешалибек ҳам яхши бўлишга мажбур. Лоақал, акасининг обрўйини сақлаш учун ҳам. Акасининг обрўйини сақлаш дегани эса амалда унинг шоҳ олдидаги мавқеига заррача бўлсин зиён етказмасликни тақозо этади.

Холбуки...

Дарвешалибек шоҳга қарши исён кўтаргани, душманлари шоҳга бунда Навоийнинг ҳам қўли бор деб талқин этгани, аслида эса бундай эмаслигини аниқлаш учун ҳам қанча фурсат ўтгани, икки қадрдон дўст орасига не-не шубҳа-гумонлар тушганига тарих гувоҳ.

Халқда “Яхшига — ишора, ёмонга — калтак” деган нақл бор. Дарвешалибекка бу қадар насихатлар битиш учун акада бирор асос бўлса керак. Чунки Навоийнинг ўғитлари укасидан кўнгли тўқ одамнинг сўзлари эмас. Буни “Бобурнома”даги Дарвешалибекнинг Балхда ҳокимлик қилгани, бироқ қора кўнгилли, ақли калта ва ҳунарсиз киши бўлгани ҳақидаги мулоҳазалар ҳам яққол тасдиқлайди. Бобур Дарвешалини ҳокимликка лойиқ эмас, лекин Хусайн Бойқаро унга акасининг ҳурмати учунгина бу лавозимни берган деб ҳисоблайди.

Бундан Навоий насихатини Дарвешалибекнинг кейинги тақдиридан безовта бўлиб ёзган деган хулосага келиш мумкин. Бу ҳол эса ҳаммага ибрат бўлгулик. Бинобарин, мазкур байт ҳар биримизни имконимиз етгани қадар навосиз улусга наво бахш этишга, биров ёмон бўлса ҳам, ўзимизни яхши бўлишга ундайди.

Султонмурод ОЛИМ

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Умарали НОРМАТОВ
Насимхон РАҲМОН



Ҳамма даврларда ҳам элнинг илғор фарзандлари, хусусан, ижодкор зиёлилари она тили, унинг жорий ҳолати, келажаги ҳақида астойдил қайғурган. Айниқса, миллат тарихи ва маънавиятининг бурилиш паллаларида, ўзликни англаш заруратга айланган кезлари бу ҳол янада яққолроқ намоён бўлади. Италияда Алигери Данте, Францияда Дю Белли, Франсуа Рабле ва М.Беллин, Россияда М.Карамзин, Ф.А.Гончаров, Хуросону Мовароуннаҳрда эса Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро ҳамда Бобур Мирзо она тили ҳимояси ва тараққиёти учун изчил, мардона кураш олиб боргани бунинг далилидир. Улар тил ҳимоясини эл, ватан ҳимояси деб билган, бу мавзуда махсус асарлар ҳам яратган. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари нафақат Шарқда, балки Фарбда ҳам бу жиҳатдан намуна бўла олади.



Алигери Данте

Ушбу асар билан танишган француз олими М.Беллин 1861 йили бундай деб ёзган эди: “Алишер Навоийнинг ўз миллий тили афза-

лиятини инкор этиб бўлмайдиган далиллар орқали исбот этгани — ўз халқи орасида ватанпарварликни бошлаб берганидан далолатдир”.

Тил — миллат қиёфасини кўрсатадиган энг муҳим восита. Миллат ёки элнинг мавжудлиги, барҳаёт экани, яшаётгани тилига кўра аён бўлади. Тарихда бунга мисоллар кўп. Манбаларда зикр этилишича, миллоддан олдинги V асрда Бобил давлати ҳукмдори Новуходносир ҳозирги Исроил халқини ўз мамлакатига асир қилиб олиб кетади. Исроил халқи етмиш йил она юртидан айри яшашга маҳкум этилади. Аммо исроилликлар ер юзидан йўқолиб кетмади, халқ сифатида сақланиб қолди. Уларни ҳалокатдан асраган бош омил асирликда ҳам она тилини йўқотмагандир. Шундай экан, ўзлигини англаган халқ биринчи навбатда тил равнақи учун қайғуради, унинг истикболини ўйлаб жон куйдиради.

Маърифатпарвар жадидларнинг она тили ривожига бўлган эътибори ҳам бунга мисолдир. Абдурауф Фитрат тилимизнинг дунёдаги “энг бой ва энг бахтсиз” эканини айтиб, унинг софлигини сақлаш нечоғлиқ муҳимлигини таъкидлаган бўлса, Абдулла Авлоний фикрича, “миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон оинаи ҳаёти” бўлган тили ва адабиётини асрашдан ҳам зарурроқ иш йўқ. Унинг эътирофича, “миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдир”.

Мустабид тузум замонида миллий тилларга нописанд муносабат, улар мавқеи-

ни ҳар жиҳатдан камситиш авж олган кезлари ҳам миллатнинг асл фарзандлари она тили ҳимояси йўлидаги кураш-ни давом эттирган. Ўтган асрнинг 60-йиллари охирларида машҳур қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоннинг “Аз и Я” китоби бу соҳада дадил қадам бўлгани кўпчиликка аён. Китоб муаллифи туркий тилнинг теран илдизлари, тараққиёт йўллари, беқиёс имкониятлари, миқёси хусусида дадил қарашларини илгари сурган, бу борадаги тасаввурларни тамомила янгилаган эди. Мамлакатимизда эса буюк сўз устаси Абдулла Қаҳҳорнинг 50-60-йилларда она тили қайғуси билан йўғрилган мардона чиқишлари миллатнинг букилган қаддини тиклаган эди.

Қарангки, 80-йиллар охиридаги истиқлол йўлидаги ҳаракатлар айна она тилига давлат мақоми берилиши учун жўшқин курашлар билан бирга кечди. “Халқ тили ва реалистик проза”, “Тил ва дил” рисолалари билан Абдулла Қаҳҳор анъанасини давом эттирган устоз адабимиз Пиримкул Қодиров истиқлол йилларида тил борасидаги тадқиқотларига қайтиб, миллий тилимизнинг XX асрдаги тараққиёти хусусида аввал айтиш мумкин бўлмаган кўп ҳақиқатларни ойдинлаштирди. Айна пайтда, она тилимизнинг тарихий илдизлари, хусусан, миллат ўтмишидаги энг юксак босқич — теурийлар даври мумтоз адабий тилимиз тараққиёти муаммоларини махсус ўрганишга жазм этди. Шу тариқа ёзувчининг “Тил ва эл” китоби юзага келди.

Ушбу китоб шуниси билан қимматлики, муаллиф унда бир неча жиддий маса-

лаларни тадқиқ этган. Биринчидан, бугунги туркий тиллар орасида энг кенг тарқалган ўзбек тилининг қадимийлиги ва узлуксиз ривожланиб келаётганини далиллар асосида исботлаб берган. Бунинг исботи сифатида илк бора Алп Эр Тўнга (Афросиёб) замонидан (милоддан олдинги VII аср) давом этиб келаётган туркий тилнинг тадрижийлиги масаласини илгари сурган. Иккинчидан, китобда муаллиф ўзбек адабий тилининг ўрта асрлардаги тараққиёти манзарасини бор бўйича, бутун гўзаллиги билан кўрсатиш, Навоий ва Бобурнинг бу соҳадаги беқиёс хизматлари моҳиятини очиб бериш вазифасини аъло даражада уддалаган.

Таъкидлаш жоизки, далилларни саралаб тақдим қилиш, тил ҳодисаларини тарихий, этник, маданий жараён тадқиқи билан муҳирона қўшиб олиб бориш тадқиқот муваффақиятини таъминлаган.

Туркий тилнинг Алп Эр Тўнга замонидан то бугунги тараққиёти тарихида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асари асосий манба ҳисобланади. Бироқ адабий тилимиз тарихини Алп Эр Тўнга замонидан бошласак, кўп масалаларга, хусусан, тилимизни даврлаштиришда бугунгача давом этиб келаётган айрим муаммоларга аниқлик киритиш, қатор чалкашлиқларни бартараф этиш имконияти пайдо бўлар эди. Бинобарин, ўтган асрнинг 30-йилларида ҳозиргача адабиётшунослар ва тарихчилар ўртасида давом этиб келаётган баҳс — Алп Эр Тўнга тарихий сиймоми ёки афсонавий шахсми, деган жумбоқ ўз ечимини топди. Бунга Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Кошғарий маълумотлари ишончли далил бўла олади. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”да бундай ёзади:

*Тожиклар аюр ани Афросиёб
Бу турк бекларидин, оти белгулук
Тўнга Алп Эр эди кути белгулук.*

“Девону луғотит-турк”да Маҳмуд Кошғарий бу ҳақиқатни қуйидагича баён этган эди: “Туркларнинг машҳур қаҳрамони Афросиёбни Алп Тўнга деб аташларига сабаб унинг шерни йиқитадиган ботир паҳлавон бўлгани эди”.

Бу мутафаккирларнинг деярли минг йил олдин келтирган ноёб далилларини



Ўлжас Сулаймон

инкор қилишга, шубҳасиз, бугунги тахмин ва мулоҳазалар ожиздир. Қачонлардир, ҳали Алп Эр Тўнга шахсияти тўғрисидаги манбалар илм аҳлига етарли даражада маълум бўлмаган вақтларда бу шахс тўғрисида билдирилган “аҳтимол, у тарихий сиймо эмас, афсонавий бўлса керак” (бу гапни машҳур тарихчи В.Бартольд мулоҳаза тариқасида йўл-йўлакай айтиб ўтган эди), деган фикрни чин ҳақиқат деб қабул қилиш тўғри эмас. Бинобарин, Бартольд “Девону луғотит-турк”-даги ва “Қутадғу билиг”-даги маълумотлардан хабардор бўлганида, бундай гапни айтмаслиги аниқ эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Алп Эр Тўнга шахсияти ва у барпо қилган давлат, бу даврдаги тил билан боғлиқ масалалар ҳалигача чуқур тадқиқ этилгани йўқ. Қолаверса, Алп Эр Тўнга вафотидан кейин парчаланиб кетган давлатлар ҳудудидаги тилнинг ҳолати хусусидаги тасаввур туркологияда унчалик ёрқин эмас.

Туркий тилнинг Алп Эр Тўнгадан кейинги ҳолатини аниқлаш, белгилаш ҳам бениҳоя муҳим масала. Алп Эр Тўнга давлати парчаланиб кетгандан кейин давом этган туркий адабий тил тараққиёти қандай кечганини билиш учун яна қўшимча далилларни пухтароқ, синчиклаб ўрганишга тўғри келади. Бунинг учун манбалар етарли: хитой йилномалари, юнон ва рим муаррихларининг асарлари, гоҳ “номаълум” деб, гоҳ ўз номи билан аталаётган ёзув ёдгорликлари бу борада бебаҳо маълумот бериши мумкин. Бугунги кунда бундай ёзув ёдгорликларининг айнан Ўзбекистон тупроғидан топилган бир қанча намуналарига эгамиз.

Туркий тилнинг қадимги турк давридаги шакли шамойили равшан. Ўрхун-Энасой ёзуви ёдгорликлари V-IX асрдаги туркий тилнинг алоҳида босқичидир. Қадимги туркий тил нафақат Туронда, балки Шимолий Мўғу-

листондан то Шимолий Афғонистонгача бўлган ҳудудда кенг истифода этилган. Ҳатто Бақтрия ҳудудида ҳам туркий — рун ёзувидан фойдаланилган ва туркий тил бу давлат ҳудудида расмий мақомга эга бўлган. Ана шу давр тилига хос сўзлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжуд (масалан: тўқимоқ, сақинмоқ, қилмоқ, ўлурмоқ, яъни ўтирмоқ). Бу далиллар қадимги туркий тилга бугунги ўзбек халқи бошқалардан кўра даъвогар бўлишга ҳақлироқ эканини кўрсатади. Қолаверса, қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилигача бўлган тараққиёт босқичини босиб ўтгани тилимизнинг илдизи мустаҳкам, ривожланиш йўллари бағоят узун экани исботидир.

Чингизхон истилоси туфайли адабиётда ҳам, адабий тил ривожидида ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Аммо чингизийлар даврида туркий тил тараққиёти тўхтаб қолгани йўқ. Айрим тарихчилар Чингиз авлодлари барпо қилган Олтин Ўрда давлатини сунъий деб атаса ҳам (балки сиёсий тузилма сифатида сунъийдир, буниси биз учун муҳим эмас), бу давлатнинг ўзбек адабий тили ва адабиёти ривожидидаги хизматларини эътироф этмаслик мумкин эмас. Бинобарин, Мисрдаги Мамлуклар давлатида ҳам ўзбек адабиёти ва адабий тили ривожини Олтин Ўрда маданий муҳити изга солган. Олтин Ўрдадан кўчиб борган ижодкорлар ўз юртида қандай фаолият кўрсатган бўлса, буни Мисрда ҳам давом эттирган. Араб ва форс тилларидаги бадий асарларни ўзбекчага таржима қилиш бу маданий муҳитда ривож топди. Биргина “Гулистони бит-туркий”нинг таржима қилингани бунинг далилидир. XIV асрдан бошлаб “Муҳаббатнома”, “Қисаси Рабғузий”, “Наҳж ул-фародис” каби қатор асарларнинг юзага келишини Олтин Ўрдада қарор топган маданий муҳит маҳсули деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Тил аънанасини маълум бир меъёрга солишда ҳам Олтин Ўрдадаги ўзбек адабиёти ва адабий тилининг муайян ўрни бор. Баъзан олимлар аънана ва меъёрни унутиб, тилнинг узлуксиз тараққиётини “тарихийлаштириш”га интилади. Жумладан, XIII-XIV аср ўзбек адабиёти ва тилига нисбатан “қипчоқ” ёки “қипчоқ-ғуз” (дунё туркологлари орасида бу




Михаил Карамзин

даврдagi адабий тилга нисбатан муқим қараш йўқ) ва “Чигатой адабиёти” атамалари қўлланиб келинади. Афсуски, бу салбий жараён ҳануз давом этмоқда. Айрим олий ўқув юрталар адабиётшунослик дастурида “Чингизхон истилоси даври адабиёти” деган махсус бир бўлим акс этгани ҳам бунинг исботидир. Аслида, бу “Чигатой адабиёти” деган атаманинг бошқача кўриниши, холос.

XIII-XIV асрлардаги тил тараққиёти масаласи ҳам алоҳида илмий муаммо. Машҳур турколог Эмир Нажиб бу борада жиддий тадқиқотлар олиб борди. Аммо бу масалада барибир бирёқламалик ҳукм суриб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, Олтин Ўрда ўзбек адабиёти ва адабий тилига катта улуш қўшди, унинг ривожини учун имконият яратди. Аммо “Чигатой тили — эски ўзбек адабий тили, чигатой адабиёти ўзбек мумтоз адабиётини билдиради”, деган энгил-елпи, асоссиз фикрлар ҳануз айтилаётгани ачинарлидир. Чигатой тарихида, хусусан, Ўрта Осиё тарихида сезиларли из қолдирган эмас. Унинг ҳукмдорлик даврида тил ва адабиёт соҳасига эътибор қаратгани ҳақида манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Чигатой асосан Эронда ҳукмронлик қилиб, фақат Жалолиддин Мангубердига қарши курашда ака-укаларига ёрдам берган, холос. Бу маълумотлар Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг (XIII аср) “Жомеъ ут-таворих” асарида батафсил баён қилинган. Аслида тил ва адабиёт тарихини даврлаштиришда ижтимоий-сиёсий жараёнга эмас, адабий воқеликка асосланиш керак.

Маълум бўладики, XIII-XIV аср ўзбек адабиёти ва адабий тили янги кўзқараш асосида қайта тадқиқ этилиши зарур. Бинобарин, бу даврдаги адабий тил, қайси ҳудудда амал қилган бўлмасин, бугунги ўзбек адабий тилига жуда яқин. Масалан, Қутбнинг шу даврда ёзилган “Хусрав ва Ширин” достонидаги деярли барча сўзлар ҳозирги ўзбек тилида ҳам мавжуд. Бу эса келгусида Ўрта Осиё, Олтин Ўрда, Мамлуқлар давлати ҳудудидаги ўзбек адабиёти ва адабий тили яхлит ҳолда ўрганилиши кераклигини кўрсатади.

Эътироф этилган ҳақиқат: ўзбек адабий тили ривожини ҳазрат Навоийнинг бой адабий меросидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, асрлар давомида тўпланган тил бойликлари Алишер Навоий ижодида умумлаштирилиб, яхлитлик касб этган. Навоий даврида тилимиз мумтоз



Пиримқул Қодиров

адабий тил талабларига тўлиқ жавоб берадиган юксак тараққиёт босқичига кўтарилди. Навоийнинг тилга бунчалик катта эътибори бежиз эмас эди. У букк тилшунос сифатида фақат “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ёзиш билангина чекланмади. Бошқа асарларида ҳам тилшуносликнинг кўплаб назарий ва амалий муаммолари хусусида қимматли фикрларни ифодалади. Жумладан, Навоий сўзга таъриф бериш, сўзнинг қудратини кўрсатиш орқали тил назариясига оид муҳим қарашларини илгари сурдики, бугунги тилшуносликда Навоийнинг бу назарий қарашлари алоҳида тадқиқ этишга лойиқдир. Жумладан, улуғ шоир “Лайли ва Мажнун” достонида сўзга таъриф бериб, бундай ёзади:


*Бас аввалги садо сўз ўлғай,
Ҳар савтқа ибтидо сўз ўлғай.*

Яъни, энг биринчи овоз сўз бўлган эди, ҳар бир овознинг бошланиши ҳам сўздир.

Навоийнинг бу мисраларидан сўз — гап назариясини англаш мумкин. Бу эса галдаги вазифа сифатида улуғ мутафаккирнинг умумий тилшуносликка оид қарашларини илмий ўрганишни тақозо этади.

Кўриниб турибдики, она тилимиз тарихининг ечимини кутаётган назарий ва амалий муаммолари талайгина. Уларни илмий асосда ҳал этиш ўзбек адабий тили ривожига янги босқични бошлаб беради.

Чори НАСРИДДИНОВ



ДАҲОЛИК СИРЛАРИ


Аксарият фикр эгаларини ўйлантриб келаётган масалалардан бири — даҳолик муаммосидир. Даҳолик нима ва уни қандай омиллар билан изоҳлаш мумкин? У юксак даражада ривожланган қобилиятми ёки Оллоҳнинг айрим бандаларгагина инъом этадиган марҳаматими?

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “даҳо” сўзига “фавкулудда кучли ақл, хотира ва ижодий истеъдод, билим савияси жиҳатидан ўз давридан илгарилаб кетган шахс”, деб таъриф берилган. Шубҳасиз, даҳолик — ноёб ҳодиса. Иммануил Кант даҳоликни “табиатнинг тухфаси” деган эди. Олимларнинг кузатишича, тугилаётган чақалоқнинг ҳар миллиончасига битта даҳо тўғри келар экан. Агар жамият ҳаётидаги баъзи чеклов ва тасодиқлар эътиборга олинса, бу нисбат ўн миллионга бирни ташкил этади. Албатта, бу қўпол арифметика. Реал ҳаётда эса, даҳолик бундан ҳам ноёброқ, тақчилроқдир. Тугма даҳо муайян шароитда эртами, кечми юзага чиқади. Ҳаёт йўлидаги қаршилиқлар унга тўғанок бўла олмайдми. Аксинча, фавкулудда истеъдодини намоён этишга имконият яратаяди.

Баъзилар даҳоликни ижодкорликнинг юксак даражаси деб ҳисоблайди. “Даҳоликнинг ибтидоси ва интиҳоси, — дейди Гёте, — ҳақиқатни севиш ва унга ин-

тилишдадир!” Шопенгауэр назарида, “даҳолик бу — хусусийда умумийни кўра олиш лаёқати”. Карлейл эса даҳоликка қийинчиликларни енгиб ўтишнинг ғайриоддий воситаси сифатида қараган. Оксфорд луғатида даҳоликка қуйидагича таъриф берилади: “Даҳо бу — табиатнинг фавкулудда юксак даражадаги интеллектуал кучи бўлиб, у оригинал тафаккур, ихтирочилик ва кашфиётчиликни тақозо қилувчи юксак даражадаги ижодий қобилиятда намоён бўлади”.

“Даҳо” тушунчаси инсоннинг ижодий лаёқати, шунингдек, унинг муайян соҳадаги самарали фаолиятига нисбатан тугма қобилиятини баҳолаш учун ҳам қўлланади. Даҳолик истеъдоддан шуниси билан фарқ қиладики, у сифат жиҳатидан бутунлай янги қадриятлар яратаяди. Шунинг учун ҳам оригиналлик даҳоликнинг энг асосий хусусияти ҳисобланади. Улуғ рус ёзувчиси И.Тургенев “Белинский ҳақида хотиралар” мақоласида замондоши ва дўсти бўлган машҳур танқидчи В.Белинскийнинг ижодий портретини маҳорат билан тасвирлаган. Қизиги шундаки, адиб дўстининг яхши маълумот олмагани, рус тилидан бошқа биронта ҳам тилни билмаслиги, ҳатто Россия тарихидан ҳам бехабар экани, жисмоний жиҳатдан касалманд ва ташқи



Арасту

кўриниши эса хунук бўлганини таъкидлаш баробарида уни “даҳо шахс” деб эътироф этади. Чиндан ҳам, Белинский рус адабий танқидчилигида ўзига хос илмий мактаб яратган даҳо инсондир.

Лекин даҳолик ижодий қобилиятнинг айна ўзи эмас. Қуйидаги

хулоса даҳо билан истеъдодни бир-бирдан аниқ фарқлаб беради: “Даҳо қилиши зарур бўлган ишни, истеъдод эса уддалай оладиганини амалга оширади”. Отто Вейнинггернинг фикрича, даҳо ҳеч нарсани ўрганмай туриб, ҳамма нарсани биладиган инсон.

Кўпинча даҳонинг фикрлари жамият томонидан мутлақ ҳақиқат дея қабул қилинади. Нажмиддин Кубро даҳо эди. Шу сабабдан Чингизхон уни ошкора маҳв этолмади. Чунки халқ Куброга чинакамига ихлос қўйган эди. Баъзи муаллифлар даҳоларни ҳозирги башариёт ўрнига муқаррар равишда келадиган янги ирқнинг биринчи вакиллари сифатида талқин этишга ҳаракат қилаётир. Уларнинг назарида, даҳо оддий одамдан органик жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Табиийки, бундай ёндашув тўғри эмас. Олимларнинг аниқлашича, даҳолар анатомияси оддий одамларникидан мутлақо фарқ қилмайди.

Даҳолик муаммоси бўйича олиб берилган изланишлар бу ҳодисани теранроқ тушуниб олиш имконини берди. Даҳоларда кўз воситасида идрок қилиш лаёқати кучли бўлади. Кўз — ҳар қандай инсонда бўлгани каби, даҳо учун ҳам асосий ахборот воситасидир. Арасту нуқтаи назарича, “фикрловчи инсон шаклни образларда тасаввур этади”. “Олимлар ҳам, — дейди Галилей, — формулалар билан эмас, балки оддий одамларга ўхшаб образлар воситасида тафаккур қилади”. Эйнштейн ўзидаги образларни


шакллантириш лаёқатини ижодкорлик фаолиятининг манбаи деб ҳисоблаган. Маълум бўлишича, инсон онгида қайта ишланадиган ахборотларнинг 80 фоизи кўз орқали ўтар экан. Сизги органлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг юқорилиги ҳам даҳоларни бошқалардан ажратиб туради. Улар сизги органларининг барчасидан юксак даражада фойдаланиш иқтидорига эга бўлади. Бу эса уларга воқеликни, айниқса, ўзлари ўрганаётган ҳодисаларни тўлақонли идрок этишга ёрдам беради. Воқеликка бутунлай янгича ва оригинал ёндашув — даҳоликни белгилловчи бош омил. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ҳам бунини тасдиқлайди.

Даҳонинг ўзига хослиги яна шунда кўринадики, у воқеликни турлича нуқтаи назардан идрок қилиш қобилиятига эга бўлади. Бунда унга ўзаро зид қарашларни муайян қонуниятлар асосида муқояса этиш лаёқати ёрдам беради. Улар ўзларидаги мавжуд фараз ва тахминлар доирасидан ташқарига чиқа олади. Бу эса вазиятни ҳолисона баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга.

Даҳонинг тафаккури муайян поғонадан бошқасига осонлик билан кўтарила олади. Айна шу қобилият унга воқеликни наинки умумий тарзда, балки бутун моҳияти билан идрок қилиш имконини беради. Даҳолар ҳеч бир нарсани эътибодан четда қолдирмайди — улар учун майда ва иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ. Эйнштейн яратмоқчи бўлган майдоннинг ягона назарияси борлиқдаги ҳамма — атомдан космосгача бўлган физикавий ҳодисалар ўртасидаги алоқадорликни топишга қаратилган эди. Даҳонинг тафаккурида воқеликдаги муайян ва мавҳум ҳодисалар алоқадорликда акс этади. Эйнштейннинг фикрича, “назария биз сизги органларимиз воситасида эгаллайдиган тажрибаларимизга четдан назар таш-



Мирзо Улугбек



Алишер Навоий

лаш имконинигина беради, холос”.

Даҳонинг онгида тафаккурнинг ҳаёл-парастлик, реалист-лик ва танқидчилик вазифалари ўртасидаги мувозанат мудом сақланади. Буни даҳоликнинг энг асосий хусусияти дейиш мумкин. Даҳолар нафақат ўтакетган ҳаёл-параст, балки орзу-истакларини муайян бир шаклда амалга

оширишга ҳамда уларнинг амалдаги татбиқига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш лаёқатига ҳам эгадир. Даҳо учун орзуларга берилиш қанчалик муҳим бўлса, ўз ғояларига нисбатан танқидий мушоҳада юритиш шунчалик катта аҳамиятга эга. Ушбу мувозанатдаги энг муҳим жиҳат — танқид орзуни бутунлай йўқ қилиб ташламаслигини таъминлашдан иборат. Машҳур руҳиятшунос З.Фрейднинг фикрича, даҳолар тафаккуридаги ҳаёлпарастлик, реалистлик ҳамда танқидчилик ўртасида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд. Улар инсоният ҳаёти учун энг муҳим, глобал масалаларни кун тартибига қўя олиши билан ҳам ажралиб туради. Даҳо учун жавоблардан кўра саволлар кўпроқ аҳамиятга эга. Ўта қизиқувчанлик ва ҳиссиётлар жўшқинлиги — барча даҳоларнинг хос хусусияти. Шахсий муваффақиятсизлик улар учун фожиа эмас, балки кейинги изланишлар омилидир. Улар наздида, муваффақиятсизлик муаммонинг бошқача “ечими, холос. Дисней мазкур ҳолатни ифодалаб бундай деган эди: “Мен изланишим ва тажриба-лар ўтказишим зарур... Мени тасаввуримнинг чеклангани изтиробга солади”.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, даҳолар киноя ва ташбехлардан фойдаланишда моҳир бўлади. Ҳар бир доҳиёна хатти-ҳаракат ёки мушоҳада замирида киноя ва ўхшатишлар ётади. Киноя воқеликнинг сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган ички — кўздан яширин жиҳатларига назар ташлаш имконини беради. Бу бора-

да фан тарихидаги энг ҳайратомуз ғоя — нисбийлик назарияси асосчиси Эйнштейн ҳамма даҳоларни ортда қолдиради: “икки ўлчамли борлиқнинг текис дунёси”, “шар устида юриб бораётган кўр кўнғиз”, “фикрнинг энг зўр мусиқийлиги”, “парвардигор қайси мурватлардан фойдаланишини билганимда эди”...

Алломадаги киноягўйлик маҳорати унинг яқинларига ҳам ўтган чоғи. Ҳикоя қилишларича, ўтган асрнинг 30-йилларида Эйнштейн рафикаси билан Маунт-Вилсондаги обсерваторияга ташриф буюради. У ердагилар олимнинг рафикасига улкан телескопни кўрсатиб, бунинг ёрдамида олимлар коинот сирларини ўрганади, деб тушунтиради. “Қаранг-а! — дейди бундай аҳмаза-даҳмазадан ҳайратланган Эйнштейн хоним. — Менинг эрим бунақа ишларни эски конвертларнинг орқасига ҳар хил формулаларни ёзиш билан амалга оширади”. Умуман, даҳоларнинг киноя ва қочиримларини кимдир, қачондир тадқиқ этса, ажаб эмас. Бу ҳам даҳолик сирларини тушунишда бир восита бўлишига шубҳа йўқ. Чунки киноялар замирида улкан ижодкорлик салоҳияти ва фикрни ифодалаш маҳорати яширинган. Масалан, робот ихтирочиси Тесла “темиртан одам” яратиш ҳақидаги ғоясини ўзининг асаб тизими иши билан солиштириб кўриш орқали амалиётга татбиқ этган.

Даҳонинг яна бир хусусияти шундаки, у ишони шахсиятидан устун қўяди, яъни ўзининг улуғвор мақсад йўлида хизмат қилаётганига ишонади. “Бошқаларга қараганда беҳаловатроқ ва қашшоқликда ҳаёт кечиришга тўғри келса ҳам, мен мўъжиза яратишни хоҳлайман”, деб ёзган эди Леонардо да Винчи. Тесла “кичик дунё бўйлаб саёҳат қилиш учун” ўзининг кўриш қобилиятини ўстирган. Эйнштейн эса, “Агар ортида жонли руҳ турмас экан, ҳар қандай усул яроқсиз бўлиб қолаверади”, дейди. Буюк олим физика билан шуғулланиши сабабини қуйидагича изоҳлаган эди: “Мен Парвардигорнинг қудратини англамоқ истайман, қолгани — арзимас нарса”.

Тарихан ноёб ҳодиса бўлган даҳолик, уни юзага келтирувчи сабаблар, унга хос

бўлган хусусиятлар ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, таниқли психолог олим А.Луриянинг дунё психология фанида мактаб яратган аллома Л.Выготский ҳақидаги фикрларини келтириш ўринлидир: “Уни ҳеч бир муболағасиз даҳо деб аташ мумкин. Ўзимнинг эллик йиллик илмий фаолиятим давомида ақл-идроқнинг тиниқлиги, мураккаб муаммолар моҳиятини кўра олиш лаёқати, кўплаб фан соҳаларини чуқур билиши ва психологиянинг кейинги ривожланиш йўлларини башорат қила олишига кўра қандайдир даражада унга яқинлашган бошқа бирон бир инсонни учратмадим”. Ушбу тавсифдан даҳога хос бўлган (1) ақл-идроқнинг тиниқлиги, (2) мураккаб муаммолар моҳиятини кўра олиш лаёқати, (3) нафақат ўз касбий фаолиятини, балки бошқа соҳаларни ҳам яхши билиши, (4) ўз фаолият соҳасининг кейинги ривожини башорат қила олиши сингари умумий хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Даҳо бу — зиддиятлар маҳсули. Бошқача қилиб айтганда, жамиятда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, илмий ва бошқа муаммолар кескинлашган вақтда даҳолар етишиб чиқади. Масалан, XIX аср адоғида табиатшунослик фанларида пайдо бўлган зиддиятлар Европанинг Германия, Англия, Франция, Дания ва Италия каби мамлакатларидан бир вақтнинг ўзиде ўнлаб даҳоларни етиштириб чиқарди: Эйнштейн, Планк, Резерфорд, Томсон, Бор... Бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин.

Айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, даҳо етишмоғи учун қуйидаги омиллар зарур: замон + макон + истеъдод. Агар табиатшунослик фанларидаги инқироз (замон), шунингдек, адабиёт, санъат, техника, фалсафа ва айниқса, аниқ фанлар юксак даражада ривожланган ҳамда юқори даражада маърифатлашган Европа ижтимоий муҳити (макон) Эйнштейндаги истеъдод билан ўзаро уйғунлашмаганда эди, бу аллома даҳоси юзага чиқмаган бўлар эди. Ёки жаҳон бадий тафаккури ривожига мислсиз ҳисса қўшган улуғ Навоийни олайлик. Агар ёш Алишерда Худо берган истеъдод бўлмаганида ва бу истеъдод Хирот адабий

муҳитида ҳамда Фиёсиддин хонадониде эмас, айтайлик, бошқа бир маконда тарбия топганида, ўз замонасидан юз йил олдин ёки эллик йил сўнг умргузаронлик қилганида, башарият бу буюк даҳо яратган бебаҳо бадий-маънавий меросдан маҳрум қолар эди.

Таъкидлаш керакки, даҳолик доимий ҳодиса эмас. Энг зўр истеъдод соҳиблари ҳам ҳаётининг маълум бир давридагина даҳоликни намоеън этган. Эйнштейн энг буюк кашфиётларини 25 ёшларида амалга оширган. Қолаверса, даҳолик кўп нарса билишни ҳам англамайди! Маълумки, Эйнштейн баъзи оддий нарсаларни билмаслиги билан бошқаларни ҳайратга солган.

Моҳият-эътибори билан ижтимоий-интеллектуал ҳодиса бўлган даҳоликнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, гарчи у фаолиятнинг маълум бир соҳасидагина оламшумул ишларни амалга оширса-да, инсоният ҳаётининг турли томонларига, айниқса, маънавий-ахлоқий ва сиёсий жараёнларга кучли таъсир кўрсатади. Таъбир жоиз бўлса, бани башар воқеликка ўзига замондош даҳо инсонлар нигоҳи билан қарашга мойил бўлади. Германияда ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ҳокимият тепасига келган фашистлар Эйнштейнни ўзларининг наздида энг олий ирқ бўлган немис миллатининг душмани билиб, сиртдан ўлимга ҳукм қилган. Фашизмни чўчитган нарса машҳур олимдаги ақл-идроқдан ҳам кўра, унинг дунё аҳли ижтимоий фикрига ва сиёсатига кўрсатадиган таъсири эди. Маълумки, аллома наинки фашизмни, балки ҳар қандай зўравонлик ва адолатсизликни қоралаган.

Тўғри, даҳолар ҳам хато қилади. Лекин, бу хатоларни номаълум манзил сари



Заҳириддин Муҳаммад Бобур



Йоганн Гёте

сўқмоқ йўл бўйлаб бораётган йўловчининг а дашишига мензаш мумкин. Чунки даҳо юксак тараққиётга туртки бўладиган илғор ғоялар йўлида беихтиёр хатога йўл қўяди. Оддий одамлар эса, ўтган авлодлар ва ўзлари йўл қўй-

даҳолик кейинги авлодларга ўтган. Масалан, темурийлар сулоласи инсониятга буюк боболаридан сўнг Улуғбек ва Бобур сингари даҳоларни берди. Машхур немис психологи Э.Кречмер “ҳақиқий даҳо, авлоддан авлодга ўтадиган истеъдоддан фарқли равишда, ирсий йўл билан берилмайдиган феномен сифатида намоён бўлади”, деб ҳисоблаган.

Одамлар орасида даҳоликнинг ирсиятга боғлиқлигига бўлган ишонч юқорилигини шундан ҳам билса бўладики, АҚШда Нобель мукофоти совриндорларининг айна хусусиятларини ўрганиш учун сармоя йиғиш тадбири ўтказилган. Ваҳоланки, бундай инсонлардан даҳолар дунёга келишини асословчи далиллар йўқ.

Айрим олимлар ҳатто даҳолик генини аниқлаш устида илмий изланишлар олиб боряпти. Агар шундай ген топиладиган бўлса, инсоният ҳаёти кескин ўзгаришларга юз тутиши аниқ. Баъзи тадқиқотчилар даҳоликни бир неча авлод томонидан амалга ошириладиган генетик ва биологик ўзгаришлар ҳосиласи деб тахмин қилади. Яна бир нуқтаи назарга кўра, даҳо — илоҳий тухфа. Қадимги римликлар даҳолини олий мавжудот, оддий инсонлар ҳаёти унга боғлиқ деб билган. Буддавийлар қарашича, инсонда онг пайдо бўлиши билан жамоа эволюцияси якка индивид эволюциясига айланади. Бошқача айтганда, ҳар бир инсон даҳо даражасига кўтарилиши мумкин деб ҳисобланган.

Эзотеризм таълимотида кўра, табиатда баъзи бир кишиларни ҳузур-ҳаловатдан кечиб, ижодга бутунлай берилишга мажбур қилувчи қандайдир номаълум кучлар мавжуд. “Баъзан, — деб ёзади француз психологи Г. Доли, — ҳатто даҳо ҳам ўзининг ақл чирोगи ёритган уфққа назар ташлар экан, ҳайратдан ёқа ушлайди ва бу нарса унга юқоридан, кўринмас илоҳий кучлар томонидан берилаётганига ишонади”. Ижоднинг илоҳий инъом экани ҳақида рус файласуфи Н. Бердяев бундай ёзади: “Инсондаги истеъдод ва даҳолик унинг ўзига боғлиқ эмас. Бу — Худонинг марҳамати”.

Онгдан олдин келувчи онгсиз интеллект ғояси И. Фихте ва Ф. Шеллингга те-

ган эски хатоларни такрорлаш билан овора бўлади. Даҳонинг ҳар бир хатоси бошқа бир хатони англашга ёрдам беради. Бинобарин, инсоният тарихидаги жуда кўп кашфиётлар хатоларни тузатиш жараёнида яратилган.

Биология, аниқроғи, генетика даҳоликни ирсият билан боғлайди. Бу ҳақдаги статистик маълумотлар юксак истеъдодли кишиларнинг 70 фоизидан кўпроғи аҳолининг маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўрта табақасидан чиққанини кўрсатади. Лекин уларнинг аксарияти ёлғизликда ҳаёт кечирган. Шунинг учун бўлса керак, инглиз мутафаккири Бекон “Фақат сўққаболларгина буюк ишларга қодир бўлади” деган эди. Бу эса даҳоликнинг ирсиятга боғлиқлигини истисно этади. Даҳолар ҳар доим ҳам замондошлари томонидан эъзозланган эмас. Масалан, ноевклид геометриянинг асосчиларидан бири, машхур рус математики Лобачевский тириклигида қадр топмаган. Узоқ йиллар Қозон университетига ректорлик қилган бу доно инсон қариганида қашшоқлик ва хору зорликда яшаган. Унга замондош олимлар ҳам Лобачевский кашфиётининг моҳиятини англамаган. Баъзилар яна ҳам ҳаддан ошиб, олимни ақлдан озганликда айблаган.

Даҳолар сулоласи асосан эркак зурёди бўйича нисбатан тезроқ барҳам топган. Уларнинг фарзандларидан кўп ҳолларда машхурлар чиқмаган, баъзан эса бундай оилаларда ақли заиф болалар дунёга келган. Истисно ҳоллардагина

гишли. Ҳақиқатан ҳам, фазонинг эгриланиши, вақтнинг квантланиши ёки йўқолиши, шунингдек, “қора ўра”даги вақт ва фазо ҳақидаги ғоялар қандай яратилди? Нима учундир аввал энг улуғвор ғоялар кашф қилинади ва шундан сўнггина ҳар томонлама исботланиб, тасдиқланади. Табиийки, бу ўринда гап ҳақиқатга ақл билан етишиш хусусида эмас, балки инсон руҳиятига хос бўлган интуиция ҳақида бораётимиз. Ижод психологиясига доир адабиётлар шундан далолат берадики, интуиция онгининг маълум бир ўзига хос фавкуллода ҳолатларида содир бўлади. Бир хил вазиятларда муаммонинг ечими инсон ухлаётганда ёки бетоблигида, галлюцинация вақтида юз беради. И. Ньютон, Б. Паскаль, Д. Менделеев ва В. Гейзенберга улуғвор кашфиётлар ечими уйқу вақтида аён бўлган. Кимёвий элементлар даврий жадвали тартиби Д. Менделеевнинг тушида маълум бўлган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, улуғвор ғоя — кўкқисдан келадиган илҳом самараси. Одатда бундай ғояларнинг жамият томонидан қабул қилиниши учун ўнйилликлар, баъзан ҳатто юзйилликлар талаб этилади. Левкипнинг атомистик назарияси, Берунийнинг “уммоннинг нариги томонида катта қуруқлик мавжудлиги” тўғрисидаги башорати ёки Анаксагорнинг ҳаёт дастлаб океанларда пайдо бўлгани ҳақидаги ғояси бунинг тасдиғидир.

Таниқли рус тарихчиси ва этнографи Л. Гумилёв асарларида Ерга ташқаридан келадиган “импульс”ни англатадиган “пассионарлик” тушунчасини қўллайди: Ер космосдан биосферадаги мувозанатни сақлаб туриш учун зарур бўладиганидан кўпроқ энергия олади. Натижада сайёрамизда “пассионар туртки” ҳосил бўлади. “Пассионар туртки” ҳар доим Кўёш фаоллигининг ошиш ва пасайиш даврларига тўғри келади. Бу эса ионосферанинг ҳимоя қобилятини пасайтиради. Натижада баъзи бир “дағал” нурлар Ер сиртигача етиб келиб, мутация ҳосил қилади. Пассионарлик инсонни фаоллаштиради, натижада у ўзини бир умрлик катта мақсадларга бағишлайди. “Даҳонинг мақсад йўлида ўзини қур-

бон қилиши” ҳақидаги ғояга Н. Бердяев ҳам қуйидагича муносабат билдирган: “Даҳолик — фожиали қисмат. У бизнинг дунёмизга сиймайди ва қайсидир маънода унга ҳар доим омадсизлик йўлдош. Жамият уни кераксиз бир нарсадай қабул қилади. Ижоди кўп ҳолларда тан олинмайди... Шунинг учун ҳам даҳолик фақатгина фидойиликдан иборат”.


Тарих ва социология нуқтаи назаридан эса, даҳолик ижтимоий ҳаёт сахнасига жамиятдаги талаб ва эҳтиёжлар маҳсули сифатида чиқади. Баъзи даҳоларнинг тириклигидаёқ шон-шухратга бурканиши, бошқаларининг эса эътироф этилмаслиги сабаблари ҳануз етарли ўрганилган эмас.

Даҳолик ўз-ўзича мавжудми? Ёки шундай шахсни орзу қилгани учун уни омманинг ўзи “яратиб”, ўзи “тан олади”ми? Ижтимоий тарих шундан далолат берадики, одамзод табиатан ҳар доим даҳоларга муҳтож. Буни ҳақиқий даҳолар бўлмаган жойда сохта даҳолар пайдо бўлишидан ҳам билса бўлади. Социалистик мамлакатларда Ленин ва Сталиннинг улуғлангани ҳам бунинг далилидир.

Тарихда даҳолар ижтимоий ҳаёт сахнасига гуруҳ-гуруҳ бўлиб чиққан даврлар ҳам бўлган. Хоразмий, Беруний ва Ибн Сино илм осмонида пайдо бўлган IX-XII асрларда Марказий Осиёда шундай шароит юзага келган эди.



Виссарион Белинский



Зигмунд Фрейд

Англияда қиролича Елизавета даври шунга ўхшаш жиҳати билан ажралиб туради. Францияда энциклопедистлар, инқилобчилар ва Наполеон урушлари даврида шундай ҳодиса кузатилди. Афинада милoddан аввалги бешинчи юзйиллик инсоният тарихидаги шундай даврларнинг дастлабкиси бўлди — Анаксагор, Зенон, Протагор, Софокл, Сукрот ва Фидий каби даҳолар бир стол атрофида ўтириб баҳс-мунозара юритган. Ўша даврда Афинанинг озод фуқаролари бор-йўғи эллик минг нафарни ташкил этган, холос. Агар қадимги Афинадаги мусиқа даҳоларининг ижоди бизгача етиб келмагани, табиатшунослик, математика ва техника соҳасидаги даҳолар камолоти учун ўша даврда шароит етилмагани, фақатгина қўмондонлар, сиёсатчилар, нотиклар, драматурглар, файласуф ва ҳайкалтарошларга эҳтиёж бўлгани назарда тутилса, даҳолик лаёқатига эга кишиларнинг фақат оз қисми қобилиятини намоён этганига ишонч ҳосил қиламиз. Юқорида номлари зикр этилган даҳолар ана шу заминда шаклланган ва уларнинг ижоди нафақат ўқимишли кишилар доирасида, балки оддий аҳоли орасида ҳам қадрланган. Шуниси аниқки, афиналиклар бошқа халқлардан қандайдир биологик-ирсий хусусиятлари билан ажралиб турмаган.

Ўтган XX юзйилликнинг биринчи ярмида халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган катта ўзгаришлар ва миллий маънавий эҳтиёж самараси ўлароқ миллатимиз орасидан Бехбудий, Авлоний, Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Соғуний каби кўплаб фидойи зотлар етишиб чиқди. Улар ўша давр учун бениҳоя аҳамиятли бўлган илғор ғояларни амалга оширмақ учун курашди. Ўз ҳисобидан мактаблар очиб, дарсликлар ёзди ва бевосита таълим-тарбия билан шуғулланди.

Қатагон сиёсати бу закий инсонларни таъқиб этмаганида эди, улар Ватан, миллат ва минтақа тараққиётини яна ҳам юксак даражаларга кўтариши аниқ эди.

Инсон ўзидаги даҳолик иқтидорини бир умр намоён эта олмаслиги ҳам мумкин. Бир педагог “Биз ўзимизнинг таъ-

лим ва тарбиядаги нўноқлигимиз туфайли қанчадан-қанча эйнштейнларни бой беряпмиз” деган эди. Марк Твеннинг “Дайди” деган ҳикояси бор. Асарда нариги дунёга тушиб қолган бир киши жаҳон халқлари тарихидаги энг улуг қўмондонни кўрсатишларини сўрайди ва ҳайратда қолади — унинг ҳузурига қўшни кўчада яшаб вафот этган этиқдўзни олиб келишади. Этиқдўз ҳақиқатан ҳам ҳарбий санъат даҳоси бўлган-у, бироқ ҳаётлигида унга ақалли взводга ҳам қўмондонлик қилиш насиб этмаган экан. Дарҳақиқат, даҳоликнинг намоён бўлмаслигига ижтимоий тўсиқлар асосий сабабчи бўлади. XIX аср ўрталарида Австрия ҳукуматида жуда кўп кишилар ихтироларини тақдим қилган. Мазкур ихтиролар орасида, худди ҳозирги ўқотар қурулларида бўлгани сингари, затвор орқали ўқланадиган милтиқ ҳам бор эди. Маълумки, у даврларда қуруллар ствол оғзидан ўқланган. Бу анча машаққатли юмуш бўлиб, кўп вақтни олган. Бироқ бу ихтиро қабул қилинмади — ҳукумат аскарлар ўзларига берилган патронларни тезда сарф қилиб қўйишдан қўрқади. Бу янгиликка қўшни мамлакат — Пруссияда зўр қизиқиш билан қаралади ва у тезда ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Натижада 1866 йилдаги Австрия-Пруссия урушида австрияликлар қўшини айна шу қурул воситасида бутунлай тор-мор этилади. Ўша даврларда Австрияда фақат мусиқа даҳоларигина қадрланган. Мамлакат “мусиқа оламининг маркази” мақомига эришган бўлса-да, техника жиҳатидан яқин вақтларгача ҳам нисбатан қолақ ўлкалардан бири бўлиб келган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, инсон интеллектининг 20 фоизи у 1 ёшга етганда, 50 фоизи — 4 ёшида, 80 фоизи — 8



Махмудхўжа Бехбудий



Абдулла Қодирий

ёшида, 92 фоизи эса — 13 ёшга борганида шакланар экан. Табиийки, 14-15 ёшли бола юксак ақлий фаолият учун етарли интеллектуал салоҳиятга эга бўлади. Нобель мукофоти совриндорларининг қарийб барчаси энг асосий кашфиётларини 25-

30 ёшларида амалга оширгани ҳам буни тасдиқлайди.

Даҳолар кўпинча истеъдодига мос соҳани топа олмай сарсон бўлади. Масалан, Г.Андерсон буюк эртакнавис ёзувчи сифатида танилгунича жуда кўп соҳаларда ўзини синаб кўрган. Зигмунд Фрейд ҳам уни машҳурлик шоҳсупасига олиб чиққан психоанализга доир асарларини 40 ёшларидан кейин ёза бошлаган.

Даҳоларнинг жўшқин ва беҳаловат ҳаётида шундай дақиқалар бўладик, улар телбага ўхшаб қолади. Арасту “Машҳур шоир, сиёсатчи ва рассомларнинг бир қисми телбанома бўлади. Бу ҳол Суқрот, Эмпедокл, Платон ва бошқаларда кузатилган. Совуққон инсонлар калтафаҳм, жўшқинлари эса ҳаракатчан, ўткир зеҳнли ва вайсақи бўлади”, дейди. Марк Сиракузский телбалик ҳолатида ажойиб шеърлар ёзган. Соғайиши билан эса бу қобилияти бутунлай йўқолган. Ницше умрининг охири йилларини телбаликда ўтказди, Эйнштейнда ҳам ақлдан озиш ҳолати бўлиб турган. Лекин бундан ҳамма даҳолар ҳам телба бўлади, деган хулоса келиб чиқмайди.


Даҳо шахс сифатида жуда ҳам мураккаб эканини таъкидлаш шарт бўлмас керак. Унинг таъсирини одамзод ижтимоий-маънавий ҳаётининг барча жабҳаларида кузатиш мумкин. Шу маънода, Эйнштейннинг “Олимларнинг кашфиётларидан ҳам кўра уларнинг ахлоқий қарашлари одамларга кўпроқ таъсир

этади”, деган эътирофини эслаш ўринли бўлар эди. Ўз соҳасида даҳо даражасига кўтарилган яна бир шахс — Чарли Чаплиннинг “Мен жаноб Эйнштейн ишларининг моҳиятига тушунмасам-да, у барибир буюк инсон”, деган иқрори ҳам буни тасдиқлайди.

Табиийки, даҳоликка нисбатан ўзгача қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, XX юзйилликнинг яна бир даҳо фарзанди — Мария Склодовская-Кюри “Олимларга уларнинг ахлоқий-маънавий қиёфасига эмас, балки амалга оширган ишларига қараб баҳо беришимиз керак”, дейди.


Маълумки, юксак ақл-идрок соҳиблари орасида аёллар озчиликини ташкил этади. Гўзал жинс соҳибларининг ижодий фаолият билан эркакларга нисбатан кам шуғулланиши табиий-биологик ёки генетик ўзига хослик бўлмай, балки ижтимоий хусусият касб этади.

Назаримда, ҳозир дунёда глобал муаммо ва зиддиятлар кўлами шунчалик ошиб кетдики, уларнинг ечимини кўрсатиб беришга қодир даҳоларга инсоният ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож. Бизнинг ёш ва мустақил мамлакатимизда ҳам бунинг учун ижтимоий-тарихий ва маънавий-иқтисодий шароит етарли. Эркин Воҳидов бир шеърда айтганидек, “бундай элга энди даҳолар керак”. Шубҳасиз, шоир ҳақ. Умид қиламиз — шояд, сиз мазкур сатрларни ўқиётган айти шу паллада ўлкамизнинг қайсидир гўшасидаги саодатли бир хонадонда бўлажак даҳо дунёга келган бўлса, ажаб эмас.



Альберт Эйнштейн

Гулноза РЎЗМАТОВА



ONG VA ONGSIZLIK MUAMMOSI

Инсониятнинг тафаккур тарихида кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган руҳий таҳлил таълимоти XIX-XX асрларда вужудга келган. Унинг асосчиси австриялик невропатолог шифокор Зигмунд Фрейд (1856-1939 йиллар). У инсоннинг руҳий оламини тадқиқ этиб, невроз касаллигининг пайдо бўлиш сабаблари ва асл моҳиятини янгича талқин қилишга уринади. Кейинчалик Фрейд ва унинг шогирдлари ижтимоий жараёнларни тушунтириш борасида ҳам руҳий таҳлил усулини қўллади. Инсон руҳиятида Фрейд бир-биридан нисбий мустақил бўлган онг ости — “У”; онгли — “Мен”; “Олий-мен” каби тузилмаларни ажратади. Фрейднинг фикрича, невроз касаллигининг сабаби ана шу уч тузилма ўртасидаги зиддиятдан иборат. Инсонга хос барча ҳаракатларининг сабабини Фрейд онг остида ётган, анланмаган “либидо” деб аталадиган ҳирсий ҳиссиётлар орқали тушунтиради.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Фрейд таълимотида “Эдип комплекси” деб аталадиган ҳодиса ниҳоят катта аҳамиятга эга. Бу тушунча қадимги юнон афсонаси билан боғлиқ. Афсонага кўра, шоҳ Эдип, билмаган ҳолда, ўз онасига уйланади. Бу жараёни Фрейд “инцест” ҳолати билан ҳам изоҳлайди. Унинг фикрича, болалик пайтидан бошлаб ўғил болада онасига, қиз болада эса отасига нисбатан ҳирсий майл шаклланади. Фрейд яшаган даврда антропология фани намояндалари, хусусан, Морган, Чарлз Дарвин каби олимлар ибтидоий қабилалардаги жинсий муносабатларни ҳар тарафлама ўргана бошлайди. Бунинг натижасида энг қадимги уруғ-қабилаларда “инцест” ҳолати, яъни ака ва сингил ўртасида жинсий алоқалар кенг тарқалгани маълум бўлади.

Бундай қабилалар вақт ўтиши билан жисмоний ва руҳий касалликларга кўп чалинадиган бўлиб қолади. Касалманд авлоднинг кўпайиши жинсий алоқаларнинг тақиқланиши ва

бир қабиланинг йигитлари бошқа қабиланинг қизларига уйланишига сабаб бўлади. Бу инсоният тарихида биринчи тақиқ ёки чеклаш эди. Бундай тақиқ туфайли, Фрейднинг фикрича, невроз касали пайдо бўлади. Бунинг натижасида қабилалар ўртасида турли низо ва урушлар авж олади.

Матриархат даврида жинсий алоқалар тартибсиз равишда амалга оширилган ва фарзандларнинг фақат онаси маълум бўлган. Оқибатда она тарафдан қариндош-уруғчилик ривожланиб, ота тарафнинг қариндош-уруғчилиги номаълумлигича қолган. Матриархат даврида “инцест” ҳолати қисман бўлса ҳам сақланган. Натижада жамият тарихида иккинчи чеклаш — патриархат даври юзага келган. Бу ижтимоий тузумга бир эр-хотинлик асосидаги моногам оила хос. Бундай оилаларда боланинг отаси ҳам, онаси ҳам маълум бўлган. Қон аралашуви жамият томонидан кескин ман этилган. Шундай қилиб, Зигмунд Фрейд жамият ривожидида жинсий алоқалар ва уларнинг тақиқланиши катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Патриархат даврида моногам оилаларда кўпхотинлик ва кўпэрлик ман этилган. Бу чеклаш ғайриқонуний жинсий алоқаларнинг кўпайишига олиб келган.

Фрейднинг фикрича, инсон табиятида азалдан икки куч ҳукмрон. Биринчиси, барча нарсаларни вайрон этадиган “танатос” руҳи, иккинчиси эса ҳаётга бўлган иштиёқ, кувонч кучи. Биринчи куч инсон руҳиятида “некрофил” кайфият уйғотади. “Некрофил”ларга садо-мазохизм руҳи, жонсиз нарсаларга интилиш, ўлимни куйлаш, ҳаётга ва ҳаётини интилишларга бепарво қараш, тушкунлик хос.

Иккинчи куч инсон руҳиятида кўпроқ ривожланган бўлса, уларни “гимнафил” — ҳаётни севувчилар деб атайдилар. Уларга иштиёқ, кўтаринчи кайфият хос. Бу икки фазилат ҳаётда кўпинча аралаш ҳолда намоён бўлади. Бундай руҳий ҳолатлар ижтимоий жараёнларга сезиларли таъсир этади. Шу боис испан файласуфи Ф.Унамуно фашизмни “некрофи-

лия” деб атагани бежиз эмас.

Фрейднинг фикрича, инсоният дунёқараш ривожини босқичдан — анимистик, диний ва илмий дунёқараш давридан ўтади. Анимизмни олим табиатдаги барча руҳларга дуолар



орқали таъсир этиш воситаси деб ҳисоблайди ва унинг илоҳий динлардан фарқ қилишини таъкидлайди.

Қадимда инсон ҳаёти оғир шароитларда ўтган ва у, айниқса, табиий офатлардан катта зарар кўрган, уларнинг олдида кўрқув ҳолатида яшаган. Инсоннинг кўрқув ҳолатидан чиқиб кетиши ва таскин топишида биринчи қадам анимистик дунёқараш бўлган.

Фрейд руҳлар табиятини инсон ботинидаги руҳий ҳолатлар, ҳис-туйғуларнинг кўриниши сифатида таърифлайди. Инсоннинг салбий фикр ва кечинмалари ёвуз руҳлар қиёфасида акс эттирилиши, ижобий ҳис-туйғулар эса эзгу руҳлар шаклида ифодаланишини қайд этади.

Анимизмни З.Фрейд нарцизм ҳолатига ўхшатади. Бу ҳолатда инсон, “Нарцисс” афсонасидаги қахрамонга ўхшаб, ўз-ўзига мафтун бўлади. Анимизм даврида инсонларнинг афсунлар орқали мақсадга эришишга бўлган ишончини Фрейд невроз касалларнинг ўз фикрлар оламида реал эканига бўлган ишончи билан қиёслайди. Фрейд бу масалада ибтидоий давр одамларининг афсунларга, сеҳр-жодуларга бўлган ишончини назарда тутадими-ю, лекин уларнинг амалий фаолиятини инobatга олмайди. Ҳолбуки, ибтидоий инсон фақат афсунгарлик билан эмас, балки меҳнат орқали табиатга мослашган, уни ўзгартириб, маданий тараққиётга эришган.

Дунёқарашнинг тотемизм шаклини таҳлил қилар экан, Фрейд унга хос бўл-

ган икки хусусиятни ажратиб кўрсатади. Биринчиси — ҳар бир қабиланинг бирон-бир ҳайвонга сифиниши ва унинг руҳини қабиланинг ҳимоячиси деб ҳисоблаши; иккинчиси — ҳайвонни ўлдириш ва истеъмол қилиш ман этилган бўлишига қарамай, вақти-вақти билан уни ўлдириш, ейиш ва унинг руҳидан кечирим сўраш.

Тотемизмнинг пайдо бўлиши, Фрейднинг фикрича, учта гипотезага асосланади. Биринчиси — ибтидоий қабила бўлиб яшаш, қабила оқсоқолининг чексиз ҳукмига бўйсунуш ҳақидаги гипотеза. Иккинчиси — Дарвин таълимотини ривожлантирган Аткинсон гипотезаси бўлиб, у оқсоқол ҳукмига қарши чиққан ўғилларнинг ўз отасини ўлдириши ва унинг гўштини еб қўйишини назарда тутаяди. Учинчиси — Робертсон Смит гипотезаси бўлиб, унга кўра, галаба қозонган ўғиллар оқсоқол ота ҳукмронлигидан воз кечади, ўзаро сулҳ тузиб, қабилада экзожамият тартибини ўрнатади, яъни уларнинг ҳаётида аёллар ҳукмронлиги ўрнатилади. Фрейд бу гипотезаларга ижобий назар билан қарайди. Чунки бу қарашлар унинг инсон руҳияти ривожини ҳақидаги фикрларига самарали таъсир кўрсатади.

Фрейд инсон руҳияти ҳақидаги назариялардан дин асосларини топишга ҳаракат қилди. Жумладан, учинчи гипотезага кўра, ўз отасини ўлдирган ўғиллар, бундай қисмат бир кун келиб ўз бошига тушишидан кўрқиб, ўзаро шартнома тузади. Қабиланинг “биринчи аёли”га ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи берилади. Ўғилларнинг ўз қабиласидаги қизларга уйланиши ман этилиб, бошқа қабиладаги қизларга уйланишига рухсат берилади. Улар ўз қабиласи учун ота руҳи ўрнини босадиган ҳайвон руҳини маъбуд сифатида танлайди ва шу руҳга сифинади. Бу ўринда Фрейд ўғиллар руҳиятидаги зиддиятли ҳис-туйғуни таъкидлайди. Бир томондан, ўғиллар қаттиққўл отадан кўрқаяди ва ундан нафратланади. Иккинчи томондан, улар кучли ота билан фахрланади ва унга ўхшаб яшашга интилади. Шундай қилиб, оқсоқол ўрнини тотем

эгаллайди, кейинчалик эса тотем ўрнини қабила худоси эгаллайди.

Хуллас, Фрейд бундай диний қарашлардан ўзининг руҳий таҳлилга оид қарашларини асослаш учун фойдаланди.

Файласуф “Онгсизлик руҳияти” номи асарига онглилик ва онгсизлик ҳолатларини таҳлил этади. Унинг фикрича, бу ҳолатларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, чунки онгсизликнинг баъзи бир унсурлари онгли ҳолатда ҳам учраб туради.

Рационализм таълимотида онг инъикос сифатида талқин қилинса, Фрейд биринчилардан бўлиб уни руҳий жараён тарзида талқин этади. Олим онгни қуйидаги даражаларга бўлади: “Мен” — бир руҳий тузилма бўлиб, у барча руҳий жараёнларни бошқариб, назорат қилиб туради; онглилик — онгсизликдан онглиликка ўтиш йўлидир; онгсизлик — суриб чиқарилган ҳаракатчан онгсизликдир. Бу жараёнда онгсизлик ўз-ўзидан онглиликка ўтмайди, у “онглилик” (bw), “онголд” (vbw) ва “онгсизлик” (nbw) тарзида қуйидан юқорига кўтарилиши керак.

Фрейд “Мен”ни шундай таърифлайди: “Биз бунда бирон-бир шахснинг руҳий жараёнлари тузилмасини тасаввур қиламиз ва унинг “Мен”ини белгилаймиз. Ана шу “Мен” онг билан боғлиқ, у ташқи оламга қараб интилиш ҳиссини назорат қилади. У руҳнинг шундай марказики, ҳар бир хусусий ҳаракатни, ҳолатни бошқаради, кечаси тушга айланади ва уни ҳам назорат қилади. Онгдан суриб чиқариш ҳам ана шу “Мен”га боғлиқ”.

Фрейднинг таъкидлашича, беморларнинг онг ости “Мен”и онгдаги “Мен”ига қаршилиқ кўрсатади. Касаллар ана шу онг остидаги объект ёки ҳодисага яқинлашишни истамайди, чунки уларнинг “Мен”и уни суриб чиқаради. Лекин беморлар ана шу онг остидаги истакнинг сабабини очиб бера олмайди. Бунинг нима эканини англаб етмайди. Фрейд бундан “Мен”нинг тузилмасида онгсизлик хусусиятлари мавжуд, деган хулосага келади.

Демак, Фрейднинг фикрича, онгдан суриб чиқарилган барча нарса-ҳодисалар онгсизликдир, лекин онгсизлик суриб чиқарилган ҳодисалар билан айнан бир нарса эмас. Жумладан, онгсизликнинг куйи соҳалари бирмунча мазмунли. Илмий тилда тушунтириб бўлмайдиган кўпгина ҳодисалар онгсизлик соҳасига киради. Шунинг учун ҳам, онгсизликни тадқиқ қилишдан воз кечмаслик керак, дейди Фрейд.

Шу ўринда табиий савол туғилади: қандай қилиб онгсизликни онглилик даражасига кўтариш мумкин? Олимнинг фикрича, онглилик — ҳодисаларнинг юза қисми. Одатда, бизнинг бутун ички ва ташқи таассуротларимиз, ҳиссиётларимиз онгимиз томонидан бошқарилади, англанади. Бу эса ички руҳий ҳолатлар билан боғлиқ. Улар онг билан боғлансагина англанади. Онг билан боғланмасдан беркитиб қўйилса, онгсизликка айланади. Онг олди соҳаси таассурот ва ҳиссиётларга таъсир этмайди. Улар онгли ёки онгсиз бўлади. Ҳиссий қабул қилинганда, сўз шаклига киргандан сўнг онглиликка айланади, тушунилади. Демак, онглиликнинг асосий қисми фикрлаш механизидан иборат, яъни у сўз орқали намоён бўлади.

Фрейднинг қайд этишича, “Мен” — онглиликнинг мағзидир, у онг олди соҳаси билан чамбарчас боғланган. У онглилик ва онгсизликни аниқлаш учун “Мен” ва унга боғланадиган онголди тушунчасини киритади. “У” тушунчасига эса онглиликни ташкил этадиган онгсизлик киради. “W” тизимидан чиқаётган моҳият онголди соҳасидан ўтади ва “Мен” деб номланади, бу моҳиятга кирадиган бошқа онгсиз руҳий жараёнларни “У” деб атадим”, дейди олим.

“Мен” ва “У”, Фрейд талқинича, индивидум қиёфасида англанмаган онгсизлик сифатида намоён бўлиб, унинг устида онглилик ётади, бу онглиликнинг маркази “Мен” дир.

“Мен” ва “У” ўртасида чегара йўқ. Улар бир-бири билан тухум ва унинг ичидаги ҳомила каби муносабатда бўлади.

“Мен” ва “У”ни чегаралаш нисбий хусусиятга эга. “Мен” орқали суриб чиқарилган нарсалар онгсизлик билан кўшилади ва онгсизлик орқали яна “Мен”га қайтиб келади. “Мен” оламнинг ташқи таассуротларини ўзида мужассамлаштиради ва “У”ни, айниқса, лаззатлашмайлини чеклайди. “Мен” ақл ва фикрни ташкил этса, “У” хирс ва эҳтиросни намоён этади.

Фрейд “Мен” ва “У”ни чавандоз ва отга қиёслайди. От — жиловланмаган хирс ва туйғулар, онгсизлик соҳаси, у чавандоздан халос бўлишга талпинади. “Мен” эса чавандоз, у бутун кучини ишга солиб, отни жиловлашга ҳаракат қилади. Лекин от шундай асовки, у баъзида жиловни узиб қочади.

Фрейд инсоннинг ахлоқий жиҳатларини таҳлил қилар экан, онгсизлик бу соҳаларга ҳам тегишли эканини таъкидлайди. Шундай инсонлар бўладикки, уларда виждон ва ўз-ўзини танқид онгсизлик даражасида намоён бўлади. Ҳаттоки, ақлий билим ҳам онгсизлик даражасида бўлиши мумкин. Масалан, айрим олимлар ўз кашфиётларини тушларида кўрган.

“Мен” тушунчасидан ташқари яна “Олий мен” ҳам мавжуд, дейди Фрейд. “Мен”да “Олий мен” бўлиш истаги мавжуд. “Мен” “У”га мурожаат қилиб, “У”нинг либидо объектини Нарцисс либидоси билан алмаштиради, яъни “Мен” онгсиз хирсини ўзига қараб йўналтиради. “Мен” ягона муҳаббат объектига айланишни истайди. Онгсиз “Мен”нинг ҳамма хирслари ўзига қаратилган. Натижада “Мен” ўзининг яхлитлигини, бутунлигини йўқотади, кўпгина “мен”чаларга бўлиниб кетади. Фрейднинг фикрича, “Мен”-



Фрейд портрети
Сальвадор Дали асари

нинг идеали ҳирсий объектга ўхшашни исташи билан боғлиқ. Бу объектлар ота ёки она ҳам бўлиши мумкин.

Ота ёки онага ўхшаш истаги ижобий ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Салбий ҳолда у рашкни вужудга келтиради. “Олий мен” ёки “Идеал мен”, Фрейднинг таъкидига кўра, инсон табиатининг юксак ахлоқий жиҳати ҳисобланади. У боланинг ота-онасига бўлган самимий муҳаббатига намоён бўлади.

“Олий мен”, — деб таъкидлайди файласуф, — бизнинг ота-онамизга бўлган самимий муносабатимиздир. Биз гўдак-лигимиздан уларни биламиз, улардан ҳайратланамиз ва қўрқамиз. Натижада уларни вужудимизга сингдирамиз”. Фрейд шундай хулосага келади: “Олий мен” — ота-онага бўлган самимий муносабатдир. Ана шу “Олий мен” ҳамма динларнинг асосини ташкил этади, худо ота қиёфасида намоён бўлади. “Олий мен” “Эдип комплекси” либидосини онгсизликка сиқиб чиқаргани шубҳасиз. Айнан ота-онага бўлган ҳирсий интилиш онгсизликка айланади. “Олий мен”да ота-онага бўлган маънавий юксак муҳаббат мужассам бўлади.

Немис файласуфи К.Юнг (1875-1961 йиллар) Фрейд таълимотини бошқача йўналишда ривожлантиради. У “Психологик типлар” асарида инсон онги ва онгсизликка мансуб бўлган масалаларни фалсафа тарихи, шеърят, диний, маданий ёдгорликлар ёрдамида кўриб чиқади, уларни янги талқин қилишга интилади.

Фрейднинг таълимотида “Олий мен” ота-онага бўлган самимий муносабат билан тенглаштирилса, Юнг либидони фақат ҳирс билан чекламасдан, руҳий энергия сифатида талқин этади. У руҳий энергияни коинот миқёсидаги энергия деб ҳисоблайди. Бутун коинотни қамраб оладиган бу энергия ҳаётий жўшқинлик, тирклик манбаидир. Бу фикрларни асослаш учун Юнг қадимги ҳинд фалсафасига, Веда ва Бхагават Гиталарга мурожаат қилади. У Брахман худосини бутун оламни бирлаштирувчи тимсол дея эътироф этади.

Брахмандаги руҳий энергия ҳаётий куч, жўшқинликни ташкил этади. Бу энергиядан бутун борлиқ — юлдузлар, сайёралар, ўсимликлар, ҳайвонот ва инсонлар яралган. Агар табиатда бу энергия онгсиз бўлса, инсон онгида ўз-ўзини англаш даражасига кўтарилади. Лекин бу мақомга ҳамма инсонлар ҳам етиша олмайди. Бунинг учун, К. Юнг фикрича, инсон ўзининг ички оламига кира олмоғи лозим. Шундагина онгидаги яширин ҳиссиётларини бошқара олиши мумкин. Инсон ўзининг “Мен”идан воз кечган тақдирдагина чегараланган тафаккури занжирларини парчалаб, онгини илоҳий онг билан бирлаштира олади. Бунинг натижасида инсон онги чексиз кенгайди, бутун борлиққа қўшилиб кетади.

Файласуфнинг фикрича, инсоннинг куч-қудрати ҳам Брахмандан келиб чиқади. Ҳаракатчан ижодий либидо кучини Брахманнинг чексиз ва сон-саноксиз шакллари ташкил этади.

Коинот ва инсондаги ҳаётий куч-қувват, Юнгнинг фикрича, энергиядир. Бу кучда қуйи ва юқори, иссиқ ва совуқ каби зиддиятлар бўлгани каби, либидода ҳам зиддиятлар мавжуд. Либидодаги зиддиятларни таҳлил қилар экан, файласуф бу ҳол Брахманда ҳам мавжудлигини таъкидлайди. Борлиқнинг асосчиси бўлган дунёвий онг ўзини икки қарама-қарши ибтидога ажратади, булар “манас” — ақл ва “vas” — сўздир.

Фрейд “Мен ва У” асарида ҳам ақл ва сўз ўртасидаги зиддиятни очиб берди. Ақл онгнинг энг юза қисмидаги ўз-ўзини англовчи қатлам, сўз эса ақлни онгсизлик билан боғлайдиган воситадир. Сўз орқали онгсиз шакл онгли шаклга айланади. Бу жараёни Фрейд инсон руҳияти мисолида кўрсатган бўлса, Юнг айнан шу ҳолатни бутун борлиқ, коинот миқёсида тадқиқ этади.

Шу тариқа Юнг Фрейднинг фикрларини умумлаштириб, кенг талқин қилади. Инсоннинг ботиний олами бутун жаҳонни ўзига қамраб олиши ҳамда дунёдаги барча жараёнлар инсон руҳиятида ҳам давом этишини қайд этди. У

либидо тушунчаси А.Бергсоннинг ҳаётӣй жўшқинлик, давомийлик ҳақидаги қарашлари билан ҳамоҳанг эканини исботлайди.

Либидо жисмоний куч сифатида хил-ма-хил шаклларда намоён бўлади. Бу шакллар афсона ва мифларда тимсоллар орқали ифода этилади. Бу тимсоллар бир-бирига узвий боғланиб, ягона ҳаётӣй оқимни ташкил этади.

Юнгнинг фикрича, ана шу ҳаётӣй жўшқинликка ижодкорлик кучи хос. Либидо инсон тақдирини ҳам аниқлайди. Юнгнинг таъкидлашича, дунёвий тартиб либидо тушунчаси асосида аниқланади. Бу дунёвий тартиб коинотдаги юлдузлар, сайёраларни бошқаради ва бу — юқори энергиядан қуйи даражадаги энергия ҳолатига ўтиш жараёнидир. Юнгнинг фикрича, либидо руҳий энергия орқали ифода этилади ва оламдаги умумий тартиб йўналишини билдиради. Бу тартиб юнонларда “ноус, логос”, хитойларда “дао” тушунчаси орқали берилган.

Юнг либидони ахлоқий қонун деб ҳам атайди. Инсон ўз табиатига монанд яшар экан, ички ахлоқий фазилатларига биноан ҳаракат қилади. Инсон табиати ҳеч қачон ахлоқни инкор этмаган, аксинча, у билан уйғун ҳолда ривожланади. Бошқа-

ча айтганда, либидо тушунчаси инсоннинг ички ахлоқий қонуниятларига зид келмайди.

Юнгнинг фикрича, юксак ҳаётӣй ютуқларга инсоннинг худбинлиги орқали эришилмаган, чунки худбинлик ҳеч қачон ҳаётнинг юқори поғонасига олиб чиқмайди. Шунингдек, инсон ўз-ўзини ривожлантириб ҳам юксала олмайди. Бунинг сабаби — инсондаги ижтимоий хусусиятнинг кучлилиги ва устуворлигидадир. Демак, ҳаётӣй юксакликка эришиш либидо қонуниятлари орқали юз беради. Жумладан, Юнг ўз хулосаларини хитой фалсафасидаги “дао” ҳақидаги манбалар ва қадимги Ҳиндистондаги илоҳий китобларга битилган иловалар билан асослайди. Сирасини айтганда, унинг руҳий ҳолатларга бағишланган тадқиқоти бутун жаҳон фалсафасини руҳий жиҳатдан ўзаро боғлаш мумкинлигига, инсон ва бутун борлиқнинг руҳий олами ягоналигини тадқиқ этишга қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фрейд ва Юнг қарашларидан келиб чиқадиган илмий ва амалий хулосалар инсоннинг руҳий оламини тушуниш, ўз-ўзини англаб, маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топишда муҳим аҳамиятга эга экани шубҳасиз.





HAQIQAT SAYOSI

Бир финжон чой

Японияда Нан-ин исмли Дзен муаллими бўларди. Бир куни унинг уйига университет профессори келди. У Дзен таълимотининг моҳиятини билмоқчи эди. Нан-ин профессорни чойга таклиф қилди ва унинг финжони лиммо-лим бўлса ҳамки, чойини қуяверди.

Буни кузатиб ўтирган профессор ниҳоят: "Ахир, идиш тўлиб кетди-ку, яна қанча қуйиш мумкин унга?!" деб юборди.

"Фараз қилин்கи, миянгиз ҳам бир идиш, — деди унга жавобан Нан-ин. —

Худди шу финжондек у ҳам турли фикр-мулоҳазаларга лиқ тўла. Унда бўш жой қолмаган бўлса, мен сизга Дзен нима эканини қандай англатай?"

Шундай денг...

Дзен муаллими Хакуин ҳалол ҳаёт кечирар, шу боис уни ҳамма яхши кўрар, ҳурмат қилар эди. Муаллимнинг ён қўшниси озиқ-овқат дўкони соҳиби бўлиб, кўҳликкина қизи бор эди. Кунларнинг бирида қизнинг ҳомиладорлиги маълум бўлди-ю, бундан ота-она қаттиқ

Азалдан илму маърифат ва маданият бешиги бўлган Шарқда асрлар мобайнида турли диний-фалсафий қарашлар, таълимотлар шаклланган, илмий мактаблар яратилган. Уларнинг асосларидан ҳисобланмиш хитой, ҳинд ва япон фалсафаси ҳикоятлар, қиссалар тарзида ҳам асрлар оша яшаб келмоқда.

VI асрда ўтган Бодхидхарма — Дзен таълимотининг бошловчисидир. Хитойга у Хиндистондан келган. Кейинчалик — XII асрларда мазкур таълимот Японияда ҳам кенг тарқалади. Дзенни ботиний санъаткорлик маҳорати сифатида таърифлаш мумкин. Унга "муқаддас каломларсиз, ҳеч бир товуш ва сўзларсиз инсон тафаккурига таъсир этиш, инсоннинг вужуд-вужудига сингиб, уни камолотга етаклаш қувватига эгалиқдир", дея ҳам изоҳ берилган.

Дзен анъанасига кўра, медитация орқали инсон ўзлигини кашф этади (медитация — инсоннинг ўзини ишонтира олиш қуввати, хаёлан бошқа ҳолатларга кира билиш қобилияти). Яъни медитация воситасида одам кўрқув, беқарорлик, худ-

изтиробга тушди. Қиз эса боланинг кимдан эканини айтгиси келмасди. Аммо қийин-қистовга олингач, ниҳоят, Хакуиннинг номини тутди. Фазабланган ота-она тўғри уникига кириб борди. Бу савдони эшитиб Хакуин "Шундаймикан?" деб қўйди, холос.

Туғилиши биланоқ болани Хакуинга олиб келиб бердилар. Қўни-қўшнилари ундан бутунлай юз ўгирди. Муаллим, бўлиб ўтган ишнинг гўё ўзига ҳеч алоқаси йўқдек, хотиржам юрар, болани эса бирор нарсадан зориқтирмай меҳр билан парваришлар эди.

Орадан бир йил ўтди. Қиз ортиқ яшириб юролмади — ҳақиқатни айтди: боланинг отаси балиқ сотувчи бир йигит экан.

Қизнинг ота-онаси дарҳол Хакуинникига йўл олди. Муаллимнинг олдига жуда хижолатли бўлганини айтишди. Иложи бўлса кечирришни ўтиниб, болани олиб кетмоқ ниятларини изҳор этишганида, Хакуин "Шундай денг..." дея, ҳеч бир эътирозсиз болани қайтариб берди.

Пой кўчада

Тандзан билан Экидо пой кўча бўйлаб кетарди. Чорраҳадан ўтишда улар ипак кимоноли, келишган бир қизни учратиб қолишди. Тўхтовсиз ёмғир ёғиб, ҳаммаёқ кўлмак, пой бўлиб кетган — қиз йўлдан ўтолмай турарди. "Юрақолинг, яхши

қиз", дея Тандзан уни қўлидан ушлаб лойдан ўтказиб қўйди.

Ибодатхонага етгунча чурқ этмай келган Экидо "Биз, роҳиблар аёллардан узоқроқ юрмоғимиз лозим. Айниқса, ёш ва хушрўйларидан. Чунки улар хавфли. Шунга билатуриб нега у қизга ёрдам бердинг?" деди ниҳоят.

"Мен қиз билан ўша ернинг ўзидаёқ хайрлашдим, сен-чи, ҳалиям уни ўйлаб келясанми?" дея жавоб қилди Тандзан.

Қанчалар мазали...

Сутрада Будданинг шундай бир ривояти келтирилади:

Бир одам билмасдан шер яшайдиган далани кесиб ўтди. У оёғини қўлига олиб югурар, шер орқасидан қувар эди. Югура-югура, ҳалиги одам жарлик ёқасига оёқ қўйганини билмай қолди, базўр ёввойи ток новдасини ушлади олди, холос. У қияликда ўсган ток новдасида осилиб турар, тепадан шер иррилаб унга ҳамла қилар эди. Одам қўрқувдан қалт-қалт титраб пастга қаради. У ерда бошқа бир шер осилиб турган бу ўлжани пойларди. Одамнинг жони қил устида эди гўё.

Шу чоғ бир оқ, бир қора икки сичқон пайдо бўлдию токни кемира бошлади. Одам эса ёнгинасида фарқ пишиб ётган маймунжоннинг ёқимли таъминини туйди ва токка бир қўллаб осилганча, иккинчиси билан мевани узиб оғзига солди. Оҳ, қанчалар мазали!

бинлик, қаноатсизлик каби ҳисларни енгади. Дзенни турмушга татбиқ эта билган киши оқибатли бўлади, биродарларига меҳр-мурувват кўрсатади, ҳаётдан баҳра олиб, хотиржам умр кечиради.

Дзен таълимотига оид кўплаб ҳикоятлар яратилган. Беш асрдан мўлроқ даврни қамраб олган бу ҳикоятларда хитой ва япон Дзен устозларининг билим ва малакаси билан боғлиқ қизиқарли воқеалар баён қилинади. Улар дастлаб инглиз тилига таржима бўлиб, "Дзенга оид 101 ҳикоят" номи билан 1939 йили Лондонда китоб ҳолида нашр этилган.

Ислом таълимотига хос ҳадису ривоятларга муштарак бўлган Дзен ҳақидаги бу ибратли ҳикоятлар ҳам башарият даҳосини акс эттирувчи нодир маънавий хазинадир. Шу боис улардан айрим намуналарни журналхон эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Тўғри йўл

Банкей ҳафталаб медитация билан машғул бўларди. Шундай кунларда унинг ёнига бутун Япониядан шогирдлар келар эди.

Машғулотлар вақтида бир ўқувчи ўғрилиқ устида қўлга тушди. Шогирдлари Банкейдан уни ҳайдаб юборинг, деб илтимос қилди. Муаллим бу илтимосни эътиборсиз қолдирди.

Ўша бола яна ўғрилиқ билан ушланди. Банкей бу сафар ҳам ҳеч қандай чора кўрмади. Устозларининг парвосизлигидан ранжиган ўқувчилар энди унга, агар ўғрини ҳайдамасангиз, биз кетамиз, дея ёзма равишда арз қилди.

Банкей арзномани ўқиб чиқиб, шогирдларини бир ерга тўплади-да, уларга шундай деди: “Ҳаммангизнинг ақл-ҳушингиз жойида, нима яхшию нима ёмон эканини биласиз. Хоҳлаган жойингизга бориб ўқишингиз мумкин. Аммо ҳали яхши-ёмоннинг фарқига бормайдиган бу бандага тўғри йўл кўрсатиш менинг бурчим эмасми? Ҳаммангиз кетсангиз ҳам у шу ерда қолади”.

Бу гаплардан қаттиқ таъсирланган ўғрининг мижжалари ёшланди. Шу-шу ўғрилиқ қилмади.

Жаннат эшиги

Хақуиннинг олдига Набусиге деган аскар келиб, “Жаннату дўзах ҳақидаги гаплар ростми ўзи?” деб сўради.

“Сен ким бўласан?” деди Хақуин.

“Мен — самурайман”, деб жавоб қилди жангчи.

“Ие, аскармисан ҳали? У қандай қўмондонки, ҳануз сени қўшинидан ҳайдаб юбормабди? Кўринишингдан худди гадойга ўхшайсан-ку”.

Бу гапдан Набусигенинг шу қадар жаҳли чиқдики, дарҳол қиличига қўл югуртирди. Шунда Хақуин “Тўғри, қиличинг бор! Лекин сендек аскарнинг қиличи ўтмас бўлмоғи аниқ. Қалламни узиб ташлолмасанг кераг-ов”, деди.

Энди Набусиге чидаб туролмади,

қиличини қиндан суғурган эди, Хақуин “Мана, дўзах эшиги очилляпти”, деди.

Бу гапнинг маънисини уққан самурай қиличини қинига солди. Шогирдлик эҳтироми билан Хақуинга таъзим қилди.

“Энди эса жаннат эшиги очилляпти”, дея таъкидлади Хақуин.

Одамийлик посбони

Япон қўшини таркибидаги бир қисм ҳарбий машғулот ўтказмоқда эди. Уч-тўрт офицер Гадзаннинг ибодатхонасига жойлаштирилди.

“Офицерларга ҳам биз ейдиган овқатдан беравер”, деди Гадзан ошпазига.

Жангчилар яхши-яхши таому алоҳида илтифотга ўрганган эди. Бундай муносабатдан жаҳли чиқиб, улардан бири Гадзанга дағдаға билан деди: “Сен бизни ким деб ўйлаяпсан? Юрт учун жонини қурбон қилишга тайёр турган посбонлармиз-а биз! Айрича эҳтиром кўрсатилишини талаб қиламиз”.

“Сенингча, биз киммиз? — деди Гадзан ҳам худди шундай оҳангда. — Биз — одамийлик посбонимиз, мақсадимиз эса бутун борлиқни сақлаб қолишдир”.

Буддавийликка яқин

Бир университет талабаси Гадзанни кўргани келганида ундан сўради: “Сиз Инжилни ўқиганмисиз?”

“Йўқ, — деб жавоб қилди Гадзан, — Қани, менга ундан бирор нарса ўқиб бер-чи”.

Талаба йигит Инжилни очиб ўқий бошлади: “Эгнингиздаги кийимингиздан хижолат чекапсизми? Дала чечакларига эътибор беринг: қанчалар чиройли бўлиб гуллаб ётибди. Ҳаттоки Соломондек шон-шухрат соҳиби ҳам уларчалик либос киймаган. Бинобарин, эртангиздан ташвишланманг. Негаки, эртанги куннинг ўзи сизнинг гамингизни ейди”.

Диққат билан тинглаётган Гадзан “Бу — доно одамнинг мулоҳазаси”, деди.

Талаба ўқишда давом этди: "Сўранг, сизга берилади, изланг — топасиз, тақиллатинг — ёпиқ эшиклар очилади. Яъни, ҳар ким сўраганини олади, қидирганини топади, тақиллатувчиларга барча эшиклар очилади".

"Ажойиб гаплар! Буни айтган одам буддавийликни ҳам яхши англайди", дея таъкидлади Гадзан.

Севгингни яширма

Бир Дзен муаллимининг қўли остида Эсюн исмли роҳиба қиз ва йигирма нафар роҳиб таҳсил кўрарди. Сочи таптакир қирилган, одмигина кийинишига қарамай, Эсюн анча истарали қиз эди. Роҳиблардан аксарияти уни севиб қолган, аммо ҳеч қайсиси кўнглидагини очиқ изҳор этолмас эди.

Ниҳоят, улардан бири хат ёзиб, қиз билан ёлғиз учрашишни қатъий талаб қилди. Бироқ Эсюн унга жавоб қайтармади.

Эртаси куни устоз бутун гуруҳни тўплаб машғулот ўтказди. Дарс тугаши билан Эсюн ўрнидан турди ва мактуб эгасига "Агар ростдан ҳам севсанг, мана, келиб мени бағрингга ол", деди.

Ҳақиқат садоси

Банкейнинг ибодатхонаси ёнида кўзи ожиз бир одам яшар эди. Банкей қазо қилганда у дўстига бундай деди: "Кўзим кўрмайди, шу сабабли мен одамларнинг хулқ-атворини, асл табиатини юз ифодаси орқали билиш имконидан маҳрумман. Аммо кимнинг қандай инсон эканини овозидан фарқлайман. Одатда, бир одам иккинчисига "Омадинг келгани ёки бахтли эканиндан ғоят хурсандман" дейётганида мен унинг сўзларидаги пинҳон

на ҳасад шарпасини эшитаман. Ёки биров бошқа бир одамнинг бахтсизлигидан қайғураётганини айтса, мен унинг овозида хотиржамлик, худди ўша кулфатдан унга бирор наф етадигандек бир қониқиш борлигини сезаман. Лекин, шунча йиллик тажрибамга қарамай, Банкейнинг овозида фақат ва фақат ҳақиқат сасини эшитдим. У хурсандлигини изҳор этганида фақат қувончни, қайғусини билдирганида фақат ғамни ҳис қилдим".

Хаёлот дунёсига саёҳат

Машҳур Дзен муаллими Сён Сакунинг бир шоғирди шундай ҳикоя қилади:

"Ҳар кун туш чоғи устозимиз мудраб ўтирарди. Бу ҳолга ўзи "Мен худди Конфуций сингари донишманд мўйсафидлар билан учрашиш мақсадида хаёлот оламига саёҳат қиламан", дея изоҳ берарди.

Биз ўқиган манбаларда қайд этилишича, Конфуций кўпинча қадим донишмандларни тушида кўрар, сўнг бу ҳақда шоғирдларига гапириб берар экан.

Ҳаво ниҳоятда қиздираётган кунларнинг бирида иссиқ тафтидан баъзиларимизни уйқу элитди. Буни кўрган устозимизнинг жаҳли чиқиб, бизни койий бошлади. Шунда "Биз ҳам Конфуцийга ўхшаб қадим донишмандлар билан учрашиш ниятида хаёлот оламига бордик", дея баҳона кўрсатмоқчи бўлдик.

Устоз сўради: "Хўш, донишмандлар сизга нима деди?"

"Хаёлот оламида донишмандларни учратиб, ҳар куни тушда устозимиз бу ерга келадими, деб сўраган эдик, улар сизни ҳеч қачон кўрмаганини айтди", деб жавоб қилди орамиздан бир бола.

ШОҲСАНАМ тайёрлади.

ЎТГАНЛАР ЁДИ

Фарҳод ҲАМРОЕВ



UZOQLASHAYOTGAN TOQ'

Адабиёт оламида узоқ муддат хотиржам яшаб бўлмайти. Чунки адабиёт ҳар нафасда жасорат кўрсатишни, тийран интеллектуал нигоҳ ва доимий безовталикни талаб қилади. Бунга яна нозик таъб, таъсирчанлик, қалб ва асаблар жароҳати, ўткир ҳиссиётларни қўшадиган бўлсак, бу касбнинг қанчалик мураккаб экани аён бўлади. Хуллас, инсон бутун умр севган иши — адабий ижод билан шуғулланиши учун мустаҳкам ирода ва юксак фазилатларга эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг илмий ва ижодий ҳаёти ўзбек адабиётшунослигининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Давримизнинг ҳақиқий олими, фидойи фарзанди бўлган устоз ўқиш-ўрганиш ҳар доим қизиқарли ва фойдали бўлган адабий танқидчилардан бири эди. Домланинг адабий-илмий мероси ўқувчини адабиётнинг сеҳрли оламига олиб киради, ошно қилади, китобхон кўз ўнгида янги-янги мўъжизалар кашф этади, гўзаллик жозибаси ва қудратига ишонттиради. Бир сўз билан айтганда,

Устоз Озод Шарафиддиновнинг ҳаёти ва ижодига бот-бот мурожаат қилаётганимиз журналхонларимизни ажаблантирмас керак. Зеро, Озод ака ҳар доим эслашга, ёдидан файз олишга арзийдиган муборак зотлар сирасидан. У киши бир муддат таҳририятимизда фаолият юритган эди. Кейинчалик "Жаҳон адабиёти" журнаliga бош бўлганида ҳам доим журналимизга хайрихоҳлик билдириб турди.

Озод Шарафиддинов нима ишга қўл урса, мардлик ва ҳалоллик билан бажарар, ҳеч қачон бировдан марҳамат кутмас эди. У кишининг гурури баландлиги кўпинча шоҳмот ўйинида ҳам намоён бўларди. Шоҳмотдошларидан бири Фарҳод Ҳамроевнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоласида устознинг ана шундай мағрур ва тантиликлари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Озод Шарафиддинов ўзбек адабиётининг ажойиб билимдони, ҳақиқий му-
тахассиси эди.

Устознинг асарларида миллий адабиётимиз бор мураккаблиги ва жози-
баси билан яхлит жараён сифатида намоён бўлган. Мен Озод аканинг асар-
ларини ўқиб, ўзлари билан неча бор суҳбатлашиб, бунга тўлиқ ишонч ҳосил
қилганман.

Эсимда, бир гал домла билан шоҳмот ўйнадик. Ўшанда оқ доналар ки-
йин аҳволга тушиб қолди. Бахтга қарши Озод ака оқ доналар билан ўйна-
ётган эди. Рақибим қаттиқ асабийлашаётганини кўриб, дурангга рози бў-
лишни таклиф қилибман. Озод ака, мард, қатъиятли ва ҳалол одам эмас-
ми, бундай “аяб ўйнаш”дан қаттиқ ранжиди. Дарҳақиқат, бу менинг ёшлик-
ка хос гўрлигим, нодонлигим эди. Устоз ютқазаётганини билатуриб ҳам,
бундай “мурувват”дан, яъни унга нисбатан атай ёнбосиб ўйнашимдан хафа
бўлган эди.

Биз доналарни қайта тердик ва мен ўйин дуранг билан тугаши учун зўр
бериб зимдан ҳаракат қилдим. Охир-оқибат шундай ҳам бўлди. Фақат шун-
дан сўнггина Озод ака мамнун қиёфада доналарни йиғиштира бошлади.

Бир соатдан зиёд давом этган ўйин чоғида Озод ака ўзининг ҳаёт йўли, қан-
дай асарлар ёзаётгани, дўстлари билан шоҳмот ўйнаганлари тўғрисида гапи-
риб берди. Шу орада охирги адабий янгиликлар ҳақида ҳам фикрлашдик.

Озод ака сўнгги пайтларда оғир хасталик туфайли кўп вақтини уйда
ўтказишга мажбур эди. Мен эса ҳадеганда ишдан ортиб у кишининг уйига
кириб ўта олмас эдим. Шу боис биз анча вақт кўришмай қолдик. Мен
отамнинг дўстлари билан мунтазам кўришиб, дийдорлашиб туришни ис-
тайман. Озод ака мен учун ҳам отамнинг дўсти, ҳам устоз сифатида хур-
матга лойиқ инсонлардан эди.

Домла билан учрашганда албатта фойдали бир нарсани ўрганардим. У
ажойиб суҳбатдош эди. Ҳамсуҳбатини ўзига қаратиш ва ишонтириш, дил-
кашликда ҳайратомуз қобилиятга эга эди. Ўз фикрини доимо кутилмаган ва
ғоятда образли тарзда асослаб берарди.

Бир куни уйимиз олдидаги китоб дўконида учрашиб қолдик. Озод ака
хорижлик бир муаллифнинг асарини сотиб олди. Мен унга қизиқмадим ҳам.
Лекин мен олган китобга устоз жуда қизиқиб қолди. Дўкондан чиққач, уйга
таклиф қилдим, домла рози бўлмади. Ва биз яна қирқ дақиқача дўкон олди-
да суҳбатлашиб турдик. Гапимиз тайинли — Фурқат ҳақида эди. Мен ўшан-
да ушбу мумтоз шоирнинг шеърлар тўпламини харид қилган эдим. Менинг
бу қизиқишимни кўриб Озод ака шу куни бу шоир ҳақида кўп мароқли гап-
ларни айтиб берди. Айниқса, бу мураккаб тақдир соҳибининг Қашқарда
ўтган йиллари ҳақидаги ана шу ҳаяжонли ҳикоялар туфайли Фурқат ме-
нинг энг севимли шоирларимдан бирига айланди.

Озод Шарафиддиновнинг ўзи ҳамма вақт ҳам гапиришни ёқтиравер-
майдиган таржимаи ҳоли билан танишар экансиз, унинг ҳаёт сўқмоқлари-
даги айрим номуаносибликлар, паст-баландликлар, уларнинг маҳсулдор-
лигидан ҳайратга тушасиз. Албатта, ҳар қандай хатти-ҳаракатни ҳам ёки
бирор бир ишни ҳам изоҳлаш, асослаш мумкин. Лекин бошқа томондан олиб
қараганда, ҳар қандай ҳаракат замирида қандайдир объектив омиллар ҳам
борлиги шубҳасиз. Гарчи объектив деганимизнинг ўзи охир-оқибатда
субъектив бўлиб чиқса-да, тан олиш керакки, бундай омилларнинг мавжуд-
лигини инкор этиб бўлмайди.

Домланинг болалиги уруш арафасидаги мураккаб, тахликали давр ва машаққатли уруш йилларига тўғри келган. Бу унинг характери, ҳаётига, умрини бағишлаган ишига жиддий муносабатда бўлишига қаттиқ таъсир этган. У севган касби билан астойдил шуғулланди. Қизғин тадқиқотчилик фаолияти натижасида ёш адабиётшунос 1955 йилда “Урушдан кейинги ўзбек поэмачилиги” мавзuidaги номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади.

Устознинг дастлабки илмий мақола ва тақризлари 1953 йилдан бошлаб чоп этила бошлади. Улар кичик-кичик мақолалардан иборат эди. Бўлажак танқидчи шу тариха маҳоратини ошириб борар, ўзи таҳлил этаётган асарнинг маъно-мазмунига теран нигоҳ ташлаш, унгача не-не адабиётшунослар илғай олмаган жиҳатларни топиш ва асослашга ҳаракат қилар эди. Олим бадий асарларга янгича нигоҳ билан қараш кўникмасини умрининг охиригача ошириб, такомиллаштириб борди. Уни бошқа адабиётшунос ҳамкасбларидан кескин ажратиб турадиган фазилатларидан бири ҳам шу эди.

Домланинг адабий қарашлари, қизиқувчанлиги, дунёқарашининг кенглиги кишини ҳайратда қолдиради. У ўзининг зийрак қалб нигоҳи билан — хоҳ мумтоз, хоҳ замонавий бўлсин — шеърятни ҳам, насрни ҳам, театр, кино санъатини ҳам қамраб олишга, ижодқор маҳорати, таржиманинг назарий масалалари ва бошқа адабий-бадий муаммоларга муносабат билдиришга ҳаракат қилар эди.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари ўрталаридан бошлаб Озод Шарафидинов, кейинги давр ўзбек адабий танқидчилигининг руҳи ва йўналишини белгилаб берган ҳолда, изчил ва самарали фаолият юритди. Адабиётшуноснинг ҳар бир асари миллий адабиётимиз ва унинг намояндаларига муҳаббат руҳи билан суғорилган. Лекин схематизм, баёнчилик каби камчиликларга тўла, бўш, хом-хатала, мазмунан саёз асарларни кўрганда аччиқ танқидий фикрини жасорат билан айтишга бу муҳаббат асло ҳалақит бермас эди. Устознинг бундай илмий асарлари, жумладан, монографиялари, дарслик ва рисоалари кўп. Домла асарлари орқали танқидчига бадий матнни фақат чуқур ва холис таҳлил қилиш билан чекланиб қолмай, балки шу тариха ижодкорнинг ёрқин ва бетакрор образини ҳам яратиш зарур эканини кўрсатиб берди.

1962 йили Озод Шарафидиновнинг биринчи салмоқли асари — “Замон. Қалб. Поэзия.” китоби нашр қилинди. Бу тўплам муаллифнинг илгари ёзилган мақолалари йиғиндисидагина иборат эмас. Балки унда адабиётшуноснинг адабий қарашлари, фуқаролик позицияси ҳам аниқ-равшан намоён бўлган.

Устознинг бу китоби ўзбек адабий танқидчилигидаги энг яхши асарлардан биридир. У аниқ асарлар таҳлиliga бағишланган бўлиб, ҳозирги кунгача долзарблигини йўқотгани йўқ. Менинг бу китобга алоҳида меҳр билан қарашимнинг яна бир сабаби бор: Тошкент шаҳрида бўлган илмий конференцияларнинг бирида Озод домла шу китобидан бирини раҳматлик отам — Мурод Ҳамроевга совға қилган экан. Шу баҳонаи сабаб улар дўстлашиб, хат ёзишиб турадиган бўлибди. Бу хатларда кўпинча икки адабиётшуноснинг ўз соҳасига оид фикр-мулоҳазалари акс этарди. Айнан ўша китоб туфайли Озод ака Наим Каримов билан бирга отам учун ўзбек адабиёти бўйича ўзига хос маслаҳатчига айланди. Улар адабий янгиликлар ва адабий танқидий кашфиётлари тўғрисида тез-тез фикр алмашиб туришарди. Бу ижодий ҳамкорлик кўп йиллар давом этди.

Орадан етти йил ўтгач, 1969 йилда домланинг навбатдаги йирик асари "Адабий этюдлар" босилиб чиқади. Шунинг ўзиёқ муаллифнинг ўз тадқиқотларига нисбатан қанчалик талабчан ва жиддий ёндашганидан далолат беради. Фақат ҳаёт синовларидан ўтган асарларнигина чоп этиш керак деган, ҳақиқий тадқиқотчи учун ўзгармас бўлган қондани тасдиқлаган олим кейинги барча китоблари учун энг ёрқин тадқиқотларини обдон саралаб олади.

Сўнги йилларда устоз ажойиб китоблари билан бутун бир кутубхона яратди: "Яловбардорлар" (1974), "Биринчи мўъжиза" (1979), "Талант — халқ мулки" (1979), "Адабиёт — ҳаёт дарслиги" (1980), "Ҳаёт билан ҳамнафас" (1983), "Гўзаллик излаб" (1985), "Абдулла Қаҳҳор" (1988)... Бу рўйхатга йирик адабиётшунослар билан ҳамкорликда ёзилган ўзбек адабиёти дарсликларини ҳам қўшадиган бўлсак, олимнинг заҳматкашлигига фақат ҳавас қилиш мумкин.

Айниқса, ҳаётининг охири йилларида домла жуда самарали ижод қилди. Умр бир жойга бориб, инсон етуклик палласига қадам қўйгач, қалбида пишиб етилган, бошқа биров ёза олмайдиган орзу-армонларини қоғозга туширишга астойдил ҳаракат қилар экан. Шу боис унинг ҳар бир асари бошқасига ўхшамайди, ҳикматга бой, чуқур мулоҳазалар, баъзида англаш қийин бўлган хулосалари билан бири иккинчисидан ажралиб туради.

Сирасини айтганда, Озод Шарафиддинов асарларини қайта-қайта ўқиб зерикмайсиз, қанча кўп ўқисангиз, шунча кўп завқланасиз, маъни топасиз. Бу асарларда ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг долзарб муаммолари — ютуқ ва изланишлар, бадиий маҳоратнинг янги мезонлари, ўзбек адабий танқидчилигининг аҳволи, таржима санъати, адабий алоқалар ҳақидаги фикрлар ифодаланган. Устознинг китоблари том маънодаги маърифат даражасини, ўзбек адабиётининг жозибасини намоён этади.

Озод Шарафиддиновнинг қарийб бутун меҳнат фаолияти Ўзбекистон миллий университети билан боғлиқ. У айнан шу даргоҳда таълим олган, 35 йилдан зиёд вақт мобайнида дарс берган, олим ва шахс сифатида шаклланган. Домла дарс бермаган пайтларида ҳам бу қадрдон маскан билан узвий алоқада бўлиб турди. Айнан шу билим даргоҳида ҳар куни қайта ва қайта бадиий асарларни кашф этиш, сўзнинг моҳиятини чуқур англаш, нозиктаъб ижодкор қалбининг сирли ва мураккаб жиҳатларини тушуниш, ҳис этишни ўрганди. Устознинг барча асарларида унинг шахси, истеъдоди, давр руҳини нозик ҳис қилиш ва ифодалаш қобилияти акс этади.

Озод Шарафиддиновнинг кўпгина асарлари яна бир хусусияти билан ажралиб туради. Домла ижодкор маҳоратини ҳар томонлама тадқиқ этиш жараёнини унинг таржимаи ҳолини ўрганиш билан уйғун ҳолда амалга оширади. Аслида бу икки нарса узвий боғлиқ ва бирини иккинчисидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Тадқиқотчи ижодкор ҳаётидаги воқеликнинг ўзи тақозо этган, унинг асарларида ўзига хос ижодий акс этган мураккаб ҳолат ва жараёнларни топа олади, санъат асарини ўқишдан муаллиф ҳаётини англаш сари бориш жараёнида пайдо бўладиган мураккабликларни кўрсата билади.

Унинг фикр-мулоҳазага бой ва нозиктаъблик билан ёзилган китобларида, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Фафур Фулом, Одил Ёкубов каби кўплаб ёзувчилар ижоди, уларнинг тақдири ва асарлари тўғрисидаги мақолаларида шахснинг ўзига хос характер қирралари ва мураккабликларни,

турли адабий жанрдаги асарларининг бетакрорлиги, ютуқлари ёритилган. Домланинг адабий таҳлил борасидаги энг асосий хусусияти даврни аниқ ҳис қилиш ва уни асарларида мужассамлаштиришдан иборат. Айна вақтда унинг асарлари насихатгўйликдан мутлақо холи, уларда ҳақиқий адабиётшуносларча таҳлилнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлмиш образлилик ва баҳс-мунозарага мойиллик асосий ўрин тутди.

Устознинг яна бир муҳим фазилати камдан-кам одамда бўладиган тўғри ва дангал гапириш қобилиятида намоён эди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳақиқат унинг кўпгина асарларида замонасозлик руҳида, чала-ярим ҳолда эмас, балки дангал, лекин холис айтилган. Ундаги истеъдоднинг публицист сифатидаги қудрати ҳам шунда. У безовта ва нозиктаъб қалби билан ҳақиқий ватанпарвар одамни ҳаяжонлантирадиган нарсаларнинг барчасига ўзини дахлдор деб билади. Маънавият ва дин, таълим-тарбия, шахс тақдири каби бугунги дунёнинг бир талай жиддий муаммолари домланинг диққат марказида бўлиб келди. Унинг публицистик мақолалари юрак дарди билан самимий ёзилган. Озод Шарафиддинов кўпсонли китобхонларини айнан шу жиҳатлари билан мафтун этди.

Устоз кейинги бир неча йил давомида "Жаҳон адабиёти" журналига раҳбарлик қилди. Домла бу ноёб нашрнинг биринчи бош муҳаррири эди. Журнал саҳифаларида дунё адабиётининг энг яхши асарлари чоп этилди. Бу асарлар инсониятни раванқ топтириш ҳақида бўлиб, айнан шулар башариатнинг бугунги маънавий қиёфасини белгилаб беради.

Журнал орқали китобхонлар жаҳон мумтоз адабиётининг илгари тўлигича ўқиш имкони бўлмаган энг сара намуналари билан танишади. Озод Шарафиддиновнинг бош муҳаррир сифатидаги вазифаси бу бўшлиқни тўлдиришдан иборат эди. Журнал саҳифаларида эълон қилинган таржималарнинг аксарияти домланинг ўзи томонидан амалга оширилди. Унинг эллик йилдан ортиқ шу соҳада баракали ижод қилгани журнал ишини ташкил қилишда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу муддат давомида устоз дунё адабиётининг қанчадан-қанча дурдоналарини ўзбек тилига ўгирди. Бордию, уларнинг барчаси тўпланса борми, жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари жамланган кўпжилди китоблардан иборат алоҳида кутубхонани ташкил этган бўларди. Моҳир олим ва таржимоннинг машаққатли меҳнати туфайли китобхонларимиз М. Горький, П. Мериме, А.Рибаков, Э.Казакевич, Аҳмад Аббос, В.Войнович сингари чет эл мумтоз адиблари асарларини она тилида ўқиш имконига эга бўлди.

Шу ўринда яна бир муҳим ҳолатга тўхталиб ўтмоқчимиз. Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Озод Шарафиддиновнинг истеъдоди янги ранг ва бўёқлар билан бойий бошлади. Эҳтимол, адабиётшуноснинг оғир ва мураккаб меҳнати ҳақида бундай ташбеҳ билан гапириш ўринли эмасдек туюлар. Лекин бу ўринда олимни ёзувчи, аниқроқ айтганда, публицист сифатида тавсифлайдиган янги бир ҳолатни инобатга олиш лозим. Шу пайтга қадар устоз бадиий ижоднинг бу жанрида қалам тебратмаган эди. Нима учун? Наҳотки шу вақтгача унинг бу жанрда айтадиган гапи бўлмаган? Бу саволларга жавоб излар эканмиз, Озод Шарафиддинов фақат ўй-хаёлларини банд этган, ўзини қийнаган масалаларнинг амалий ҳаётда аниқ самарасини кўрганидан сўнггина публицистик жанрда фаол ижод қила бошлагани маълум бўлади. Кўз ўнгида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлагач, фикрига кулоқ соладиган, сўзини эшитадиган одамлар борлигини кўргач, у ўзининг маъ-

навий оламини халққа яқинроқ тил — публицистика тилида баён қилишга кучли эҳтиёж сезади. Буларнинг барчаси унга илҳом, куч-ғайрат берди. Бирин-кетин унинг ўткир ва ҳаққоний руҳда ёзилган публицистик мақолалари босилиб чиқа бошлади. Фақат кейинги бир неча йилнинг ўзида устоз адабий-бадиий салмоғи, маъно-мазмунни билан шу пайтга қадар чиқарган китобларини босиб кетадиган ишларни амалга оширди. Табиийки, бу китоблар унинг аввалги ижодий меросини бутунлай ўчириб ташлагани йўқ, балки уни янгича руҳ ва мазмун билан тўлдирди. Бу ўринда мен биринчи галда домланинг “Довондаги ўйлар”, “Ижодни англаш бахти” китоблари, кўплаб таржима асарларини назарда тутяпман.

Бу китобларда муаллифнинг қалби, ташқарига отилиб чиқаётган ички энергияси яққол сезилиб туради. Шу боис улар бамисоли саргузашт романлардек мароқ билан ўқилади.

Бир сўз билан айтганда, Озод Шарафиддиновнинг ижоди кўпқиррали эди. Унинг ўзи эса том маънодаги матонатли инсон эди. Домла нима иш билан шуғулланмасин, бадиий ижоднинг қайси соҳасида ижод қилмасин — ҳаммаша ҳақиқий профессионалик билан, чин дилдан ва самимий амалга оширар эди. Унинг жамият олдидаги улкан хизмати, ҳаётий ва ижодий жасорати айнан шунда кўринади.

1996 йили отамнинг 60 йиллик таваллуд тўйи бўлди. Бу тантанада унинг кўпгина дўстлари қатори Озод Шарафиддинов ҳам сўзлади. У ўз сўзида, жумладан, отамни бошқалардан ажратиб турадиган хусусияти, айниқса, “очиқ ва бахтиёр чехраси” тўғрисида гапирди. Менимча, бу сўзлар Озод акага ҳам айнан тааллуқли. Уни билган ва яхши кўрганлар хотирасида Озод Шарафиддинов ҳам ана шундай очиқ ва бахтиёр чехраси билан сақланиб қолади. Чунки бир умр кўксида дард билан ҳаётга интилиб, бахт учун курашиб яшаган инсон хотираси бошқача бўлиши мумкин эмас.





MEN NEGA KITOB O'QIYMAN? SIZ HAM O'QIYSIZMI?

Ahmadjon MELIBOEV mutolaa qiladi

Мендан кўпинча “Ўқиган биринчи китобингизни эслай оласизми?” деб сўрашади. Афсуски, эслай олмайман. Аммо бошқа тенгдошларимга нисбатан китобни кўп ўқиганим аниқ. Тўғриси, дастлабки китобларни ўқиган эмасман, тинглаганман. Бу китоблар алоҳида қироат билан ўқиладиган жангномалар, халқ достонлари, Абу Муслим, Иброҳим Адҳам қиссалари эди. Маҳалламизда яшайдиган Абдуллажон Шаитов деган киши ялпиз ва хулва ҳиди анқиб турган ариқ ёнига ёнбошлаганча, бизга Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини соатлаб ҳикоя қилиб берарди. Кейин билсак, у киши бизни азбаройи қизиқтириш мақсадида асарнинг баъзи жойларини янада бўрттириб, қишлоғимизда бўлиб ўтган айрим воқеа-ҳодисаларга мослаб айтган экан. Абдуллажон ака Отабекнинг Ҳомид билан тўқнашувини тахминан мана бундай ҳикоя қилар эди: “Шунда Отабек, қони қайнаб, кўзлари Саночсойда ов қилиб юрган оч йўлбарснинг кўзидай чакнаб, “Ҳа, ярамас, иплос Ҳомит, қўлга тушдингми, аблах, мана энди кўрасан кўрадигонингни, катта холанг ҳам ёрдамга келолмайди”, дея пичоғини қинидан суғуриб, Ҳомитнинг оч биқинига шундоқ...”

Абдуллажон ака ҳикояни шу ерда тақа-тақ тўхтатиб, “Энди боринглар, дарсларингни қилинглар, эртага яхши баҳо олиб келсаларинг, кундаликларингни кўриб, қолганини айтиб бераман”, дея ўрнидан туриб кетарди.

Матбуотда эълон қилинган мақолаларимнинг бирида “Баъзи китобларни уч мартадан ўқиб чиққанман” деб ёзганман. Бу муболаға эмас. Гап шундаки, болалиқда, бошқаларни билмадим-у, менда зўр одам бўлиш учун китоб бўлса бўлди, бир бошдан ўқийвериш керак, деган тасаввур бор эди. Шу боис, қўлимга нима тушса, танламай ўқийверганман. Юқори синфда ўқийдиган болалар бир куни домлалардан яшириб бир нимани ўқишаётганини сезиб қолдим. Сўрасам, “Бунақа китобларни ўқишга сен ҳали ёшсан”, деб беришмади. Бир амаллаб қўлга киритдим. Тўхтасин Жалоловнинг “Олтин қафас” деган мўъжазгина, ўша йиллар кўзи билан қараганда, зўр ишқий қиссачаси экан. Эрта азонда Такавойтепаннинг нарёғига ўтиб, ҳеч кимга кўрсатмай ўқиб чиқдим. Стефан Цвейгнинг “Письмо незнакомки” деган китобини ҳам шу тахлит, рус тили ўқитувчимизнинг столидан “яширинча олиб” ўқиганман ва шу сабабли “Француз тили сабоқлари” фильмининг қахрамонига айланишимга сал қолган. Одил Ёқубовнинг “Муқаддас. Тилла узук”, Пиримқул Қодировнинг “Уч илдиш”, Озод Шара-

фиддиновнинг “Замон. Қалб. Поэзия” китобини, Учкун Назаровнинг олтмишинчи йиллари ёшлар ўртасида бениҳоя машхур бўлган бир қиссасини бир неча марта ўқиб, кўп жойларини ҳатто ёд олганман. Француз озодлик ҳаракатининг афсонавий йўлбошчиси Жанна д'Арк ҳақидаги китобни дастлаб рус тилида, сўнг ўзбекчада ўқидим. Бу гўзал, сирли, фавқулудда жасоратли аёл мени ўзига тамомила ром этган. Қишлоғимиз этагидаги тепаликка чиқиб, хаёлан бу шерюрак аёлнинг зафар байроғини ҳилпиратиб, ўзимча нутқлар ирод қилганман. Йиллар ўтиб йўлим Францияга тушганида, Версал саройининг маҳобатли залларидан бирида болалик тасаввуримдаги энгилмас ва бетакрор Жанна билан юзма-юз келдим. Моҳир мўйқалам устаси Янги Орлеан учун бўлган шиддатли жангнинг қолибасини от устида шу қадар жонли тасвирлаган эдики, суюкли қаҳрамонимнинг кўзида оловли чақмоқ кўргандай, юрак уришини эшитиб тургандай бўлдим.

Тошкент давлат университетига ўқишга келгач, кўплаб бадиий китобларни... имтиҳон топшириш, баҳо олиш учун яна бир бор варақлаб чиқдим. Тасаввур қилинг — имтиҳонга бир ҳафта қолганида тунни тун, кунни кун демай, Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина” асарларини, Оноре де Бальзак, Эмил Золя, Фенимор Купер ва яна шу каби ўнлаб классикларнинг ёстиқдай-ёстикдай асарларини ўқишга, ҳеч бўлмаганда, кўз югуртириб чиқишга мажбур бўлганман. Йиллар ўтиб “Уруш ва тинчлик”ни ҳам, “Анна Каренина”ни ҳам, Золя, Бальзак, Хемингуэй, Драйзер, Достоевский, Алексей Толстой, Константин Паустовский, Бунин, Чехов, Гоголь ва бошқаларнинг машхур асарларини ўзим учун, ички бир эҳтиёж сабаб учинчи марта ўқишимга тўғри келди. Бу ўқиш ҳақиқий ўқиш бўлди. Кўпроқ Паустовский ва Чеховдан таъсирландим. Салтиков-Шчедриннинг маҳоратига қойил қолдим. Абдулла Қаҳҳорнинг “Менинг столим устида ҳамиша Антон Павловичнинг бирор-бир асари очик туради” деган гаплари маъносини уққандай бўлдим. Китоб ўқиш, китоб титкилаш мен учун қизиқарли ва ёқимли машғулотга айланди. Энг бемаза, энг зерикарли китоблардан ҳам ўзим учун қимматли, зарур фикрларни топа олдим.



Хаёт, китобларда ёзилганидек, силлиқ эмас. Гоҳо баланд мартабали маъмурларнинг қабулхоналарида бир неча вақт туриб қолишга тўғри келади. Самолёт муддатида парвоз қилмаслиги, поезд анча-мунча кечикиб келиши мумкин. Врач қабулида бир-икки соат кутиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Кўпчиликнинг бундай пайтда асабийлашиши аниқ. Мен эса ёнимдаги китоб ёки журнални олиб бемалол ўқиб ўтиравераман. Вақтни бекорга ўтказмайман. Ишонинг, муҳаррир сифатида муаллифларнинг кўплаб мақолаларини, шоирларнинг шеър ва дostonларини турфа хил қабулхоналарда, бекатларда, зерикарли мажлисларда ҳам ўқиб чиққанман. Бундай пайтлари мияга хўб ажойиб фикрлар келади...



**Шариф Ю с у п о в. Хуфия қатламлар.
Т., “Маънавият” нашриёти, 1998.**

Шариф Юсупов домла етмишинчи йилларнинг бошларида университетда бизга сўнги хонликлар тарихидан дарс берганлар. Домланинг яқин ўтмишимизга доир мароқли суҳбатлари бениҳоя қизиқarli бўлибгина қолмай, фавқулodда ошкора ва жиддийлиги, кутилмаган мулоҳазаларга бойлиги билан ҳам бошқа сабоқлардан ажралиб турар эди. Шу боис уларни жон қулоғимиз билан тинглаганмиз.

Домла Қўқон хони Худоёрхон даврини, ўша вақтгача бадий асарларда, айниқса, кинода жоҳил, саводсиз бир кимса қилиб тасвирланган хонни алоҳида бир назокат, эҳтиром билан тасвирлаб берар эдики, бундан кўпларимиз ҳатто ажабланганмиз ҳам. Бир куни дарс охирида у кишига “Шу мулоҳазаларингизни мақола ёки китоб қилиб ёзмайсизми?” дея сўрашга журъат этдим. Домла “Ҳай, ҳозирча шу гапларим етарли, вақт-соати келиб ёзилар ҳам”, дедилар. Йиллар ўтиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигига бош муҳаррир этиб тайинланганимдан кейин домлага шу саволимни эслатдим. “Ҳа, ёзадиган пайт келди, билсангиз, анча-мунча нарса қоралаб ҳам кўйдим”, дедилар Шариф ака.

Домла бу ишга астойдил киришган эканлар, газета саҳифаларида у кишининг Қўқон хонлиги тарихига оид ўнга яқин йирик тадқиқот мақолалари босилиб чиқди. Кейинчалик бу мақолалар “Фурқат йўлларида”, “Худоёрхон ва Фурқат” номи билан тўпلام ҳолида нашр этилди ҳам. Домла уларни, шунингдек, “Санъат ва ҳайрат”, “Хуфия қатламлар” китобларини менга тақдим этганлар. Ҳафтада камида бир-икки марта варақлайман, баъзи жойлари деярли ёд бўлиб кетганига қарамай, қайта-қайта мутолаа қиламан. Бунинг боиси бор, албатта. Газетхонлар билан бўладиган турфа хил учрашувларда, адабиёт ва тарих ўқитувчилари билан суҳбатлашганимда домланинг китобларидаги қимматли мулоҳазалардан фойдаланаман. Худоёрхон хон бўлиш билан бирга гўзал ғазаллар ҳам ёзгани, онаси вафот этганда уч кун унсиз фарёд чекиб, ҳозир ўқисангиз ҳам вужудингизни ларзага келтирувчи марсия битганини, соддалигидан Оқ подшо ҳузурига меҳмонга отланганида хотини Оғача бегимнинг “Борманг, ҳазратим, сизни банди қиладилар”, дея зорланганини, хон вафотидан кейин бу оқила аёлга генерал Жўрабекнинг ошиқ бўлиб қолиши унинг бу “саллот” ошиққа доно ва лўнда жавобини келтираман (“Мен хоннинг хотинимен, саллотнинг тенги эмасмен!”).

Устоз Шариф Юсуповнинг китобларини мутолаа қилар эканман, хонлик даврига қизиқишим янада ортади. Бир гал Қўқонга борганимда, марҳум тадбиркор дўстимиз Нурилла хожи Абдуллаев менга тарихчи олима Анна Леонидовна Троицкаянинг 1968 йили Москвадаги “Наука” нашриётида жуда кам нусхада чоп этилган “Каталог архива Кокандских ханов XIX века” китобини совға қилди. Қўқон хонлиги чор Россияси томонидан босиб олинганида хонлик ўрдасидаги жамики мол-мулк босқинчилар тасарруфига ўтган. Қисқароқ баён қилсам, Анна Леонидовна ўрда девонхонасидан олинган беҳисоб ёзма ҳужжатларни саралаб, китоб ҳолига келтирган. Ана шу китобни

варақлаб ўтирсам, бир фатво чиқиб қолди. Унинг мазмуни бундай: Қўқон хонининг онаси ҳаётлигида Тошкентдан иккита аёл меҳмонга келади. Шу муносабат билан ўрдада тегишли фатво чиқарилади: “Тошкентдан хонимизнинг оналари ҳузурига меҳмонлар келиши муносабати билан хазинадан бир кулча совун, бир юмалоқ кўк чой, бир юмалоқ қора чой ажратилсин”. Мен бу фатводан деярли ҳар бир маърузамда фойдаланаман, “сизлар миллий қадриятларни тиклаш баҳонасида ўтмишни улғулаб, орқага кетаяпсизлар”, дея бизга қараб мийиғида кулаётганларга бизда аслида қандай қадриятлар мавжуд бўлганини эслатиб қўйишни асло қанда қилмайман.

Шу китобни Шариф акага кўрсатган эдим, у киши сўраб, бир ҳафтага олиб кетдилар. Вақтида қайтарар эканлар, “Жуда муҳим маълумотнома экан, кўп жойларидан нусха олдим”, дедилар. Демакки, ҳадемай домланинг янги тадқиқотларини ўқисак, ажаб эмас.

Ушбу сатрларни қоғозга тушириш олдидан Шариф Юсуповнинг “Хуфия қатламлар” тўпламини яна бир бор варақлаб чиқдим. Китобчага сўзбоши ёзган профессор Бегали Қосимовнинг мана бу фикрларига эътибор беринг: “Адабиётшунос олим, профессор Шариф Юсупов билан суҳбатлашганмисиз? Тошкентнинг сўнги 100-150 йиллик тарихини, маҳалла-кўйларини, осори атиқаларини, қўйинги, бек-амалдорларидан қозию куззотларигача, идора-махкама иморатларидан бойвачалари йиғилиб турадиган самоварларигача беками кўст биладиган ва улар ҳақида бир-биридан қизиқарли ҳикояларни айтиб бера оладиган кишилар у қадар кўп эмас. Айниқса, сўнги эллик-олтмиш йилдаги ўзи кўрган, гувоҳ бўлган воқеаларни, хусусан, санъаткорлар ҳаёти, феъл-атвори, гап-сўзлари, улар билан юз берган турли-туман ҳодисаларни у кишидек ўрнига қўйиб айтадиган иккинчи кишини топиш қийин...”

Ҳар гал, домла шахсан менга тортиқ қилган китобларидан бирини қўлимга олар эканман, Худоёрхон Оренбургдан қочиб, Маккаю Мадинага йўл олгани, ўша даврда хон навкарларидан азиат чеккан бир киши кунларнинг бирида Макка шахрида собиқ хонни афтодаҳол бир ҳолатда учратиб қолиб, тош билан уриб тишини синдиргани каби қизиқарли воқеаларни ва яна муаллифнинг “Муқимий ва Муҳйи”, “Комил ҳақида янги маълумотлар”, “Сатторхоннинг таржимаи ҳол асари”, “Исёнкор додҳох” (Генерал Жўрабек), “Гап канизақда эдимиз?” (Амир Насруллонинг Қўқонга юриши тарихи) каби муҳим тадқиқотларини, Худоёрхоннинг маърифатпарвар ўғли шоир Фансуруллобек, саркарда Алимқули, Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа, Саидрасул Азизий, Эшонхўжа, Ҳакимхўжа қозикалон ва бошқа кўплаб машҳур кишилар тўғрисидаги мақолаларини, қани энди, бошқалар ҳам ўқиса, баҳраманд бўлса, деган фикр ҳаёлимдан ўтади.

Пиримкул Қодиров. Тил ва эл. Т., Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.

Ўтган йили устоз Пиримкул Қодировнинг темурийлар давридаги адабий тилимиз муаммоларига доир “Тил ва эл” илмий бадиаси нашр этилди. Бугунга қадар бу тўғрида кўплаб мақолалар эълон қилинди, китоб адабий-илмий жамоатчилиқнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Қизиғи шундаки, муаллифнинг бу асари, гарчи илмий мушоҳада услубида ёзилган бўлса-да, биз ёшлигимизда қайта-қайта ўқиган “Уч ил-диз”, кейинги йилларда яратилган “Ҳумоюн ва Акбар”, “Авлодлар до-вони”, “Она лочин видоси” каби бадиий китоблар даражасида мароқ билан ўқилади. Бунинг боиси шуки, китоб — тилимиз ҳақида. Фикримча, ҳар қандай мажруҳ иқтисодиётни тадбиркорлик билан соғломлаштира бўлади, давр, замон талаб этса, сиёсат ҳам ўзгаради. Бузилган, емирилган иморатни қайта тиклашнинг иложи бор. Аммо бузилган, бошқа тиллар таъсирида қоришиқ бир ҳолга келган тилни ўнглаш — ўта мураккаб масала. Тилни фақат тил нуқтаи назаридан



эмас, тарих, миллий қадриятлар, урф-одатлар, улуғ аждодларимизнинг бебаҳо мероси нуқтаи назаридан туриб ҳам, булардан асло ажратмаган ҳолда ўрганишимиз, сақлашимиз, бойитишимиз ва келажак авлодларга етказишимиз лозим. Шу маънода “Тил ва эл”ни ўқиб, ўзим учун англаганларим, ён дафтаримга алоҳида ёзиб қўйганларим қуйидагилар бўлди.

Тилга эътибор, тил ҳақида қайғуриш, уни эъзозлаш — чинакам ватанпарварлик.

Шунинг учун ҳам XVI асрда Дю Белле бошчилигида бир гуруҳ олим ва ёзувчилар “Француз тилини ҳимоя қилиш ва улуғлаш” манифестини қабул қилган. Унда “Она тилини ҳимоя қилиш — ватанни ҳимоя қилиш билан баробардир” деган фикр олдинга сурилади.

А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” романини икки марта ўқиб чиққанман. Лекин бир нарсага эътибор бермаган эканман. Роман бош қахрамони Татьяна ўз она тилини яхши билмагани учун севган йигитига француз тилида хат ёзади. Пиримқул ака ушбу фактни ўқувчи ёдига солар экан, машҳур тарихчи адиб Н.М.Карамзиннинг қуйидаги сўзларини келтиради: “Бизнинг зодагонлар рус билан русча гаплашмасдан нукул бузук француз тилида сўзлашишади. Олижаноблар жамияти деб аталган юқори табақамизда француз тилини билмасангиз, кар ва гунгга ўхшаб қоласиз... Уят эмасми? Рус тилида француз тилидагига нисбатан уйғунлик кучли. Бизда ўз ҳаётимизни ифодаладиган сўзлар француз тилидагидан кўпроқ”.

Мамлакатимиз раҳбари истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ “Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват олган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантириш зарур”, деган вазифани олдимизга қўйган эди. Пиримқул Қодировнинг фикрича, бундан салкам минг йил аввал яратилган “Девону луғотит-турк”, “Кутадғу билиг” каби асарлар, улуғ Алишер Навоийнинг бутун ижоди, ўлмас шоҳбайтлари халқни ўз тарихи билан таништиришда, ўзлигини англатишда бебаҳо манбалардир. “Алишер Навоий кўтарилган маънавий юксаклик фарбда Ренессанс деб аталадиган Уйғониш даврининг энг юксак чўққиси эди, — деб ёзади муҳтарам адибимиз. — Дунёнинг баланд маънавият чўққисига кўтарилган мутафаккир шоирнинг қалб кўзлари жанубда Ҳиндистондан тортиб шимолда Дашти Қипчоққача, шарқда Хитой чегараларидан тортиб фарбда Туркия ва Грециягача бўлган улкан худудларни қамраб олади ва шунчалик кенг минтақаларда истеъмолда бўлган тил бойликларини ўрганиб, саралаб ўз асарларига олиб киришга интилади”.

Демак, тарихни ўрганиш асносида ўзликни англаш учун ҳазрат Навоийни ўқишимиз керак. Фанлар академиямизнинг бир гуруҳ фидойи олимлари узоқ йиллар ғайрат-шижоат кўрсатиб, Алишер Навоий асарларининг 20 жилдлигини бизга тўхфа қилди. Аммо бу китоблар имконият даражасидагина нашр этилди. Матбуотимизда унинг ютуқ-камчиликлари рўй-рост айтилди. Қани энди, биз ҳам Навоий асарларини гуржиларнинг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон”и, ҳиндларнинг “Маҳобҳорат”и ёки “Рамаяна”си, финларнинг “Каливала”си каби дунёга кўз-кўз қилсак! Мамлакатимизга келаётганлар “Хўш, бу ерда нима бор экан ўзи?” деган саволига ўзлари жавоб қайтариб, “пахта”, “тилла...”лардан кейин “Бу ерда улуғ Амир Темур руҳи яшайди, бу халқнинг дунёни қалам билан забт этган даҳо Навоийси бор” дея ҳавас ҳам қилса...

Калила ва Димна. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.

“Калила ва Димна”ни ўзимдан катталар овоз чиқариб ўқишаётганида, ораларига суқилиб кириб, узуқ-юлуқ эшитганман. Ёдимда қолгани — катталар олис қиш кечалари меҳмонхоналарда навбатма-навбат ўқийдиган бу китобни мен аввалига қишлоғимизда яшаган Файзулла қори ёзган, деб юрардим. Аммо кейинчалик маълум бўлдики, “Калила ва Димна”ни Тошкентда 1898 йили Алмаий тахаллусли Қори

Файзуллоҳ деган киши ўзбек тилига таржима қилган экан. Демак, мен эшитган бу китоб 1901-13 йиллардаги тошбосма нусха бўлиши керак. Китоб жавонимдаги “Калила ва Димна” 1977 йили Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида мухтарама олимани Суйима Фаниева таржимасида чоп этилган. Ҳар гал ушбу китобни кўлимга олганимда, энг аввало, академик Воҳид Зоҳидовнинг “Юксак нафосат ва мангу ҳикмат обидаси” сарлавҳали сўзбошиси-ни, кейин Ибн аш-Шоҳ ал-Форисий номи билан машҳур Бехнуд ибн Саҳвонинг муқаддимасини ва таржимон Суйима Фаниеванинг сўнгсўзини ўқийман.

Сўнгсўздан бу қадимий китобнинг ёзилиш тарихи, кимлар томонидан қачон ва қаерда таржима қилингани, Қори Файзуллоҳнинг кимлиги, таржима чоғида нималарга эътибор берилгани тўғрисидаги маълумотларни билиб оламан. Муқаддимада эса, эътибор беринг, мана бундай жумлалар бор: “Бу китобнинг мазмун ва мақсадини жоҳил кимсалардан пинҳон тутиш учун ундаги ривоятлар ҳайвонлар ва қушлар тилидан нақл этилади. Беақл одамлар учун унинг мазмуни юзаки кўринар, аммо фаросатли одамлар эса ундан ғоят чуқур, ибратли маъно жавоҳирларини топадилар, манбалари жуда бой ва гўзал эканини кўрадилар. Бу китоб файласуф учун — кенг бир фазо, ақл учун — буюк машқ майдони, китоб муҳлислари учун — унутилмас хотира, маъносига тушунадиганлар учун — ажойиб бир ибрат хазинасидир”.

Энди Воҳид Зоҳидов қаламига мансуб сўзбошига қайтамиз. Ишонинг, қайта-қайта ўқийвериб, мен ушбу атиги уч ярим бетлик, етмишинчи йиллар услуби ва имконияти доирасида ёзилган мақолачани деярли ёд олганман, ҳозир ҳам адашмай қайтара оламан. Шу сўзбошига ишқим тушиб қолган. Баъзан овоз чиқариб ўзимга ўзим қироат билан ўқиб бераман. Келинг, сиз ҳам эшитинг-чи: “Асарда социал воқеликдаги салбий ҳодисаларга қарши ўт очилади, ақл, адолат, одамгарчилик тананнум этилади. Унда ўша жамяятдаги барча нуқсонлар — хиёнат ва жиноят, пасткашлик, иғво, фисқ-фасод, зулм-ваҳшат фош қилинади. Мана шу қора кучларнинг намояндалари — золим шоҳлар ва уларнинг разилликлари, нопок вазирлар, амалдорлар ва уларнинг палид ишлари, қотил ва йиртқич табиатли одамлар ва уларнинг шафқатсизликлари; халқлар тинчлигини бузувчи ва мамлакатларни харобага айлантирувчи уруш-ихтилофлар; ҳар нарсани — инсонийлик ва ор-номусни, инсоф ва виждонни мол-дунёга сотувчилар; нафси бузқулиги, очкўзлиги, худбинлиги туфайли ўзгаларни ҳам, ўзларини ҳам фалокат гирдобига ташловчилар; фитначи, қаллоб, мунофиқ, муттаҳамлар ва уларнинг қилмиш-қидирмишлари; бегуноҳлар устига ҳар қандай айбни юклар, маломат тошларини отувчи, ўзлари ҳеч нарсага арзимайдиган, қўлидан ҳеч қандай фойдали иш келмайдиган ёки буни хоҳламайдиган, лекин ўзларини барчадан юқори қўйиб, ўзгаларни камситишга, оёқости қилишга уринувчи ва шу билан кун кўрадиган ғийбатчи ва ҳасадчилар — булар бир олам.

Ақл ва инсоф эгалари, одил ва доно шоҳ, унинг ҳикматли, билимдон, тадбирчан аркони давлати; фан, хунар ва санъат аҳллари; адолат ва раият учун жонини ҳам аямайдиган, қахрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатадиган, кўрқмас баҳодирлар. Ақл-идрок, инсоф ва тадбирчанликни ҳар нарсадан устун кўядиган, шулар ёрдами билан энг оғир ва мураккаб масалаларни ҳам ҳал қила оладиган, ҳатто барча учун жуда хавфли ва ғоят зўр душманни ҳам енга оладиган ва вафодор ва садокатли кишилар — бу иккинчи олам.

Ўз даврининг ҳақиқий манзарасини акс эттирувчи бу асардан шундай хулоса чиқади: “Хўжайин ва қарол, шоҳ ва қул бор жойда ҳамиша ўлим ва жазо бўлади”.

Воҳид Зоҳидовнинг бу сўзбошиси тилимизнинг нақадар бойлиги билан бирга инсон ҳаётининг нақадар мураккаблигини ҳам кўрсатади.





Алпомиш. Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1999.

Болаликда “Алпомиш”, “Гўрўгли”, “Ёзи ва Зебо”, “Равшан ва Зулхумор” каби дostonларни кўп ва хўб ўқиганмиз. Шундай бўлардики, бир янги китобни бошқалардан аввалроқ ўқиб чиқишга, ўқиганларимизни бир-биримизга айтиб беришга ҳаракат қилар эдик. У пайтлари дostonларни қироат билан, деярли кўшиқ оҳангида овоз чиқариб ўқиш одат эди. Ўқиб бўлгач, қизгин муҳокама бошланарди.

Эртақ китобларни қироатхонлар бизга шундай ўқиб беришардики, воқеалар — ёвуз ниятли ялмоғиз кампирнинг афт-башараси, раҳмсиз девларнинг газаби, нияти бузуқларнинг кирдикорлари кўз ўнгимизда равшан гавдаланиб, уларни деярли кўриб тургандек бўлардик.

Кейинчалик англаб етганим — эртақ ва дoston китобларни кўп ўқиган болаларнинг нутқи равон, фикрлаш кўлами кенг, тасаввури чексиз бўлар экан. Бундай бола кейинчалик фарзандига бирор-бир воқеани гапириб бераётганида ёшлигида ўқиган ва шуурига сингган китобларидан мисоллар келтириб, нутқини янада таъсирли қилиб юборади. Масалан, “Кеча темирчи бувадан битта ўроқ сотиб олдим, ўзиям Абу Муслимнинг қиличидай келади” ёки “Ҳой бола, бу дейман, Алпомишнинг синглиси Қорасочга туя боқтирган Ултонтозга ўхшаб босар-тусарингни билмай қолибсан-ку...”

Ёшлар нашриётида ишлаб юрган кезларим қирғиз, қозоқ, туркман, грузин, рус, арман, Шри Ланка, Шимол халқ эртақларини ўзбек тилига ўгирдим. Ўгирдимиз қизиқ бир нарсага гувоҳ бўлдим — халқнинг ўзига хос характери, миллий-ахлоқий қиёфаси унинг эртақларида ҳам аксини топар экан. Чунончи, грузин эртагидаги дев билан ўзбек эртагидаги девнинг характерида бир-бирига мос келмайдиган жиҳатлар бор: “ўзбек дев” “Саломинг бўлмаганда, етти ямлаб бир ютардим”, дейди. “Грузин дев” бўлса салом-паломга қараб ўтирмайди. “Тожик дев” билан мураса қилиш мумкин, “қирғиз” ёки “қозоқ дев” бўлса, кўнғироқдек овозда ашула айтиб юборсангиз, кўнгли бўшаб кетади. “Арман дев” гапни шундай айлантирадики, тузоғига илинганингизни билмай қоласиз. Немис эртагидаги ғоз бўлса кўшниларини меҳмонга таклиф этишдан олдин улар кечки овқатни еганми-йўқми, шунга қизиқади.

Халқ эртақларининг жозибаси, таъсир кудрати ҳам шунда бўлса керак.

Хўш, бугун болаларимиз эртақ китобларни, дostonларни қай даражада ўқимокда?

Бу саволнинг жавоби жуда мушкул. Шу боис, уни бироз енгиллатиб, “Бугун болалар китоб ўқияптими?” дейишимизга тўғри келади. Аммо бунда ҳам жавобдан қониқмаймиз. Бошланғич синфларда ўқиётган кезларимиз муаллимларимиз бизни китоб ўқиш билан бирга эртақ тўқишга ҳам ундашар эди. Масалан, бирорта ҳикоят ёки ривоятни ярмигача айтиб, қолганини ўзларинг уйда тўқиб келинглар, дея вазифа беришарди. Шундай вазифалардан бири ёдимда қолган.

“Қадим ўтган замонда, Қорақалпоқ деган томонда бир подшо яшаб ўтган экан. Подшонинг учта ўғли бўлган экан. Бир куни подшо ўғилларини ёнига чақириб, уларга бундай дебди: “Болаларим, мен ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлай деб қолдим. Мендан кейин тахт сизларга қолади. Бугун эса ҳар бирингизга ўнтадан тилла танга бераман. Шаҳарга бориб ўйнаб-қулинглар, хоҳлаган нарсангизни сотиб олинглар, кайфичоғлик қилинглар. Бир ойдан кейин уйга қайтинглар. Қайтиб келганингиздан кейин кўрган-кечирганингизни менга сўзлаб берасизлар. Кимнинг ҳикояси қизиқарли чиқса, тахт ворислигини ўшанга топшираман”.

Алқисса, уч ака-ука хурсанд бўлиб, йўл тадоригини кўриб, отларига миниб уч тарафга қараб йўл солишибди. Катта ўғил шаҳарга келиб, роса бир ой маишат қилибди, бор пулини еб-ичиб битирибди. Уртанча ўғил отаси берган пулга кўркам либослар сотиб олибди. Бошига кўндузи телпак, оёғига юқори мартабали зодагонлар киядиган баланд пошналар этик тиктирибди. Кенжа ўғил бўлса...”

Кенжа ўғил отаси берган пулни қандай сарфлаганини биз уйимизда тўқиб келишимиз керак эди. Тўқиганмиз ҳам. Хусусан, мен кенжа ўғил шогирдликка тушиб, бир ой ичида анча-мунча хунар ўрганибди, деб ёзганман. Кимдир эртакни “Кенжа ўғил хат-саводини чиқараман деб шаҳарда бир-икки ой қолиб кетибди, акалари ундан хабар олишмабди, аксинча, тахтга битта меросхўр камайди, дея хурсанд бўлишибди”, деган мазмунда давом эттирган.

Бола эртақлар дунёсида яшаса, ўзини эртақ қаҳрамонларига ўхшатса, яхшилиқ нимаю ёмонлик нима, эзгулик нимаю ёвузлик нима — бу тушунчаларнинг фарқига бора бошласа, албатта, яхши. Аммо фарқига бормади катта бўлса-чи? Ерга тушган ушоқни минг машаққат билан елкасида кўтариб бораётган чумолини тап тортмай эзгилаб ўтса, қушларнинг инини бузса, полапонининг патини юлса, кучукчага озор берса-чи? Ишончим комилки, эртақ ўқиган, баъзан эса ўзи ҳам билганича эртақ тўқиган бола асло бундай қилмайди. Эртақ, халқ дostonлари, ривоят ва ҳикоятлар мурғак қалбларни одобга, меҳр-мурувватга, одиллик ва холисликка ундайди.


Китоб жавонимдан “Алпомиш” дostonини олиб, варақлай бошлайман. Қани энди, набирам шу китобни ўқиса, дейман. Аммо китоблар олами остонасига энди-энди қадам кўяётган набиралар уни тушунармикин? Шуни ўйлаб қоламан. Нега десангиз, дoston тилида болалар тугул, анча-мунча катталар ҳам тушуниши қийин бўлган сўз ва иборалар кўп. Бизга бугун Навоийни тушунишда унинг асарлари асосида яратилган изоҳли луғат қанчалик зарур бўлса, болаларимиз учун ҳам эртақлар, дostonлар тилини, тилсимини очувчи калит-изоҳлар шунчалик керак. Масалан, “Алпомиш” дostonи бўйича махсус изоҳлар китобини яратиш негa мумкин эмас? Халқ дostonлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган муҳтарам олимларимиз бу савол ечимини топсалар ёмон бўлмасди.

Ҳамидулла Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1981.

Баъзан дўст-қадрдонингизга ортиқча мақтаниб кўйиб, китоб жавонингизга оро бериб турган энг нодир китобдан айрилиб қолишингиз ҳам ҳеч гап эмас. География фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг 1981 йили “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Сайёҳ олимлар” китобини икки бор йўқотиб, икки бор топганман. Ҳали-ҳануз мутолаа қиладиганим бу китобда ўртаосиёлик ва хуросонлик сайёҳ олимларнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси, уларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти содда ва халқчил тилда баён этилган. “Бу китобни ёзишдан мақсадимиз — Ўрта Осиё ва Хуросонда туғилиб ўсган, шу ерларда хизмат қилган ёки турли сабаблар билан узок ўлкаларга кетиб, у ерларда ҳам обрў қозонган, умуман, Шарқ оламида донишмандликлари билан донг чиқарган, дунё фанида ёрқин из қолдирган муҳтарам ватандошларимизнинг илмий фаолиятини ўрганиш ва қисқача бўлса-да, баён этишга интилишдир”, деб ёзади китоб муаллифи.

Ҳар гал шу китобни қўлга олар эканман, ўзим учун албатта бир янги маълумотга эга бўламан, авваллари билмаган, эътибор бермаган ёки билсам-да, ҳаёлимдан кўтарилган муҳим бир далилни аниқлаштириб оламан. Бу гал ҳам шундай бўлди. Чунончи:

Муҳаммад Хоразмий ўз вақтида ҳиндларнинг “Сиддханта” номли астрономия ва математикага бағишланган асарини жиддий таҳрир қилган. Ҳинд олими Пандит Канка бу китобни 772 йили Бағдодга олиб келади. Китоб халифа Мансурни шу қадар қизиқтириб қолганки, у мазкур асарни дарҳол араб тилига ўгиришни буюрган. Таржима амалга ошгач, ўша даврда бу асар Шарқ олимлари учун муҳим қўлланма бўлган, ундан унумли фойдаланганлар. Аммо китобнинг тушуниш қийин, хато ва чалкаш жой-



лари ҳам бўлган. Муҳаммад Хоразмий “Сиддханта”нинг арабча таржимасини синчиклаб ўқиб, хато ва камчиликларини тузатган, унга бир неча янги боблар қўшган, муҳими, асар тилини соддалаштирган.

Етмишинчи йиллар охирида ёшлар нашриётида ишлаб юрган кезларимиз шоир Нормурод Нарзуллаев билан бирга устоз Миркарим Осимга нашриёт номидан буюртма бериб, “Алжабрнинг туғилиши” китобини ёздирганмиз. Бу китоб рус тилида ҳам босилиб чиққан. Ўшанда Хоразмийнинг буюк бир ихтисоси — ўнлик санокни, яъни инглизча “зиро” — нолни ўйлаб топгани эканини билиб олган эдим. Аммо “Синддханта”дан беҳабар эканман.

Яна бир қизиқарли далил шундан иборатки, “Сайёҳ олимлар”нинг 131-саҳифасида Маҳмуд Кошғарий тасаввур қилган Ўрта Осиё харитаси берилган. Унинг шарқий чеккасида “Жобарқо” деган ёзув бор. Ҳамидулла Ҳасанов 132-133-саҳифаларда Жобарқо бугунги Япония эканини жуда ишончли тарзда исботлаб берган. Мана, эшитинг: “Японлар ўз мамлакатини Ниппон деб атайдди. Хитойлар бу сўзни “Жибен” деб талаффуз этадилар. “Жибен” сўзининг луғавий маъноси эса “Қуёш чиқиши”дир. Бу сўзга “мамлакат” маъносини берувчи “го” суффикси қўшилиб талаффуз этилса, “Жибенго” бўлади. Италиялик сайёҳ Марко Поло “Жибенго” сўзини “Чипангу” тарзида бузиб ёзган. Тарихчи Рашидиддин (XIII аср) эса “Чимангу” деган. Кўриниб турибдики, Жибенго — Чипангу — Чимангу — Жобарқо бир номнинг турли талаффузлари.

Яна бир далил. Маҳмуд Кошғарий харитасида Иссиққўлдан Жобарқогача бўлган масофа Иссиққўлдан Ҳабашагача бўлган масофага тенг. Ҳозирги хариталар бўйича ўлчанганида ҳам бу масофалар бир хил чиқади.

Ҳамидулла Ҳасановнинг ушбу китобида бундай қизиқарли маълумотлар беҳад кўп. Уни ўқиган киши асло кам бўлмайди.

Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Марказий Осиёда Ислом маданияти. Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 2005.

Худди шундай ноёб китоблардан бири — марҳум олим Исматулла Абдуллаевнинг “Марказий Осиёда Ислом маданияти” тўплами китоб жавонимнинг кўринарли жойида туради. Манбашунос, шарқшунос, исломшунос олимнинг бу йирик иши устоз вафотидан атиги бир ҳафта ўтиб босмадан чиқди. Китоб бир ҳафтага кечикди, аммо аллома бу гал ҳам кечикмади — қарийб чорак аср давомида игна билан қудуқ қазигандек, VIII асрдан XX асргача — 1200 йиллик давр ичида Марказий Осиёда яшаган олимлар, дин арбоблари, адиб ва шоирлар, хаттотлар ҳақидаги маълумотларни тўплаб, китоб ҳолига келтиришга улгурди. Шу ўринда қисқача бўлса-да, айтиб ўтиш жоизки,

Исматулла Абдуллаев ҳаётининг сўнгги ўн йилини она юрти Наманганда ўтказди, умр бўйи йиққан неча минг нусхадан иборат китобларини Наманган Давлат университетига тортиқ қилди. Ўзи ва яна бир неча тенгдош дўстларининг шахсий маблағлари ҳисобига Ислом маърифати, маънавий-ахлоқий тарбия мавзусида бир қанча китобларни тайёрлаб нашр эттирди.

Бу китоб, ҳеч муболағасиз, наинки ижодкор зиёли, миллат тарихи ва тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир киши албатта ўқиб чиқиши лозим бўлган хазинадир. Асарнинг мундарижасиёқ кўламининг кенглиги билан одамни шошириб қўяди:

“Исломнинг пайдо бўлиши ҳақида қисқача маълумот... Марказий Осиёлик машхур Ислом олимлари — Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Мотуридий, Қафол Шоший, Абу Лайс Самарқандий, Сирожиддин Ўший, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Абдулоҳлик Гиждувоний, Занги Ота, Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Ҳованд Тоҳур, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Маҳдуми Аъзам Косоний, Мулла Бозор Охунд, Офок Хожа, Шайх Эшон Бобоҳон, Шайх Исмоил Маҳдум...”



Машхур фан арбоблари — Мусо Хоразмий, Касир Фарғоний, Иброҳим Форобий, Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Қозизода Румий, Улуғбек, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Абулғозий Баҳодирхон, Аҳмад Дониш, Чўқон Валихонов, Мунавварқори Абдурашидхонов...”

Булар — ушбу тўпламга киритилган алломаларнинг айримлари, холос. Китобнинг кейинги бобларида шоир ва адиблар, тилшунос олимлар, машхур хаттотлар, Марказий Осиёда бунёд этилган Ислом обидалари ҳақидаги қимматли маълумотларга дуч келамиз.

Узоқ йиллар давомида бундай заҳматли изланиш олиб борган Исматулла Абдуллаев бу китобга муаллифлик даъвосини ҳам қилмаган, камтарлик қилиб, ўзини кўпи билан “мусанниф”, яъни тўпловчи, тузувчи дея атаган, холос.

“Фан” нашриётида чоп этилган “Тарихий манбашунослик” тўплами ҳақида ҳам айти шундай фикрларни билдириш мумкин. Мен бу тўпламни ўқиб, донишмандларнинг “Ўқиганим ва билганим сари ўқимаганим ва билмаганим қанчалар кўп эканини тушуниб хижолат тортамен” деган ҳикматли сўзларини эсладим. Профессор А.Мадраимов ва доцент Г.Фузаилова ҳамкорликда тартиб берган ушбу китобда мамлакатимиз тарихига оид этнографик, лингвистик ва ёзма манбалар, манбашуносликка оид илмий адабиётларнинг таҳлили, манбаларни ўрганиш ва туркумлаш масалалари кенг ёритилган. Унда яна қадимги ҳинд, эрон, турк, суғд ва мўғул манбалари, ноёб қўлёзмалар, Ислом манбашунослиги ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилганки, бу, шубҳасиз, қўлланманинг аҳамиятини янада оширади.

Жалолоддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. Т., “Ёзувчи” нашриёти, 1997.

Китоб ўқиш мен учун худдики нафас олишдек, тана аъзоларини ҳаракатга солиб туришдек бир гап. Бошқа бир юмушларга ўралашиб, бир-икки кун китоб жавонларига яқинлашмасам, китоблар мендан ҳатто аразлагандек ҳам бўлади. Баъзилари “Бизни ҳам бир қўлларига олиб кўйсинлар”, дегандек менга термилиб туради. Аммо, бундай ҳолатлар жуда кам бўлади. Ижодхонага кираману қўлимга китоб оламан. Янги фикр, янги маълумотлар, сўз бойлигингизни оширадиган, тафаккурингизни тиниқлаштирадиган ҳикматлар, иборалар, хотирангиздан кўтарилган воқеа-ҳодисаларнинг тафсилотлари қуюлиб келаверади. Мавлоно Жалолоддин Румийнинг Улуғбек Абдуваҳоб таржимасидаги “Ичингдаги ичингдадир” фалсафий асарини қўлга оламан. Хусусий корхоналардан бирида чоп этилган, ўқиш бироз мушкул, аммо ундаги гўзал фикрлар вужудингизни бир зумда чулғаб олади. Китобга сўзбоши ёзган устоз Нажмиддин Комилов Румийнинг ҳар бир фикрини машъалага, чироққа, инсон қалбига қуйиладиган маънавий зиёга қиёслади.

Бундай мисолларни яна ўнлаб, юзлаб, минглаб келтириш мумкин. Зеро, китоблар олами — жавоҳирлар билан тўлиб-тошган чексиз бир уммондир...



Энг улуг' қадрият

Юртимизда мустақиллик йилларида шаклланган, маъно-мазмунини Президентимиз Ислом Каримов асарларида илгари сурилган фикр ва қарашлар ташкил этадиган миллий истиқлол ғояси халқимизни бирлаштириш ҳамда юсак мақсадлар сари сарфарбар этишга хизмат қиладиган ноёб ҳодисадир. Айниқса, миллий истиқлол ғояси ёш авлодни Ватанга муҳаббат, мустақиллик ишига садоқат руҳида тарбиялашда, олдимизга қўйган мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ғоя негизи асосида шаклланидиган дунёқарашнинг туб асосларини ҳам она юртга эътиқод, ватанпарварлик туйғулари ташкил этади.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида ана шу ҳақиқатнинг тасдиғини ўқиш мумкин: “Миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиэ отмайди ва ривожланмайди. Ватаннинг равнақиға хизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя бўлолмайди. У Ватан равнақини белгилаб берадиган тамойилларни ўзида акс эттирсағина куч-қудрат манбаиға айланади” (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000, 52-бет).

Халқимизнинг мустақиллик йўлидағи барча саъй-ҳаракат ва интилишлари, қувонч ва изтироблари мазмунини ташкил этадиган асосий ғоямизнинг “миллий” сўзи билан бошланиши, унинг тамойиллари орасида “Озод ва обод Ватан”, “Ватан равнақи” сингари муқаддас тушунчаларнинг алоҳида ўрин тутиши ҳам бу ғоянинг юртимиз тараққиётиға хизмат қилишға қаратилганидан далолат беради. Чунки “миллий” атамаси орқали фақат миллатимизнинг эмас, биринчи галда Ватанимиз ҳудудида истиқомат қиладиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзи учун она юрт деб биладиган барча инсонларнинг орзу-интилиши ва манфаатларини ифода этадиган ҳаётбахш ғоялар тизимини тушунамиз. Ана шу инсонларнинг ҳаммасини яқин ҳамкорликда, аҳилликда яшашға давват этадиган, яғона ғоя атрофи-

да бирлашиб, ўзининг куч-ғайрати, истеъдоду салоҳиятини намоён этишға, ҳалол меҳнат қилиб, оила қуриш, фарзандлар ўстиришға, эртанги кунға ишонч билан қарашға асос бўладиган энг улуг' қадрият — бу озод ва обод Ватандир.

Дарҳақиқат, дунё халқлари тарихиға эътибор берадиган бўлсак, уларнинг миллий ғоясида Ватан озодлиғи ва тараққиёти биринчи даражали ва ҳал қилувчи ўрин тутганини кўрамиз. Негаки, Ватан мустақил бўлмаса, равнақ топиб, гуллаб-яшнамаса, унинг ҳудудида яшайдиган халқ ўз мақсад-муддаолариға ета олмайди. Одамзот ҳаёти давомида она юрти тараққиёти, унинг тинчлиғи ва мустақиллиғи йўлида тер тўкиб меҳнат қилади, онгли умрининг асосий қисмини шу мақсадға бағишлайди. Бинобарин, инсон умр йўлларида қандай ижобий иш, эзгу амалларни рўёбға чиқармасин, уларнинг барчаси бевосита ёки билвосита кадрдон диёрининг эртанги куни билан боғлиқ бўлади. Дейлик, дарахт ўтқазган, уй ёки кўприк қурган, бола ўстирган, ҳатто йўл узра ётган тошни бир четға олиб қўйган одам ҳам, озгина бўлса-да, эл-юртға фойда келтирган саналади. Яъни, у ўзининг ижобий ҳаракатлари билан беихтиёр она юрти келажағиға дахлдор бўлиб қолади.

Маълумки, дунёда ўз Ватаниға фойдаси тегадиган, наф келтирадиган ишлар қилиш, унинг келажағиға дахлдор бўлиш ҳам инсон учун катта бахт ҳисобланади. Хар бир халқнинг миллий ғояси эса ана шу дахлдорлик туйғусини жамият учун ижтимоий заруратға айлантиради. Миллий ғоя жамиятнинг орзу-умидлари тимсолиға, халқнинг ўлмас руҳиға айланиб, хар бир фуқарони умумий мақсад йўлида курашиб яшашға ундайди. Чунки ўзини юрт ва халқ тақдириға бевосита дахлдор деб билиш инсонға куч-қудрат ва ғайрат бағишлайди, чексиз илҳом беради. Биргина мисол. Спортчилар беллашиш учун майдонға тушар экан, уларнинг давлати мадҳияси янграб, юртининг байроғи кўтарилади. Бутун ўйин даво-

мида мухлислари ҳам ўз спортчиларига мадад бўлиш учун ватанининг байроғини кўтариб, олқишлаб, галаба тилаб туради. Ана шу муқаддас рамзлар спортчининг буюк бир халқ ёки давлатга дахлдорлигини англатиб, унга куч-ғайрат бағишлайди. Айнан шу рамзларга қараб, улар тимсолида ўз диёри, уйи, ота-онаси, ёр-дўстларини кўриб, спортчи Ватани ва халқига дахлдорлик туйғусини янада чуқурроқ ҳис қилади ва майдонда ўзгача шиддат-шижоат билан ҳаракат қила бошлайди. Миллий истиқлол ғояси ҳам, бамисоли ана шундай муқаддас рамзлар каби, инсоннинг қалби ва онгига кучли таъсир этади, унинг вужудида мудраб ётган кучни, ҳис-туйғуларни уйғотади.

Мамлакатимизда ҳам шу сабабли миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини фарзандларимиз қалби ва онгига ёшлигидан бошлаб синдириб бориш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Таълим тизимида янги фанлар ташкил этилгани, оммавий ахборот воситаларида миллий истиқлол ғояси руҳидаги тарғибот-ташвиқот ишлари изчил ва мунтазам олиб борилаётгани, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларидаги кўпгина маънавий-маърифий тарбия ишлари шу эзгу ниятнинг амалга оширилишига қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки ёшлигидан бошлаб Ватан туйғуси қалбига чуқур сингган, том маънода ватанпарвар инсон бўлиб вояга етган, бу ҳаётда қандай улғу мақсадларни кўзлаб яшаётганини аниқ тасаввур қила оладиган инсон катта бунёдкор кучга айланади.

Инсониятнинг неча минг йиллик ривожланиш тажрибаси — цивилизация тарихи шуни кўрсатадики, ватан ва мустақиллик, она юрт ва озодлик тушунчалари ҳар қайси халқ онгли ҳаёти, юксак идеалларининг маъно-мазмунини ташкил этади. Табиийки, озод ва эркин нафас олиб, адолатли жамият барпо этиш йўлида ўзининг ҳақиқий бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга қатъият билан интилиб яшайдиган халқнинг миллий ғояси ҳам аксарият ҳолларда ана шундай муқаддас тушунчаларга асосланади. Бошқача айтганда, тараққиёт ва маърифат сари интиладиган халқларнинг миллий ғоясини шакллантирадиган тушунча ва тамойиллар аввало ватан, она юрт озодлиги ҳамда мустақиллиги каби муқаддас қадриятлардан озиқланади, уларнинг негизиде шаклланади ва камол топади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужжасам

этадиган миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллари ҳам Ватан мустақиллиги ғоясига асосланади. Чунки халқимизнинг озод ва обод заминда яшаш, она юртни ўзи, ота-боболари орзу қилгандек гўзал қилиш, фарзандларига энг бебаҳо мерос сифатида қолдириш борасидаги муқаддас туйғу-тушунчалар, тасаввур ва қарашлар бу тизимда мужжасам. Миллий истиқлол ғоясининг ҳар бир тушунча ва тамойилида Ватан ғояси, мамлакатимиз мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, буюк аждодларимиз хоки ётган табаррук заминни обод қилиш, улғу боболаримизнинг ибратли ишларини муносиб давом эттириш борасидаги халқимизнинг асрий интилишлари ўз ифодасини топган. Умуман, миллий истиқлол ғояси тушунча ва тамойилларини Ватан мустақиллиги йўлида ёниб, курашиб яшаш фалсафаси, деб аташ мумкин.

Албатта, Ватан туйғуси инсонга она сuti билан киради. Инсон ота-онаси орқали Ватан меҳрини ҳис қилади. Ота-она, оила, маҳалла, мактаб ва жамоаси орқали Ватанга боғлиқлиги, унинг тақдирига дахлдорлигини сезиб яшайди. Миллий ғоя эса ана шу ҳисни ривожлантириб, эзгу амалий ишга, бунёдкор фаолиятга айлантиради. Шу маънода, миллий ғояни ҳар дақиқада Ватан, халқ, миллатни эслатиб турадиган куч-қудрат ва эҳтиёж маҳсули сифатида таърифлаш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, Ватанга дахлдорлик туйғуси инсон тарбиясида, унинг ҳақиқий ватанпарвар фуқаро бўлиб етишишида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун халқимиз бирон-бир инсонга баҳо берар экан, аввало унинг эл-юрт олдидаги хизматларини тилга олади. Яъни, унинг фаолиятидан Ватанга дахлдор жиҳатларни топиб, буни беқиёс бир фазилат сифатида бошқаларга, айниқса, ёшларга намуна қилиб кўрсатади. Шунинг ўзиёқ миллий ғоя асрлар давомида юртдошларимиз қалби ва онгида эзгулик туйғуси, она юрт равнақи билан боғлиқ муқаддас тушунча сифатида безавол яшаб келганини кўрсатади.

Умуман, халқнинг тарихий хотирасидан яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ҳеч қачон ўчмайди. Тарихий хотира халқнинг йўлини келажак сари ёритиб борадиган машъалга ўхшайди. Тарихий хотира туфайли миллий ғоя ҳар бир авлоднинг хайрли ва савоб ишлари орқали бойиб, мукаммаллашиб бораверади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг миллий қадриятларимиз, қадимий

тарихимиз, буюк аждодларимизнинг муборак номлари тикланиб, халқимизнинг тарихий хотираси қайта уйғонди. Жамиятимизда миллий истиқлол ғоясига эҳтиёж пайдо бўлди. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги концептуал қарашлари, ҳар томонлама чуқур ҳулосалари халқимизнинг неча асрлик орзуинтилиш ва манфаатларининг ёрқин ифодаси сифатида миллий ғоянинг асосий маъно-мазмунини белгилаб берди. Бу ғоявий тизимда она диёримиз — ҳур Ўзбекистоннинг туб манфаатлари, унинг буюк келажаги,

халқимизнинг бетакрор анъана ва урф-одатлари, ўзига хос турмуш тарзи ифодасини топгани боис у бугунги кунда ҳар бир юртошимиз учун амалий фаолият дастури бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий ғоя орқали фуқароларимиз Ватанимиз киефасини, унинг қадимий, бой тарихи, бугуни ва эртанги кунини яққол тасаввур қилади, ўзининг кимлиги, қандай юрт фарзанди эканини, зиммасидаги фуқаролик бурчини теран англайди, фахр-ифтихор туйғуси билан яшайди.

Исмоил САИФНАЗАРОВ,

фалсафа фанлари доктори, профессор

Milliy xavfsizlikning muhim omili

Бугунги кунда террорчилик замонамизнинг глобал муаммосига айланди. Халқаро террорчилик Лотин Америкаси, Яқин Шарқ, Тинч океани ва бошқа жойларда мустақам ўрнашиб, Филиппиндан Болқонгача бўлган ерлар, жумладан, Ўзбекистон, МДҲга аъзо бошқа давлатлар чегаралари бўйлаб беқарорлик ўчоқларини вужудга келтирмоқда.

Айниқса, Яқин Шарқ худудида диний экстремизмнинг реал хавфга айланиш таҳдиди ортиб бормоқда. Улар ўз ғояларини турли йўللار билан тарғиб қилиб, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатмоқда. Диний фундаментализм мафкурачилари сифатида бутун дунёни қайта тузишга чоғланаётган бу кимсалар алоҳида давлатларни босиб олиб, радикал ислом йўналишидаги янги давлатлар тузишни режалаштирмоқда. Бундай разил мақсадларни амалга оширишга қаратилган уринишлар юртимизда ҳам содир этилди (2005 йил 13 майдаги Андижон воқеалари).

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2001 йил 28 сентябрдаги 1373-сонли резолюциясида, террорчиларнинг АҚШдаги ҳаракатлари, халқаро террорчиликнинг бошқа ҳар қандай ҳуружлари сингари, халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши ҳам қайд этилди.

Буларнинг барчаси халқаро террорчиликка қарши кураш фақат бир ёки бир неч-

та давлатнинг иши бўлмасдан, бутун инсониятга дахлдор масала эканини кўрсатади. Зеро, террор балоси эртами-кечми, дунёдаги исталган давлатнинг бошига ёғилиши мумкин. Шу сабабдан халқаро террорчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий муаммоларини ва бу соҳадаги халқаро институтлар фаолиятини тадқиқ этиш жаҳон ҳамжамияти, жумладан, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунёда террорчиликка қарши курашнинг халқаро тизими шаклланди. Бу тизим давлатлар ва уларнинг ваколатли органларининг глобал (универсал), ҳудудий ва икки томонлама ҳамкорлигини назарда тутаяди. Халқаро террорчиликка қарши глобал миқёсда кураш олиб боришдаги ҳамкорлик асосан универсал халқаро ташкилотлар даражасида амалга оширилмоқда. Бунда БМТ энг фаол иштирокчи ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида террорчиликка қарши қаратилган кўплаб халқаро конвенциялар қабул қилинди. Улар, тавсия хусусиятига эга эканига қарамадан, бутун жаҳон ҳамжамиятининг халқаро террорчилик билан кураш борасидаги ғоя ва ёндашувларини акс эттиради. Чунончи, 1994 йил 9 декабрдаги 49/60-резолюция билан тасдиқланган халқаро террорчиликни бар-

тариф этиш чоралари тўғрисидаги декларация шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ҳам, миллий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур соҳадаги универсал халқаро шартномаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда.

Универсал шартномалар террорчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорликнинг асосий қоидаларини назарда тутати. Одатда, ҳудудий ва икки томонлама келишувлар универсал шартномаларнинг асосий хусусияти бўлиб, давлатлар ва ваколатли давлат органлари ҳамкорлигининг муайян қоидаларини белгилайди. Жисмоний шахслар ва жиноий гуруҳлар томонидан содир этиладиган энг оғир жиноятларни тан олиш халқаро шартномалар томонидан кўриб чиқиладиган муҳим масаладир.

Аммо, бугунги кунда "халқаро терроризм" тушунчасини, унинг ҳуқуқий моҳиятини очиб берадиган биронта ҳам амалдаги универсал халқаро шартнома мавжуд эмас.

Халқаро миқёсда мазкур атама турлича таърифланмоқда. Афсуски, халқаро ва жиноий ҳуқуқ бўйича етакчи мутахассисларнинг мазкур масала бўйича фикри ҳам бир хил эмас. Шу сабабдан, халқаро террорчиликка қарши курашнинг ягона механизмини яратиш учун зарур умумий асос йўқ.

Хуллас, ҳозирги пайтда халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган универсал шартномалар асосида халқаро террорчиликка нисбат бериладиган қатор жиноятлар таркибиде мавжуд бўлган халқаро террорчиликнинг шартли ва умумий таърифи тўғрисидагина гапириш мумкин.

МДХ таркибидеги давлатларнинг махсус хизматлари ва хавфсизлик органлари томонидан 1995 йилда қабул қилинган, идораларо халқаро шартнома ҳисобланган уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги шартномага илова бўлган "Террорчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида"ги баённомада илк бора террорчиликка таъриф беришга ҳаракат қилинган. Унга кўра, ушбу баённомани имзолаган давлатларнинг миллий қонунчилигида, БМТ раҳбарлиги остида тузилган халқаро конвенцияларда кўзда тутилган жиноятлар; содир этиш чоғида портловчи модда ва қурилмалар, бегуноҳ инсонлар ҳаётига хавф соладиган бошқа оммавий қирғин воситалари қўлландиган жиноятлар; террорчилик фаолиятида фойдаланиш учун ядровий, кимёвий ёки бактериологик материал ёхуд қуролни қўлга киритишга йўнал-

тирилган ҳаракатлар; юқорида зикр этилган жиноятлар ёки ҳаракатларни тайёрлашга қаратилган ташкилий фаолият, уларни содир этишга қасд қилиш ёки шундай ишларда иштирок этиш террорчилик сифатида талқин қилинади.

МДХ иштирокчилари бўлган давлатларнинг террорчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги шартномасида ижтимоий хавфсизликка путур етказиш, ҳукумат органлари томонидан қарор қабул қилишга таъсир этиш, аҳолини қўрқитишга қаратилган қуйидаги ҳаракатлар террорчилик сифатида баҳоланган: одамларнинг ҳаётига хавф соладиган, мол-мулкни йўқотиш ёки уларга шикаст етказишга қаратилган таҳдид; йирик мулкий зарар етказиш ёхуд бошқа ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариш; давлат ёки жамоат арбобининг ҳаётига, унинг сиёсий фаолиятини тўхтатиш ёки шундай фаолияти учун ўч олиш ниятида суиқасд қилиш; халқаро муҳофазада бўлган хорижий давлат вакили ёки халқаро ташкилот ходими, шунингдек, халқаро муҳофазада бўлган шахсларнинг хизмат хоналари ёки транспорт воситаларига тажовуз қилиш; ҳар қайси мамлакатнинг миллий қонунчилигига, террорчиликка қарши курашга қаратилган бошқа умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ террорчилик тушунчасига киритилган ҳаракатлар тушунилади.

Евросиё китъаси ҳудудида 2001 йилда ШХТ доирасида террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисида Шанхай конвенцияси имзоланди. Унга биоан аксилтеррор конвенцияларда ўз аксини топган жиноятлар билан бир қаторда, ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этмаётган фуқаро ёки бошқа шахснинг ўлимига, ёхуд унинг оғир тан жароҳат олишига, шунингдек, бирон бир моддий объектнинг жиддий зарарланишига сабаб бўладиган ҳаракатларни ташкил қилиш, режалаштириш ва содир этишга кўмаклашиш, ундашга қаратилган ҳаракатлар ҳам террорчилик ҳисобланади.

Шундай қилиб, халқаро террорчилик тушунчасини универсал ва минтақавий даражада турлича тушуниш кузатишмоқда. Шу боис бу тушунча талқинида амалдаги халқаро шартномаларда қандай умумий принциплар асос қилиб олинганини, террорчилик ҳужжатларини содир этишдан кўзланган асл мақсадлар ҳақида жаҳон ҳамжамиятидаги кўпчилик давлатлар қандай позицияда эканини аниқлаштириш жаҳон ҳамжамиятининг долзарб илмий вазифаси ҳисобланади. Уму-

ман, бугунги кунда халқаро терроризм тушунчаси таърифини кенг қамровли конвенция матнида тўлиқ ёритиш ва ушбу ҳужжатнинг барча тараққийпарвар мамлакатлар томонидан имзоланишига эришиш ҳаётий заруратга айланмоқда.

Ҳозирги вақтда террорчилик билан боғлиқ ўта хавфли жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва уларга чек қўйиш, шунингдек, уларнинг оқибатларини бартараф этиш ёки камайтиришни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу эса сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа чораларни кўришни шарт қилиб қўяди. Zero, миллий ва халқаро даражада чораларни кенг миқёсда қўллагандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Террорчиликка оид кўплаб халқаро шартномаларни имзолаган давлатларнинг бу соҳадаги фаолиятининг умумий масалаларини, жумладан, ҳар қайси давлатнинг жиноий ишлар бўйича юрисдикциясини; жиноят содир этган шахсларга жазо муқаррар эканини; жиноятчиларни тутиб бериш; жиноятларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш бўйича маъмурий, молиявий ва бошқа чораларни амалга оширишни қамраб олади.

Яна бир қатор халқаро шартномалар борки, улар турли жўғрофий ҳудудлар доирасида террорчилик билан курашнинг хусусиятларини акс эттиради.

Масалан, ҳаво транспорти объекларида содир этиладиган террорчилик ҳуружларига қарши туришга қаратилган дастлабки универсал халқаро шартнома ҳаво кемаси бортидаги қоидабузарликлар ва айрим бошқа ҳаракатлар тўғрисида 1963 йилда имзоланган Токио конвенцияси ҳисобланади. Ушбу халқаро шартномада ҳаво кемасини гаровга олиш халқаро ҳамкорликни талаб этадиган қоидабузарлик сифатида талқин қилинган. 1970 йилда Катада имзоланган ҳаво кемаларини ноқонуний босиб олишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияда эса бундай ҳаракатлар жиноят сифатида эътироф этилган. Ҳаво, ер ва денгизда одамларни гаровга олишга қарши кураш ҳақидаги 1979 йилги Конвенцияда ҳам шундай шундай ёндашув мавжуд.

Ҳаво кемаларига нисбатан ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир этиш усуллариининг рўйхати кенгайиши сабабли 1971 йилда Монреалда фуқаро авиацияси хавфсизлигига путур етказадиган ноқонуний ху-

ружларга қарши кураш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди.

Аммо, афсуски, террорчилик ҳуружларига қарши кураш соҳасидаги халқаро шартномаларнинг аксарияти маънавий жиҳатдан эскирган ва улар мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳозирги талабларга жавоб бермайди.

Минтақавий даражада қабул қилинган кўп томонлама шартномалар, универсал халқаро шартномаларга таянган ҳолда, террорчиликка қарши курашнинг ўзига хос аниқ жиҳатларини акс эттиради. Масалан, 2001 йилда қабул қилинган террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясига биноан унинг иштирокчилари террорчилик ҳуружларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида ҳамкорлик қилади. Томонларнинг ваколатли идоралари ҳамкорликни қуйидаги шаклларда амалга оширади: ахборот алмашиш; тезкор-қидирув ишларини ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш; конвенцияда кўзда тутилган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш учун ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда уларни амалга ошириш натижалари тўғрисида бири-бирини хабардор қилиш; террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриш. Томонлар қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик қилади: курол-яроғ ва ўқдориларни ноқонуний молиялаштириш, етказиб бериш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш; бундай қилмишларни содир этиш учун шахсларни тайёрлашга қаратилган фаолиятни тақиқлаш ва чеклаш чораларини кўриш.

Булардан ташқари, конвенцияда террорчиликка қарши курашда ижобий натижа берадиган, ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган яна бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимиз зикр этилган кўпгина халқаро шартномаларнинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу эса бутун инсоният учун даҳшатли бўлган террорчиликни ер юзидан бутунлай йўқ қилиш, юртимиз ва минтақамиз хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Азиз МИРЗАЕВ,

Тошкент Юридик институт докторанти

Yangiliklar manbai

Хар бир ишда ижодий ёндашувга эришиш мумкинми? Меҳнат унумдорлиги юксалишида эстетик омилларнинг ўрни қандай? Бу саволлар инсоният олдига бугун пайдо бўлгани йўқ. Улар ҳар бир фикр эгасини мудом кизиқтириб келади. Федор Достоевский "Оламни гўзаллик қутқаради" деганида инсон табиатнинг моддий неъматларидан фойдаланибгина қолмай, ундан эстетик завқ ҳам олиши зарурлигини таъкидлаган эди. Буюк рус адиби ҳаёт гўзаллигини кашф этиш баробарида одамлар ўртасидаги муносабатда хайрихоҳлик, эзгулик устувор бўлишини умид қилган эди. Таассуфлар бўлсинки, бунга эришмоқни ҳаёл қилиш мумкин, холос.

Инсон табиатан изланишга, янгиликка мойил. Бу майл жамият равнақи учун бекиёс аҳамиятга эга. Ҳар қандай янгилик эса меҳнатга ижодий ёндашув маҳсулидир.

Ижод инсон фаолиятининг ҳамма соҳасида ўзига хосликни тақозо этади. Бундай индивидуал "дастхат" моддий қиймат яратишда ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Биргина хунарманднинг меҳнатини олайлик. Маҳсулот сифатини ошириш, харидор-гирлигини таъминлаш учун у мунтазам равишда изланиши, янгиликлар ихтиро қилиши зарур. Акс ҳолда унинг меҳнатидан ҳеч қандай самара бўлмайди.

Меҳнатга ижодий ёндашув эса кишига завқ улашади. Бундай ҳолда чекилган заҳмат ҳам инсонга ҳаловат бағишлайди. Бу эса ижодий ибтидонинг (асоснинг) эстетик ибтидо билан уйғунлиги далилидир.

Эстетик ибтидо ишлаб чиқариш жараёнига, энг аввало, инсон орқали таъсир кўрсатади. Бироқ бу ўринда инсон омилнинг аҳамиятини эътироф этган ҳолда, меҳнат шароити ва унинг самарасини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Савол туғилади: агар меҳнатга ижодий ёндашув бўлмаса-чи? У ҳолда меҳнат фақат машаққат ва заҳмат манбаига айланади. Ундан лаззат олиш, эстетик завқ ҳиссини туюш мумкин бўлмайди. Ва ишлаб чиқаришда эстетик ибтидо мавжуд бўлмаса, бу муҳит инсонга азоб берувчи омил сифатида таъсир ўтказади. Кўп ҳолларда эстетик ибтидо сифатида цех ва лабораторияларнинг ташқи

безатилиши тушунилади. Масалага бундай ёндашув тўғри эмас. Ишлаб чиқариш фаолиятида эстетик ибтидо меҳнат жараёнининг ўзига намоён бўлади.

Шу муносабат билан дизайннинг ишлаб чиқариш жараёнида туган ўрни ҳақида фикр юритиш эҳтиёжи сезилади.

Дизайн бир вақтнинг ўзига ҳам ишлаб чиқаришга, ҳам истеъмолга қаратилади. Ишлаб чиқариш соҳасида дизайн истеъмолчи манфаати омили, истеъмолчи нуқтаи назарида эса, ишлаб чиқарувчи эҳтиёжининг самараси сифатида қабул қилинади.

Дизайн ишлаб чиқариш маданияти ва салоҳиятини оширишда, рақобатбардош маҳсулот яратишдагина эмас, истеъмолчиларнинг эстетик дидини шакллантиришда ҳам бекиёс аҳамиятга эга. Лекин, афсуски, бу имкониятдан ҳар доим ҳам унумли фойдаланилпти, деб бўлмайди.

Эстетик дид илмий ижодда ҳам муҳим омиллардан саналади. Бинобарин, олимнинг ижодий куч-қуввати, меҳнати самарадорлиги эстетик маданияти даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин бу боғлиқлик ҳамisha ҳам хис этилавермайди.

Эстетик дид илмий изланишнинг ҳамма босқичларида — муаммонинг кун тартибига қўйилишида, унинг ҳал этилишида, олинган натижаларнинг баҳоланишида улкан аҳамият касб этади. Бундай диднинг бўлмаслиги эса олимнинг ижодий куч-ғайратини бўғайди, илмий жараённи моҳиятдан узоқлаштиради. Бу ҳол олимнинг интеллектуал қобилиятига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди.

Эстетик эҳтиёж, бу — энг аввало, инсоннинг ижодий салоҳияти юксалишини таъминлаш заруратидир. Зеро, эстетик эҳтиёж ўзига инсон фаолиятининг ҳар қандай шаклини оптималлаштиришга, мукамалликка бўлган интилишни ифодалайди. У инсон салоҳияти, имконияти ва қобилиятини ҳаётга татбиқ қилиш манбаидир.

Эстетик эҳтиёж бошқа ҳамма жиҳатлардан ҳам кўра кўпроқ ижодга чинакам рағбатни вужудга келтиради. Янгиликка интилиш, ижод қилишга бўлган эҳтиёжни ифодалаш унинг муҳим омилларидан биридир.

Эстетик эҳтиёж универсал аҳамиятга мо-

лик экани билан ҳам жамият маънавиятини соғломлаштиришга хизмат қилади. Бинобарин, юқори эстетик савия моҳият-эйтибор билан худпарастликни, жамият манфаатига зид ҳаракатларни рад этади. Воқеликка эстетик муносабатда бўлиш борлиқдаги синоатлар ҳикмати теран англаш, бошқача айтганда, интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражага кўтарилиши демакдир. Бундай интеллектуал даража инсонни ўзаро муносабатда беғараз бўлишга ўргатади. Воқеликка эстетик муносабатда бўлиш меҳнатни шахснинг кун кечириш воситасидан унинг ички эҳтиёжи сифатида ҳис этиш имкони беради.

Таъкидлаш ўринлики, шахс маънавий камолотида адабиёт ва санъатнинг ўрни алоҳида. Чунки адабиёт ва санъат, таъбир жоиз бўлса, инсон фаолиятининг ҳамма шакллари ўзида мужассам этади, синтезлаштиради. Шунинг учун адабиёт ва санъат инсоннинг туб эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Адабиёт ва санъатнинг бундай эстетик моҳияти амалда жамиятимизда кечаётган ҳозирги ислохотлардан кўзланган мақсадга мувофиқ келади.

Санъат бир бутун ҳолида таъсир кўрсатади. У айна бир вақтнинг ўзида инсон ҳиссиётларини шакллантиради ва тарбиялайди, унинг тафаккурини, интеллектуал салоҳия-

тини ўстиради. Инсон фаолиятининг ҳамма жабҳасида ижодий муносабат туйғусини пайдо қилади. Охир-оқибатда эса шахс камолоти ва жамият равнақида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон фаолиятини шартли равишда утилитар ва эстетик турга ажратиш мумкин. Биринчи турдаги аъмоллар инсоннинг овқатланиш, кийиниш, турар-жой ва ҳоказо талабларини қондиради. Иккинчи турдаги аъмоллар эса инсоннинг гўзалликка бўлган эҳтиёжига хизмат қилади. Фаолиятнинг бу икки хили бир-бири билан узвий боғлиқ. Инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият уйғунлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Гўзаллик туйғуси инсоннинг маънавий поклигига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам эстетик тарбиянинг бутун бошли тизимини вужудга келтириш "масалаларнинг масаласи" ҳисобланади. Бу тизим универсал бўлиб, шахарга ҳам, қишлоққа ҳам бирдай хизмат қилмоғи лозим. Бундай тизим тарбиявий ишнинг турли босқичларидаги узвийликни таъминлайди. Бинобарин, эртанги кунимиз қандай бўлиши ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш, шу жумладан, уларни эстетик тарбиялаш даражасига боғлиқдир.

Эркин УМАРОВ,

ЎзМУ профессори

Professional parliament va jamiyat

Мамлакатимизда қонунчилик жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида икки палатали профессионал парламент шакллантирилди. Маълумки, парламентнинг қонунчилик фаолияти ё тўғридан-тўғри номланган ёки мавзулари тахминан белгиланган, ёхуд давлат ва жамият ривожининг биринчи галдаги вазифалари тақозо этадиган қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишга қаратилган бўлади. Давлат ва жамият курилишини эркинлаштириш масаласининг бу борадаги стратегик вазифа сифатида белгиланиши эса алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғри-

сида"ги конституциявий қонунининг 2-моддасида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг қуйидаги асосий принциплари, устувор йўналишлари белгилаб қўйилган:

— қонун устуворлигини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти ўртасидаги мувозанатни, ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

— халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва меъёрлари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

— сиёсий ҳаёт, давлат ва жамият курилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

— нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтларининг янада мустақамланиши ҳамда ривожланиши учун зарур кафолат ва шароитларни таъминлаш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларини ҳар томонлама мустақамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув идораларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият идоралари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш тузилмалари фаолияти устидан жамоат назоратини олиб бориш механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

Таъкидлаш жоизки, ушбу принцип ва йўналишларни амалга оширишда қонун ижодкорлиги жараёнининг регламент ва махсус қонун билан тартибга солиниши долзарб аҳамият касб этмоқда. Гарчи юртимизда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг регламенти тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлсада, “Қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида”ги қонун ўз кучини йўқотди. Шу боис баъзи ҳуқуқшунос олимлар томонидан қонун ижодкорлиги фаолиятини оқилона ва самарали амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик жараёни тўғрисида кодекс қабул қилиш лозимлиги ҳақида таклиф билдирилмоқда.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қонун ижодкорлиги жараёнига халқнинг ўзини кенг жалб қилиш давлат қурилишини янада эркинлаштиришдек эзгу мақсадга хизмат қилади. Бунда қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Лекин Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳозирга қадар ушбу институтдан етарли даражада фойдаланаётгани йўқ. Ваҳоланки, қонунларни умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш жамоатчилик фикрини ҳисобга олишининг ҳаёт синовидан ўтган энг самарали йўлларида ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, профессионал парламентнинг фаолият юрита бошлагани мамлакатимизда қонун ижодкорлиги борасидаги муаммоларнинг ечимини топишнинг самарали механизмини шакллантириш ва уни амалиётга жорий этишга кенг имконият яратди. Бу эса ўз навбатида давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш профессионал парламент фаолияти, хусусан қонун ижодкорлиги жараёнини мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Баҳром Жўраев,

Давлат ва жамият қурилиши академияси докторанти

Keng qamrovli harakat

Халқимизнинг мустақилликка эришиши фақат ижтимоий-сиёсий жиҳатдангина эмас, балки маънавий-маърифий томондан ҳам жуда катта ўзгаришларга олиб келди. Бу биргина жадидчилик ва жадид адабиётининг ўрганилишида ҳам яққол кўринади.

Жадидчилик, профессор Бегали Қосимов тўғри таъкидлаганидек, “Оқим эмас, ҳаракат. Ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат” эди (Қосимов Бегали. *Миллий уйғониш. Т., “Маънавият”. 2002, 5-бет*).

Зеро, Ватан, миллат ва давр олдида турган улкан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муаммоларни бундай кенг қамровли фаолиятсиз амалга ошириш имконсиз эди.

Тарихдан маълумки, ҳар бир ҳаракат муайян асосларга таяниб иш кўради. Жадидчилик ҳам бундан мустасно эмас. Бу ҳаракат-

нинг тўрт асосини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар — ғоявий-мафкуравий, эмансипатив-феминистик, ахлоқий-эстетик ва моддий асос. Шу ўринда бу асослар моҳиятини қисқача изоҳлаш зарурати сезилади.

Ғоявий-мафкуравий асос. Табиийки, ҳаракатнинг асосида ғоя ётади, ғояни ниятнинг фалсафийлашган, ижтимоийлашган ва сиёсийлашган кўриниши дейиш мумкин. Ҳаракат мобайнида бу ғоя бойиб, ривожланиб, мукамаллашиб боради ва охир-оқибатда, шароит тақозоси билан, муайян ғоялар тизимига айланади. Ҳаракат миқёсли бўлиши, умуммиллий ёки умумминтақавий даражага кўтарилиши учун мазкур ғоялар тизими миллий ғоя шаклини олиши шарт. Чунки ана шу миллий ғоя мафкурага айланиш хусусиятига эга. Қудратли мафкурагина

харакатни ижтимоий куч сифатида майдонга чиқаради, унга илгор сиёсий тус бағишлайди. Ана шундай мафкуранинг асосчиларидан бири Исмоилбек Гаспирали эди.

Исмоилбек Гаспирали жадидчилик мафкурасини — умумтуркий ғояни яратиш масаласини биринчи бўлиб ўртага ташлади. Ҳатто, 1895 йили “Таржимон” газетасида чоп этилган мақолаларидан бирини тўғридан-тўғри “Ғоя” деб номлади. Унинг фикрича, халқлар ҳаётидаги барча буюк воқеларнинг тағаминида у ёки бу ғоя ётади. Энг улуғ кашфиётлар, аввало улар ҳақидаги орзуниятлардан бошланганини эътироф этган муаллиф Русиянинг мусулмон жамиятида асл ва чинакам ғоя, орзу йўқлиги ҳақида баралла бонг урди. Унинг фикрича, Русия мусулмонлари ёлғиз шу куннинг, шу дақиқанинг манфаати, шу биргина қоринни тўқлаб олиш манфаати билан яшайди ва ҳозиргидан бир неча баробар яхшироқ меҳнат қилмоқ ва янада яхшироқ яшамоқ мумкинлигини билмайди. Бу ҳолдан афсусланган Гаспирали бундай деб хитоб қилади: “Бас, шундай экан, маорифга, тараққиётга интилишни ўз олдимизга вазифа ва орзу қилиб қўймоқ керак эмасми? Биз бу муқаддас, мўътабар ғоя билан иш тутсак, янгидан жонланамиз, руҳланамиз, ҳаётимиз гўзаллашади, фикрларимиз, интилишларимиз эзгу ва мақсадли бўлади, орамизда эътиборли, фаолиятли кишилар, ижодкор ва жамоатчи арбоблар юзага келади. Эзгу ғоялар бизга ҳам куч, ҳам восита берадилар”.

Чиндан ҳам, маорифга, тараққиётга интилиш ғояси туркий халқларни жонлантирди, яъни уларда миллий руҳни уйғотди. Ана шу руҳ миллий ғоянинг мафкурага айланишини таъминлади.

Эмансипатив-феминистик асос. Жадидчиликни умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарган яна бир муҳим омил унинг эмансипатив-феминистик асосидир. Чунки янгича фикрлайдиган инсонни тарбиялаш учун фақат маърифатпарварлик билан шугулланишнинг ўзигина кифоя қилмас эди. Жадидчилик ғояси ёш авлод руҳига сингиб кетиши учун оилавий тарбияни, оналарни ва бўлажак оналар — қизларни ёрдамга қақириш керак эди. Жадид маърифатчилари бунини дарҳол англаб етди ва Оврупо маърифатпарварлари қилолмаган ишни амалга оширди — хотин-қизлар эмансипацияси масаласини дадил ўртага ташлади. Бу билан хотин-қизлар томонидан феминистик ғояларнинг илгари сурилишига эришишди. Натижада Туркистон аёлини — онани биринчи навбатда янгича тарбия

йўлига ва умуман, жадидчилик-маърифатчилик ҳаракатига тортишдек долзарб вазифа амалга ошира бошларди.

Ахлоқий-эстетик асос. Маълумки, ахлоқ инсонни қотиллик, ёлғон, нопоклик, худбинликдан асрайдиган, уни ҳилмли, шафқатли, табиат ва атрофдагилар билан келишиб, илоҳий ҳамда инсоний идеалларга интилиб яшашини таъминлайдиган маънавий ҳодиса.

Жадидлар юксак ахлоқ эгаларини тарбиялашда маориф, матбуот ва театрға таяндилар. Бу орқали улар Туркистон аҳлини жаҳолат ва нодонлик қаъридан чиқишга, юксак ахлоқийликка, маърифатга, замонавий цивилизация даражасига кўтаришга интилди. Айниқса, театр жадидчилик ҳаракатининг тўрт устунидан бири — унинг ахлоқий-эстетик асосини шакллантирувчи бош омил сифатида майдонга чиқди.

Моддий асос. Жадидчиликнинг моддий асосини кўп ҳолларда жадидлар — бу ҳаракат ташкилотчиларининг ўзи яратишга ҳаракат қилди. Улар бутунлай янгича педагогик қарашларга асосланган “Усули савтия” мактабларини очиш йўлида молларини ҳам, жонларини ҳам нисор этди. Айни пайтда миллат учун қуйнайдиган, янгича фикрлайдиган Туркистон бойлари уларга яқиндан ёрдам берди.

Жадид мутафаккирларидан Ҳожи Муъин “Эски мактаб, янги мактаб” пьесасида Комилбой тимсолида ана шундай бойларнинг умумлашма образини яратган. Асардаги Комилбой монологи шу жиҳатдан диққатга сазовор: “...Ушбу замонда ўзга миллатларга асир бўлмай, роҳат билан яшамоқ учун замонавий илм ва ҳунарларни билмоқ лозимдир. ...Ҳозир биз, туркистонийлар, диний ва дунёвий илм ва ҳунарлардан лозимича хабардор эмасмиз... Инқироздан қутилмоқ учун биргина йўл борки, ул ҳам маориф йўлидан иборатдур. ...Ва ҳам алоҳида янги мактаблар очмоқ учун қўлимиздан келгунча ғайрат қилайлук, токи болаларимиз бора-бора инқироз балосидан қутулсинлар”...

Комилбой образининг ҳаётдаги жонли мисоли сифатида буюк ёзувчимиз Ойбекнинг қайнотаси, олима ва адиба Зарифа Саидноширокованинг отаси, 1937 йилда узоқ йиллик қамоқ ва сургунлардан сўнг қатл этилган истиқлол фидойиси Саидношир Миржалиловнинг шахсини келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида баён этилган тўрт асос жадидчилик ҳаракатининг кенг ёйилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Лаълихон МУҲАММАДЖОНОВА,

ЎЗМУ катта ўқитувчиси

Ekologik madaniyat shartlari

Табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашув жараёни, экологик мувозанатни таъминлайдиган диалектик боғлиқлик тараққиётнинг турли даврларида ўзига хос тарзда намоён бўлиб келган. Бугунги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни урбанизация (шаҳарлашув) ва экологик маданиятнинг ривожланиш хусусиятларини белгилаб берадиган омилга айланди.

“Экологик маданий муносабат” тушунчаси, ретроспектив генезисига кўра, “урбанизациялашган муҳит” тушунчаси таркибига киради. Шу билан бирга, назарий жиҳатдан, ҳар қандай маданият, хусусан, экологик маданиятни фақат урбанизация нуқтаи назаридан баҳолаш хато ҳисобланади. Чунки урбанизация, объектив жараён бўлишига қарамасдан, экология соҳасида айрим салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Ҳар қандай жамиятда, уни бошқаришнинг меъёр ва қоидаларини англаш зарурати экологик маданият даражасини белгилаб туради. Айниқса, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида урбанизация жараёнининг экологик вазиятни кескинлаштириши, инсон ва табиат муносабатларини бошқарувчи субъектив омиллар мажмуаси, яъни кишиларнинг амалий фаолиятини урбанизациялашган ижтимоий ҳаёт доирасида бошқариш зарурати билан изоҳланади.

Экологик маънавий қадриятлар мавҳум ҳодиса эмас. Аксинча, улар инсониятнинг амалий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг тарихий ривожланиши натижасидир. Бироқ, бирон-бир жамиятнинг экологик маънавий қадриятлари табиатни муҳофаза қилишнинг амалий фаолият доирасини қатъий белгилаб бера олмайди. Улар табиат муҳофазасининг субъектив омиллари сифатида мураккаб экологик вазиятлардан чиқишнинг умумий йўналишларини кўрсатиши мумкин, холос.

Экологик маданиятда объект ва субъект масаласи шартли ҳамда нисбий мазмунга эга. Яъни, экологик маданият, субъектив омил сифатида, табиатни муҳофаза қилиш-

га қаратилган фаолиятни рағбатлантиради ва уни бошқа ижтимоий-сиёсий муносабатлар билан мувофиқлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, урбанизациялашган муҳитдаги экологик маданият, унинг субъектив асоси бўлиш мумкин. Иккинчи томондан, экологик маданиятни урбанизациялашган муҳитни шакллантирадиган асос тарзида олиб қараш мақсадга мувофиқ.

Юксак даражада урбанизациялашган ҳар қандай муҳитда ҳам экологик маданиятнинг шаклланиши ўз-ўзидан содир бўладиган ижтимоий ҳодиса эмас. Бунда урбанизациялашган муҳит объектив шарт-шароит сифатида экологик маданиятнинг шаклланишига имконият яратса, субъектив омиллар, яъни таълим-тарбия ва бошқа воситалар уни реалликка айлантиради.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий яшаш шароити, урбанизациялашган жамият экологик маданиятга таъсир кўрсатадиган механизмларнинг фаолият доирасини белгилаб туради. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, экологик маданиятнинг табиатни муҳофаза қилиш борасида амалий фаолият омилига айланиши инсон эркинлиги масаласи билан боғлиқ бўлса ҳам, унинг экологик маданиятга асосланган ҳатти-ҳаракатлари жамиятнинг умумий манфаатларидан мутлақ мустақил ва эркин бўлиши мумкин эмас.

Экологик маданий фаолиятнинг зарурий шarti — ҳар бир шахснинг табиат ва жамият келажаги учун маъсулиятини англаши билан боғлиқ. Бунда маданий қадриятлар ўзаро боғлиқ бўлган икки вазифани бажаради — инсоннинг субъектив имкониятларини объектив зарурат билан мувофиқлаштиради ҳамда шахсий ва ижтимоий манфаатларини ўзаро уйғунлаштиради. Шунга кўра, экологик маданият, бир томондан, инсоннинг табиатни нораціонал ўзгартиришдан иборат ирода эркинлигини чегараловчи омил бўлса, иккинчи томондан, унинг табиатни муҳофаза қилувчи фаолиятини рағбатлантирувчи омилдир. Булар ўзаро бирликда инсон экологик маданий фаолият-

тини бошқаришнинг зарурий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги Фарб дунёсида экологик муаммоларни ҳал қилиш масаласида бир-бирига зид бўлган “Экологик оптимизм” ва “Экологик пессимизм” концепциялари мавжуд.

Шартли равишда “Технократик техник” деб аталадиган концепция тарафдорларининг фикрича, ишлаб чиқаришга экологик-технологик маданиятни жорий қилиш орқалигина экологик инқирозни бартараф этиш мумкин. Бундай қараш асосан экологик инқироз сабаби техник тараққиёт деб ҳисобланган вақтларда пайдо бўлган. Яна бир қараш тарафдорлари техника ва моддий ишлаб чиқаришни экологик талабларга бўйсундириш билангина экологик муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди, бунинг учун барча имкониятларни “экологик модел” асосида субъектнинг хулқ-авторини ўзгартиришга, “экологик инсонни” тарбиялашга қаратиш зарур, деган ғояни илгари суради.

Пессимистик йўналиш тарафдорлари илмий-техник тараққиёт натижасида вужудга келган экологик муаммоларни мутлақлаштиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунгача бўлган барча цивилизация натижаларидан воз кечиб, янги бир дунё — “Экологиялашган маданият”, “Экологик цивилизация” яратиш масаласини асосий ўринга қўяди.

Баъзи сиёсатшунос олимлар экологик вазиятнинг ескинлашуви жамият умумий инқирозининг ифодаси эканини таъкидлайди. Масалан, америкалик олим Б.Коммонер экологик фактларни таҳлил қилиб, замонавий технология ва мулкчиликнинг ҳозирги ҳолати узоқ яшай олмайди, чунки табиат бойликларига зарар етказилиши оқибатида экосфера ва социосферага путур етади, айниқса, иқтисодий тизим кўпроқ шахсий бизнес манфаатига асосланган бўлса, табиат муҳофазаси учун янада ҳалокатли бўлади. Шунинг учун, бу тизимни ўзгартириш зарур, деган хулосани баён қилади.

Яна бир америкалик олим Уильям О.Дуглас табиат бойликларини талон-тарож қилмасдан чиқиндиларни утилизация қилишга ва ўрмонларни йўқ қилишни тўхтатишга чақиради. Унингча, энг муҳими, моддий ишлаб чиқариш ўсишини “ноль” қийматга келтириш лозим. Яъни, саноат ва қишлоқ хўжалигини кенгайтирмасдан, жамиятни маълум ўсиш даражасида сақлаб туриш керак.

Дуглас ва унинг издошлари бу муаммонинг ҳал этилишини ишлаб чиқаришнинг экологик технологиясига боғлайди ва жами-

ятни ривожлантириш учун кўплаб муқобил лойиҳаларни олға суради.

“Рим клуби” президенти Аурелио Печчеининг “Инсоннинг сифати” китобида экологик муаммолар калити инсоннинг ўзида, унинг “сифати” ва уддабуронлигида, дейилади. Унинг фикрича, инсоннинг ўзи ҳақиқий гуманист, замонавий киши бўлиши учун табиатни муҳофаза қилиши зарур. Ваҳоланки, бугун инсон ўзини ўзгартириш ўрнига табиатни ўзгартиришга зўр бермоқда. Шунинг учун ҳозирги техника инқилобини тўхтатиб, инсониятни ҳақиқий келажакка йўналтириш учун биз инсоннинг ўзини ўзгартириш орқали инсон инқилобини амалга оширишимиз зарур, деган хулосага келди муаллиф.

Бу борада абстракт-утопик мазмундаги бир қанча концепциялар ҳам мавжуд. Шулардан бири “Экологик этика” ёки “Табиат этикаси” концепцияси бўлиб, бу ғоя дастлаб буюк гуманист олим Альберт Швейцер асарларида ўз аксини топган. Унинг фикрича, экологик этика — ҳаёт учун чексиз масъулиятдир.

Бундай фикрларни яна кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси жаҳон жамоатчилигининг табиат тақдири учун бепарво эмаслигини кўрсатади.

Албатта, бугунги дунёдаги экологик муаммоларни ечиш учун фақат гуманизм ёки оламшумул фикрларни илгари суришнинг ўзи етарли эмас. Бошқача айтганда, экологик жиҳатдан етук инсонни тарбиялаш ва унинг атроф-муҳитга таъсирини сиёсий-иқтисодий ҳаётдан холи тарзда амалга ошириш мушкул. Энг муҳими, экологик муаммоларнинг ечимини топиш учун инсониятнинг тинч-тотув яшашини таъминлаш, она сайёрамизни сақлаб қолиш зарурлигини ҳеч ким инкор қила олмайди.

Шу ўринда таниқли олим Г.Сиборгнинг куйидаги фикри эътиборга молик: “Ҳар бир яшаб ўтган йилимиз бизнинг маънавий ва сиёсий томондан биргаликда яшашга ўрганишимизни тақозо қилади. Бугун биз билми натижасида кўп нарсага эришмоқдамиз, шундай кунлар келадики, ҳамма бирдек ишлайди ва бугунги кунда баъзиларгина эришаётган роҳат ва фарогатга ҳамма мушарраф бўлади. Дунё маҳаллий ёки диний цивилизациядан иборат эмас. Бизнинг цивилизациямиз бир бутун ва ягонадир. Бундай муҳитда ҳар бир миллат ва қайсидир маънода ҳар қайси инсоннинг ҳаракати барчамизнинг тақдиримизга таъсир кўрсатиши ҳеч гап эмас”.

Кейинги вақтларда ривожланган мамлакатлардаги илмий-техник тараққиётнинг экологик талабларга уйғунлашиб бораётгани экологларда умид уйғотмоқда. Америкалик йирик олим Арни Нисс фанга "Радикал экологизм" тушунчасини киритиб, 2101 йилгача инсоннинг табиатни муҳофаза қилиш қобилияти бир поғонага кўтарилди, деган хулосага келган. Унингча, "Радикал экологизм" табиатни муҳофаза қилиш муаммосини ҳал қилибгина қолмасдан, балки тинчлик ва ижтимоий ҳақчил меъёрларни ҳам таъминлаб туради. Шунинг учун у одамларнинг батамом умидсизликка тушишига асос йўқ, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, Майкл Сеуле томонидан "Биологик консервация" назарияси ишлаб чиқилган. Олим ўз қарашларида ахлоқий меъёрларни экологиянинг сўнги кашфиётлари билан боғлашга ҳаракат қилади. Кейинчалик бу назарияни Мич Фридман янада ривожлантириб, фанга "экосистема консервацияси" тушунчасини киритган. Дэвид

Бровер ер юзининг 10 фоиздан кам бўлмаган майдонидаги боқира табиатни "консервация" қилиб, "бошқача" ҳаёт ташкил этишни, Эген Адам эса янада қатъийроқ чора-тадбирлар қўллаш, яъни саноат ҳудудлари кенгайиши ва урбанизация жараёнини чеклашни тақлиф қилиб чиққан эди.

Шубҳасизки, Фарб олимларининг экологик муаммолар ҳақидаги назарий-методологик қарашларини Ўзбекистон учун тайёр қолип сифатида қабул қилиб бўлмайди. Чунки, мамлакатимиз ва минтақамиздаги экологик муаммолар ўзига хос жиҳатлари билан дунёнинг бошқа жойларидаги муаммолардан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам юртимизда бу борада ўзига хос ёндашув мавжуд. Унинг илмий асослари Президент Ислон Каримов асарларида атрофлича ёритиб берилган.

Дағар РАСУЛОВ,

*Тошкент Автомобиль йўллари
институту доценти*

Nutqdagi ta'birлар

Ибтидоий даврлардаёқ мархумлар руҳи тирикларни (ёмон кўриб юрганларини) таъқиб қилади, баъзан ўлимига ҳам сабаб бўлади ёки (яҳши кўрганларини) ёнига чақиради, олиб кетади, деб тушуниладиган. Бундай анимистик қараш ҳозир ҳам айрим чорвадор тоғ қишлоқларида мавжуд. Агар касал одам соғаявермаса, удум ёки фолбин таъбирига кўра, гумон қилинган мархум руҳига атаб "ис" чиқарилади, чий (қамиш)га ёғлиқ пахта ўралиб ёндирилади (бу "чирок ёқиш" дейилади) ёки мархум шакли хамирдан (кўғирчоққа ўхшатиб) ясалиб, иссиқ ёққа солинади (бу "ёрак" — ёр, йўлдош маъносини англатади). Агар ёқилган чирок эгилиб, буралиб ёнса ёки "ёрак" ёрилса, мархум руҳи беморга қасд қилган, деган хулосага келинади. Мана шу удум билан боғлиқ чорвадорлар нутқида тугибди, ушлабди, чақирибди, тортибди, қайишибди каби таъбирловчи иборалар қўлланади. Улар илмий тилда прогнозтик эвфемалар деб аталади.

Кўпгина соҳалар, хусусан, чорвачилик ва деҳқончиликда фойда ёки зарар кўриш табиий ҳодисалар, чунончи, йил фаслларининг қандай келишига боғлиқ. Шу сабаб чорва-

дор ёки деҳқон табиий ҳодисаларни, уларнинг инсон ҳаётига ижобий ёки салбий таъсирини кузатиб муайян бир хулосаларга келган. Масалан, "бу йил сағом (чангли туман) кўп тушяпти" (одатда у ёзда, кузда тушади) деган гап "қиш қаттиқ келади (илгари тоғларда қиш 5-6 ой чўзилган), кўп ем-хашак гамлаш керак, акс ҳолда чорва қирилиб кетади", тушунчаларининг прогнозтик эвфемасидир. "Хазон дарахтнинг бошидан бошланибди", дейилса, қиш вақтли тушишига ёки қаттиқ келишига; "хазон дарахтнинг пастидан бошланибди", дейилса, қиш кечкиби ёки юмшоқ келишига ишорадир.

Фаслларнинг қандай келиши, умуман, воқеа-ҳодисаларнинг қандай юз беришини таъбир, яъни прогноз қилишда бутун борлиқ ва ундаги барча ҳодисаларнинг (шамол, булут, чақмоқ, наботот, осмон ва сайёралар) ҳаракати, хусусиятлари ҳисобга олинади.

Биргина қор ёки ёмғир ёғади тушунчасига нисбатан чорвадор нутқида "Қибла (Фарб)дан шамол турди" (маъноси: кучли ёмғир ёғади); "Тарози (юлдузлар туркуми) тугса, чўлга қоч, ярқировиқ тугса, тоғдан қоч" (маъноси: совуқ бошланди, совуқ янада ку-

чаяди); “туя эгиз туғибди (маъноси: қиш қаттиқ келади); “осмонни қора булут қоплади”; “булутлар югуришяпти”; “осмонда сувли булутлар пайдо бўлди”; “булутлар Шарққа юряпти”; “тоғ бошини туман қоплади”; момақалдироқ бўляпти; чақмоқ чакяпти; қарғалар, қалдирғочлар пастлаб учяпти; қарғалар қағилляпти; какликлар сайрашяпти; чумчуқлар чугурлашяпти; чумоли инидан чиқяпти; ой ёки кун қўтонлабди (гардиш ясаяпти); ой қўтонласа — ойда, кун қўтонласа — кунда ёғади каби ўнлаб прогностик эвфемалар қўлланилади.

“Қор, ёмғир тўхтайти” тушунчаси эса кўёш қизариб ботди; осмон куйди; қибла қизарди; шамол тоғ (Шарқ)дан эсяпти каби прогностик эвфемалар орқали изоҳланади.

Бойчечак чиқибди; далалар кўклабди; кўйнинг оғзи кўкка тегибди; бодом гуллабди; турналар ўтяпти; мусичалар кукулашяпти; пишаклар мов бўлибди; музлар эрий бошлабди каби гаплар — баҳор; жизиллавуқ (саратон) чиқибди; жизиллавуқ жизилляпти; арпа, буғдойга ўроқ тушибди, ўрик сарғайяпти; буғдой думбул бўлибди сингари иборалар — ёз; дарахтлар хазон бўляпти; дарахт барглари олтиндай товланади; турналар қайтяпти; саратон сарғайди; сунбул болалади; мезонлар арғамчи солди; яккахон бедана жуфтини чорлаб битбилдади каби

иборалар — куз келди тушунчасининг прогностик эвфемасидир.

“Ғажир айланяпти, ғажир ташланяпти, ғажир кўняпти” сингари иборалар бирор мол ўлиб қолиб кетганни ёки молдан бўри олганини (йўқолган мол шу белги орқали топилади); “кушлар (хусусан ҳакка) тўда-тўда бўлиб “шах-шах”лашяпти” ибораси эса бирор йиртқич ёки илон борлигини; “итлар безовта, пишаклар жонсарак” деган ибора зилзила бўлишидан далолат беради.

“Кўйнинг тумшуғи оқарибди” ибораси унинг қарилигига; “қулоғи тушибди” ёки “кавш қайтармаяпти” иборалари унинг касал экани ёки ўлимига ишора.

Прогностик-эвфемик воситаларда туш таъбири ҳам кенг қўлланади. Тушни таъбирлаш инсон онгига ё кучли ижобий (аустрес), ё салбий (дистрес) таъсир қилади. Бу жараёнлар ҳам тоғ чорвадорлари ва уларнинг таъбирчилари нутқида ўзига хос тарзда эвфемалаштирилган. Чунончи, тушда туя ҳужум қилса, бирор авлиё мазорини йўқланг; отонаси ўлса, умри узоқ бўлади тарзида эвфемик таъбирланади.

Умуман, прогностик ва прагматик илм келажақда ҳар хил ёндашувларда тадқиқ қилиниши керак.

Анвар ОМОНТУРДИЕВ,

филология фанлари номзоди

Haqiqatni anglatgan izlanish

Жамият ҳаётини диний муносабатлардан айри тасаввур этиб бўлмайди. Лекин диний эътиқодга турли даврларда турлича муносабатда бўлингани ҳам аён. Ўзбекистон мусулмонларининг шўролар замонидagi хорижий алоқаларини шу нуқтаи назардан ўрганиш, айниқса, муҳим хулосаларга олиб келади, бугунги мустақилликнинг, миллий истиқлол ғоясининг моҳиятини теранроқ англаш имконини беради.

Маълумки, 1943 йили Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари диний назорати идораси ташкил қилинган. Чет эл мусулмон ташкилотлари билан дастлабки алоқалар 1944-46 йилларда йўлга қўйилган. Ўшанда муфтий Абдумажидхон Эшон ибн Бобоҳон, муфтий ўринбосари Зиёвуддин Бобоҳонов раҳбар-

лигида санокли мусулмонлар Эрон, Ироқ, Ливан, Миср орқали ҳаж сафарига борган.

Ўтган асрнинг 50-йиллари аввалида Ўзбекистон мусулмонлари ҳаёти билан танишиш учун чет эллардан кўплаб меҳмонлар келган. Улар собиқ Иттифоқ мусулмонларида яхши тасаввур қолдиришга ҳаракат қилишган.

СССР Диний ишлар бўйича кенгаш раиси И.Полянскийнинг 1956 йил 1 мартда Ўзбекистон Диний ишлар бўйича кенгаш вакили Искандаровга ёзган махфий хатида чет эл делегациялари таркибида Совет Иттифоқига хайрхоҳ кайфиятдагилар билан бир қаторда мамлакатга душманларча муносабатда бўлувчилар ҳам борлиги, улар билан муносабатда эҳтиёт бўлиш зарурлиги ўқтирилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон Министрлар Совети қошидаги Диний ишлар бўйича кенгаш вакили Искандаров 1956 йил 9 мартда СССР Диний ишлар кенгаши раиси И.Полянскийга мусулмон диний ташкилотлари ишини яхшилашга доир тadbирлар режасини юборган. СССР Диний ишлар кенгаши 1956 йил 24 мартда қуйидаги жавобни йўллаган: “Режада СССРда эътиқод эркинлигининг борлиги, мусулмонлар диний эътиқодини эркин бажариши мумкинлигини чет мамлакатларга ташвиқот қилишни кучайтиришга эътибор қаратилган. Лекин маълумки, амалий ишлар қилинмаса, куруқ ташвиқотдан фойда бўлмайди. Халқаро муносабатлар кенгайиб бораётган ва чет элликлар мамлакат ҳудудида бемалол сафар қилиб юриш имконига эга бўлган ҳозирги даврда Совинформбюро, матбуот, радио ва шу қабилар орқали қилинаётган ташвиқот амалий иш билан мустаҳкамланмаса, охир-оқибатда салбий натижа бериши мумкин...”

Шундан келиб чиқиб, жиддий тadbир ишлаб чиқишингиз керак. Чунончи, чет элликлар борадиган жойларда давлат манфаатини кўзлаб масжид очиш, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратининг Тошкентда мадраса очиш тўғрисидаги илтимосини ҳал қилиш, диндорларга фарзандларини декрет доирасида ўз хоҳиши бўйича диний эътиқод асосларини ўқитиш имкониятини бериш, мадраса ўқувчилари таркибини тубдан яхшилаш режасини ишлаб чиқиш зарур”.

Бу кўрсатмалар амалга ошди. Чет эллик делегацияларга намойиш қилиш учун Тошкентда 1956 йил 1 ноябрда “Бароқхон” мадрасаси очилди. Айрим масжидлар фаолиятига рухсат берилди. Чет эллик меҳмонларга кўрсатиладиган объектлар, масжидлар, исломий тарихий ёдгорликлар рўйхати тузилган ва улар диний ташкилотлар томонидан тикланган, таъмирланган. Бошқа диний ташкилотлар — масжидлар эса эски ҳолича қолдирилган. Совет органлари, аслида мусулмон диний ташкилотлари фаолиятини, диний эътиқодини чеклашга ҳаракат қилган бўлса ҳам, чет эллик меҳмонларга кўзбўямачилик қилиб, Ўзбекистон ва бошқа республикалар мусулмонлари диний маросимларни эркин бажаради, масжидларда намоз ўқийди, мадрасаларда руҳоний кадрлар тайёрланмоқда, исломий тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, аҳолига зиёрат қилиши учун очиб қўйилган, деган мақсадда кўрсатган. Уларда мусулмон динининг ҳолати ҳақида яхши таассурот қолдиришга интилган.

Ўтган асрнинг 60-йилларигача Диний назорат идорасининг таклифи билан айрим мусулмон делегациялари ва дин арбоблари Ўзбекистонга келган. Дастлабки мусулмон делегацияси Албаниядан ташриф буюрган. Кейинчалик Покистондан “Мусулмон жамияти” раиси Мавлоно ал-Бадаюнӣ ал-Қодирӣ раҳбарлигида мусулмон делегацияси, Суданнинг таниқли арбоби, ташқи ишлар вазири Али Абдурахмон, Суриянинг мусулмон делегацияси бош муфтийси, доктор Абу Юсер Обидин келгани маълум.

Ўз навбатида юртимиз дин арбоблари ҳам айрим Шарқ, араб давлатларида бўлган. Жумладан, Зиёвуддин Бобохонов 1958 йили Мисрнинг Қоҳира шаҳрида Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги қўмитаси конференциясида иштирок этган.

1961 йили Диний назорат идорасининг чет эллар билан алоқалар бўлими ташкил этилганидан кейин халқаро алоқалар бирмунча кенгайган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний назорати идорасининг 1973 йил 30 ноябрдаги маълумотномасида араб халқларининг империалистлар тажовузига қарши адолатли курашини қўллаб-қувватлашга бағишланган СССР мусулмонлари конференциясида араб давлатлари делегациялари иштироки ҳақида батафсил хабар берилган. 1973 йил 13-14 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда тўртта Диний назорат идорасининг 40 нафар вакилидан ташқари, 8 араб мамлакатидан 17 нафар вакил қатнашган.

1961-76 йилларда Жазоир, Ливия, Яман Араб Республикаси, Того, Мали, Юқори Вольта, Уганда, Намбия, Хиндистон, Покистон, Филиппин, Малайзия, Бангладеш, Эрон, Афғонистон, Сомали, Судан, Гвиана, Маврикия, Франция, Югославия, Болгария, Польша, Гана, Шри-Ланка, Сенегал, Мавритания каби мамлакатлар делегациялари мусулмонлар ҳаёти билан танишиш учун юртимизга ташриф буюрган.

Юртимиз дин арбобларининг халқаро конференцияларда қатнашуви ҳам чет эл диний ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган. Чет эллар билан алоқалар бўлимининг 1976 йил 26 июлдаги маълумотномасида кўрсатилишича, муфтий Зиёвуддин Бобохонов 1961-76 йиллари 10 дан ортиқ халқаро конференцияларда иштирок этган. Айрим халқаро конференцияларда Диний назорат идораси раиси ўринбосари Абдулғани Абдуллаев, бўлим бошлиғи Юсуфхон Шокиров ва бошқа ходимлар қатнашган.

Собиқ Иттифоқда эътиқод эркинлиги мавжудлигини кўрсатиш мақсадида бир қанча халқаро анжуманлар ташкил қилинган. Жумладан, 1974 йил 20-23 августда Самарқанд шаҳрида буюк ислом олими ва мутафаккири Имом Бухорий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган юбилей конференцияси ўтказилган. Бундан совет ҳукумати манфаатдор эди. Бу тадбир собиқ Иттифоқнинг Шарқ мамлакатлари, жумладан, араб давлатлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин эди. Шунинг учун илгари қаровсиз ётган Имом Бухорий қабри ва масжиди таъмирланиб, ободонлаштирилган. Қисқа вақт ичида “Саҳиҳ ал-Бухорий” ва “Сулосиёти Бухорий” асарлари меҳмонларга тарқатиш учун нашр қилинди.

Конференцияга 25 мамлакатдан 57 нафар меҳмон келган. Ташкилотчилар социалистик жамиятда дин, жумладан, ислом дини мавжудлиги ва ривожланаётганини намойиш қилишга интилган. Диний назорат идораси шу каби конференция ва чет элликлар иштирокидаги бошқа тадбирларни ўтказиб турган.

Чет эл мусулмон ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантиришда диний адабиётлар, журнал нашр қилиш муҳим роль ўйнаши аниқ эди. Шунинг ҳисобга олиб, совет ҳукумати чет элларда тарқатиш учун айрим диний нашрлар чоп этишга рухсат берган. Диний назорат идораси босма нашрлари кўп бўлмаган: Қуръон, Ҳадис, хижрий-қамарий йил календарии,

“Тарихий ислом ёдгорликлари” альбомии, “Совет Шарқи мусулмонлари” журналии.

Совет ҳукумати мусулмонлар вакилларига ҳаж сафарига боришга чекланган даражада рухсат берган. Шўроларга қолса, мусулмонларнинг ҳажга боришига, бошқа диний маросимларни бажаришига йўл бермас эди. Лекин чет эллардаги рақобатчиларнинг СССР атеизмга асосланган давлат, у ерда дин тақиқланган, эътиқод эркинлигига йўл берилмайди каби даъволаридан қўтилиш, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида номигагина бир-икки киши ҳажга ўборилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, совет ҳукумати фақат ўз манфаатини ўйлаб Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати идорасининг чет эл мусулмон ташкилотлари билан алоқаларини кенгайтиришга ҳаракат қилган. Аслида Диний назоратга ҳеч қандай эркинлик берилган эмас. Манбалар, архив ҳужжатлари ҳам буни тасдиқлайди. Бошқа барча жабҳалар қатори дин соҳасида ҳам чинакам эркинлик мустақиллик шарофати билан рўёбга чиқди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати идорасининг халқаро алоқаларини ўрганиш миллий истиқлолнинг аҳамияти нечоғлиқ катта эканини англаш имконини бериши билан ҳам муҳимдир.

Расулжон ЮСУПОВ,

*Андижон Қишлоқ хўжалиги институти
тадқиқотчиси*

Taqdir siylovi

Соҳибқирон Амир Темур — Оллоҳ таолонинг иноятига сазовор бўлган буюк ҳукмдор. Жаҳонгирлик унга тақдири азалнинг тортиғи экани ҳақида кўплаб ривоятлар бор. Улардан бирида зикр этилишича, Тарағай Баҳодир кунлардан бирида фаройиб туш кўради. Тушида бир нуруний унинг қўлига қилич тутқазади. Тарағай Баҳодир эртасига бомдод намозидан кейин пири Шайх Шамсиддиндан бу туш таъбирини сўрайди. Шайх унга “Сен ўғил кўрасан, бу ўғлон дунёни забт этади”, дейди...

Чиндан ҳам, бу ўғил ноёб иқтидор соҳиб бўлиб камол топади.

Соҳибқирон Амир Темур табиатидаги фавқуллоҳда куч-қудратни нафақат ўлкамиз тадқиқотчи олимлари, балки Оврупо мамлакатлари тарихчилари ҳам илоҳий марҳамат билан боғлаб талқин этади. Буни Кастилия элчиси Рио Гонсалес де Клавихо хотираларида ҳам кузатиш мумкин.

Рус тарихчиси М.Иванин Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган тарихий ғалабаси хусусида фикр юритар экан, бундай ёзади: “...бу ислом ҳимоячиси, ...Муҳаммад пайгамбарни эъзозловчи бўлган зот... Россияни унинг (Тўхтамишнинг) зулмидан халос бўлишини... тезлаштирди”.

Ўзининг музаффар истиқболига катта умид ва ишонч билан қараган Соҳибқирон нафақат туғма баҳодирлиги ва жасорати билан, балки айни замонда Оллоҳга ва Қуръонга бўлган ишончу эътиқоди билан қудратли эди. Бу ҳол унинг ҳар қандай оғир ва қийин шароитларда ҳам тўғри тadbир белгилаши ва ундан чиқиб кетишини таъминлаган. Соҳибқироннинг ўзи “Тузуқлар”ида бундай ёзади: “Туронни забт этганимдан кейин, баъзи улусларнинг амирлари менга итоат-ла бош эгишни истамадилар... Қуръони мажиддан фол очсам, ушбу қутлуғ оят чиқди: “Инно жаалнока халифатан фил арз”, яъни, “Биз сени ер юзига халифа қилдик” (Сод сураси, 26-оят). Мен буни хайрлик ва муборак фоллар сирасига киритдим...” Темур ўсмирлик ёшидаёқ Қуръонни ёд билган. Уни уламо имтиҳон қилиб, қувваи хофизасига тасаннолар айтган.

“Тузуқлар”да қайд этилишича, Соҳибқирон ҳар гал муҳим бир иш бошлаш олдида Худодан мадад сўраган. Муборак Қуръони каримдан фол очиб, ўз ҳаракатлари оқибат

ти нимага олиб келишини башорат қилган. Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари чоғида, ҳатто фанимлари Илёсхўжа ва Жете ҳам унинг муваффақиятларидан таажжубланиб, “Темур ажаб эр киши экан, унга Тангрининг мадади етиб, бахту иқболи очилмиш” деб сўзлаган. Фанимларни ҳам ҳайратлантирган Соҳибқирон табиатидаги собитлик унга Тангрининг инояти эди.

Соҳибқирон бирор тadbир олдида ночор қолган пайтлари аксар ҳолларда қандай усул қўллаш лозимлиги тушида аён бўлган. Бу ҳақда “Тузуқлар”да куйидагиларни ўқиймиз: “Ярим уйку ва ярим уйғоклик орасида қулоғимга: “Темур, фатху зафар сенга ёр бўлади!” деган нидо эшитилди. Тонг отиб, ёруғ тушгач, намозни жамоат билан ўқидим”.

Кўриниб турибдики, улуғ Соҳибқирон бобомизнинг дунёни лол қолдириши бежиз бўлмаган. Бу улуғ сиймонинг ҳаёти бугунги авлодлар учун ҳам ибрат бўларлидир.

Зухра СОБИРОВА,

Тошкент Санъат институти талабаси

Nasafiyning xalqchil merosi

1637 йили Қаршида косиб оиласида туғилган Сайидо Насафий (Сайидо Миробид)нинг ёшлик йиллари она шахрида кечган. Умрининг кейинги даври Бухоро билан боғлиқ бўлиб, 1707 йили шу ерда вафот этади.

Сайидо Насафий яшаб ижод этган йиллар Аштархонийлар сулоласига мансуб Абдулазизхон (1645-1685) ва Субхонқулихон (1680-1702) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Мураккаб тарихий шароитда ҳаёт кечириб ижод этган Сайидо Насафий кўплаб қийинчиликларга қарамай, 18146 мисрадан зиёдроқ салмоқли адабий мерос қолдирган. У ғазал, рубоий, қитъа, маснавий, қасида каби жанрларда асарлар яратган.

Сайидо Насафий лирик турнинг деярли барча жанрларидаги асарларидан катта ҳажмдаги девон тузган, “Баҳориёт” (“Ҳайвонотнома”), “Шахрошуб” (“Шаҳар ҳунармандлари хусусида манзума”) каби асарлар яратган сермаҳсул шоир ва санъаткордир. Унинг кўплаб асарлари Ўрта Осиё, Туркия, Миср каби мамлакатларда чоп этилган.

“Убайдуллонома” асарининг муаллифи

Шермуҳаммад Амир Бухорий Сайидо Насафийни “Бухоро шоирларининг тахтига минган шахзода” деб таъриф қилган эди.

Ўша давр шоири ва адабиётшуноси Молеҳои Самарқандий ўзининг “Музаққир улаҳбоб” тазкирасида Сайидо Насафий ижодида куйидагича баҳо берган: “Ғазаллари — сўз усталарини ҳайратда қолдирган раъно янглиғ, мухаммаслари — сават тўла гуллар тождир. Шахрошублари сўз арбоблари эътиборини қозонган, қасидалари салмоқли, маснавийлари сирларга бой, қитъалари пандга сероб, мустазодлари қалбларни ром этувчи, мувашшаҳлари, муаммо, чистонлари дилписанд-нимаики ёзган бўлса, бари мумтоз ва олийқадрдир”.

Шоир ва аллома Сайидо Насафий ҳаёти ва адабий мероси масалалари Садриддин Айний, Воҳид Абдуллаев, Натан Маллаев, Фулом Каримов каби олимлар ва ижодкорлар томонидан ўрганилган. Лекин бу тадқиқотларда Сайидо Насафий бадиий ижодининг барча қирралари тўлиқ ёритилган, деб бўлмайди.

Сайидо Насафий косиб фарзанди бўлгани учун кўпроқ ўша давр хунармандлари аҳволи, машаққатли меҳнати ҳақида ёзган. Шоирнинг "Шахрошуб" асарида 212 хил хунар-косиб соҳиблари тараннум этилади. Масалан, шоир деҳқонга куйидаги сатрлари билан алоҳида эҳтиром кўрсатади.

*Ул гўзал деҳқон ерин бордим, супурдим
қайси кун,
Хотиримни жамъ айлаб, хирмонин янчдим
бутун.*

Сайидо Насафий меҳнат кишисини улуғлайди.

Сайидо маснавийларидан саккизтаси турли тоифадаги хунармандлар тавсифига бағишланган. "Хожа Мирзажон баққол таърифи", "Шустагар хожа Нурмуҳаммад таърифи", "Қассоб таърифи", "Нажжор таърифи" сингари асарлари шулар жумласидандир.

Бундай маснавийларда шоир оддий хунармандлар ҳаётини кўтаринки бир руҳда бадиий тасвирлайди, уларнинг жамият моддий неъматларини яратишдаги ўрни ва маънеини алоҳида таъриф этади, бу тоифанинг оғир ахволда ва мураккаб шароитда яшаётганини катта дард-ҳасрат билан баён қилади.

Сайидо Насафий асарларида чарчинфуруш, заргар, кулол, қандолатчи, тошдўз баққол, камонгар, саройбон, этикдўз, пахсачи, ошпаз, ҳаймадўз, тандирчи, танбурчи, совунпаз, кўхладуз, дукчи, курашчи, темирчи, му-

саввир, котиб, даллол сингари 212 хунар эгаси 2 байтдан 5 байтгача бўлган шеърый шаклларда таъриф ва тавсифланади, баъзан лутф билан енгил мутойиба қилинади, уларнинг моддий неъмат яратиш жараёнидаги руҳияти инкишоф этилади.

"Бундай хунармандлар ҳақидаги шеърлар, — деб ёзади профессор Ҳамиджон Ҳомидий — Марказий Осиё мумтоз адабиётида мутлақо ўзига хос ҳодисадир".

Сайидо Насафийнинг хунарманд ва деҳқонлар ҳақидаги асарлари халқчиллик руҳида экани билан алоҳида ажралиб туради.

Шоирнинг "Ҳайвонотнома" асари мажозий маънога эга бўлиб, уларда шер зўравонлик тимсоли бўлса, жафокаш ҷумолилар халқ рамзидир. Масалларда шер қанчалик кучли бўлмасин, ҷумолилар олдида ожиз экани ифодаланади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Сайидо Насафий газаллари, манзумалари мавзу доираси ва ғоявий йўналиши жиҳатидангина эмас, балки маърифий, тарихий ва этнографик нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга моликлиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, Сайидо Насафий адабиёт тарихида халқ ҳаёти ва турмуш мураккаблиklarини ифодалашда ўз даврининг тўғрисиўз ва ҳақгўй шоири сифатида алоҳида мавқега эга бўлган.

Ботир АЛИҚУЛОВ,

*Қарши Давлат университети
тадқиқотчиси*

Комиллик yo'lidagi kurash

Ақсарият ҳолларда "жиход" тушунчаси бир томонлама — куйфрга қарши жанг қилиш маъносига талқин этилади. Аслида бу тушунча моҳияти анча теран. Пайғамбаримизнинг ўзи жиходни катта ва кичикка бўлган. Оллоҳнинг расули душманга қарши урушни кичик жиход, инсоннинг ўз жисмоний ва маънавий баркамоллиги учун қатъий интилишини буюк жиход деб белгилаган. Кичик жиходда қатнашган мусулмон ғолиб бўлса — ғозий, ўлса — шаҳид бўлиб жаннатга тушиши таъкидланган. Катта жиход эса инсонни комиллик мақомига кўтаради.

Мозийда жиход иймон, эътиқод йўлида олиб борилган бўлса, бизнинг замонамизда бу сўзни ўзининг гаразли ниятларига ниқоб қилувчилар пайдо бўлди. Бундай кимсалар муқаддас ислом дини ва унинг эзгу тушунчаларидан террорчилик йўлида фойдаланаётир.

Муфассирлар Қуръони карим оятларини тафсир этар экан, жиходнинг иймон-эътиқод ва Ватан ҳимояси маъносини алоҳида таъкидлаган. Агар уруш қилишдан мақсад ўзгаларнинг осойишталигига раҳна етказиш, тинч аҳоли яшаётган заминни босиб олиш, мол-мулкни талаш бўлса, унинг жиходга

ҳеч қандай алоқаси йўқ деб тушуниланган. Шу маънода диний экстремизм ва террорчиликнинг жиҳодига мутлақо алоқаси йўқдир.

Ислом — шафқат ва марҳамат, эзгулик ва раҳмат дини. Шунинг учун куфрга қарши жиҳодда ҳам аёл ва болаларга, тинч аҳоли ҳамда асирларга шафқатли бўлиш буюрилган.

Ислом ҳуқуқшунослигида жиҳод олти ғуруҳга тасниф этилган: Оллоҳнинг душманлари ҳужумидан мусулмоннинг мудофааси, давлат чегараларининг дахлсизлигини бузган босқинчига, яъни агрессияга, диндан қайтганларга, ислом динини чеклашга, юрт қароқчиларига, жон солиғини тўламаганларга қарши жиҳод эълон қилиниши мумкин, деб ҳисобланган.

Олимлар жаҳон демографик ўсиши 2015 йили 10 миллиардни ташкил этиши, шундан 8 миллиард аҳоли мусулмон мамлакатлари ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаяпти. Бу ҳол ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий муаммоларнинг кескинлашиб боришини кўрсатади.

Диний экстремизм вакилларининг “жиҳод”и бу тушунчанинг асл моҳиятидан мутлақо узоқ бўлиб, юртимизни яна куллик-

ка солиш мақсадига қаратилган. Бу борадаги илмий изланиш натижаларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Демократия, инсон ҳуқуқи, эътиқод эркинлиги, ягона фуқаролик мақоми маънавий эркинликни кафолатлайди. Шу боис мусулмонларнинг ўз диний эътиқодларига кўра яшаши конституциявий асосда таъминланган.

2. Мусулмоннинг ўз диндошига, фарзанднинг ота-онага, оила аъзолари ва яқинларига адоватда бўлиши исломга мутлақо ёт ҳисобланади. Муқаддас динимизда боланинг ҳаттоки динсиз отани беҳурмат қилиши ҳам оғир гуноҳ экани таъкидланган.

3. Мусулмоннинг нафс қутқуларига қарши курашишини, эзгулик ва маърифатга, маънавий камолотга интилишини, пайғамбаримиз таъбири билан, катта жиҳод деб аташ мумкин. Ҳар бир мусулмон ўз давлатининг куч-қудратини ошириш, ёруғ келажак томон бориши учун тинмай изланиши ва меҳнат қилиши чинакам фидойилиқдир.

Абдурашид МИРЗААХМЕДОВ,

*Наманган Муҳандислик-педагогика
инститuti доценти*

Botiniy g'anim

Зоҳидларнинг энг асосий матлаби нафсдан қутулиш эди. Нафси амморани улар энг хавфли душман деб билган. Шу боис улар нафсни ўлдиришга, унинг қутқуларидан халос бўлишга ҳаракат қилган. Нафс эса бошқа инсонлар каби зоҳидларни ҳам қабоҳат гирдобига улоқтиради.

Нафсдан қутулиш учун зоҳидлар барча имкониятлардан фойдаланган. Уларнинг нафсга қарши кураш ҳақидаги дастури пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг қуйидаги ҳадисига мувофиқ бўлган: “Сенинг энг ашаддий душманинг нафсингдир”.

Ал-Жуллобий бу табаррук сўзлардан илҳомланиб XI асрда нафс хусусида ўзининг қуйидаги хулосасини таъкидлаб ўтади: “Нафс қутқусини енгилдан тоғни тирноқ билан тешиш одамзодга осонроқ. Нафснинг энг яққол намоён бўладиган сифатларидан бири бу — шаҳватдир”. Зоҳидлар шаҳвоний нафсни ҳайвоний нафс деб лаънатлаган. Улар шаҳватдан юз ўгирган ва имкони бо-

рича унинг зарарини ошқор этган, уни диндиёнат, комиллик, ўзликни англаш, озод ва эркин инсон бўлиш, ҳалоллигу поклик, саломатликнинг кушандаси деб билган.

Чунончи, шайх Абулҳасан Сарий Сақатий (868 милодий йил вафот этган) бундай деган: “Динидан шаҳвати олдинроқ юрган инсон комил бўла олмайди”. Боязид Бастомий эътирофича: “Шаҳвати билан суҳбатдош инсон ҳеч қачон ўзини танимади”. Шайх Аҳмад бин Хадравай (854 милодий йили вафот этган) фикрига кўра “Шаҳват изидан бориш қулликнинг энг тубан шаклидир”. Шу боис нафси амморанинг биринчи кўриниши шаҳват билан курашиб, уни енгил, инсоннинг улуг бахти ва иқболи деб тушуниланган. XI асрда яшаган тасаввуф тадқиқотчиси Ал-Жуллобий “Кашф ул-маҳжуб”нинг “Ат-тазвив ват-тажрид” (“Жуфтлик ва танҳолик”) бобида ёлғизлик фазилатини алоҳида таъкидлаган. Шаҳватни қоралаб, ундан қутулиш йўлини кўрсатган: “Танҳолик фазилатининг шар-

ти улдурки, ношоисталикдан кўз юмсанг, кўришга нолойиқ нарсаларни кўрмасанг, нописанд фикрларни ўйламасанг ва шаҳват оловини очлик билан ўчирсанг. Булар сени рухоният томон етаклайдиган воситалардир”.

Ал-Жуллобий Саҳл Тустарий таржимаи ҳолини баён этар экан, бундай ёзади: “Нафс ёмонлик (шарр) манбаидир. Нафсга қаршилик кўрсатиш барча ибодатларнинг боши, аммо унга мувофақат қилиш (у билан келишиш) банданинг ҳалокатидир”. Зоҳидлар наздида нафс шундай бир ялмоғиз аъжуба эди. У зоҳидни ҳалокатга олиб бориши мумкин. Қаттиқ эҳтиёткорлик ва собитқадамлик натижасидагина уни енгиш имкони пайдо бўлади.

Бойлик орттириш, ҳарислик, ҳасислик, мансабпарастлик нафс кутқуси бўлиб, инсонни тубанликка етаклайди. Еб-ичишга, маишатга меҳр қўйиш эса ҳайвон даражасига олиб тушади.

Айтишларича, Саҳл Тустарий ҳар ўн беш кунда бир бор таом истеъмол қилар, бу билан нафсни енгишга интиларди. Натижада у озгина егулик билан жуда узоқ умр кўрди.

Абусулаймон Дороний номли бошқа бир шайхнинг фикрича, “Нафс омонат жисм учун хиёнат ва ризо талаби учун монелик. Шу боис энг яхши аъмол унга қаршилик кўрсатишдир.

Шайх Абубакр Варроқ Термизий эса нафснинг галабасини шаҳват қўшничилигида деб билиб, ундан доимо узоқлашиб, нафсни жиловлашни тавсия этади.

Аммо шаҳватни енгиш муаммоси зоҳиднинг аёл зотига бўлган муносабатига алоқадор эмас. Зеро, тасаввуф таълимотида уйланиш, аҳли аёлли бўлиш, фарзандлар кўриш инкор этилмайди. Суфий хоҳласа ҳатто бир неча аёлга ҳам уйланиши мумкин эди.

Лекин айрим тасаввуф намояндлари никоҳга майл кўрсатмаган. Бунинг хос ҳолат эканини таъкидлаш керак. Чунончи, “Кашф ул-мажҳуб”да ёзилишича, “Аҳмад Ҳамمودий Сарахсийким, Мовароуннаҳр сафарига мен билан бирга ҳамроҳлик қилган эди, энг буюк эранлардан эди. Унга айтдилар: “Издивож (аёл билан никоҳ қилиш)га ҳожатинг борми?” Деди: “Мен ўз ҳаётимда ўзимдан ғойиб бўлганман”.

Бегона аёлга майл билдиришни зоҳидлар оғир гуноҳ санаган. Ҳатто кўнгилдаги рағбат учун ҳам тавбани лозим билган. Шайх Зуннун Мисрий тоғлар аро қилган саёҳатида бир зоҳид йигитни кўрадики, савмаасидаги ибодат учун қурилган кулбасидан бир оёғини ташқарига ва иккинчисини ичкарига қўйиб

ўтирган эди. Унинг ташқаридаги оёғи кесилган ва уни қуртлар еб ётибди. Бу мудҳиш манзарадан ажабланган Зуннун йигитдан аҳвол сўрайди. У дейди: “Бир куни савмаада ўтирган эдим, бир аёл ўз иши билан бу ердан ўтиб қолди. Кўнглим унга мойил бўлди ва хоҳладимки, унинг орқасидан қувлаб борсам. Бир оёғимни энди савмаа эшигидан ташқарига қўйдим, шу лаҳзада бир овоз эшитдим: “Уялмайсанми, шайтонга ибодат қиляпсан”. Ўзимга келдим ва ташқарига қўйган оёғимни кесиб, иккига бўлдим”.

Ҳаким Термизий ҳаётида юз берган куйидаги воқеа ҳам тасаввуф аҳлининг аёлларга муносабатини тушунишда алоҳида аҳамиятга эга. Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида ёзилишича, “Нақл қилурларки, йигитлигида бир соҳибжамол унга ошиқ бўлди. Шайх унинг илтифотини рад этди. Бир куни қиз хабар топдики, шайх боғ сайрига чиққан. У ўзига оро бериб боққа борди. Шайх буни кўриб қочди. Қиз унинг орқасидан қувлади. Шайх тўхтамади ва боғ бурчагидаги баланд деворга осилиб, ўзини кўчага ташлади”.

Шайх Юсуф Розий (917 милодий йил вафот этган) суфийлар учун аёл жинси (танаси) нима эканини бундай изоҳлайди: “суфийларнинг офати... аёллар билан яқинлашишда эканини тушундим”.

VIII асрда яшаган зоҳидлик маслагининг яна бир намояндаси Абумансур Говкулоҳ Сарахс вилоятдан ва маломатия оқимининг машҳур шайхларидан эди. Бир куни унинг ҳамроҳлари сафарга чиқиб кетади ва у танҳо қолади. Бир кишининг ҳовлисига кириб қудуқ қазийди. Сув чиқади. Кейин эса бошқасини қазиб, унинг тупроғи билан биринчи қудуқни тўлдирди бошлайди. Бир киши унга дейди: “Телба эмасмисан, бу беҳуда ишни нимага қиляпсан?” У бундай жавоб беради: “Нафсимни бир машғулот билан банд қилмасан, кўрқаманки, у мени бирон ноҳўя ҳаракатга бошлайди”.

Нафсни рад этиб, ундан қутулиш, албатта, осон иш эмас. Нафс айрим манбаларда жон сифатида таърифланади. Демак, нафсдан айрилиш, жондан жудо бўлишдай оғир. Шу боис нафс балосидан қутулиш кучли эътиқод ва матонатни талаб қилади. Шундай матонатли, эътиқодли шахслар кўпайса, жамият жиноятдек иллатдан фориғ бўлади. Инсонлар нафс кутқусига учиб, бир-бирини маҳв этмайди. Эзгулик тантана қилади.

Аҳмад АБДУЛЛАЕВ,

филология фанлари доктори, профессор




SUMMARY

Doctor of Philosophy Gulsara Shermatova's article entitled "Ideas aimed at development are a basis of spirituality" is dedicated to the economic and spiritual reforms that are being carried out in our society. It states that they are inspired and enhanced by ideas. According to the author, the human's world vision and mentality are the main factors in this process.

Aworry about the future or the globalization process" by political analyst Olim Toshboev is about a globalization issue that opened a new chapter in the human development process. The author specifies that along with positive outcomes of this agenda there are enough of unacceptable side effects it bears. These bones of contention are detected mainly on moral and mental issues. In such complicated circumstances it is vital to preserve national identity. In the article this problem is analyzed making use of a comparative method.

In a co-authored article by Professors Umarali Normatov and Nasimkhon Rahmon entitled "The fate of the tongue is that of the nation" the development history of the Uzbek literary language is scrutinized. Some philological problems are also discussed in the article.

Prof. Ibrohim Haqqul's "Who uses science as a tool of materialistic interests..." is about such issues as a scientist's social status, scientific loyalty, true science and scientific fraud. The topic is analyzed with historical and modern examples.



Old but still topical issues like humane qualities, infidelity, and the purpose of living are skillfully narrated in an interesting plot and tasteful approach in famous Abkhaz writer Fozil Iskandar's essay entitled "Barman Adghur". The piece brings to its reader aesthetic contentment and calls Man to think deeply about life.

"The secrets of fame" is an article by philosopher Chori Nasridinov that interestingly talks about original qualities of illustrious men. To the author, a completely new and original approach towards the physical matter is the main factor of fame. However, the phenomenon of fame is still considered to be unrevealed in science. The article deals with this issue.

In philosopher Gulnoza Ruzmatova's piece entitled "Freidism is a science of consciousness and unconsciousness" the scientific theory of Z.Freid, one of the founders of psychoanalysis, is researched. It shows the secrets of learning the human's spirituality.

Stories about Dzen teachings, one of the main directions of ancient Chinese philosophy, are published under the name "The voice of the truth". Dzen teachings help understand personal identity through meditation.




Literary scholar Farhod Hamroev's "Distancing mountains" is about the late Uzbek literary past master Ozod Sharafiddinov's life and scientific work. The article mainly narrates about his creativity, originality and skillfulness in literature.

Under the title "Why do I read books?" well-known journalist Ahmadjon Meliboev shares with his impressions about the books he read.

"Тафаккур" журналини "Шарқ зиёкори" китоблар марказининг Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги барча шахобчаларидан харид қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон (Тошкент): 136-55-08

Мавлоно мероси



Mavlono merosi

Tun 1735c

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нархда

ТАФАККУР

ТАФАККУР 1/2007

